

ХАЛҚАРО НОРДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Н.Н.ҚОДИРОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ**

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ – 2024

УЎК: 347.471
ББК: 60.027.1

Н.Н.Қодиров

Ўзбекистонда ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки. Монография. – Тошкент: DIMAL нашриёти, 2024. - 236 бет.

Ушбу монографияда Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамалакатимизда ёшлар ижтимоий фаоллиги давлат ва жамиятнинг эътиборидаги устувор вазифалар қаторида бўлган ҳолда яхлит ижтимоий-сиёсий тизим сифатида доимо такомиллашиб борганлиги илмий таҳлил этилган. Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш борасидаги масалалар муҳокама этилган ва уларни ҳал этиш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги амалий тавсия, услубий кўрсатма ва илмий хулосалардан давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолият йўналишлари, мақсадларини белгилаш, иш фаолиятини ташкил этишда, хусусан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, сиёсий партиялар қошидаги ёшлар қаноти, ёшлар ва бошқа ННТлари фаолиятини такомиллаштиришда, давлат ва ёшлар мулоқотини фуқаролик жамияти талаблари асосида олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Монографиядан профессор-ўқитувчилар, талабалар ва шу соҳага қизиқувчилар кенг фойдаланиши мумкин.

Такризчилар:

Ф.Очилдиев – Тарих фанлари доктори, профессор
Н.Лутфуллаева – Педагогика фанлари номзоди, доцент

ISBN-978-9910-8844-9-8

© Н.Н.Қодиров, 2024
© Халқаро Нордик университети, 2024.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	7
1.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривож ва генезиси.....	7
1.2. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг назарий асослари.....	33
II БОБ. ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ДАВЛАТ ОМИЛИНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ	51
2.1. Мустақиллик йилларида ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ривожланиши.....	51
2.2. Ислохотлар даврида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки.....	81
III БОБ. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИ	131
3.1. Сиёсий партиялар фаолиятининг ёшлар ижтимоий фаоллигига таъсири.....	131
3.2. Сиёсий партиялар қошида “Ёшлар қанотлари”нинг ташкил этилиши ва тадрижи.....	141
IV БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ	160
4.1. Маҳалла институти трансформацияси ва унинг ёшларни кўллаб-қувватлашдаги самарали амалиёти.....	160
4.2. Оммавий ахборот воситаларининг ёшлар ижтимоий фаоллигига объектив таъсири.....	179
4.3. Нодавлат ноижорат ташкилотларининг ёш хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги ўрни.....	193
ХУЛОСА	203
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	210

КИРИШ

Инсониятнинг ижтимоий тараққиётининг дастлабки даврида ҳам маълумот ва унинг алмашинуви, айниқса, кейинги авлодга тўла қонли етказилиши ҳамда янги етишиб келаётган авлод вакилларининг ушбу маълумотлар базасидан унумли фойдаланган ҳолда жамиятнинг кейинги тараққиётини таъминлашлари тарихан исботланган жараён дир. Узоқ тараққиёт даврида инсоният ва у яратган жамиятларда ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёни амалда ўзининг ижобий натижасини берувчи воқелик сифатида намоён бўлган. Бу қонуният инсонлар жамиятининг бугунги ривожланиш босқичида асосли равишда муҳим ва устувор мавқедаги жараён сифатида қаралмоқда.

Бироқ, ҳар бир тараққиёт босқичида вужудга келувчи янги тарихий шарт-шароитлар, инсонлар жамиятлари ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичларга кўтарилиши, тобора жамиятлар ҳаётига техника ва технологияларни кириб бориши, техноген таъсир инсонлар турмуш даражасини тўхтовсиз ва шиддат билан ўзгаришларга олиб келиши натижасида ижтимоий-маънавий, иқтисодий ва сиёсий қадриятларнинг ҳам ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Бу ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар ўз ўрнида шаклланаётган в янги авлод вакилларини ушбу ўзгаришларни ўз вақтида англаши, ўзлаштиришини талаб этиши ҳам барқарор тараққиётнинг муҳим бир қонунияти эканлиги айни ҳақиқат дир. Жамият тараққиёти тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда жамият аъзолари томонидан адолатли деб тан олинган фаолият шаклига эга бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ёш авлоднинг жамиятга ижтимоийлашуви, унда ўз ўрнини эгаллаши учун шарт-шароитларни яратилганлиги бугунги давр ривожланиш суръатининг муҳим таркибий қисми бўлиб улгурди. Шу нуқтаи назардан, ёшлар ижтимоий фаоллиги ва уни оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки масаласи фуқаролик жамиятини яратиш йўлидан бораётган мамлакатда шубҳасиз, муҳим ва устувор аҳамиятга эга дир. Зеро, “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”¹.

¹ Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар. Нашрга тайёрловчилар: О.Салимов, Қ.Қуронбоев, М.Бекмуродов, Л.Тангриев – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2019. – 83 бет.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки ҳамда уларнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини шаклланишининг долзарб муаммоларини ҳолисона тарихий жиҳатларини ўрганиш, унинг ривожланиш тенденцияларини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда ижтимоий аҳамиятини фактологик асослаш устувор илмий йўналишга айланди ва бу борада тарихчи олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқотларга амалга оширилди. Зеро, фуқаролик жамияти институтларининг ташкилий ҳуқуқий асосларининг шаклланишини ўрганишга доир сиёсий қарашлар тизимини илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ қилиш, уни амалий ҳаётга жорий этиш зарурати долзарб аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий фаолликни ижтимоий-сиёсий институтларнинг тизимли фаолияти натижасида ривожлантирилиши тарихан инсоният тараққиёти жараёнида исботланган. Айниқса, ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш ва бунда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки муҳим омил эканлиги ҳам амалда, тарихий тараққиёт жараёнида исботланган. Ривожланаётган ва яққол намоён бўлаётган демографик ўсиш хусусиятига эга бўлган жамиятлар, шу жумладан, Ўзбекистонда бу тенденция устуворлик аҳамияти эга табиий тараққиёт қонуниятидир.

Инсоннинг ижтимоий фаоллиги моҳиятан индивиднинг социаллашуви негизида туради, бинобарин, бу жараёнда у шахс сифатида таркиб топади. Ижтимоий фаоллик кенг тушунча бўлиб, у ҳар бир кишининг ҳаётдаги, турмушдаги тутган ўрни, ижтимоий воқелик, унда юз берадиган ўзгариш, янгиликларга муносабати, шунингдек унинг яратувчилик борасидаги иштироки кабилардаги фаоллигини англатади. Шахсда ижтимоий фаолликни шакллантириш ва тарбиялашнинг омилларини англаш эса тарих, педагогика, психология ва социология фанларининг вазифаларидан ҳисобланади. Бундан кўринадики, ижтимоий фаоллик бир вақтнинг ўзида ҳам фалсафий муаммодир. Дунёнинг постноклассик илмий манзараси шаклланаётган шароитларда “ижтимоий фаоллик” атамаси фалсафа, педагогика, социология, психология каби бир қатор ижтимоий-гуманитар фанларидаги тушунчалар тизимида мустаҳкам ўрин эгаллади. “Ижтимоий фаоллик” атамаси оммалашган бўлишига қарамай, ғоятда қарама-қарши талқин қилинади, илмий адабиётда бу атамани турли маъноларда тавсифлаш мавжуд. Бу “ижтимоий фаоллик”нинг шакл ва турлари, унинг

намоён бўлишининг ҳилма-хиллиги билан боғлиқ¹.

Ижтимоий фаоллик, унинг асослари бўлган ўзликни англаш ва ўз-ўзини бошқариш шахсининг ёшлик даврларидан шаклланади. Ёшларни ижтимоий фаоллик руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

меҳнат ва мулоқот жараёнида фаоллик кўрсатишга доир лаёқатларини ривожлантириш ва рағбатлантириш;

ижтимоий воқеликда юз берадиган воқеа, ҳодиса, янгилик ва ўзгаришларни тўғри англаш, тушуниш, мантикий хулоса чиқаришга ўргатиш;

ўзига берилган ҳар бир топшириқни масъулият, деб билган ҳолда уни сидқидилдан бажаришга интилишни шакллантириш.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичи ёшларнинг ижтимоий фаоллигисиз амалга ошмайди. Шу боис, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширилмоқда².

Ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш ва бунда асосий таянч механизм сифатида фуқаролик жамияти институтларига таянар эканмиз, аввало, шахс ва ижтимоий-сиёсий институтларнинг бевосита ҳамкорлиги тадрижини тарихийлик нуқтаи-назаридан ёритишимиз, кенг миқёсда улар ҳамкорлиги жараёнларининг ўсиш ва ривожланиш тенденцияларини намоён этувчи ҳамда ижобий тажрибалар, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш мақсадида илмий таҳлилларни амалга ошириш бугунги тарих фанининг устувор илмий муаммоларидан биридир.

¹ Холмирзаев Н.Н. Ижтимоий фаоллик ва унинг даражалари / Scientific progress, Volume 2 | Issue 1 | 2021. – 1545-1548 бетлар

² Ergashev U., Khakimov A. Environmental problems in the works of eastern thinkers / Ekonomika i sotsium, 2020 - elibrary.ru №-8. – стр. 30-32. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44059778>.

I БОБ. ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривож ва генезиси

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда турли фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим таркибий қисми ва шартларидан бири сифатида жадал юксалаётган нодавлат ноижорат ташкилотларини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

XXI асрда фуқаролик жамияти объектив ҳақиқатга айланди. Уни такомиллаштириш узоқ ва узлуксиз жараёндир. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг умумий ва ўзига хос қонуниятлари мавжуд. Фуқаролик жамияти ва давлат бир-бирини тўлдиради.

Фуқаролик жамияти – бу ахлоқий, диний, миллий, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатлар ва институтлар мажмуи бўлиб, улар орқали шахслар ва уларнинг гуруҳлари манфаатлари қондирилади. Бу ижтимоий, ижтимоий-маданий ва маънавий соҳаларнинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш, уларни кўпайтириш ва авлоддан-авлодга етказиш тизими, давлатдан мустақил бўлган фуқаролик институтлари ва муносабатлари тизими бўлиб, улар шахслар ва жамоаларнинг ўзини ўзи англаши, шахсий ҳаётни амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган. қизиқишлар ва эҳтиёжлар¹.

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонда «фуқаролик жамияти» атамаси қонун устувор бўлган ижтимоий макон сифатида баҳоланади. Инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари ҳимоя қилиниши таъминланади, шахснинг ривожланиши ва ўзини ўзи англаши учун қулай шарт-шароитлар яратилади; унда аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган мустақил ва барқарор институтлар фаолият олиб боради.

Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, муайян муаммолар ва қийинчиликлардан

¹ Новейшая история Узбекистана. Учебник для вузов Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2018. – С. 126.

мустасно эмас. Муваффақияти институционал омиллارга (давлатнинг фуқаролик жамияти институтларига нисбатан сиёсати, уларнинг фаолиятининг сифат кўрсаткичлари) ва у томонидан кўлланиладиган шахс ва шахсий ижтимоий амалиёт билан боғлиқ жиҳатларга (фуқароларнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси, уларнинг жамоат ишларига жалб этилиши) боғлиқ бўлган жараён.

Совет даврида мамлакатда турли хил жамоат ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларда фуқаролар фаол ижтимоий ҳаётга жалб қилинган, ижтимоий муаммолар ҳал қилинган, ёш авлодни ижтимоийлаштириш жараёни амалга оширилган. Улар фаолиятининг ижобий тажрибаси замонавий фуқаролик жамиятини куриш нуқтаи назаридан ижобий омил сифатида баҳоланса-да, ушбу жамоат ташкилотлари тармоғи, аслида, давлат бошқаруви тизимига кўшимча ва кўмакчи бўлганлиги, уларда фуқароларнинг иштироки кўпинча расмий эътибор қаратиш лозим¹.

Фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши ва ривожини 1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлига ўтиши билан бошланди. Бу борада асосий мақсад этиб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлат куриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш белгиланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этишнинг зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник асослари яратилди. 2018 йилга қадар фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 250 дан ортиқ қонун ҳужжатлари (20 дан ортиқ қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60 та фармони ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 180 та қарори) қабул қилинди².

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш йўли, аслида мазмуни ва аҳамиятини кўйидаги тўрт босқичга³ ажратиш мумкин:

¹ Махмудова А.Н. Особенности формирования гражданского общества в Узбекистане. /"Science and Education" Scientific Journal, January 2023, Volume 4 Issue. – Б. 766-776.

² Аналитический Доклад. «Состояние «третьего сектора» в Узбекистане: реалии и перспективы развития». – Ташкент; 2018. – с. 5.

³ Салихов Э. Этапы становления и развития институтов гражданского общества в Узбекистане. Этапы становления и развития институтов гражданского общества в Узбекистане — Turkish Forum (turkishnews.com). (мурожаат қилинган сана – 22.09.2023).

Биринчи босқич, 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган йилларни ўз ичига олиб, бу даврда устувор ислохотлар, ўтиш давридаги ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятининг турли институтларини яратиш ва фаолият юритишнинг Қонунчилик асосларини шакллантириш босқичидир. Мазкур босқичда қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар кетма-кетликда фуқаролик жамиятини яратилиши тенденциясини ўзида акс эттириб боради.

Дастлаб 1991 йилда мамлакат Конституцияси қабул қилинишидан олдин «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»¹ги қонун ишлаб чиқилиб, унинг қабул қилиниши билан фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган жамоат ташкилотларини фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилди. Кейинчалик бу қонун асосида фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари 1992 йилда Конституцияни ишлаб чиқишда “жамоат бирлашмалари” тушунчаси тарзда акс эттирилди.

Албатта, 1992 йилда Ўзбекистоннинг асосий қонуни – Конституциянинг қабул қилиниши ва унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари энг олий қадрият деб эълон қилиниши билан том маънода фуқаролик жамияти барпо этилишига мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Конституцияда фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида “давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ҳаётида иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади”, деб таъкидланди. Бу эса ушбу турдаги ташкилотлар фаолиятини кафолатлигини аниқлатади. Ундан ташқари, Конституцияда оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва цензурани тақиқлаш ҳам мустаҳкамланган эди.

1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ташкил этилиши ва фаолият юритиши

¹ “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.02.1991 йилдаги 223-ХП-сон. 223-ХП-сон 15.02.1991. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида (lex.uz).

юзасидан дастлабки соҳавий меъёрий ҳужжат бўлди. Мазкур юридик ҳужжат асосида ННТлар фаолияти шакллантирилди.

1991-2000 йилларда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишини тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида» (1992), «Сиёсий партиялар тўғрисида» (1996), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997), «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1997), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» (1999)ги қонунлардир.

Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига кучли туртки берди. Ҳуқуқий асос ва фаолият олиб боришнинг муҳим жиҳатларини қонуний асосда йўлга қўйилиши натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти мувофиқлашуви ҳамда қўллаб-қувватлаш механизмлари амалий тус олди. Бу эса ўз урнида мазкур турдаги ташкилотлар сонининг тобора ошиб бориши ва уларнинг аҳоли турмушини яхшилашдаги иштироки салмоғи ошиб борди. Шундай қилиб, агар 1991 йил 1 январда республикада атиги 95 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, 2000 йил 1 январда уларнинг сони 2585 донага етди. Улар орасида аҳолининг турли қатламлари томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган Маҳалла, Нуруний, Соғлом авлод учун, Экосан, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқалар бор эди¹.

1991 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда 291 та оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган бўлса, 2000 йил 1 январ ҳолатига кўра уларнинг сони 562 тага етди. Шу билан бирга, ўша даврдаги нодавлат оммавий ахборот воситаларининг умумий ҳажмдаги улуши 23 фоизга етди².

Сиёсий партиялар фаолиятига келсак, эски бир партиявий тизим қулаганидан сўнг фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий қарашларининг акси сифатида шаклланиб борди. 2000 йил 1 январда

¹ Бугунжаҳон нодавлат нотижорат ташкилотлари қуни муносабати билан ННТлар тақдирланди (ngo.uz). (мурожаат қилинган сана – 10.03.2024).

² Сабирова Л. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва уларнинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни (1991-2005 йиллар). Т.ф.н....дисс. – Т.: 2010. – Б. 54.

мустақил Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтган тўртта сиёсий партия мавжуд бўлиб, уларнинг вакиллари миллий сайлов натижаларига кўра Миллий парламентда ўз ўрнига эга бўлди.

1993 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги Қонун ва унинг 1999 йилда такомиллаштирилган наشري¹нинг қабул қилиниши Ўзбекистонда табиий равишда шаклланган ва анъанавий ўзини ўзи бошқариш институти–маҳаллани мустақкамлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Яъни, маҳалланинг халқ томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватландиган, одамларнинг ҳаётий ва долзарб муаммоларини ҳал этишга қодир самарали ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги фаолияти махсус қабул қилинган қонун билан қўллаб-қувватланди.

1991-1995 йиллар давомида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институларининг фаолияти доираси кенгайиб борди. Ушбу даврда ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари қаторига “Тадбиркор аёл «Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси (ташкилотнинг ваколатхоналари Тошкент ва республиканинг барча вилоятларида фаолият юритади), Болалар шифокорлари уюшмаси (Бухоро), «Перзент» (Нукус), Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси (Тошкент), Аёллар ресурс маркази (Тошкент) ва бошқалар²ни киритиш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар яратилишини қўллаб-қувватланди. Хотин-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-Қизлар кўмитаси ташкил этилди. Болалар саломатлиги масалалари бўйича “Соғлом авлод учун” халқаро нодавлат хайрия жамғармаси иш олиб борди; «Экосан» халқаро экологик жамғармаси экологик муаммоларни кўриб чиқишда фаол бўлди. Маҳалла фонди жамоатчилик даражасида, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича иш олиб борди³.

Иккинчи босқич, 2000 йилдан 2010 йилгача, мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ишлашини таъминлаш жараёнлари

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 758-И-сон. 758-И-сон 14.04.1999. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (lex.uz).

² Краткий обзор гражданского общества. Узбекистан. Постоянное представительство АБР в Узбекистане. Инвентарный номер публикации: ARM114079, Ноябрь 2011 года. [краткий обзор гражданского общества: узбекистан \(adb.org\)](http://www.adb.org). (мурожаат қилинган сана – 22.09.2023).

³ Краткий обзор гражданского общества. Узбекистан. Постоянное представительство АБР в Узбекистане. Инвентарный номер публикации: ARM114079, Ноябрь 2011 года. [краткий обзор гражданского общества: узбекистан \(adb.org\)](http://www.adb.org). (мурожаат қилинган сана – 22.09.2023).

билан тавсифланади. Ислоҳотларнинг ушбу босқичининг асосий вазифаси ўтиш даври ва миллий давлатчиликни шакллантириш шароитида объектив зарур бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтиш учун тўлақонли шарт-шароитлар яратиш даври бўлди.

Ушбу даврда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг фаолияти кафолатларини таъминлаш, энг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишда уларнинг саъй-ҳаракатлари ва ресурсларини бирлаштиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва жамоат ташаббуслари амалга оширилди.

2004 йилда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»¹ ги Қонуннинг қабул қилиниши, унга мувофиқ мавжуд ички манбалар ва давлат маблағлари ҳисобидан сиёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштиришнинг миллий тизими шакллантирилди. Сиёсий партиялар фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг ташкилий салоҳияти ва моддий-молиявий аҳволини мустаҳкамланди.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини ошириш тўғрисида”² ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши ҳам Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантиришда муҳим қонуний асос бўлди. Ушбу ташаббусларнинг 2009 йилда амалга оширилиши натижасида нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган депутатлар сайловида ҳам партиялараро кураш ва рақобат кузатилди.

Бу даврда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида», «Давлат маблағлари тўғрисида» (2003), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»³ қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони фуқароларнинг долзарб

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” ги қонуни 617-II-сонли Қонуни. [617-II-сон 30.04.2004. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида \(lex.uz\).](#)

² Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” ги ЎРҚ-88-сон Конституциявий Қонуни. [ЎРҚ-88-сон 11.04.2007. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида \(lex.uz\).](#)

³ Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ЎРҚ-76-сонли Қонуни. [ЎРҚ-76-сон 03.01.2007. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида \(lex.uz\).](#)

ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги қаби муҳим меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

2005 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда 400 дан ортиқ жамоат ташкилотлари бўлган Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлар (ННТ) Миллий ассоциацияси ташкил этилди². Бугунги кунга қадар ассоциация ўз аъзоларини ташкилий, молиявий ва моддий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратди ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда ННТларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш устида иш олиб борилди.

Уюшманинг асосий мақсадлари қаторида ихтиёрий равишда аъзо бўлган нодавлат ноижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, демократик кадриятларни мустаҳкамлашдаги иштирокини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётдаги фаоллигини, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрнини янада кенгайтириш қаби масалалар турарди³.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисининг «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори⁴

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июндаги “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли Қарори. ПҚ-107-сон 23.06.2005. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

² Постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по оказанию содействия развитию институтов гражданского общества в Узбекистане”, от 23.06.2005 г. № ПП-107. ПП-107-сон 23.06.2005. О мерах по оказанию содействия развитию институтов гражданского общества в Узбекистане (lex.uz). Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ҳақида қисқача маълумот (ngo.uz).

³ Ўзбекистон ННТМА таъсис конференцияси материаллари. 2005 йилнинг 10 июни. ННТМанинг ташкилий тузилмаси ва вазифалари // “Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси” нинг жорий архиви. – Б. 3; Жуманиязов Б.О. Ўзбекистонда мустақиллик даврида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. – Нукус, 2022. – Б. 18-19.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 3 июлдаги “Нодавлат ноижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори. 842-І-сон. 842-І-сон 03.07.2008. Нодавлат ноижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг навбатдаги босқичи бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Олий қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис ҳузурида жамоат фонди, шунингдек, мазкур жамғарма маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ташкил этилди. Мазкур фонд 2008-2013 йиллар давомида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг турли ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 28 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Парламент комиссиясининг қарорига биноан ушбу маблағлар грант танловларини ўтказиш, субсидиялар ажратиш ва ижтимоий буюртмалар бериш орқали фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга сарфланди¹.

Фуқаролик жамияти институтлари ривожини билан биргаликда аҳоли орасида янги дунёқараш ва фуқаролик ҳамкорлиги тушунчалари ўсиб борди. Атроф-муҳит, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш масалаларига оид қонунлар ва давлат қарорлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида 2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган яна бир жамоат ташкилоти сифатида ўз фаолиятини бошлади.

Ушбу ҳаракат олдида турган вазифаларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, 2008 йилда Республика қонунчилигига экологик ҳаракатдан парламент қўйи палатасининг 15 депутатини сайлашни назарда тутувчи тартиб жорий этилди².

Мазкур даврда нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва уларнинг ахборот соҳасини демократлаштириш бўйича салмоқли ишлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва инсон ресурсларини мустаҳкамлаш

¹ Носиров Р.А., Темирова С.В. Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши / Uzbek Scholar Journal Volume- 12, Jan., 2023 www.uzbekscholar.com. – 57-65 бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-194-сонли Қонуни. ЎРҚ-194-сон 25.12.2008. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (lex.uz).

мақсадида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситаларини бирлаштирган электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистоннинг мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилди¹. Эндиликда Парламент қарори билан республикада фаолият кўрсатаётган ННТлар давлат бюджетидан қўллаб-қувватлана бошланди.

2010 йилга келиб кенг қамровли ислохотлар ва ҳукуматнинг қўллаб-қувватлови натижасида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда эди. Хусусан, бу борада хорижий инвесторлар иштироки ҳам кузатилади. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлар ННТ иштирокида турли хил кичик грант дастурларини амалга оширдилар. Биргина Жаҳон банки кичик грантлар дастури доирасида ҳар йили 35,000 АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилган. Халқаро Молия корпорацияси бизнес тайёрлаш учун кичик грантлар лойиҳаларини амалга оширди. Ундан ташқари, ЕХХТ ННТлар билан биргаликда соҳа ривожига йўналтирилган ҳамкорлик дастурларни амалга оширдилар. Босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистларга грантлар ажратди, аҳолининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш каби мавзуларда танловлар ўтказилди. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижтимоий масалаларга эътиборни кучайтириш мақсадида ННТлар учун 1000 долларгача грантлар ажратди. Айнан, ўша даврда халқаро миқёсдаги қатор ташкилотлар соҳани ривожлантириш мақсадида турлича кўринишда ҳамкорлик ишларини амалга оширдилар. ОТБ, АҚШ элчихонаси демократик комиссиясининг кичик грантлари дастури, Германиянинг катталар таълими институти, «Халқаро Молия Корпорацияси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, «Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг Маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш минтақавий дастури, БМТТД, Жаҳон Банки² шулар жумласидандир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 ноябрдаги “Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3680-сонли Фармони. [ПФ-3680-сон 16.11.2005. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида \(lex.uz\)](#).

² Краткий обзор гражданского общества. Узбекистан. Постоянное представительство АБР в Узбекистане. Инвентарный номер публикации: ARM114079, Ноябрь 2011 года. [краткий обзор гражданского общества:](#)

Учинчи босқич, 2011-2016 йилларни қамраб олиб, бу босқичда мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси¹ доирасида тизимли чора-тадбирларни амалга оширилди.

Ушбу концепция жамиятнинг барча соҳаларида янги ўзгаришларнинг бошланишини белгилаб берди, унга янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шу жумладан фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамоат қурилишида иштирокини кенгайтириш вазифаси қўйилди.

2016 йилга қадар концепция доирасида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Парламент томонидан янги таҳрирда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва “Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида(янги таҳрирда)”ги қонунлар² қабул қилинди.

Биринчи қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, уни аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб - қувватлаш марказига айлантириш, шунингдек, маҳалланинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик органлари назорати тизимидаги вазифаларини кенгайтиришга қаратилиб, мазкур ҳужжат асосида тизимдаги ишларни жадаллаштириш борасида муҳим тажрибалар қўлга киритилди.

Шу билан бирга, “Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов тизимини янада такомиллаштириш, катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмати ва ишончидан баҳраманд бўлган энг муносиб инсонлар сайланишини таъминлашга қаратилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишда шаффофликни оширишда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Мазкур ҳужжатлар асосида тизимдаги ўзгаришлар ўз ўзини

Ўзбекистан (adb.org). (мурожаат қилинган сана – 22.09.2023).

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

² ЎРҚ-350-сон 22.04.2013. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (lex.uz). 609-II-сон 29.04.2004. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида (lex.uz).

бошқариш тизимини ривожлантириш, фаолият механизмларини такомиллаштириш борасида муҳим қадамлар бўлди. Вужудга келган янги тизим мазкур соҳада мавжуд қатор муаммоларни ечимини бериш баробарида келгусида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, аҳоли турмушини яхшилашда муҳим бўлган маҳалла институти фаолиятини давр талаблари борасида такомиллаштириш, айниқса, маҳалла раислари ваколатлари ошириш, уларга юклатилган кўплаб масалаларни, ижтимоий ҳамкорлик принципларини қўллаган ҳолда, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар иштироки ва ҳамкорлигида енгиллаштириш, қолаверса, маҳалла аппаратини малакали мутахассислар билан таъминлаш орқали ислохотларни ижросини амалда самарадорлигини таъминлаш бўйича келгусидаги муҳим вазифаларини белгилашда муҳим қадам бўлди.

2. “Экологик назорат тўғрисида”¹ги қонун қабул қилинди ва кучга кирди, бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг экологик назоратни амалга оширишдаги ролини кучайтириш, атроф-муҳитга кириш учун инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминлашга қаратилган. Дунёдаги экологик вазият ва иқлим ўзгаришлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасини жамиятларнинг энг устувор соҳаларига айланишига сабаб бўлди.

3. 2014 йил апрел ойида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”²ги қонун кучга кирди. Унда фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, уларнинг қарорлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиби жорий этиш назарда тутилган эди.

Ўзбекистон ҳуқуқни қўллаш амалиётида биринчи марта ушбу қонун қабул қилинишидан олдин 2013 йил давомида ушбу қонун лойиҳасини Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизида синовдан ўтказиш учун ўтказилган ҳуқуқий эксперимент ўтказилди. Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш жараёнида оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва

¹ ЎРҚ-363-сон 27.12.2013. Экологик назорат тўғрисида (lex.uz).

² ЎРҚ-369-сон 05.05.2014. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида (lex.uz).

фуқароларнинг ўзларини жалб қилиш фуқаролик жамияти салоҳиятидан фойдаланишнинг янги усули самарадорлигини кўрсатди.

4. Соҳадаги ислохотларнинг давоми сифатида 2014 йил сентябр ойида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”¹ги қонун қабул қилинди ва кучга кирди, у ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал қилишда, мамлакат аҳолисининг турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган.

5. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”²ги қонун қабул қилинди. Бу жамият, фуқаролик институтлари томонидан давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини яратишни назарда тутарди. Яъни, жамиятнинг давлат органлари билан самарали фикр-мулоҳазаларини алмашинувини таъминлайди.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилди. Унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш соҳасида қонунларга, биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар томонидан риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган қонун ва қоидаларни ишлаб чиқиш тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, депутатлар, илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат махсус тузилган комиссия томонидан амалга оширилди. Шу билан бирга, кўрсатилган комиссия ўз ишини қуйидаги талабларга мувофиқ амалга оширди:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жараёнига оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари вакилларини фаол жалб этиш;

- амалдаги қонунчиликни танқидий таҳлил қилиш, миллий ва

¹ ЎРҚ-376-сон 25.09.2014. Ижтимоий шериклик тўғрисида (lex.uz).

² Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сонли Қонуни. ЎРҚ-474-сон 12.04.2018. Жамоатчилик назорати тўғрисида (lex.uz).

ҳалқаро тажрибани чуқур ўрганиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кенг жамоатчилик ўртасида, шу жумладан турли давра суҳбатлари ва конференциялар доирасида муҳокама қилиш.

Шундай қилиб, ушбу меъёрий ҳужжатлар доирасида биргина Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан 2010-2013 йиллар давомида маҳаллий ННТ, ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотларнинг 2300 га яқин вакиллари иштирокида 100 га яқин вилоят ва республика “давра суҳбатлари” ташкил этилди.

Умуман олганда, Концепциянинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг жадал ривожланишига, уларнинг жамоат манфаатларини ҳимоя қилишдаги иштирокини кенгайтиришга, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларига кучли ижобий туртки берганини таъкидлаш мумкин.

Бироқ, дунё ҳамжамияти тараққиёти тенденцияларига мувофиқ бугунги кунда эркин ва ривожланган фуқаролик жамияти, «билимлар жамияти» да демократик ва барқарор ривожланиш тамойиллари ҳаётда қўлланилиши кенг тус олди. Фуқаролик жамияти институтлари инсон капитали ривожланишнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланди. Эркин бозор муносабатларини ўрнатиш, ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларга жадал кириб бориши устувор аҳамият касб этди. Давр ўзгаришлари бутун дунёда рўй бермоқда. Бу мураккаб жараён нафақат ёшларга, балки катталарнинг дунёқарашига ҳам таъсир қилди. Бундай жадал сиёсий ўзгаришлар, янгиланишлар, кўп миллатли мамлакатимизнинг моддий ва маънавий ҳаётдаги ютуқлари, шунингдек, миллий тикланиш юксала бориши билан уйғун ҳолда жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омилига айлангани ҳуқуқий такомиллашув, миллий ва маданий тикланишни тарғиб қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришни давр талабига айлантирди.

Замонавий глобаллашув даврида сиёсий, маданий ҳаётни ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини демократлаштириш аҳоли ижтимоий фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда сиёсий ислохотларнинг бош мақсадлари қаторида фуқаролик жамияти институтларини

ривожлантириш, давлат ва ҳукумат томонидан айрим бўлган жамоат бирлашмалари тузилмаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилди.

2017 йил 7 февралда мамлакатимизни ривожлантиришни 5 йиллик режаси – 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда том маънода демократик тараққиёт механизмларини такомиллаштириш, амалиётда мазкур институтлар фаолиятини самарадорлигини ошириш, мавжуд фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борада зарур бўлган қатор жабҳалар – жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик каби фуқаролик жамиятининг ноёб институларини амалда ишлашига эришиш учун қатор зарур вазифаларни белгилаб берди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини кенг иштироки ҳамда фуқароларимизни англаган ҳолда мазкур жараёнларда фаол иштирокига эришиш устувор ўрин олди. Шу нуқтаи назардан, Ҳаракатлар стратегияси фуқаролик жамияти институтлари ва умуман, фуқаролик жамиятини ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.

Хусусан, 2017-2020 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ажратилди¹.

Амалга оширилган ислоҳотлар давомида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 20 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси

¹ Якубов М., Курбонов Э. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари / Tafakkur manzili, 2022 yil sentabr. – 92-98 betlar.

Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари манфаатларини ифода этиш, давлат билан улар ўртасидаги кўприк вазифасини бажаришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил қилинди, шунингдек, аҳоли билан очиқ мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этиш мақсадида давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини рағбатлантириш мақсадида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилди ҳамда соҳанинг 126 нафар фаоллари ушбу юксак мукофот билан тақдирланди.

Кўрилаётган чоралар натижасида сўнгги тўрт йилда фуқаролик жамиятининг энг асосий институти ҳисобланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 20,7 фоизга ошди, шу жумладан 187 та йирик республика нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади¹.

Кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида ННТлар фаолиятида сифат жиҳатдан ўсиш кўзатилди. 2017-йил 1-январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда 9205 ННТ фаолият юритган. 2020 йилга келиб уларнинг сони 9,5 мингтадан ортиб кетди. Шулардан 280 таси аёлларни қўллаб-қувватлаш, 220 таси соғлиқни сақлаш, 150 таси таълим соҳасида фаолият юритмоқда².

2018 йил ҳолатига мамлакатда мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳволи таҳлил этилганда улар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича эришилган қатор ютуқлар қаторида бир қанча амалга оширилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, 2018 йилда кўплаб ННТлар бир нечта соҳаларни ўз ичига олган комплекс вазифаларни амалга ошириш билан шуғулланган. Жумладан, аёллар ҳуқуқлари, репродуктив саломатлик, гендер таълими, хотин-қизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кичик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021 - 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли Фармони.


² Количество ННО в Узбекистане постоянно увеличивается.//https://kultura.uz/view_2_r_11122.html.

бизнес ва хусусий тадбиркорлик масалалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни қамраб олган таълим дастурлари бўйича хотин-қизлар ННТларининг 65% дан ортиғи иш олиб борган.

ННТ умумий сонига сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари ва республика нодавлат нотижорат ташкилотларининг бошқа ҳудудий бўлинмалари киритилган.

Масалан, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси 200 дан ортиқ вилоят, шаҳар ва туман бўлинмаларига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ННТ ҳисобланган. Худди шу ҳолат «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи, Ўзбекистон қизил ярим ой жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти каби ННТлар учун ҳам хосдир.

2018 йилда ННТ ларни фаолияти турлари бўйича тақсимоти¹



Шундай қилиб, уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан тузилган ННТлар сони 6 мингдан ортиқ, уларнинг деярли ярми ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан яратилган. Ҳудудий бўлинмага эга бўлмаган ва маҳаллий даражада фаолият юритадиган “ўз-ўзини кўллаб-қувватловчи” ННТлар сони 3 минг бирликка тенг ҳисобланган.

2018 йилда Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, республика бўйича рўйхатдан ўтган ННТлар сони 1-ННТ шаклига мувофиқ 20 мингдан ортиқни, Адлия вазирлиги маълумотларига кўра уларнинг сони 9205 тани ташкил этган.

¹ Аналитический доклад. «Состояние «третьего сектора» в Узбекистане: реалии и перспективы развития». Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества. – Ташкент: 2018. – стр. 34-36.

Мамлакатнинг барча ҳудудларида Президент Халқ қабулхоналари, давлатимиз раҳбарининг виртуал қабулхоналари, фуқаролар ва давлат ўртасида “кўприк” вазифасини бажарувчи нодавлат нотижорат ташкилотларига фуқароларнинг ишонч даражасини сезиларли даражада пасайтирган вазирлик ва идоралар ташкил этилгани “учинчи сектор”ни аҳоли орасида ишонч ва ҳамкорлик масаласида ўзига хос мураккабликни вужудга келтирган¹.

Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб бориши баробарида улар фаолиятини янада кенг жабаҳаларда ташкил этиш имкониятлари ҳам яратилди. Айниқса, 2017-2018 йиллардаги ислоҳотлар натижасида ННТларнинг давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги ривожланди. Бу эса ўз ўрнида, жамиятни демократлашуви, фуқаролар манфаатлари йўлида самарали иш юритиш имконияти яратилди.

Мамлакатимизда умумэътироф этилган стандартларга жавоб берадиган, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан самарали ҳамкорлик қилиши учун, давр талабларидан келиб чиқиб зарур шарт-шароитлар яратадиган қонунчилик базаси такомиллаштириб борилди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигини белгиловчи “Ижтимоий шериклик тўғрисида”² ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 3-январдаги «Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»³ ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоят ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари,

¹ Аналитический доклад. «Состояние «третьего сектора» в Узбекистане: реалии и перспективы развития». Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества. – Ташкент: 2018. – стр. 39-40.

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-376-сонли Қонуни. [ЎРҚ-376-сон 25.09.2014. Ижтимоий шериклик тўғрисида \(lex.uz\)](#).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли Қарори. [ПҚ-2691-сон 22.12.2016. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида \(lex.uz\)](#).

шунингдек уларнинг котибияти мудирлари лавозимлари таъсис этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссиялари ташкил этилди. Ушбу комиссиялар тегишли ҳудудларда ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал этишда ижтимоий шерикликнинг ҳолатини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширишда ННТ ва давлат органлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришга кўмаклашишга йўналтирилган.

Маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан ҳудудий ривожлантириш муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни шакллантиришда ННТлар иштироки кўзга ташланмас эди. Лекин, сўнгги йилларда бу борада салмоқли силжишларга эришилди.

Шунга қарамасдан, таҳлиллар натижасида ҳудудларда «учинчи сектор»ни ривожлантириш бўйича аниқ минтақавий сиёсат тизимли шаклланмаганлигини, давлат органларининг жойлардаги муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этиш бўйича барча фуқаролик жамияти институтлари билан комплекс ҳамкорлик қилиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилмаганлигини намоён этарди.

Таҳлиллар натижасида ҳудудларда давлат ташкилотларида фаолият юритувчи қўйи, ўрта ва юқори қатлам кадрлар томонидан ННТлар фаолиятининг жамиятни демократлашувидаги аҳамиятини англаш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришга интилиш кузатилмаган.

ННТларнинг давлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги борасида давлат томонидан кўрсатилган ташаббуслар асосида амалга оширилганлигини гувоҳи бўламиз. Ҳамкорликка «Маҳалла», «Нуроний», «Ёшлар Иттифоқи» ва бошқа республика ННТлари жалб этилган. «Ўз-ўзини қўллаб-қувватловчи» ННТлар билан давлат ташкилотлари ўртасида фаол ҳамкорлик ҳолатлари кўзатилмаган. Умуман олганда, аксарият давлат органлари таркибида ННТлар билан алоқалар бўйича бўлимлар (тармоқлар) мавжуд эмаслиги ҳам ушбу ҳолатга сабаб бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Ушбу далил давлат органлари вакиллариининг жавоблари билан тасдиқланади (43%)¹.

¹ Аналитический доклад. «Состояние «третьего сектора» в Узбекистане: реалии и перспективы развития». Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества. – Ташкент: 2018. – стр. 51.

ННТларнинг молиялаштирилиши механизмлари 2016 йилга қадар мавжуд бўлган қонуний ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бу борада том маънода ижобий силжишлар 2017 йилдан – мамлакатда ислохотлар шароитида фуқаролик жамияти институтлари ривожига катта эътибор қаратилиши натижасида руй берди. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, ННТ секторига 2016 йил давомида турли манбалардан 2 трлн. сўмдан ортиқ маблағ жалб қилинган¹.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари маблағлари тушумлари таркибида 38,2% дан ортиқ аъзолик, кириш бадаллари ва хайриялар, грантлар ва бошқа беғараз тушумлар (шундан 50,4% – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан ташкилот аъзолари, 26,3% – юқори турувчи ташкилотдан, 3,1% – хорижий ва халқаро ташкилотлардан, шунингдек 0,3% – хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан), 9,3% – давлат мақсадли ва 28,2% махсус бюджетдан ташқари фондлардан. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008-2017 йиллар давомида давлат бюджети ҳисобидан 2 мингдан ортиқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун 80 млрд.сўмдан ортиқ маблағ ажратилган².

ННТларнинг молиялаштирилиши механизмларида ижобий силжишлар содир бўлмаслигининг яна бир жиҳати соҳада банд бўлган мутахассисларнинг касбий билим ва кўникмаларнинг анча паст даражасини қайд этиш лозим.

Шундай қилиб, ижтимоий сўров натижалари респондентларнинг асосий қисми, яъни нодавлат нотижорат ташкилотларининг 37% ҳеч қачон жамоат фондининг грант танловларида ғолиб бўлмаганлигини, респондентларнинг 24 фоизи бундай танловларда биринчи марта ғолиб чиққани, 18% – икки марта грант лойиҳаларини амалга оширганлиги ва 10% – уч марта танлов ғолиблари бўлганлигини кўрсатади³.

Туман даражасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоат фондининг грант танловларига жалб этилишининг селектив таҳлили бошқача суратни намоён этди. 2018 йилда Наманган вилоятида 586 ННТ фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 32 таси ўз-

¹ Анализ финансовых показателей сектора произведен на основе данных 2016 года на основе ежегодных отчетов Государственному комитету по статистике.

² Аналитический доклад. «Состояние «третьего сектора» в Узбекистане: реалии и перспективы развития». Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества. – Ташкент: 2018. – стр. 56.

³ Аналитический доклад. «Состояние «третьего сектора» в ... – стр. 59.

ўзини ташаббускор . 2008-2017 йиллар давомида грант танловлари ғолиблари 40 ННТ бўлиб, улардан 10 таси ўз ўзини қўллаб-қувватлайди. Шунга кўра, республика ННТларининг 544 та ҳудудий бўлинмалари ва 22 та ўз-ўзини ташаббускорлари ҳеч қачон бундай танловлар ғолибига айланмаган. Мингбулоқ, Наманган, Норин ва Уйчи туманларида фаолият юритаётган ННТ ҳеч қачон ғолиб бўлмаган.

Яна бир жиҳат шундаки, аҳоли орасида ҳайрия тушунчаси ва амалиёти ҳам кенг тарқалган бўлса-да, ННТларни молиялаштириш анъанаси оммалашмаган ва одат тусига кирмаган. Ваҳоланки, фуқаролик жамиятининг ривожланган намуналарида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини хусусий инвесторлар томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши кенг тарқалган амалиётдир.

Ана шу ҳолатда давлат ННТларни аҳоли муаммоларини тизимли ўрганиш ва ҳал қилишда иштирок этишга чақиради¹. Ўз ўрнида, молиявий, ташкилий ва бошқа ресурсларга эга бўлмаган ҳолда, ННТлар аҳолининг муаммоларини самарали ҳал этишда давлат органларининг тенг ҳамкори бўла олмасди. Бу эса давлат томонидан ННТ учун янги молиялаштириш моделини ишлаб чиқиши тақозо этарди. Яъни, бу ҳолатда ушбу – хусусий сектор томонидан фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтирди.

Мавжуд ҳолатни яхшилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш масадида 2019 йилдан бошлаб кенг қамровли ишлар амалга оширила бошланди. Хусусан, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштирилиши, ижтимоий соҳа кадрларини тайёрлаш тиўимини ривожлантирилиши шулар жумласидан. 2019 йилдан бошлаб ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича лойиҳанинг бошланиши бу борада халқаро тажрибани жорий этиш имконини яратди².

Амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий базаси сезиларли даражада либераллаштирилди. Бунинг натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ташкил этишдаги ҳуқуқий тўқнашувлар, қонунчиликнинг номутаносиблиги ва айрим сунъий тўсиқларнинг мавжудлигини³ бартараф этиш бўйича қатор

¹ См. Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису от 23.12.2017 г.

² Усиление кадров социального сектора в Узбекистане (unicef.org). (мурожаат қилинган сана 13.01.2024).

³ Аналитический доклад. «Состояние «третьего сектора» в ... – стр. 63-67.

ишлар амалга оширилди. Шу муносабат билан ушбу ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, қонунчиликни инвентаризация қилиш, айрим қонун ҳужжатларига тузатишлар киритиш бўйича 2019-2023 йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ижтимоий муҳофаза масаласида ўрни бекиёс бўлган касаба уюшмалари фаолияти яхшиланди. Конституция доирасида тан олинган ва мавжуд қонунлар доирасида фаолият юритадиган фуқаролик уюшмаси бўлса-да, илк бор Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилга келиб ижтимоий шерикликка доир асосий принциплар ва қоидалар мавжуд “Касаба уюшмалари тўғрисида”¹ги Қонун қабул қилинди. Халқаро тажрибани умумлаштирган мазкур ташаббус Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатларини фуқаролик жамияти талаблари асосида ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганлигини билдиради. “Ижтимоий шериклик” тушунчасининг моҳияти касаба уюшмалари тимсолида ходимлар, иш берувчилар (иш берувчиларнинг вакиллари), давлат бошқарув органларининг ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ижтимоий–меҳнат масалаларидаги ўзаро шериклиги сифатида эътироф этилди.

Амалга оширилаётган ислохотлардан кўринадики, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти давлат кўмаги билан амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг кўпайишига, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ривожланишига замин яратмоқда.

Мамлакатни модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутди. Шу боис, юртимизда уларни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Адолатли ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш масаласи олдимизга қўйилган устувор мақсадлардан биридир. Дарҳақиқат, кейинги йилларда қабул қилинган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг эркин, барқарор ва тизимли ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди. Ушбу ҳужжатларнинг изчил қабул қилиниши натижасида тегишли инфратузилма — шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги ЎРҚ-588-сонли Қонуни. [ЎРҚ-588-сон 06.12.2019. Касаба уюшмалари тўғрисида \(lex.uz\)](#).

этувчи, фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи кўплаб нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари, бирлашмалар, фондлар, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти ривожланди ва йилдан йилга такомиллашмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги қарори ва 2021 йил 4 мартдаги “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”²ги фармони фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг замонавий босқичида янги саҳифа очди.

Фармонда нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат идоралари ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи Қонунчилик базасини такомиллаштириш тўғрисидаги қоидалар белгиланган. Ҳозирги кунда янги Ўзбекистонда демократия нафақат фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланган демократияни, балки уларнинг кафолатларини изчил амалга оширишни ҳам англатади. Бу фуқаролик жамияти институтлари, биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари, интернет ресурслари, блогерлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан самарали жамоатчилик назорати тизимини яратишни назарда тутди. Фақат фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги орқали одамлар учун муносиб ҳаёт сифатини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни ҳуқуқий асосини яратди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5012-сонли қарори. [ПҚ-5012-сон 03.03.2021. Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида \(lex.uz\)](#)

² [ПФ-6181-сон 04.03.2021. 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида \(lex.uz\)](#).

Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо этиб сайлангани 2020 йилда муҳим воқеа бўлди. Бу мамлакатда қонун устуворлиги ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар эътирофи сифатида гавдаланди.

Сиёсий соҳада рўй берган демократик ўзгаришлар Ўзбекистон фуқароларига сиёсий иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратди. Аввало, бу ерда фуқароларнинг ижро этувчи ҳокимият раҳбарлари ва қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари сайлаш, шунингдек сайланиш ҳуқуқи, сиёсий ташкилотлар тузиш ва уларнинг фаолиятида иштирок этиш эркинлиги, ўз сиёсий позициясини, шу жумладан фаол жамоавий ҳаракатлар орқали очик ифода этиш имкониятини таъкидлаш керак.

Фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижодий манфаатлари ва эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга уларнинг Конституция билан кафолатланган кенг кўламли қонуний расмийлаштирилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишлари ёрдам беради.

Авторитар давлатнинг ижтимоий институтларини йўқ қилиш, иқтисодий, сиёсий ва маънавий фаолиятнинг турли шакллари амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш жамиятнинг бошқариладиган қўйи тизимида ижтимоий ўзини ўзи ташкил этиш жараёнларини ривожлантириш учун аниқ тарихий имкониятлар ва муқобил йўлларнинг намоён бўлишига бевосита ижобий таъсир ўтказди. Сўнгги ўн йил ичида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларда юз берган туб ўзгаришларнинг уйғунлиги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун турли шарт-шароит ва омилларни шакллантирди. Умуман олганда, улар фуқаролик жамиятини шакллантириш учун қулай деб тавсифланмоқда¹.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий шарт-шароитларни амалга ошириш даражасини, яъни тегишли амалиётлар, алоқалар, муносабатлар ва оммавий хулқ-атвор шакллари шакллантиришда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллар таъсирининг интегратив аҳамияти бекиёсдир. Таъкидлаш керакки, тегишли институционал инфратузилмани шакллантириш ва уни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш жараёни бу борадаги ривожланишни таъминламоқда. Сўнгги

¹ Махмудова А.Н., Вафаева Дж.Б. Особенности формирования гражданского общества в Узбекистане / "Science and Education" Scientific Journal / Impact Factor 3.848 (SJIF) January 2023 / Volume 4 Issue 1. – стр. 766-776.

йигирма йил ичида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг тармоғи шаклланди.

Ўзбекистон тараққиётининг замонавий тарихи давлат раҳбарининг ўзига хос сиёсий фалсафаси¹ билан боғлиқ бўлиб, унинг сиёсий назарияси мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг ўзига хос стратегияси ва тактикасини аниқ белгилаб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан халқаро ва хорижий тузилмалар, маҳаллий ННТлар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам самарали натижаларга эришилди. Шу мақсадда юртимизда аккредитациядан ўтган халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар реестри шакллантирилди ҳамда улар билан қатор учрашув ва тадбирлар ташкил этилмоқда. АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (АҚШ) “Winrock International”нинг (АҚШ) Ўзбекистондаги филиали, Россия Федерациясининг “Русский мир” ва “Умная цивилизация” нодавлат нотижорат ташкилотлари шулар жумласидан.

Шунингдек, ассоциацияга турдош хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш мақсадида хорижий ассоциациялар аниқланиб, уларнинг рўйхати, маълумотлар базаси, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар реестри шакллантирилди.

Бундан ташқари, хорижий ва халқаро ННТлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида юқорида номлари келтирилган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказилди. Натижада ушбу ташкилотлар билан 2022 йилда тадбирлар ташкил этиш, ўзаро ҳамкорлик келишувини имзолашга келишилди. Жумладан, Германия халқ университетлари ассоциациясининг Ўзбекистондаги филиали билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институлари ривожланиб бориш баробарида соҳа учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича ишлар амалга оширилиб

¹ Махмудова А.Н., Вафаева Дж.Б. Особенности формирования гражданского общества

келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда ННТ раҳбарларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ушбу ташкилотларнинг раҳбар ходимларини малака ошириш ўқув курсларини ташкил этмоқда.

Шу билан бирга ёшлар, аёллар, тадбиркорлик, экология, ногиронлик, таълим, туризм, спорт, ахборот коммуникация, миллий маданий йўналишларда фаолият юритаётган 50 нафар ННТ раҳбари фуқаролик жамияти ва унинг институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига оид халқаро тажриба, соҳа фаолиятига оид қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, раҳбар ходимларининг кўникмаларини оширишга қаратилган машғулот турлари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси маълумотларига¹ кўра 2021 йилда мамлакатимизда ННТларни молиялаштиришда бир қанча ижобий тенденциялар кўзатилди. Бу ички ва ташқи манбалардан молиялаштиришда кўзатилган. Хусусан, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан умумий қиймати 8,5 миллиард сўмлик биринчи грант танлови эълон қилиб, “Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш”, “Ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш”, “Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш” ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш” йўналишларида 120 та ННТлар 70 миллион сўмлик грантга эга бўлган.

ННТларнинг халқаро ва маҳаллий грантларда иштирокига оид таҳлилий маълумотга кўра, 2021 йилда ўтказилган грант танловларида 1 минг 764 та ННТ иштирок этган, улардан 747 таси ғолиб бўлган. Шунингдек, 71 та ННТ халқаро грантларни қўлга киритилган². Мазкур амалиёт сўнгги йилларда янада кенг тус олмоқда. Ассоциация ННТларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Президентимизнинг тегишли қарорлари лойиҳаларига тегишли

¹ Машарипов Б. ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари: халқчил сиёсатга ҳамоҳанг саъй-ҳаракатлар. ННТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ (ngo.uz). 26 январь 2022 йил.

² Машарипов Б. ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари: халқчил сиёсатга ҳамоҳанг

таклифлар бериб келмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш муҳокамаларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бироқ, бугунги дунё ҳамжамияти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарадорлигига эришишда нафақат давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ҳам фаоллик, ташаббускорликни талаб қилади.

Фуқаролик жамияти институлари фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини доимий такомиллаштириб бориш амалиёти жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Ундан ташқари, мазкур институлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириб бориш учун тизимли таҳлилларини амалга ошириб туриш, доимий мониторинг механизмларини янада самарали йўлга қўйиш зарур. Зеро, давла ва жамият кўмаги билан фуқаролик жамияти институтлари зарурий мақомга эга бўлади ва аҳоли турмушининг ажралмас қисмига айланиб боради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократик жамиятнинг муҳим ижтимоий – сиёсий механизмларидан бири бўлган жамоатчилик назорати функциясини ҳам тўлақонли ишга тушириш, амалиётини жорий этишда фуқаролик жамияти институларининг аҳамияти жуда ҳам зарур омил ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат ва фуқаролар ўртасида ўза англашинув ва мувофиқлаштириш нуқтаи назардан зарурий институт ҳисобланади. Бу эса ўз ўрнида, мазкур соҳа субъектлари олдида жиддий ва илмий ёндашувни талаб этувчи фаолиятни тақозо этади. Бу ҳолат эса ўз ўрнида соҳа учун малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ишларини янада юксалтиришни тақозо этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ННТларнинг келгуси 5-10 йил ичида фуқаролик жамияти институтлари мамлакатимиз ҳаётида жуда муҳим рол ўйнаши бугунги демократик ислоҳотлар чуқурлашуви даврида натижадорлиги кафолатли жараён сифатида баҳоланиши ўринли.

1.2. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг назарий асослари

Совет иттифоқи парчаланиши ва унинг ўрнида мустақил давлатларнинг, шу жумладан, мустақил Ўзбекистон

республикасининг пайдо бўлиши бутун постсовет давлатларида янги воқеликка мослашиш, янги тараққиёт стратегиясини белгилаш ва мавжуд ресурс ва имкониятлардан фойдаланиб, дунёда ҳукм сураётган глобаллашув жараёнларида ўз тараққиёт йўлидан боришдек муҳим вазифани қуйди. Худди шундай ҳолат мамлакатимиз тараққиётида кун тартибидан ўрин олган. Айнан, шу вақтда истиқлолни қулга киритган Ўзбекистонда кенг қамровли давлатчилик асосларини яратиш, тараққиёт йўлини белгилашдек вазифалар қаторида жамиятни ҳаракатлантирувчи ва келгуси ривожланишини кафолати сифатида ёшлар қатламига катта эътибор қаратиш зарурати вужудга келди.

Мазкур танлов йиллар ўтиши натижасида тўғри танлов эканлигини даврнинг ўзи белгилаб берди. Хусусан, бугунги кунда аҳолининг 60%ни ташкил этувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ривожланишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиш ва бу борада ишлар қўламини йил сайин ошириб бориш ўз натижасини бермоқда.

Замонавий дунё тараққиётида глобаллашув жараёнларининг тобора тезлашуви ва глобал тармоқ ривожини натижасида ахборот маконининг кескин кенгайиши дунё ҳамжамиятининг ғоявий қиёфасини ўзгартириб юбормоқда. Бу воқелик ўз ўрнида жамиятлардаги инсонлар жамоаларининг қадриятлари тизимида, қолаверса, шахслар шаклланишида ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Айнан, шу шароитда авлодлар алмашинувини тўғри йўлга қўйилиши жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашни муҳим омили бўлиб бормоқда. Хусусан, ёш авлодни изчил ўзгаришлар шароитида ривожланаётган жамиятнинг таянч кучи бўлиб етишишларига эътибор қаратиш, мазкур масалани жамият аъзолари сайёи ҳаракатларининг муҳим нуқтаси сифатида доимий эътибор марказида тутиш заруратини вужудга келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишни механизмларини доимий такомиллашуви куннинг долзарб масалалари қаторида кўрилмоқда.

Мазкур шароитда бугунги Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Жамиятда ижтимоий тасаввурлар, инсонлар дунёқараши ўзгариб бормоқда. Демократик фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилган Ўзбекистонда ҳам демократик тамоилларни амалда жорий этилиши, эркинлик ва имкониятлар тенглиги мазкур

трансформацион жараёнларни ўзига хос равишда кечишига замин яратмоқда. Ушбу ўзгаришлар билан ҳамоханг тарзда “фуқаролик жамияти”ни яратишга бўлган интилиш табиийдир. Бугунги кун дунё ҳамжамиятида фуқаролик жамияти ижтимоий ривожланиш учун идеал моделдир. Бу кенг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларга эга бўлган, жамият фаолиятида фаол иштирок этадиган ва уларнинг турли эҳтиёжларини эркин қондирадиган эркин шахслар бирлашмасидир. Демократик, ҳуқуқий давлатни шакллантириш мақсадлари, жамият олдида асосли равишда ижтимоий фаол бўлган ёшларни шакллантириш вазифасини устуворлигини белгилади.

Ижтимоий фаолликнинг негизини инсоннинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ташкил этади. Фаолият қандай мақсадга ва қандай механизмларга таянишини яхши англамай, билмай туриб жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришда қатнашиб бўлмайди. Шунинг учун махсус адабиётларда сиёсий маданиятга давлат-жамият-шахс муносабатлари ўртасида риоя этиладиган нормалар, қадриятлар, усқуртмалар сифатида жамиятнинг сиёсий идеалини, тажрибасини ва бошқарувга оид фаолиятларини ифода қиладиган воқелик, сифатида таъриф берилади¹. Сиёсий-ҳуқуқий маданиятни шахс – давлат – жамият ўртасидаги сиёсий мақсад ва сиёсий манфаатларни амалга ошириш жараёнида риоя этиладиган нормаларнинг, хулқ-атворнинг ифодасидир, деб атасак бўлади².

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади Ўзбекистонда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиб беришдан иборатдир. «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз»³, бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш ҳар томонлама камол топган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки «Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган,

¹ Khajieva, I., Khujaniyazova, G., Kenjaeva, K., & Jumaniyozov, F. (2020). Foreign language competence formation of the future teacher of vocational education in the information and educational environment. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2). – PP. 360–365.

² Сабилов Н. Сиёсий модернизация жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли / Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue – 2 № 3 (2021). – Стр. 147-152: https://inscience.uz/index.php/socinov/index_Siesij_modernizacia_zaraenida_fukarolik_zamiati_in.pdf.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 4.

ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити ҳисобланади»¹. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида таъкидлаганидек, истиқлол даврида ёшлар тарбияси масаласи, замон талабларига жавоб бера оладиган, ақлан етук, маънан баркамол ва жисмонан соғлом инсонларни, яъни комил инсонни тарбиялаш «давлат сиёсатининг устувор соҳаси»² деб эълон қилинди. Бугунги кунда дунёни ўзгача идрок этадиган, ўз тақдирини Ватандан айро кўрмайдиган, халқи, Ватани учун жонини фидо қиладиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган янги авлод шаклланимоқда. «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган ХХI-асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда»³.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида эски тизимдан воз кечиб, янги давр талабаларига мослашган ҳолда иш юритиш, янги авлод кадрларини тарбиялаш, жаҳон тараққиёт тенденцияларига изчилликда мослашиб боришдек муҳим вазифалар ечими етишиб келаётган ёш авлод имкониятларидан унумли фойдаланишни тақозо этди. Бу ўз ўрнида ёшларни ижтимоий нуқтаи-назардан фаол, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан тарбияланишларини тақозо этди. Шу мақсадга эришиш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бу борада белгиланган натижаларга эришишда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг самарали фаолит юритишлари учун ҳуқуқий асосларни давр талабалари нуқтаи-назаридан доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур омилдир. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг таркибий қисмларидан бири бу ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтиришдир. Зеро, бугунги кун воқеълиги ёш авлодда юқори даражадаги ҳуқуқий билимни, изчил тараққиёт, ғоявий-мафкуравий ва ахборот ҳилма-хиллиги шароитида кенг тафаккур ва мустаҳкам фуқаролик позициясига эга бўлишликни

¹ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар. 10-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.228.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Асарлар, 7-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.134.

³ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-китоб. Тошкент, Ўзбекистон, 2017.504-бет.

талаб этади. Жамият ва давлат тараққиёти динамикасини сақлаш ва янада ошириб бориш келажакда ёшларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури даражасига боғлиқ. Фуқаролар ўз фаолиятилари давомида ҳуқуқий маълумотларга эга бўлмасликлари ортида баъзан бошқа шахслар ҳуқуқларини англамасдан бузишлари, баъзан ўзларига нисбатан содир этилган шу каби ҳатти-ҳаракатларни англамасликлари мумкин. Айнан, шундай шароитда салоҳиятли мутахассислар фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институлари мазкур ҳолатларни бартараф этиш ва уларни олдини олишдек вазифаларни амалга оширади.

Соғлом ривожланиш йўлидаги жамият доимий ҳаракатда бўлиб, у муттасил ўзгаришлар, барқарор ривожланишни кўрсаткичларини сақлайди, жамоатчилик дунёқараши ва онгида ҳар хил ғоялар шаклланади ва ривожланиб боради. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти институтлари ана шундай мураккаб ҳамкорлик муносабатларини ташкил этади ва жамиятни ижобий тараққиёт сари етакловчи ташкилий куч вазифасини ўтайди. Худди шу вазиятда, доимо ёш авлод келажак тараққиётни кафолатловчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ёшлар ижтимоий фаоллигини йўналтирилган олий мақсадларни белгилаган ҳолда ошириб бориш барқарор тараққиёт динамикасини сақлаш ва юксалтириб боришнинг энг тўғри йўли эканлигини асослайди.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини қуриш муаммосини ҳал қилишда ёшларни жамоат ҳаётига фаол жалб қилиш муҳим омил эканлиги асрлар давомида исботланган тарихий ҳақиқат бўлиб, бу жараённинг аҳамияти барчамизга аён. Жамият ишларида ёшларнинг ўрни ва авваламбор, уларнинг давлат ва ижтимоий ривожланиш жараёнларида иштирок этишга тайёрлиги даражаси билан белгиланади. Таъкидлаш мумкинки, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларни жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилиш давлатнинг стратегик ресурсларини ривожлантиришга сармоясидир. Шунга қарамай, ёшларнинг ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга қаратилган фаолияти кўплаб ташкилотчилар томонидан ўзларининг ҳимоячиларини ҳаракатга келтириш учун мавжуд режимларни ўзгартириш учун ҳам ишлатилади. Бундан келиб чиқадикки, ёшлар манипуляция объекти ва ташкилотчилар учун зарур бўлган мақсадларга эришиш воситаси бўлиши ҳам мумкин.

Ёшлар тарихан бутун дунё бўйлаб ижтимоий жараёнларнинг

ҳаракатлантирувчи кучи бўлган. Ушбу ижтимоий гуруҳ фуқаролик ҳаракатлари ва уюшмалари иштирокчиларининг муҳим қисмини ташкил этади. Ўз навбатида, ушбу уюшмалар, бир томондан, ижтимоий сиёсат субъектлари сифатида ҳаракат қилишади, турли ёшдаги гуруҳларнинг манфаатларини ифодалайди ва шу билан ёшлар ташаббусларининг ролини кучайтиради, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар, ҳам кузатувчи ташкилотларнинг эътиборлари ушбу ёш гуруҳига қаратилган.

Ёшлар ташкилотлари ёшлар ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бу каби таъсир нафақат ёшлар ННТлари, балки фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ёшлар фаоллигига таъсирини эътиборга олишимиз керак. Ёшларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб қиладиган мақсадли ташкилотлар яхшироқ вакилликни таъминлайди ва катталар нуқтаи назаридан фарқ қиладиган ёш одамнинг нуқтаи назарини намоён этиш имкон беради¹. Ёшларни режалаштириш ва бошқаришга жалб қилиш орқали фаолият долзарб ва самарали бўлиши мумкин, чунки у ёшлар ҳақиқатига асосланади.

Бугунги кунда ёшларни давр юкини зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсон қилиб вояга етказиш давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ёшларнинг замон талаблари асосида пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун барча шарт-шароитлар яратиш, уларни замонавий дунё манзараси ва ғоявий манзараси, мавжуд ғоявий таҳдидлар ҳақида огоҳ этиш ҳамда инсонпарварлик, бунёдкорлик ғоялари асосида тарбиялаш ва дунёқарашини шакллантириш жамиятни барча бўғинларини устувор вазифасидир².

Шу нуқтаи назардан, истиқлолнинг дастлабки кунлариданок ёшлар сиёсати энг устувор давлат сиёсати сифатида жамиятни барча соҳаларини ислоҳотларини ўз аксини топиб турди. Ёшлар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, “Таълим тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат

¹ Hakkı Çamur. GENÇLERİN AKTİF KATILIMCILIĞININ ÖNÜNDEKİ ENGELLER ve SİVİL TOPLUM ÖRGÜTLERİNİN ROLÜ / (PDF) [Barriers to Young People's Active Participation and Role of Civil Society Institutions](#) (researchgate.net). (мурожаат қилинган сана – 25 январь 2024 йил).

² Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Нашрга тайёрловчилар: О.Салимов, Қ.Қуронбоев, М.Бекмуродов, Л.Тангриев. – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2019. – 84-91 бетлар.

сиёсати тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларда ўз ифодасини топган. Биргина “Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида 2017 йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди”¹. Адолатли ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда фаровон ҳаёт даражасига эришиш халқимиз интилаётган юксак марралардир. Ушбу мақсадларга эришишда жамиятимизда ёшларнинг ўрни ва роли ўзгача. Шу боис бугунги кунда мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини белгиловчи куч эканини эътиборга олсак, дунёнинг деярли барча давлатларида ёшлар сиёсатини амалга ошириш бўйича миллий концепциялар ишлаб чиқиляётганлиги бежиз эмас, албатта. Масалан, бу борада Европанинг Германия, Франция, Буюк Британия ва Швеция каби давлатларида кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Бугунги кунда дунёнинг тараққий этган давлатларида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг икки хил стратегияси амал қилмоқда. Булар, ёшлар сиёсати соҳасида давлатнинг етакчи ролига асосланган стратегия ҳамда ёшлар сиёсати соҳасида давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари тенглигига асосланган стратегия. Германия ва Францияни биринчи йўналишдаги сиёсатни олиб борадиган давлатлар сирасига киритиш мумкин. Ушбу давлатлар ўз фаолиятини ёшлар сиёсатини умуммиллий, минтақавий ва ҳудудий даражаларга қараб ихтисослаштириш асосида олиб боради. Бунда ёшлар сиёсати Оила, қариялар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича вазирлик томонидан Конституция ва федерал қонунлар асосида амалга оширилади. Хусусан, Францияда ёшлар сиёсати Ёшлар ишлари, спорт ва жамоат бирлашмалари бўйича вазирлик томонидан ишлаб чиқилади.

Ёшлар жамиятдаги кам сонли ижобий кучлардан бири бўлиб, унинг ривожланиши ва тараққиётига ҳисса қўшиш учун чексиз имкониятларга эга². Ёшлар жамият олдида турган муаммоларни ҳал

¹ Мирзиёев Ш.М. Конституция – Эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.-Т.: Ўзбекистон, 2018. 7-бет.

² Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций / Генеральная Ассамблея. 2000. 8 сент.

қилишда фаол, манфаатдор иштирокчи бўлиши керак, лекин улар йўлда муайян турдаги муаммолар ва қийинчиликларга дуч келишади. Жамият ёшларнинг ўзини ўзи англаши ва уларни ижтимоий жараёнларга фаол қўшилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиши керак. Бу ижтимоий, маданий ва иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди ва ижтимоий ривожланишни тезлаштиради¹.

Сўнги ўн йилликлар амалиёти тез ўзгарувчан дунёда инсон капитални самарали ривожлантиришни ва ундан самарали фойдаланишни амалда қўллаётган, шунингдек, асосий ташувчиси ёшлар бўлган инновацион ривожланиш стратегик салоҳиятига эга бўлган жамиятлар устунликка эга бўлишини исботламоқда.

Ёшлар сиёсати бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятининг диққат марказида бўлган устувор масалалардан биридир. Хусусан, Бирлашган миллатлар ташкилотининг ҳам бу борада ўзининг мустақам позицияси ва реал тадбирлари мавжуд. БМТ миқёсида 1965 йил қабул қилинган «Халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро тушуниш ғояларини ёшлар ўртасида тарқатиш тўғрисидаги декларация», 1985 йилда қабул қилинган «Ёшларга оид тегишли изчил чора-тадбирларни узоқ муддатли режалаштириш ва амалга ошириш бўйича кўрсатмалар», 1995 йилда «2000 йилгача ва ундан кейинги йилларда ёшлар учун Жаҳон ҳаракат дастури» хужжатлари ёшларга оид сиёсат моҳияти ва мақсадларини, бу борада дунёнинг етакчи халқаро ташкилотининг позициясини намоён этди².

Жаҳон дастурида ёшлар сиёсати соҳасидаги фаолиятнинг ўнта устувор йўналиши белгилаб берилган. Булар: таълим, бандлик, очлик ва қашшоқликка қарши кураш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит, гиёҳвандлик, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, бўш вақт ўтказиш, гендер масалалари, шунингдек, ёшларнинг жамиятда ва қарор қабул қилишда самарали иштирок этиши.

Шундай қилиб, 2005 йилги Жаҳон ёшлар ҳисоботида устувор йўналишларни 3 та асосий масалалар гуруҳига ажратиш таклиф қилинди. Хусусан: жаҳон иқтисодиётидаги ёшлар, фуқаролик жамиятидаги ёшлар ва хавф остида бўлган ёшлар. Ушбу масалалар гуруҳлари ёшлар ўзларининг умумий муаммолари ва муаммолари

¹ Стратегия государственной молодежной политики в Российской Федерации / Министерство образования и науки Российской Федерации. М., 2006.

² A/RES/50/81 13 March 1996. Всемирная программа действий для молодёжи до 2000 года и на последующий период. [A_RES_50_81-RU.pdf](#). (мурожаат қилинган сана – 16.01.2024).

билан шуғулланадиган асосий контекстларни акс эттирувчи сифатида тақдим этилди.

БМТнинг яна бир муҳим ҳужжати ёшлар иштирокини кенгайтириш бўйича БМТ-Ҳабитат стратегияси эди. Асосий қоидалар: ёшларнинг глобал, миллий ва маҳаллий даражадаги форумлар ва ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, ҳисоб-китоб дастурлари, ахборот, алоқа ва билимларни бошқариш, шериклик ва мувофиқлаштириш стратегиялари.

БМТнинг ёшлар билан ишлашга ёндашуви уларнинг ҳуқуқларини тан олишга асосланган ва тўртта асосий мақсадни кўзлайди: ёшларнинг ҳаётига таъсир қилиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнларида иштирокини таъминлаш; уларга асосий хизматлар ва ривожланиш имкониятларидан фойдаланиш имкониятини бериш; уларга қулай, ҳимояланган ва хавфсиз яшаш шароитларини яратиш; уларнинг ўз қобилиятлари ва истеъдодларининг тўлиқ ривожланишини таъминлаш.

БМТ ҳужжатларининг ўзига хос хусусияти-бу ривожланиш даражасидан қатъи назар, дунё мамлакатларининг кўрсаткичлари ва тенденцияларини ҳисобга олиш зарурати ҳам мавжуд.

Умуман олганда, бутун дунёда, айниқса, мутаносиб ривожланиш қайд этилаётган ҳар қандай давлатда ёшларга оид давлат сиёсати жамиятнинг устувор ислохотлари йўналиши сифатида гавдаланмоқда.

Ёшлар секторини ривожлантириш тенденцияларининг аксарияти трансмиллий характерга эга. Шунинг учун, турли мамлакатларда ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда турлича ёндашувлар мавжуд.

Турли мамлакатлардаги ёшлар сиёсатининг умумий мақсадини ёшларнинг жамиятга зиддиятсиз интеграциялашувига кўмаклашиш ва уларнинг мустақиллигини ошириш деб таърифлаш мумкин.

Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида ёшлар сиёсатининг иккита асосий стратегияси амалга оширилмоқда. Биринчиси, сарф-харажатлар ва ёрдамга муҳтож тоифаларни қатъий тартибга солган ҳолда, айрим, кам ижтимоий ҳимояланган ва “кам таъминланган” ёшлар тоифаларига давлат томонидан ёрдам берилади. Иккинчиси давлатнинг барча ёшларини интеграцияси учун очик бўлган ижтимоий дастурларни ишлаб чиқилишини таъминлаш. Бунда, стратегик мақсадларни амалга оширишда ҳам давлат, ҳам фуқаролик

жамиятининг турли тузилмалари (шу жумладан молиявий) иштирок этади.

Япония ёшлар сиёсатини амалга ошириш давлат идоралари ва давлат муассасаларининг биргаликдаги ўзаро манфаатли ҳаракатлари, шунингдек, уларнинг вазифаларини аниқ тақсимлаш билан тавсифланади. Бу мамлакатда, бугунги кунда, интернет ресурслари ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ёшлар онгига таъсирига катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг хавфли ва номақбул интернет сайтларига киришини чеклаш сиёсати олиб борилмоқда.

Осиё мамлакатларида эса ёшларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш муаммосига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Хитой Халқ Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати ёшлар ҳаётининг барча соҳаларига эътибор қаратадиган Хитой Коммунистик партиясининг қарорларига тўлиқ мувофиқ равишда амалга оширилади.

Германияда 90 дан ортиқ минтақадан ташқари ёшлар уюшмалари мавжуд бўлиб, уларга барча ёшларнинг тўртдан бир қисми жалб этилган.

АҚШда давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий этилган. Хусусий хайрия ташкилотлари ва тижорат сектори ёшлар дастурларини амалга оширишда иштирок этмоқда. Америка таълим муассасалари ўспиринларга зарур ижтимоий, маданий, коммуникатив ва бошқарув кўникмаларини эгаллашга ёрдам берадиган ўзини ўзи бошқариш механизмларни жорий этдилар.

Кўпгина мамлакатларда махсус ёшлар марказлари ва хизматлари Давлат кўмаги асосида самарали фаолият юритмоқда.

Масалан, Туркиянинг йирик шаҳарларида ахборот ва маданий ёшлар марказлари, Германияда эса ёшларнинг маслаҳат ахборот бюрolari фаолият юритади. Ушбу марказлар тармоққа уланган, умумий асосий зарурий хизматлар тўплами, ахборот алмашиш ва унинг янгиланишлари тизими мавжуд. Испания, Португалия ва Скандинавия мамлакатларида ёшларга ижтимоий ёрдам хизматларининг кенг жамоат-давлат шаклидаги тизими жорий этилган.

Европа ёшлар сиёсати концепцияларини амалга ошириш шакллари ва усулларининг ўхшашлигига қарамай, ривожланишнинг иккита устувор стратегиясини шартли равишда ажратиш мумкин. Биринчиси, давлатнинг ёшлар сиёсати соҳасидаги етакчи ролига

асосланганлиги (Франция, Германия). Иккинчиси ёшлар сиёсати соҳасидаги давлат ва фуқаролик жамияти тузилмаларининг тенглигига асосланади (Буюк Британия, Швеция).

Замонавий давлат ёшлар сиёсатининг асосий вазифаси турли ёшлар гуруҳларининг ижтимоий мавқеини уйғунлаштиришдир. Шунга қарамай, яқин ўтмишда дунёнинг турли мамлакатларидаги ёшларнинг норозилик ҳаракатлари ёшларнинг нотинч ва уларнинг келажаги ҳақида қайғуришни зарурий даражага олиб чиқмоқда.

2011 йилда бошланган “араб баҳори”¹ воқеалари, Европада Греция ва Испания ёшларининг чиқишлари, Қўшма Штатларда бошланган Уолл-Стритни эгаллаш ҳаракати, Гонконгдаги талабалар тартибсизликлари шулар жўмласидан.

Шу билан бирга, «рангли инқилоблар» деб номланган воқеалар тасодифий ва ўз-ўзидан содир бўлмаганлиги, кўпинча, бу аниқ лойиҳаларни амалга оширишнинг натижаси бўлиши мумкинлиги ҳамда ушбу ҳолатлар жамиятнинг энг фаол ва динамик ўзгарувчан қатлами бўлган ёшларни эътиборсиз қолдирилиши уларни қайсидир деструктив кучлар таъсирида жамиятни, тараққиёт оқимини ўзгартириб юборувчи таҳдидга ҳам айланиб қолиши мумкинлигини амалда намоёиш этди.

Аммо бу ҳодисалар бир қатор давлатларда, жумладан, ёшлар сиёсати, янги ёшлар дастурлари ва лойиҳаларини бошлаш, ёшлар ташкилотларини яратиш, мавжудларини қайта ташкил этиш соҳасида асосий устуворликларни қайта кўриб чиқишга туртки берди.

Юқорида келтирилган маълумотлар ва уларнинг таҳлили, дунё жамиятларида ёшларга бўлган эътиборни кучайтиришга, уларнинг ўз ўзларини ривожлантиришлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш бўйича тизимли амалий чора-тадбирларни амалга оширишга ундамоқда. Бу эса ўз ўрнида жамиятларнинг нисбатан барқарор тараққий этишлари учун ижтимоий-сиёсий муҳитни вужудга келтирмоқда.

Замонавий дунёда ёшларнинг ўзини ўзи англаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш учун етарли ресурслар, мамлакатлараро даражада ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг самарали механизмлари мавжуд халқаро ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар сиёсатини

¹ Кризис в сфере занятости молодёжи: Время действовать. Международное бюро труда. Женева, 2012. Электронный доступ [ILC101-TRAITEXT-2012-11-0176-Ru \(ilo.org\)](https://www.ilo.org/public/libdoc/ILC101-TRAITEXT-2012-11-0176-Ru) (дата обращения 10.02.2024), с. 1.

ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган халқаро институтлар тизимида Марказий ўринни Европадаги ёшлар сиёсати институтлари эгаллайди, уларнинг фаолияти тажрибаси ва натижаларини ўрганиш ривожланаётган мамлакатлардаги ёшлар муаммоларига бўлган қизиқишнинг шаклланиши ва ривожланиши шароитида алоҳида қизиқиш уйғотади. Европа ёшлар сиёсатининг асосий тамойилларини тушуниш ва уни алоҳида Европа институтлари томонидан амалга ошириш тажрибасини ўрганиш келажакда самарали миллий ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш учун муҳим бўлиши мумкин¹.

Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқи «ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг меҳнат қилиш ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этиш қобилиятларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, айниқса, глобаллашув ва билимга асосланган иқтисодиёт шароитида» иқтисодий ва ижтимоий барқарор Европа Иттифоқининг ажралмас элементи деган позицияни қабул қилди. Бу ҳолат қариётган жамиятда бўлгани каби, ҳал қилувчи омил ёш шахс ва ёшларга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тақдим этилаётган имкониятлардир²».

Ёшларни ижтимоий ҳаётдан четлаштириш жамият учун жиддий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин. Европа ёшлар сиёсати замонавий сиёсий ва халқаро муносабатлар тизимида энг ривожланган бўлиб, Европа ёшлар сиёсатини амалга оширишга жамоат тузилмалари ва ёшларнинг ўзларини жалб қилиш амалиёти самарадорлиги жиҳатидан ҳақли равишда энг муваффақиятли ҳисобланса-да, бу минтақада ҳам ёшлар сиёсати борасида айрим муаммолар мавжуд. Хусусан, бугунги кунда Европада ёшлар учун қулай шарт – шароитлар яратилганига қарамай эркинлик ва хавфсизлик, фаровонлик ва умр кўриш давомийлигининг ошиши, уларнинг аксарияти ўз фаолиятида муваффақият қозона олмаслик ҳақида жиддий ташвишларга эга.

Эътиборли жиҳати, Европада ёшлар сиёсати долзарблиги ўтган 60-йилларидан ҳукумат даражасида кун тартибида намоён бўлди ва бугунги кунга қадар бу борада салмоқли натижалар қўлга киритилди.

¹ Соколов А.В. Современные институты молодежной политики в Европе: история становления и развития/ ВЕСТНИК МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ. 2009. № 1 (23). – стр. 84-99.

² Коммюнике Европейской комиссии к Совету, Европейскому парламенту, Европейскому комитету по экономической и социальной политике и Комитету регионов «Поддержка полноценного участия молодых людей в сфере образования занятости и обществе». Брюссель. 2007. 5 сент. СОМ (2007) 498. Цит. по: Сборник документов европейской молодежной политики / под ред. А.В. Соколова. М., 2007.

Ёшлар сиёсатини амалга оширишга Америкача ёндашув ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини далилларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ишлаб чиқиш асосида шакллантирилган. Бундан ташқари, давлат хизматларининг асосий йўналиши у ёки бу сабабларга кўра фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлган ёшларга қаратилган.

Америка Қўшма Штатларида ёшлар сиёсати алоҳида ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 30-йиллари ўрталарида бир қатор мамлакатлар, хусусан, АҚШнинг сиёсий фаолиятида таълим ва ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида алоҳида йўналиш ривожлана бошлади¹. Бироқ, давлат идоралари ушбу соҳани вакили бўлган ижтимоий гуруҳнинг белгиланган қиймат йўналишларига мувофиқ амалга оширадilar.

Бироқ, том маънода ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асослари ва мазкур сиёсатнинг амалиётда руёбга чиқариш механизмлари ўтган аср 90-йиллари ва янги аср бошида бир қатор муҳим қонунлари қабул қилиниши натижасида мустақкам ҳуқуқий асосга эга бўлди. Жамият фаолиятининг барча тармоқларида жорий этилди².

Россия сиёсий муҳитида ёшлар билан ўзаро муносабатлар ташаббускор ёшлар вакилларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ахлоқий имкониятларини сақлаб қолиш имкониятларини руёбга чиқариш призмаси орқали қабул қилинади. Белгиланган вазифаларни ҳал қилишда америкалик қонун чиқарувчиларнинг асосий эътибори федерал ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларга бўйсунувчи муассасаларни жалб қилиш, шунингдек, федерал, минтақавий ва муниципал даражадаги идоравий ишларни мувофиқлаштириш учун «болалар синфлари» каби ихтисослаштирилган форумлар ва ташкилотларни қўллаб-қувватлашдир.

Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ахборот асри ва глобаллашув жараёнлари, шиддат билан ўзгариб бораётган дунё ҳамжамиятида ёшлар сиёсати, уларнинг ривожланиши доимий эътиборда бўлиши зарур бўлган омиллардан биридир.

¹ Буторов А.С., Адлов Р.А. Особенности государственной молодежной политики в России и США на современном этапе. Сравнительный анализ. – Вестник РУДН. Серия: ГОСУДАРСТВЕННОЕ И МУНИЦИПАЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ. 2021. Т. 8. № 2. С. 186–199.

² Буторов А.С., Адлов Р.А. Особенности государственной молодежной политики в России и США на современном этапе. Сравнительный анализ. – Вестник РУДН. Серия: ГОСУДАРСТВЕННОЕ И МУНИЦИПАЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ. 2021. Т. 8. № 2. С. 186–199.

Ўз ўрнида, замонавий шароитлар ёшлар учун қийин вазифаларни қўймоқда. Жамиятлардаги умумий аҳоли таркибидаги ёшларнинг улуши ҳудудлар кесимида тобора камайиб ёки аксинча, кўпайиб бораётганини ёдда тутиш керак. Ёшлар юқори авлод вакиллари таъминлаш учун масъулият юкини ўз зиммаларига олишлари керак, шунинг учун авлодлар ўртасидаги мулоқот зарур¹. Бинобарин, миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада қарор қабул қилувчилар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланган ёшлар стратегиясини яратиш ҳамда уларни давр чақириқларига мос равишда доимий такомиллаштириб бориш зарур.

Ёшлар сиёсати маҳаллий ҳокимият органлари, Миллий ҳукумат ёки халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган сиёсий мақсадлар ва тамойилларга асосланиши керак. Замонавий сиёсат ёшларни ривожлантириш йўлларининг мумкин бўлган фарқланиши, олдиндан айтиб бўлмайдиганлиги ва заифлигини ҳисобга олиши керак. Ҳаётнинг кўплаб соҳаларида ёшлар дуч келадиган ўсиш учун хавф ва имкониятлар ёшлар сиёсатини интеграциялаш масаласини кўтаради. Шу билан бирга, фуқаролик хулқ-атвор кўникмаларини ўргатиш ва жорий етиш вазифаси умумевропа ёшлар сиёсатининг асосини ташкил қилиши керак.

Замонавий ёшлар сиёсатининг асосий вазифаси жамият тараққиёти манфаатлари йўлида ёш авлоднинг инновацион салоҳиятини максимал даражада ошириш, унинг рақобатбардошлигини етарли даражада таъминлаш учун шароит яратишдан иборат. Шу билан бирга, ёшларни чеклаш ҳаракатларини талаб қиладиган муаммоли майдон сифатида эмас, балки инвестиция соҳаси сифатида баҳолаш керак. Бундай ҳолда, жамият инсон капиталини оширишда тизимли сармоядор вазифасини бажаради ва ёшлар фаолияти учун тегишли шароитларни яратиш орқали самарали йўналтирилган инновацион салоҳиятнинг намоён бўлиш шаклларида бири сифатида қаралади. Бугунги кунда тизимли ўзгаришлар шароитида ушбу сиёсатнинг натижадорлиги, муваффақиятли амалга оширилиши бевосита жамият ва давлат томонидан фуқаролик жамиятининг ёшлар таркибий қисмига қаратилаётган эътибор даражасига боғлиқ.

¹ European Commission (2006). The demographic future of Europe – from challenge to opportunity. Commission Communication. 12.10.2006. COM (2006) 571 (Brussels).

Ёшларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этиш даражасини оширмасдан туриб, ёшлар сиёсатини фаоллаштириш мумкин эмас. Ёшларнинг иштироки ёшлар уюшмаларининг фаоллиги, ижтимоий лойиҳалар ва ташаббуслар, ёшларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг турли шакллари орқали амалга оширилади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ёшлар дастурларининг энг катта самарадорлигига ёшларнинг ташаббусларини амалга ошириш ва ёшларнинг ижтимоий бирлашмалар ишида иштирок этиши орқали ёшларни ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятга ихтиёрий равишда жалб қилиш орқали эришилади. Бу ерда ёшлар ўзлари қарор қабул қилади, фаолиятни режалаштиради, ресурслар учун жавобгар бўлади. Шу боис ёшлар ташаббуслари ва ёшлар уюшмалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ёшлар сиёсатининг муҳим йўналиши¹ ҳисобланади.

Ёшлар - Янги Ўзбекистоннинг ҳам энг катта бойлиги, бебаҳо олтин фонди, қолаверса, истиқболимиз пойдевори ҳисобланади. Бугун юртимизда уларнинг замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукамал эгаллаши учун барча куч ҳамда имконият ишга солинмоқда. Янги Ўзбекистон ўз олдига улкан марралар қўйган. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришилган².

Бинобарин, аҳолисининг ярмидан кўпроғи навқирон инсонлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, мақсадга интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли шахслар сифатида тарбиялаш³ янги Ўзбекистонни бунёд этишда ҳал қилувчи кучдир.

Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Албатта бу, давлатимиз зиммасига улкан масъулият юклашини кўз олдимизга келтирсак, жуда катта эътибор, ғамхўрликни талаб этади, иккинчи томондан ёшларимизга кўрсатиладиган эътибор, эртага улкан ютуқ ва натижаларини ҳам беради. Чунки ҳозир Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг ярмидан кўпи ёшлардир.

Мазкур ҳолат, илмий таснифларда “демографик дивидент”

¹ 23-сон 18.01.2021. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz).

² Абдурахманова Н.Қ. Инсон капиталига сармоя Янги Ўзбекистон тараққиёти кафолати. Инсон капиталига сармоя Янги Ўзбекистон тараққиёти кафолати - Review.uz.

³ ПФ-5106-сон 05.07.2017. Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz)

сифатида баҳоланиб, тўғри юритилган ёшлар сиёсати натижасида яқин келажакда жамият тараққиётини кафолатловчи беқиёс янги авлод – ижтимоий-сиёсий куч вужудга келишига замин яратади.

Шу боис ҳам, ёшлар барча даврларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этиб келинган. Шарқ Уйғониш даврида ҳам, жадиidler фаолиятида ҳам, жамиятнинг янгилалишида ёшларнинг ўрни беқиёс бўлган. Шу жиҳатдан, мунтазам шаклланиб боровчи бу қатлам доимий йўналтириб ва қўллаб-қувватлаб туришни талаб этади. Бу эса, давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими ёшларга оид давлат сиёсатини англатади.

Шу ўринда XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган жадиidчилик ҳаракати ва Туркистон ўлкаси жадиidларининг маърифатпарварлик ғоялари бугунги кунда ҳам долзарб эканлигини таъкидлаш жоиздир. Жадиidчилик ҳаракати XX аср бошидаги ноёб ижтимоий-сиёсий ходиса - миллий тараққийпарварлик ҳаракати бўлиб, улар биринчи ва муҳим вазифа сифатида ёш авлодни интеллектуал ривожини белгилаганлар. Жадиidler Туркистон жамиятининг чалкаш сиёсий кчлари орасида энг илғор йўналиш бўлган. Мазкур ҳаракат дунёвий гуманистик ва миллий қадриятларга асосланган, ўлка маҳаллий аҳолисининг ҳаётий манфаатлари ҳимояси, ижтимоий тараққиётдаги муаммоларни ҳал қилиш йўллари кшрсатган¹.

Жадиidler ёки ўзлари айтганларидек миллий тараққийпарварлар ўз даврининг жуда ўқимишли кишилари эдилар. Улар ўқиб-ўрганишган, ўқитувчилик қилишган, ҳам шарқ, ҳам ғарб маданиятини эгаллашга интилишган, турли мамлакатлардаги таълим ва маданиятни кўздан кечириб, солиштира олишган, зиёли сифатида дунё цивилизацияси ютуқларини Туркистонга ёйиш орзусида бўлишган². Бунинг учун энг аввало, ёш авлодни илмли қилиб тарбиялаш ва уларни дунёнинг илғор билимларидан баҳраманд этиш, замонавий тараққиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда етук мутахассислар сифатида вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш зарурлигини англаганлар³.

¹ Алимова Д. Жадиidчилик феномени. – Тошкент: Akademnashr, 2022. – 7 бет.

² Алимова Д. Жадиidчилик феномени ... – 9 бет.

³ Мирзиёев Ш. Президент: Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак (president.uz).

Ёшлар сиёсати ва умуман, ёшларни ривожланишлари учун шарт-шароитлар яратиш – бу инсон капиталига инвестиция сифатида баҳоланиб, бугунги кунда етакчи иқтисодий қудратли жамиятларда инсон капиталига инвестиция энг устувор ва аҳамиятли тадбир сифатида баҳоланмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ер юзи умумий бойлигининг 66 фоизи инсон капиталига, яъни инсоннинг илм даражасига тўғри келмоқда. Бу соҳада бугунги кунда АҚШ етакчилик қилмоқда. Ушбу давлатда мазкур кўрсаткич миллий бойликнинг 77 фоизига тенг¹.

Капитал тараққиёт тарбия ва таълимдан бошланади. Ёш авлодга йўналтирилган ҳар қандай сармоя эртага - кун келиб минг-минг ҳисса бўлиб қайтади. Шу маънода, Ўзбекистон ёшларига яратилган имкониятлар замон талабларига мос равишда инсон капиталига киритилаётган инвестициядир. Умуман олганда, Ўзбекистонда инсон капитали учун катта мақсадлар ва маблағлар сарфланмоқда². Ўз навбатида, халқимизда “Янги Ўзбекистон орзуси” пайдо бўлди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Янги Ўзбекистон - барчамизнинг эзгу орзумиз, меҳнаткаш, тинчликсевар халқимизнинг орзуси! Унда халқимизнинг азалий умид-ниятлари, юксалиш сари интилишлари ўзига хос тарзда акс этмоқда”³.

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамият тараққиётида авлодлар алмашинуви ва ворисийлик жуда катта, ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар бир давр жамият олдига янги-янги вазифалар қўяди, олдинги авлод эришган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш муҳим вазифа сифатида кун тартибига чиқади. Илмий тафаккурнинг ўсиши, фан-техниканинг ривожланиши, жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги, масъуллик ва ташаббускорлик туйғуларининг кучайиши муайян вазифанинг долзарблигини таъминлайди. Бундай шароитда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берган, йигит-қизларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб берган жамият ривожланишда давом этади, фуқаролар турмуш тарзида фаровонлик, тинчлик-тотувликка эришади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва

¹ Абдурахманова Н.Г. Инсон капиталига сармоя Янги Ўзбекистон тараққиёти кафолати. Инсон капиталига сармоя Янги Ўзбекистон тараққиёти кафолати - Review.uz. (мурожаат қилинган сана – 13.01.2024).

² ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида (lex.uz).

³ 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (president.uz).

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони муносабати билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чоратadbирлар дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди”¹.

Бугунги мураккаб глобал ўзгаришлар шаротида терроризмнинг турли даражадаги тахдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши, асосан, куч ишлатиш йўли билан курашиш усуллари ва тактикаси ўзини оқламаётганини кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида бу борада уруш ва маънавий-мафкуравий характерга эга бўлган тахдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётганлигини таъкидлаб ўтган эди. “Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий кўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 6 июль.

қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади”¹.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Давлат дастурида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берилди. Мазкур устувор йўналишлар мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бу борадаги ишлар янги босқичда давом этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.

II БОБ. ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ОМИЛИНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

2.1. Мустақиллик йилларида ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ривожланиши

Таълим-тарбия, юксак маънавиятли, дунёқараши кенг қамровли, билимли баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кундаги долзарб масалалар қаторига киради. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида шахсни ҳар томонлама камолга етказиш ва ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг қамровли давлат сиёсати туфайли Ўзбекистонда баркамол авлод шаклланиши масаласига эътибор қаратилди.

Ёшларнинг билим олиши, таълим-тарбияси, касбий тайёргарлиги масалалари Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу жараёнларни замон талаблари асосида, Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларини тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Ёшлар сиёсати дунё ҳамжамиятини, хусусан, Бирлашган миллатлар ташкилотининг ҳам диққат эътиборида бўлган устувор масаладир. Хусусан, 1965 йилда БМТ ёшлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро тушуниш ғояларини тарқатиш тўғрисидаги декларацияни қабул қилди - бу ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги биринчи халқаро ҳужжатдир.

Бу борада халқаро миқёсда ишларни ташкил этиш мақсадида БМТ томонидан 1965 йилда «Ёшлар ҳуқуқларини ривожлантиришни янада режалаштириш» қарори,

ECOSOS томонидан ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда иштирок этиш ва яшаш, ишлаш ва таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳуқуқини эълон қилинди;

Ёшлар билан боғлиқ тегишли чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича кўрсатмалар (1985) қабул қилинди.

Сўнгги йилларда биргина БМТ доирасида ёшларга оид 10 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ёшлар учун Бутунжаҳон ҳаракат дастури бутун дунё бўйлаб ёшларнинг аҳволини яхшилаш

бўйича миллий ҳаракатлар ва халқаро қўллаб-қувватлаш учун сиёсий асос ва амалий тавсиялар берди. Ҳаракат дастури ёшлар билан боғлиқ ҳаракатларнинг ўн бешта устувор йўналишини қамраб олади ва ушбу йўналишларнинг ҳар бирида ҳаракат қилиш бўйича таклифларни ўз ичига олади.

Можароларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш ва тинчликни сақлашда ёш авлоднинг ҳал қилувчи роли БМТ хавфсизлик Кенгашининг ёшлар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги 2250 қарори билан тан олинган.

«Лиссабон+21» ёшлар сиёсати ва дастурлари тўғрисидаги декларация (2019) барча ёшларнинг инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, тарғиб қилиш ва амалга оширишга чақиради. Ҳужжатда барча ёшларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондириш, айниқса, ёш аёллар ва қизларга, маргинал гуруҳларга ва заиф гуруҳларга мансуб ёки заиф аҳволда бўлган ёшларга, шу жумладан қишлоқ жойларидаги ёшларга, ногиронларга, ёш муҳожирларга ёки бошқа ҳар қандай асосда камситишга дуч келганларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланган.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан қабул қилинган 2030 йилги барқарор ривожланиш кун тартибида ёшларнинг фаровонлиги, иштироки ва имкониятларини кенгайтириш барқарор ривожланиш ва дунё тинчлигининг асосий омиллари эканлиги эълон қилинди, шунинг учун уларнинг манфаатлари БМТнинг барча 17 барқарор ривожланиш мақсадларида ва уларга эришиш учун 169 та мақсадда ҳисобга олинади. Шу билан бирга, ёшлар масалалари қуйидаги тўрт йўналишда аниқланади: ёшларни иш билан таъминлаш, ўсмир қизларни ривожлантириш, тинчлик учун таълим ва спорт. Бундан ташқари, ёшларнинг ўзлари сдгни жорий этиш жараёнига хабардорликни ошириш, маълумотларни тўплаш ва улардан фойдаланиш, маҳаллий ва миллий даражадаги ташаббусларни бошлаш, мониторинг ва ҳисобдорлик, еришилган ютуқлар ҳақида маълумот бериш орқали жалб қилинмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида ёшлар комсомолнинг таркибий қисми, коллектив келажак пойдевори сифатида қаралган. Уларга нима кераклиги, ҳатто қизиқишлари доирасини давлат ва амалдорлар тепадан туриб белгилаб берарди. Ўша вақтда оммавийлик урф бўлган. Ёшларни ёппасига меҳнат отрядларига жалб қилиш, ёппасига ягона мафкурага эргаштириш, ёппасига бир хил услубда кийинтириш кабилар одатий ҳолга айланганди.

Ўзбекистон халқаро майдонда муносиб ўрнини эгаллашга ҳаракат қилар экан, глобал дунёдаги шиддатли рақобатга дош бериш учун “инсон капитали”ни ўстириш асосий вазифага айланмоқда. Бу мақсадга ёшлар капиталини юксалтириш орқали эришилади. Уни рўёбга чиқариш индивидуал ёндашувни талаб қилади. Ёшларга оид давлат сиёсатини мана шу нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилишнинг вақти келди¹.

Мустақиллик йиллари ёшлар ҳаётида туб бурилиш ясади. Шу даврда ёш авлод таълим-тарбияси ва бошқа масалаларга бағишланган қонун, давлат дастурлари қабул қилинди ҳамда уларга алоҳида эътибор берилди.

Истиқлол даврида ўзининг тарихий-маданий ўрни, демографик хусусиятлари ва ижтимоий ҳаракатчанлиги нуқтаи-назардан ёшлар қатлами жамиятда алоҳида ўрин тутаётганлиги ижобий ҳолдир. Бу борада уларнинг мақсад ва орзуларини тўғри белгилаб олишга ёрдам бериш, бу жараёни илмий ва режали ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни ўз ичига зарурий равишда ёшларнинг жамиятга қўшилиши, уларнинг ижтимоий ҳаёт мунособатларга мослашуви ҳамда ижтимоий тараққиётга таъсири кабиларни қамраб олади. Жумладан бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омиллар билан ифодаланадиган ўзига хос демографик ҳолат юзага келди. Хусусан, демографик ўсиш натижасида аҳолининг ёш таркибида 30 ёшгача бўлганлар салмоғи 60%дан ошмоқда. Бу эса ҳақли равишда, ўсиб келаётган ёш авлод манфаатларини устувор деб белгилашга тўлиқ асос бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасида ёш авлоднинг ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳадаги ислохотларни амалга оширишда тутган ўрни масаласини аниқ тарихий фактлар асосида кўрсатиб бериш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда. Бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ёшларга бериладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари

¹ Умарова Н. Ёшлар сиёсатини амалга оширишдаги асосий муаммолар. Эксперт фикри. <https://www.uzanalytics.com/jamiyat/8433/>.

тўғрисида”ги қонунида белгилаб берилди¹. Қонунга кўра ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат деб белгиланган. Бу қонуннинг қабул қилиниши, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш юзасидан “Таълим тўғрисида”ги қонунни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни, “Мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури” каби бир қатор ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида пойдевор сифатида хизмат қилди.

Қонуннинг қабул қилиниши ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган ташкилий тадбирларни ҳам кўзда тутди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1991-1993 йилларда ёшлар ижтимоий кафолатини таъминлаш ва улар истеъдодини камол топтириш мақсадида 14 та Фармон қабул қилинди². Уларда ёшларнинг моддий аҳволини яхшилашдан тортиб, ёшлар истеъдодини моддий ва маънавий рағбатлантиришгача бўлган тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди. Натижада жойларда ёшлар ижтимоий кафолатига доир тадбирлар амалга оширила бошланди. Вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1992 йил 4 декабрдаги 568-сонли Қарори³ асосида вилоятларда ва туманларда “Ёшлар ишлари бўйича ҳокимлар раислигида Кенгашлар” тузилди. Ҳокимликлар томонидан давлатнинг ёшлар сиёсатини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди ва бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

1991-2008 йиллар давомида мамлакатда ёшлар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди. Ёшларга доир 100 га яқин қонун ҳужжатлари, 10 дан ортиқ қонунлар, 30 дан ортиқ Президент қарорлари ва Фармонлари, 40 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамаси қарорлари чиқарилиб амалий ҳаётга тадбиқ этилди⁴.

Республиканинг раҳбарияти томонидан ёшларни нафақат

¹ “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун 1991 йил, 20 ноябрь. // Халқ сўзи, 1992, 8 январ.

² Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 486.

³ 3568-сон 04.12.1992. Ўзбекистон ёшлар ишлари бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида (lex.uz).

⁴ Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.). Тарих фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 17 б.

жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, балки XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратиш мақсад қилиб белгиланди¹. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ёшлар ижтимоий-сиёсий куч сифатидаги фаолиятининг муҳимлиги ва амалий аҳамияти, Ўзбекистонда 1991-2008 йилларда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш ва янгилаш масаласи билан чамбарчас боғлиқлигида ҳисобланади. Чунки, 2008 йилга келиб мамлакатда ёшларнинг аҳоли таркибидаги салмоғи 64,0 % ташкил этиб², Ўзбекистон ёшлар давлати эканлигини ҳақидаги фикрни яна бир бора тасдиқлайди.

Мазкур даврда республика аҳолисининг демографик кўрсаткичлари ўзига хос бўлиб, 1991-2008 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 7 миллион кишига кўпайди ва 2009 йил охирида 27767,1 миллион кишини ташкил этди. Шу давр мобайнида аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,8 фоизни, ўртача мутлақ кўпайиши сони эса 400 минг кишини ташкил этган³.

Ўзбекистон ўзининг демографик ҳолати бўйича Ўрта Осиёда аҳолиси энг зич жойлашган мамлакат. 1991-2008 йилларда аҳолисининг 36 фоиз аҳолиси шаҳарларда ва 64 фоиз аҳолиси қишлоқларда истиқомат қилган. Аҳолининг 39 фоизини меҳнатга лаёқатли давргача ёшдагилар, 54 фоизини меҳнатга лаёқатли ва 7 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар ташкил этилган. Аҳоли сони 1991 йилда 20857,0 млн., 1995 йилда 22684,0 млн., 2000 йилда 24650,4 млн., 2005 йилда 26167,0 млн. киши бўлган бўлса, 2008 йилга келиб 27302,7 млн. киши бўлган ҳолда, 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 13417656 нафарни ташкил қилди⁴.

2008 йилга келиб Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 74–75.

² Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иҷтимоий барқарор ривожлантириш йўлида. – 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 163.

³ Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.). Тарих фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 16 б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг жорий архиви. 1991-2008 йил маълумотлари. [http:// www. stat.uz](http://www.stat.uz) ² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг жорий архиви. 1991-2008 йил маълумотлари. <http:// www. stat.uz>

умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этган”¹. Демографик ҳолатнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 27302700 кишини ташкил этган бўлса, шундан хотин-қизлар сони 13732064 кишини ташкил этди. Аҳолининг 1 дан 30 ёшгача бўлган ёшлари сони 17080000 минг нафар бўлиб, шундан қарийб 9 млн. нафарини хотин-қизлар ташкил этган. Ёшларнинг 6 миллиондан ортиғи шаҳарларда, 11 миллионга яқини эса қишлоқларда истиқомат қилган. 2011 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани ва ёшлар асосий куч экани муҳим аҳамиятга эга².

Истиқлолнинг дастлабки йилидан ёшлар сиёсати долзарблиги қонун билан мустаҳкамланиб, ушбу асосда ёш авлодни ижтимоий-сиёсий ривожланишини республика миқёсида мувофиқлаштириш йўналишида бир қатор механизмлар яратилган. Хусусан, баркамол авлодни тарбиялаш учун янги ёшлар ташкилоти “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаклланди ва у республика ёшларини бирлаштириб, кенг қамровли фаолият сифатида фаолият юритган. Мазкур ёшлар ижтимоий ҳаракат ўз қамрови ва салмоғи бўйича республика миқёсида шубҳасиз етакчи бўлган.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиб бераётган “Фонд форум”, “Истеъдод” жамғармалари фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-сиёсий ҳолати, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини тадқиқ этишга алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Чунки, мамлакатдаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатларни шакллантиришда ёшлар асосий етакчи кучдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати, ўтиш даврида республика ёшларининг интилишлари, муаммолари ҳамда Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда уларнинг иштирокини ёритиш масаласи долзарблик жиҳатини кўрсатиб беради.

Собиқ комсомол ташкилотини ислоҳ қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси ёшларини бирлаштириш учун “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти тузилган. Ташкилот ёшларни ўз пленуми ва

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 163. ⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг жорий архиви. 1991-2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>

² Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи. // Халқ сўзи, 2011, 1 сентябрь.

конференциялари қарорларини бажаришга сафарбар қилишга уриниши, қарорларда ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари тўла акс этмаганлиги натижасида 1996 йилда “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти тугатилиб, шу йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тўғрисидаги Президент фармони асосида янги ёшлар ташкилоти тузилди¹. “Камолот” жамғармаси ёшларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқуқларини тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш вазифаларини белгилади. Жамғарманинг 1996-2000 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 та вилоят ва туманлардаги бўлимлари, 12 мингга яқин жамоат марказлари фаолият олиб боргани ҳамда амалга оширган ишлари юзасидан ахборотлар келтириб ўтилган². 1996-2000 йиллардаги “Камолот” жамғармаси бошқаруви мажлислари баённомалари ва қарорларида “Ёшлар муаммолари институти” очилгани, “Камолот ва қонун” корхоналари кенг қамровли фаолият олиб борганлиги кўрсатиб ўтилган³.

“Камолот” жамғармасига ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол ва комил инсон бўлиб етишишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш бериш; жисмонан, ақлан ва маънан камол топиши, шарқона одоб, умуминсоний қадриятлар, демократик тамойиллар асосида вояга етган етук фарзандлари, истиқлол ишининг давомчилари бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитларнинг яратилишига, уларнинг Ватан, халқ олдидаги конституциявий бурч ва вазифаларини бажаришларига, ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишларига кўмаклашиш; ёшларнинг ўқиши, меҳнат қилиши учун яратилган имкониятларнинг самарадорлигини оширишни, уларнинг мустақил равишда ҳуқуқий-иқтисодий билим олишларини, тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантириш; ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишда иштирок этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз қобилият ва имкониятларини намоён қила олишлари учун давлат, жамоат ташкилотлари, барча турдаги мулк эгалари билан ҳамкорликда зарур шарт-шароитлар яратиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзР МДА). М-13- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 10- варақ.

² ЎзР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 3- йиғма жилд, 20- варақ.

³ ЎзР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 22- варақ.

эски коммунистик мафкуравий маҳдудлик ва мутелик руҳиятидан покланган, она тили ва адабиёти, тарих, маънавий ва маданий меросни чуқур эгаллаган, жисмоний ва маънавий пок, генефонди соғлом авлоднинг маърифатли, дунёқараши кенг ёшларнинг камол топиши борасида Ҳукумат, унинг органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш; ёшларни табиатга меҳр, юрт бойлигини асраб-авайлаш ва кўпайтириш руҳида тарбиялашга оид чоратadbирларни амалга ошириш каби муҳим вазифалар ва шунга мувофиқ равишда ваколатлар берилди¹. Бироқ, бугунги кун нуқтаи-назаридан таҳлил этилган, тақдим этилган ваколатлар ва вазифалар мутаносиблиги бир-ҳил эмас эди. Яъни, мазкур ёшлар ташкилотига самарали фаолият юритиш учун етарлича ҳуқуқий имкониятлар тақдим этилмаган эди.

“Камолот” жамғармасига ёшларнинг ижтимоий ташкилоти сифатида эмас, балки оддий бир жамғарма сифатида қарашлар асосида фаолият юритишга мойиллик кучли бўлди. Ҳатто жамғарманинг бутун фаолиятида унинг дастури ҳам ишлаб чиқилмади. Жамғарма мамлакат ёшларига етакчилик қилиш, жуда бўлмаганда ёшлар ишларини мувофиқлаштириш қобилиятига эга ташкилот даражасига кўтарила олмади. Мазкур ташкилот ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий ишларни олиб боргани билан ҳам ўзининг мақсадларини тўла бажара олмади.

Натижада 2001 йил 24 январ куни Президент И.А.Каримов “Камолот-ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин” мавзусида нутқ сўзлади ва унда эълон қилинган қарор янги ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш, ташкилотнинг мақсад-вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди².

Республика раҳбариятининг Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисмини “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати орқали сафарбар этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари янги тўлқин билан ўсиб борди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати 2000-йилларнинг мамлакат ёшлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва умуман жамият ҳаётида катта аҳамиятга эга бўла бошлади³.

Айрим ғарб олимлари томонидан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дастлабки йиллардаги фаолияти таҳлили⁴ натижасида

¹ 207-сон 31.05.1996. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz).

² Каримов И.А. Камолот- ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

³ Eric M. McGlinchey. Searching for Kamalot: Political Patronage and Youth Politics in Uzbekistan EUROPE-ASIA STUDIES Vol. 61, No. 7, September 2009, 1137–1150. – p. 1137-1150.

⁴ Eric M. McGlinchey. Searching for Kamalot: Political Patronage and Youth Politics in Uzbekistan ...

унинг “рамзий жамоавий ҳаракатлар орқали ижтимоий ўзгаришларга эришиш”¹ни кўзланганлигини таъкидлайдилар. Бироқ, ёшларнинг аҳоли таркибидаги улушининг тобора ортиб бориши, уларнинг меҳнаткаш қатламдаги улушини ҳам ошиб бориши 2009 йилга келиб ёшлар сиёсатини тобора муҳим аҳамият касб этиб боришини тақозо этди².

2001 йил 25 апрел куни Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Таъсис қурултойда ҳаракатнинг Дастури ва Низоми қабул қилинди³. 2001–2008 йиллар давомида Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 та вилоят, 199 та туман (шаҳар) бўлимлари Кенгашлари, 17 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатди. 7 млн. 200 минг нафардан ортиқ 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг 4 млн. 600 минг нафардан ортиғи ёки 64 фоизи ҳаракатга аъзо бўлиб кирган⁴.

Ҳаракат Низомига асосан Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари ёшларнинг ўқиш, иш ва хизмат жойларида ташкил этилади. Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, “Камалак” болалар ташкилоти 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган бўлиб 4,2 млн.дан ортиқ болалар ташкилотга аъзо бўлиб кирган⁵.

“Камалак” Болалар ташкилоти тизимида сардорлар Кенгашининг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 2008 йилга келиб 300 мингдан ортиқ фаоллар фаолият олиб борган. “Камалак” Болалар ташкилоти ўзининг фаолиятини “Олтин мерос”, “Маънавият ва маърифат”, “Умид”, “Соғлом авлод”, “Ватанпарвар”, “Меҳр-шавқат” каби йўналишларда ташкил этган⁶. Ҳаракат 2001-2008 йиллар давомида Республика миқёсидаги йирик ёшлар ташкилоти сифатида шаклланиб, ўзининг атрофида миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштирди ва уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи ёшлар ташкилоти миқёсига кўтарилиш йўналишида кенг камровли ишларни амалга оширди.

¹ Brysk, A. (1995) ‘Hearts and Minds: Bringing Symbolic Politics Back In’. Polity. Vol. 27, No. 4 (Summer, 1995). – The University of Chicago Press, - pp. 559-585 (27 pages).

² Eric M. McGlinchey. Searching for Kamalot: Political Patronage and Youth Politics in Uzbekistan

³ Ўзбекистон Республикаси “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг жорий архиви (ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА). “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б. 1.

⁴ ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001-2008 йиллар давомидаги ... – Б. 1.

⁵ ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001-2008 йиллар давомидаги ... – Б. 2.

⁶ ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б.3.

Таъкидлаш жоизки, “Камолот” жамғармаси ўз фаолияти давомида бир қатор салмоқли натижаларни қўлга кирита олди. Хусусан, илм-фан, санъат ва спортга бўлган ёшлар қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар томонидан юксак натижаларни намоён этишларига эришилди. Шулар баробарида, ўзига ёшларни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос, мавжуд меъёрий асосларга таянган тизимни амалда шаклланиши руй берди. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ислохотларни амалга оширишда ёшларнинг иштироки кўзатилди.

Хусусан, дастлабки энг зарур соҳа бўлган таълим – мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий, маданий ҳаётининг муҳим тармоғи деб белгиланди. Шунинг учун ҳам 1992 йилда мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонуннинг асосий вазифаларидан бири собиқ иттифок мафкурасидан ҳалос бўлиш ва унинг ўрнини янги дунёқараш билан тўлдириш ҳамда жаҳон андозаларига асосланган таълим тизимини яратишдан иборат эди. Республика ҳудудлари бўйлаб мактабларга, ўқитувчи-мураббийларга моддий ва маънавий рағбатлантиришлар, ижтимоий ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди¹. Қонун талабларидан келиб чиқиб, янги ихтисосликлар, мутахассисликлар, олий ўқув юртлари ташкил этилди, вилоятларда янгидан-янги ўқув юртлари очилди. Президент Фармони билан 8 та вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди². Бундай янгиланишдан мақсад вилоятларда олий университет таълимини ташкил этиш ҳамда илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги “Ўзбекистоннинг ёш ижодкорларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги 461-сонли Фармони асосида 1992-1993 ўқув йилида мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика фан олимпиадалари ўтказилди³. Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида 1428 та ўқувчи иштирок этиб, шунда 128 таси ғолиб бўлди ва фахрли ўринларни эгалладилар⁴. 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон ўқувчи

¹ ЎзР МДА. Р-94- фонд, 7-рўйхат, 7002- йиғма жилд, 75- варақ.

² Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 416

³ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 53- варақ.

⁴ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 64 - варақ.

ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 555-сонли Президент фармони ўқишда аъло натижалар кўрсатган олий уқув юртлирининг талабалари учун давлат стипендияларини таъсис этиш масалаларини тартибга солди¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўқувчи ёшларни мукофатлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли қарори² натижасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасаларининг талабалари ва аспирантларини мукофатлашга, моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисида” 1993 йил 8 майдаги 208-сонли қарорида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида ижодкор ёшларни уй-жой билан таъминлаш ва шароитларни яхшилашга эътибор қаратилди³.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил амалга оширилган, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган “Таълим тўғрисидаги қонун”⁴ ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”⁵ ёшларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим ўрин эгаллайди. 1997 йил “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва таълим-тарбия соҳаси янгича демократик мезонлар асосида ислоҳ этила бошланди. 1997-1998 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбо-лотин алифбосида олиб борилди⁶. Таълим тўғрисидаги қонун мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитиш сифатини кескин ўзгартирди ва тубдан янгилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида эса қобилиятли ёш замонавий миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан бир қаторда туради. Дунё миқёсида ўртача таълим индекси кўрсаткичи 0,77 га тенг бўлган ҳолда Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,99 ни ташкил этади⁷. Таъкидлаш

¹ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 65 - варақ.

² ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 69- варақ.

³ ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 70 - варақ.

⁴ Таълим тўғрисидаги қонун. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 67-80.

⁵ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 80-94.

⁶ ЎзР МДА. М-66- фонд, 1-рўйхат, 87- йиғма жилд, 107- варақ.

⁷ Субҳонов Н. Келажак олдидаги масъулият: статистик таҳлил ва маълумотлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 23.

жоизки, 1991-2007 йилда 7-15 ёшдаги болаларнинг 96, 8 фоизи бошланғич мактабларда умумтаълим билан қамраб олинган. 2007 йилда 15-18 ёшдаги болаларнинг 33 фоизи умумтаълим мактабларига қатнаган ва 41,6 фоизи ўрта-махсус таълим муассасаларида таълим олган¹.

Маданият, санъат, спорт соҳаларида ҳам ислоҳ этилди. 1992 йил 28 августда “Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. Натижада, минглаб иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни истеъдодини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекнаво”, “Ўзбекрақс” бирлашмалари ташкил этилди ҳамда республика ёшларининг маданият, санъат соҳасидаги юксалиши янада юқори поғоналарга кўтарилди². 1998 йил Ўзбекистонда биринчи марта симфоник мусиқа фестивали ўтказилди ва дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларидан ёш ижрочилар қатнашди³.

“Шарқ тароналари”, “Симфоник мусиқа”, “Тошкент баҳори”, “Шарқ ва Ғарб” каби мусиқа ва театр фестиваллари, тасвирий санъат асарлари кўرғазмалари ҳамда халқаро кўрик танловлар, турли чолғу ва рақс танловлари, мақом оқшомларида республика ёшлари юқори фахрли ўринларни эгалладилар⁴. Жумладан, иқтидорли ёш бастакорлар, созандалар, рассомлар ва тасвирий санъат намоёндалари турли халқаро танловларда ғолиб бўлиб, уларнинг истеъдоди дунё миқёсида эътироф этилди.

Ёш қизларни илм-фан ва маданиятга қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этишга доир таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1999 йил 10 июнда ПФ-2326-сонли Фармон қабул қилинди. Бунинг натижасида ёш иқтидорли қизларга фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат йўналишларида давлат мукофоти бериш амалиёти жорий этилди. 2000 йилдан 2008 йилгача 126 та ёш иқтидорли қизлардан фан йўналишида 20 нафар, таълим йўналишида 32 нафар, адабиёт йўналишида 27 нафар, санъат йўналишида 24 нафар, маданият йўналишида 22 нафари «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти

¹ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 93. ² Хотамов Ф. XXI аср: истиқболимиз тимсоллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 188.

² ПФ-461-сон 28.08.1992. Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида (lex.uz).

³ ЎЗР МДА. М-7- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 43- варақ.

⁴ ЎЗР МДА. М-7- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 33- варақ.

совриндори бўлди¹. Санъат соҳасидаги қобилиятли ёшларга тақдим этиладиган Республика “Ниҳол” мукофоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 августдаги 334-сонли Қарорига асосан таъсис этилган. Ёш истеъдодларни таъсис этилган “Ниҳол” мукофотининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта. Ҳар йили кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри босқичлари юқори савияда, байрамона руҳда, қатъий бадий талаб ва мезонлар асосида ўтказилаётгани, унда иштирок этувчи ёшлар қамрови ошиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилги туман, шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги саралаш босқичларида ўн минг нафарга яқин ёш йигит-қиз иштирок этгани бунинг далилидир.

Ёшларни жисмонан соғлом вояга етишиши масаласи ҳам доимий эътиборда бўлди. Айниқса, бу борада ишлар мустақилликнинг иккинчи ўн йиллигида тизимли ривожланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги² ва 2004 йил 29 август ПФ-3481-сонли “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони³ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори⁴ билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Айнан шу даврдан бошлаб ёшлар спортини ривожланиши учун замин бўлиб хизмат қилган спорт иншоотлари инфраструктураси ривожлана бошлади. 2003 йил Ўзбекистонда 97 та спорт иншооти қурилган бўлса, 2008 йили 186 та спорт мажмуи бунёд этилди. Шундан 162 таси қишлоқ жойларида қурилди. 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотларининг 166 тасини мактаб спорт заллари ташкил этди⁵.

Ўзбекистонда маданият, санъат, илм-фан ва спортни тарғиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси жорий архиви маълумотлари. 2000-2008 йил ҳисоботлари.

² ПФ-3154-сон 24.10.2002. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида (lex.uz).

³ ПФ-3481-сон 29.08.2004. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

⁴ 108-сон 26.02.2021. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

⁵ Лукмонов В. Соғлом келажакимизнинг муҳим омили // Qashqadaryo, 2009, 20 yanvar.

этишда 2004 йил март ойида ташкил қилинган “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси алоҳида ўринда туради. Жамғарма ўз олдига илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантиришдек эзгу мақсадни қўйган нодавлат ташкилоти бўлиб, ўтган йиллар давомида мамлакат маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлган бир қатор йирик лойиҳа ва дастурларни амалга оширди. 2005 йилдан буён жамғарманинг таълим грантлари дастури амалга ошириб келинмоқда. 2006 йил мартда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази (ЁТМ)¹ ташкил этилди. 2006 йилдан жамғарма таълим лойиҳаларига Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ва Педагогик грантлар дастури ҳам қўшилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Навоий, Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё, Хоразм, Андижон, Тошкент вилоятларидаги туманларда болалар мусиқа ва санъат мактабларига алоҳида эътибор берилган.

Таълим, спорт, санъат каби соҳаларда ёшлар фаоллигини ошириш, уларнинг мазкур соҳаларда кенг қамровли иштироки орқали баркамол бўлиб вояга етишлари мақсад этиб белгиланган эди. Шулар баробарида, жамиятда янгича иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар қарор топаётган даврда ёшларнинг мамлакатнинг хужалик ҳаётидаги иштирокини кафолатларини яратиш масалаларида қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бозор ислохотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшларнинг касбий таълимини қайта йўналтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 1995 йил 29 июлда 296-сонли қарори², натижасида қишлоқда хусусий секторни ривожлантириш ва қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, зарур касблар ва мутахассисликларни эгаллашга ҳамда уларни моддий рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда ҳам бу борада ишлар қамрови тўхтаб қолмади. Чунончи, “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармони³, 2000 йил 25 май

¹ 45-сон 14.03.2006. Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида (lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 14.03.2006.

² ЎЗР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 71 – varaқ.пм

³ ПФ-1987-сон 09.04.1998. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

“Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолати тўғрисида”ги Қонун¹, “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 14 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 24 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили деб эълон қилиниши ва Давлат дастурини² қабул қилиниши ёшлар орасида тадбиркорликни ривожланишида аниқ мақсадларга қаратилган чоратадбирларга кенг йўл очиб берди.

2002 йил охири – 2003 йил бошида республикада фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 51,6 % ни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этди. 2000-2008 йилларда ҳар йили 600 мингдан иборат ёш йигит ва қизлар меҳнатга лаёқатли ёшга (16 ёш) тўлади. Шу муносабат билан ёшларни ишга жойлаштириш муаммоси долзарблигини йўқотгани йўқ. Иқтисодиётнинг расмий секторида 2000-2006 йилларда иш билан банд бўлган аҳоли таркибида 16-24 ёшли иш билан таъминланган ёшлар 14-15 % ни, 25-29 ёшлилар 20-21 % ни ташкил қилди³. 2008 йилда республика аҳолисининг 64 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшларга тўғри келса, 16-29 ёшдаги ёшлар эса меҳнат ресурсларининг 34,8 % ни ташкил этди⁴.

2008 йилда Ўзбекистонда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 % дан кўпроғи тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани ва 55 %ни ёшлар ташкил этаётганлиги диққатга сазовордир⁵. Мамлакатда 1991 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркор ёшлар фаоллигини ошириш ва уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилган⁶.

Истикболдаги мақсад ва ривожланиш режаларига эга

¹ Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолати тўғрисидаги Қонун. 2000 йил 25 май. 69-II-сон 25.05.2000. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (lex.uz).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февраль қарори. // Халқ сўзи, 2011, 10 февраль.

³ Мужчины и женщины Узбекистана. Статистический сборник. – Ташкент, 2007. – Б. 105.

⁴ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жорий архиви. 2008 йил ҳисоботлари. – Б. 53.

⁵ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.159.

⁶ Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.). Тарих фанлари номз. диссерт. автореферати. – Тошкент – 2011. – Б. 17.

жамиятларда ёшларнинг интилишларига, ҳаётдаги идеаллари, кизиқишлари ва келажак орзу-умидлари ҳамда уларни амалга ошириш воситаларини ривожлантириш доимий эътиборда бўлади. Шу нуқтаи назардан, давлат ва жамият қурилишида, ёшларнинг билим олиши, уларнинг жамиятдаги ўрни, муаммоларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш муҳимдир. Истиқлолнинг дастлабки йилларида ёшлар ижтимоий ҳаётида бир қатор ижобий тенденциялар кўзатилди. Эндиликда эскича фикрлаш ва фаолият олиб бориш юкидан холи бўлган янгича дунёқарашга эга ёшлар вояга етди, таълим тизимининг барча босқичларида ёшларга билим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими жорий этила бошланди, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида янгича фуқаролик жамияти ва демократия институтлари фаолияти, ёшларни иш билан бандлик ва улар меҳнатидан унумли фойдаланиш масаласи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида ёшларга янги иш ўринларини ташкил этишда самарали механизмлар ишга туширилди. Вояга етиб келадиган ёшлар тўғрисида ўйлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш бўйича ҳукумат жиддий бош қотираётганлиги ўзига янгича ривожланиш ва мутлақо янгича ижтимоий-сиёсий тизим яратилаётганлигини ва бунда ёшларнинг ўрни ва уларни ўз-ўзларини ривожлантиришлари учун яратилаётган шарт-шароитлар масаласи устувор аҳамият касб этиши яққол кўзга ташланаётган эди.

Шу билан бирга, ёшлар ижтимоий ҳаётидаги муаммоларнинг ҳал этишнинг турли йўллари кенг жамоатчилик учун ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда эди. Ўзбекистонда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратиш борасида ишлар олиб борилди. Истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус жамғармалар ташкил этилди. Ёшларни рағбатлантириш масадида стипендиялар ташкил этилди. Олий ўқув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилди. Уларнинг энг юқориси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясидир. Ушбу стипендия 11 йўналиш бўйича бакалаврлар ва магистрларга ҳамда 5 йўналиш бўйича аспирантларга берилади. Бакалаврлар учун муайян йўналишлар бўйича Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Ал-Бухорий, Ибн Сино номидаги давлат стипендиялари ҳам таъсис

этилган¹. Жумладан, 1993-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндорлари 200 нафардан ортиқ ёшларни ташкил этди. А.Навоий, М.Улуғбек, А.Беруний, Ал-Бухорий, Ибн Сино номли стипендия совриндорлари бўлган талаба ёшлар 2200 нафарни ташкил этди².

1991-2008 йиллар давомида мамлакатда ёш оилалар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди. 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон³ ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган эзгу ишларнинг амалдаги яққол намунаси эди. 2008 йилда Ўзбекистонда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб⁴, давлат дастури доирасида ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 млрд. сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилган⁵. Республика миқёсида давлат томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ажратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар миқдори жами 135,7 млрд. сўмни ташкил этди⁶. Бу қарор ва давлат дастурининг ижроси натижасида кўплаб ёшлар жамиятдаги ўрнини топишларига имкон яратди.

Ўзбекистон демографик ҳолатининг таҳлили ёшларнинг ижтимоий ҳаётда катта куч эканлиги инобатга олиниб, мустақиллик даврида ёшларга оид аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиб бунёдкорлик даври бошланди. Мустақил Ўзбекистонда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун замон руҳига мос янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилди ва улар амалиётга тадбиқ этилмоқда. “Камолот” ЁИХ ўз даврида мамлакатда ислохотларни амалга ошириш ва модернизациялаш жараёнлари ривожланиб бораётган бугунги даврда ёшларни қўллаб-қувватловчи асосий ташкилот бўлди, соҳадаги ислохотларни изчил амалга оширишда иштирок этди. Ёшларни шаклланишида муҳим омил бўлган таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасининг 1993-2008 йил ҳисоботлари.

² Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.). Тарих фанлари номз. диссерт. автореферати. – Тошкент – 2011. – Б. 19.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. 2007 йил 18 май. Ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 16-18.

⁴ Ёшлар йили давлат дастури. 2008 йил 29 февраль.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот // Тошкент ҳақиқати, 2008, 19 июль.

⁶ Бекмуродов А., Фафуров У., Мустафақулов Ш., Каттаев Н. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. – Тошкент: Фафур Фулом, 2010. – Б. 26.

тизимини тубдан ислоҳ этиш ва уни янада ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида маданият, санъат ва спорт бўйича кўрик танловлар мунтазам равишда ташкил этилди ҳамда давлат томонидан уларга кенг имкониятлар яратиб берилди. Мамлакатда замон руҳига мос равишда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид қонунлар қабул қилинди ва дастурлар кенг амалга оширилди. Ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилди ҳамда “кучли ижтимоий сиёсат” асосида ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими шакллантирилди ва доимо такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ёшларни ҳар томонлама салоҳиятли баркамол инсон қилиб вояга етказишда, таълим ва тарбия жараёнининг узвийлиги, маънавий маърифий ишларнинг доимийлигини таъминлаш энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Чунки мамлакат мустақиллиги, миллатнинг эртанги куни, унинг тараққиёт даражаси, яъни, иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, маънавий жиҳатдан юксалиш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб бориши ёшлар зиммасидадир.

Ислоҳотларнинг тақдири, самарали натижалар бериши ва истиқболи аҳолининг айниқса, ёшларнинг фаоллигига, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ. Чунки давлатнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири мамлакат ёшларининг фаоллиги, ақл-заковати ва фидоийлигидир.

Ёшларга берилган эътиборни фақатгина “Камолот” ЁИХ дастурларида эмас, балки ёшлар амалий фаолиятларида ҳам акс эттириши муҳим омилдир. Бунинг учун эса, фақат танқид қилиш билан чекланмасдан, ёшлар фаолиятига амалий жиҳатдан кўмаклашиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шахсий намуна ва ташаббуслар кўрсатиш лозим. Зеро, ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширмасдан туриб, фаол фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди.

Мамлакат ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар ёш авлоднинг жамиятдаги ўрни масаласига янгича ёндашишни тақозо этади. Шундай экан, ҳозирда долзарб вазифалардан бири, ёшларни ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёқарабини шакллантириш, таълим-тарбия бериш жараёнида янги усул ва

услугларни яратишдан иборат. Уларда ташаббускорлик, интилувчанлик, ҳаракатчанлик шаклланиши керак. Баркамол авлоднинг маънавий етуклик даражаси юқори бўлган тақдирдагина улар ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонунларини, ҳуқуқий давлат моҳиятини ва унинг инсониятга адолатли ҳаёт кечиришда ягона кафолат бўла олади.

Ислоҳотларнинг модернизация¹ босқичида ёшлар ижтимоий фаоллигини самарадорлигини ошириш учун:

- уларни ҳар томонлама камол топиши учун замон руҳига мос янгидан-янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш;
- “Камолот” ЁИХ ваколатларини янада кенгайтиришга доир янги қонун ва қонун ости ҳужжатларини такомиллаштириш;
- таълим тизимининг барча босқичларида сифат ўзгаришларга эришиш;
- Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллигини оширишда маданият, санъат ва спортга катта эътибор қаратиш ҳамда давлат томонидан уларга янада кенг имкониятлар яратиш зарурий чоралар эканлиги аён бўлиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиши ва амалга ошишининг 2016 йилгача бўлган даврида тадрижийлик нуқтаи-назардан тўрт даврни белгилаш мумкин.

Биринчи давр, 1992-1996 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Ўзбекистон “Ёшлари Иттифоқи” номи билан фаолият юритган ташкилот ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий субъекти вазифасини бажарган. У аъзоликка асосланган бўлиб, фаолиятини аъзолар томонидан тўланадиган бадаллар ҳисобига йўлга қўйган.

Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” фаолияти, биринчидан, аъзолардан бадал йиғиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш, ҳисоб карточкалари юритиш каби бюрократик вазифалар;

иккинчидан, ташкилот фақатгина сиёсат, мафкура масалалари билан шуғуллаиб, собиқ “комсомол” ташкилотининг изидан кетган;

учинчидан, Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” бозор иқтисодиётига ўтиш сари илдам фаолият олиб бора олмаган².

² Б.Шодмонов Б. Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари / FarDU.Ilmiy xabarlar- 2020/№1. – 90-97 бетлар.

Юқорида келтириб ўтилган ва шунга ўхшаш камчиликлар бу ташкилот фаолиятини қайта кўриб чиқиш масаласини юзага келтирган.

Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, боқимандалик кайфиятидан халос этиш каби бир қатор заруратлар пайдо бўлди. Натижада 1996-2001 йилларни ўз ичига олувчи ёшларга оид давлат сиёсати шаклланишининг иккинчи даври бошланди.

Бу даврда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий ижрочиси сифатида “Камолот” жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тўғрисида”ги ПФ-1425-сонли Фармони¹га асосан ташкил қилинди ва бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 207-сонли қарори² билан унинг ижросини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ташкилот аъзоликка асосланмаган бўлиб, жамғарма бўлимлари қошида ҳукумат қарори билан берилган имтиёзлар асосида фаолият юритадиган шўъба корхоналардан (улар 5 йилгача давлат солиғидан озод этилган эди) олинадиган фойда ҳисобига дастурий фаолиятини юритди.

Ўз навбатида “Камалот” жамғармасининг ўша давр талабларига етарлича жавоб беролмаганлиги оқибатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги “Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида”ги 240-сонли қарори³ билан Жамғарма “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантирилди ҳамда бу 2001-2006 йилларни қамраб олувчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида”ги ПФ-1425-сонли Фармони. [ПФ-1425-сон 17.04.1996. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида \(lex.uz\).](#)

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида “ги 207-сонли қарори. [207-сон 31.05.1996. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида \(lex.uz\).](#)

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги “Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида” ги 240-сонли қарори. [240-сон 30.05.2001. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида \(lex.uz\).](#)

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланишининг учинчи даврини бошлаб берди.

Бу даврда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низомида белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишга, Ҳаракатнинг молияий-иқтисодий негизини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга имконият яратилди. Бу ташкилотда аъзолик бадали йиғилмайдиган, аъзолик билети юритилмайдиган бўлди ва ташкилотга мафкуравий вазифа юкланмади. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати - Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилот сифатида таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил октябрдаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-486-сонли қарори¹ ўзига хос янги даврни бошлаб берди ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ислоҳ қилиш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этган мазкур тўртинчи давр 2006-2016 йилларни ўз ичига қамраб олди. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маънавий-маърифий соҳага дахлдор бўлган вазирлик ва идоралар томонидан ёшлар масалаларини, авваламбор, уларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган совуққонлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш вазифаси юкланди. Бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига таяниш вазифаси мазкур давлат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши этиб белгилаб қўйилди.

2015 йилга келиб ҳаракат ўз сафларида 5,5 миллион ёшларни бирлаштирган. 2001-2008 йилларда Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши филиаллари, Тошкент шаҳри, 12 вилоят, 199 туман (шаҳар)лардаги, 17 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатди. 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг 64% дан ортиғи ҳаракат аъзолигига жалб этилган². Ҳаракатнинг асосий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрдаги “«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-486-сонли қарори. (Мазкур қарор ПФ-6075-сонли Фармонида асосан ўз кучини йўқотган). ПҚ-486-сон 10.10.2006. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида (lex.uz).

² Шодмонов А. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши. – Тошкент: —Ўзбекистон, 2011. – 80-

мақсади-мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватанни барпо этишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, жисмонан ва маънан соғлом, эркин фикрлайдиган, дунёқараши теран, миллий ва умуминсоний кадриятларни, миллий кадриятларимизни мустаҳкам ўзлаштирган ёшларни шакллантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, бозор иқтисодиёти шароитида ёш авлодни инсон ҳуқуқи ва шаънига ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимиз шон-шуҳратини юксалтириш, унинг кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш. Ҳаракат ўзининг барча ташаббусларида миллий ғояга асосланиб иш юритган.

Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида ёшларнинг кундалик ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган турли лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар ва мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳаракат фаолиятининг муҳим йўналиши эди.

«Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган ва мунтазам равишда ўтказиб келинган «Менинг бизнес ғоям», «Йилнинг энг яхши ёш журналисти», «Камалак билимдонлари», «Ақл синовлари» (олий таълим муассасалари талабалари ўртасида), «Қонунларни биласизми?» (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида) «Миллий интернет танлови», «Миллий ўйинлар», «Камолот стипендияси», «Ёш қутқарувчи», «Биз буюк юрт фарзандларимиз» каби халқ анъаналари, миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғун тарзда тасдиқлашда алоҳида аҳамият касб этган.

«Камолот» ЁИХ дунёнинг ҳеч бир мамлакатида ўхшаши бўлмаган уч босқичли спорт мусобақалари тизимини қўллаб-қувватлаб, ёшларнинг оммавий спортдаги иштирокини рағбатлантирган. Ҳаракат томонидан ташкил этилган спорт мусобақалари («Камолот шахмат тахтаси», «Камолот Кубоги») нафақат ёшларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этиш, балки улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Ёшлар ижтимоий ҳаракати — Камолот ЁИХ фаолияти Туркистон ва Ўзбекистон ёшлари газеталари томонидан фаол тарғиб қилинган. Мазкур нашрлар республика ёшлари учун минбар бўлиб хизмат қилди.

Табиийки, «Камолот» ЁИХнинг иш ва кейинги режалари, аввало, нафақат ўтказилаётган тадбирларда иштирок этадиган, балки

ҳаракатнинг муайян фаолият йўналишларини бошлайдиган ёшларни ҳам қизиқтиради. Ёшларнинг фикрларини ўрганиш мақсадида ёшларнинг интилишлари, орзу ва интилишларини тушунишга, келажак учун тадбирларни режалаштиришга ёрдам берадиган турли сўровлар ўтказилди.

«Сизнинг фикрингизча, юқорида айтилганлардан қайси бири «Камолот» ЁИХнинг асосий йўналиши бўлиши керак» деган саволга жавоблар ёшлар ҳаракат фаолиятини қандай кўришни хоҳлашларини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

«Сизнингча, юқоридагилардан қайси бири ОДМ-камолотнинг асосий йўналиши бўлиши керак? (%билан)»

Жавоблар вариантлари	Сўровнома ўтказилган йил			
	2001	2004	2005	2007
Ёшларнинг маънавий – ахлоқий тарбияси	26	34	43	42
Ёшлар ўртасида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш	18	33	47	50
Ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш	57	45	48	51
Мамлакат ватанпарварларини тарбиялаш	28	31	40	40
Ёшларнинг ҳуқуқий муаммоларини ҳал қилиш	21	23	31	23
Ёшларнинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш	29	20	17	16
Диний тарбия	5	3	6	4

Респондентларнинг фикрича, Камолот ЁИХ ўз саъй-ҳаракатларини ёшларни иш билан таъминлашга йўналтириши керак – 57%, ижтимоий – ҳуқуқий ҳимоя - 45% ва ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш - 45%. 25-29 ёшдаги ёшлар бандлик билан боғлиқ вазифага алоҳидаэътибор беришади – 59%, 14-19 ёшдаги ёшлар орасида респондентларнинг 55% ушбу фаолият соҳасини қайд этишган. Ушбу кўрсаткичлар шаҳарларда (56%) ва қишлоқ жойларда (58%) яшовчи ёшлар орасида бир оз фарқ қилади:

Таблица 2

Камолот ЁИХ фаолияти қандай муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак?

Жавоблар вариантлари	%
Бандлик масалаларини ҳал қилиш	57
Ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш	45
Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш	45
Бўш вақтни ташкил этиш, ёшлар маданияти ва ижодини ривожлантириш	29
Оммавий спортни ривожлантириш	23
Ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш	8
Ахлоқий тарбия	7
Жиноятчиликнинг олдини олиш	6
Оиладаги салбий ҳодисалар ва маданият этишмаслиги билан курашиш	6
Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси	3
Жавоб бериш қийин	1

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, энг йирик Камолот ЁИХ ёшлар ташкилоти фаолияти миллатидан қатъи назар, республика ёшларига ғамхўрлик қилиши керак.

Ёшларнинг фикрича, ҳаракатнинг асосий вазифалари:

-ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда етакчи бўлиш;

- ёшларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ишларига амалий ёрдам кўрсатиш;

- замонавий глобаллашув шароитида ёшларни турли хил ёт ғоялар ва салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида мунтазам ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда;

- миллий қадрият ва анъаналарни замонавий маданият ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигида қайта тиклаш ва ривожлантириш;

- ёш оилаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномалар таҳлили Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзининг долзарб муаммоларини ҳал

этишга қодир бўлган йирик ёшлар ташкилоти бўлиб, республиканинг илғор ёшларини ўз атрофида тобора кўпроқ бирлаштирмоқда, деган хулосага келишимизга имкон беради.

Умуман олганда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланишининг 2016 йилгача бўлган даврида мазкур сиёсатининг ташкилий-ҳуқуқий асослари уни амалга оширишнинг ўзига хос механизмлари ва технологиялари ишлаб чиқилиб, ҳар даврда етарли даражада такомиллаштирилиб борилди. Натижада мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос йўли, яъни йилларга ном бериш орқали (1998 йил Оила йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Оналар ва болалар йили, 2008 йил Ёшлар йили, 2010 йил Баркамол авлод йили, 2012 йил Мустаҳкам оила йили, 2014 йил Соғлом бола йили, ва 2016 йил Соғлом она ва бола йили) ҳамда 2012 йилдан бошлаб эса (“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар”) Дастурларининг қабул қилиниши ва ушбу дастурларнинг молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаган ҳолда амалиётга жорий этилиб бориш тизими шаклланди.

2012 йил - Мустаҳкам оила йили, 2014 йил - Соғлом бола йили, ва 2016 йил - Соғлом она ва бола йили) ҳамда 2012 йилдан бошлаб эса (“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар”) Дастурларининг қабул қилиниши ва ушбу дастурларнинг молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаган ҳолда амалиётга жорий этилиб бориш тизими шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2124-сонли қарори¹ асосида махсус Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур Дастур ижросини тўлақонли ҳамда сифатли амалга ошириш, белгиланган вазифаларни ўз муддатида самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳаракат режаси ишлаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.02.2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.02.2014 й. ПҚ-2124-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори | BUXGALTER.UZ. (муружаат қилинган сана 11.01.2024 йил).

чиқилди. Ушбу режа 7 бўлим, 67 банддан иборат Дастурни 30дан ортиқ давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорликда ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори, жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратишга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

Ҳаракат мазкур Дастурнинг 24 та бандида асосий, 42 та бандида ҳамкор сифатида, ижтимоий шериклик асосида ташкил этилган ҳар бир лойиҳанинг қамрови кенгайтиши ва сифатини ошишига хизмат қилди.

Ҳаракат тизимлари томонидан ҳисобот даврида жами 33,6 мингта (2013-йилда 28 мингта) тадбир ташкил этилиб, 18,7 млн. (2013-йилда 11,4 млн.) нафардан зиёд ёшлар қамраб олинди¹.

Дастур орқали ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикадаги таълим муассасалари ўқувчи, талабаларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Сиз қонунни биласизми?” ва “тафаккур синовлари” каби республика танловларининг ўтказилиши ёшларга ўз билимларини баҳолаш имкониятигига эмас, балки ушбу билимлар орқали мамлакатимизни янада ривожлантиришга интилиш, ташаббусларини кўрсатиб берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг расмий сайтида “Парламентаризм билимдони-2013” on-line танлови викторинасида 5700 дан ортиқ ёшлар иштирок этганлиги ҳам бу борадаги ишлар натижадорлигини кўрсатди.

Жумладан, ёшларни ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан 4 мингга яқин учрашувлар ташкил этилиб, унга 300 мингга яқин ёшлар жалб этилган. Шунингдек, ёшларга оид қонунчилик юзасидан бошланғич ташкилотлар фаоллари ва етакчилар томонидан 300 га яқин таклифлар берилиб, сайлов қонунчилигини тушунтириш юзасидан иқтидорли талабалардан иборат тарғибот гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Маънавий-маърифий йўналишда Республикаимизнинг барча ҳудудларида Ёшлар фестиваллари ташкил этилиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кадриятларимизни

¹ “Камолот” ЁИХ 2014-йил сарҳисоб — 2015-йил истикболли режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди - Darakchi.

тарғиб этишга хизмат қиладиган янги лойиҳалар амалиётга самарали татбиқ этилди. “Камолот кутубхонаси” лойиҳаси доирасида 45 турдаги 221 мингдан ортиқ китоблар чоп этилиб, Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларида “Камолот” кутубхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳаракатнинг негизи бўлган бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишида энг намунали бошланғич ташкилотлар ва уларнинг этакчиларини рағбатлантиришга қаратилган уч босқичли ўқув-семинарлар ва республика Форуми ташкил этилиб, уларга жами 13,5 мингга яқин этакчилар жалб этилди.

Ёшларнинг таклифи асосида, Ҳаракат тизимларида фаолият юритувчи раҳбар ва масъул ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган вазифаларни тизимли ташкил этиш” бўйича махсус дастур асосида ўқитилиши тизимли йўлга қўйилди.

Ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширилган “Менинг бизнес ғоям”, “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” танловларида ўтган йил давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иштироки 3,5 баробарга ортиди. Хусусан, танлов ғолибларига 15,7 млрд. сўм имтиёзли кредит олишга тавсияномалар берилиб, 1100га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Спорт ва ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний тарбиясини ривожлантириш йўналишида спортнинг 12 тури бўйича ташкил этилган лойиҳаларда 2,5 млн.дан ортиқ ёшлар (шундан, 552 мингдан ортиғи қизлар) қатнашди. 2014-йилда Ҳаракатнинг таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари ўртасида спортнинг футбол, футзал, шарқ яккакураш турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Ёшлар сиёсатига оид Дастурга, асосан мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2015-йилнинг 1-январига қадар 50та ёш оилаларга “Камолот” уйлари топширилди.

Матбуот анжуманида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида Ҳаракат томонидан республикамизнинг барча таълим муассасаларида 120 минг нафардан ортиқ ёшлардан иборат 12 мингга яқин “Нуронийлар эъзозимизда” ёшлар патронаж гуруҳларини ташкил этиш белгиланган. Мазкур гуруҳлар томонидан

худудларда истиқомат қилувчи 10 мингдан зиёд уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, 30 мингга яқин ёлғиз қариялар ва ногирон кексалар ҳолидан мунтазам равишда хабар олиниб, уларнинг кундалик юмушларига кўмаклашилган¹.

Шунингдек, матбуот анжумани доирасида Ҳаракат фаолияти ҳамда йирик лойиҳалар лавҳалари акс этган “Камолот билан ҳаракатдамиз” фотокўрғазмаси, “Камолот” кутубхонаси туркуми остида чоп этилаётган китоблар кўрғазмаси ташкил этилди.

Анжуман якунида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан 10 нафар фаол ёш оилаларга “Камолот” уйлари олиш ҳуқуқини берувчи тавсияномалар тантанали равишда топширилди. Ҳаракат раиси журналистлар ва “Камолот” фаоллари томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб берди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, матбуот анжумани иштирокчиларига ҳаракатнинг бир йиллик фаолияти акс этган фотогалерея, инфографика ҳамда йиллик ҳисобот жамланган дисклар тарқатилгани уларнинг ҳаракат фаолияти билан янада яқинлашишига замин яратди.

2016 йилга келиб, мамлакатимизда барча соҳаларни модернизация қилиш ва янгилаш жараёнлари янги босқичда жадал олиб борила бошланди. Ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, юртимиздаги кўпгина давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти янада такомиллаштирилди. Халқ тақдирига дахлдор бўлган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти ҳам таҳлил этилиб, унинг фаолиятини янада яхшилаш, янги босқичга кўтариш режалаштирилди.

Умумий ҳолатда, ташкилот ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини эгаллашига кўмаклашиш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширган. 2001 йилдан буён ташкилот фаолиятида қатор ютуқлар баробарида бир қатор тизимли камчиликлар мавжуд эди.

Биринчидан, “Камолот” бутун Ўзбекистон ёшларини бирлаштирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмади. У асосан ўз атрофида Ҳаракат фаолиятига хайрихоҳ бўлган ёшларни уюштириб, фақат уларни қизиқтирган масалалар юзасидангина иш олиб борди.

¹ “Камолот” ЁИХ 2014-йил сарҳисоб — 2015-йил истиқболли режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди - Darakchi.

Натижада ёшларнинг кенг қатламларига тааллуқли бўлган долзарб масалалар, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзини ҳақиқий ёшлар ташкилоти сифатида кўрсата олмади.

2017 йилда “Камолот” ЁИХнинг 4 миллионга яқин аъзоси бор. Бу мамлакатдаги 10 миллиондан зиёд йигит-қизларнинг 40 фоизини ташкил этган. Аъзоларнинг катта қисми ҳақиқатда ташкилот фаолиятидан йироқ бўлган.

Бу эса ўз навбатида, минглаб ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда нафақат “Камолот”нинг, айни вақтда давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолиши, уларни маънан ва жисмонан юксалтириш масалалари эътибордан четда қолган¹.

Бунинг оқибатида уюшмаган, яъни, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бормоқда² эди.

Ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кузатилган.

2016 йилда ёшлар иштирокида 1 миллион 740 мингга яқин ҳуқуқбузарлик, 23 минг 440 та жиноят содир этилгани, ёш оилалар ўртасида 8 мингдан ортиқ ажралиш ҳолати қайд этилган.

Бу борада “Камолот” ЁИХ билан бир қаторда маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар бўлимлари, прокуратура, суд, маҳалла идораларининг ҳам масъуллиги таъкидланди³.

“Камолот” ЁИХнинг фаолиятидаги бундай камчиликларга бир қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд эди.

Объектив сабаблар шундан иборатки, “Камолот” ЁИХ жамоат ташкилоти сифатида тузилиб, ундан катта бир вазирлик вазифасини талаб қилинган. Ушбу ташкилотга жуда кенг, улкан вазифаларни топширилса-да, уларни бажариш учун зарур ҳуқуқий ва амалий ваколатлар, тегишли имконият ва имтиёзлар яратиб берилмаган.

Натижада “Камолот” ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарсага жавоб берадиган ва айни пайтда ҳеч нарсага жавоб бермайдиган,

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи (president.uz).

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи (president.uz).

³ Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи (president.uz).

мўрт ва заиф бир тузилмага айланиб қолганлиги олий раҳбарият томонидан эътироф этилди

“Камолот” ЁИХ фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган субъектив сабаблар сифатида аксарият раҳбарлари ва ходимлари томонидан ишга расмиятчилик билан, юзаки ва лоқайд муносабатда бўлиш каби салбий ҳолатларга кўрсатилди. Ундан ташқари, маҳаллий ҳокимият ва расмий идоралар томонидан ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйилмаганлиги, ёшларга шарт-шароитларни яратиш борасида амалий ишлар амалга оширилмаганлиги ҳам соҳа ишларни тизимли ташкил этилмаганлиги сифатида давлат раҳбари томонидан қайд этилди.

Ушбу ҳолатни вужудга келтирган яна бир муҳим сабаблар сифатида тизимда ишлаётган ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга етарлича эътибор берилмаганлиги соҳада етук ва малакали мутахассисларни фаолият юритмаганлигига сабаб бўлаётганлигига асос бўлган.

Кўпгина вилоят ва туманларда “Камолот” ЁИХ ташкилотлари учун бинолар етишмаслиги, уларнинг моддий-техник базаси ночорлиги, зарур мебель ва инвентарлар, алоқа ва ташкилий техника воситалари билан етарлича таъминланмагани, хизмат машиналари йўқлиги ҳам ишга салбий таъсир кўрсатган.

Республиканинг кўргина ҳудудларидаги “Камолот” ЁИХ мослашмаган, ноқулай биноларда жойлашган, айримларига хоналар ҳам ажратилмаган, моддий техник баҳаси ночор аҳволда бўлган.

Ҳаракатнинг жойлардаги тузилмалари фаолияти тор доирада чекланиб, асосан ўқувчи-ёшларга қаратилмоқда. Бунинг натижасида ёшларнинг катта қисмига Ҳаракатнинг сўзи ҳам, амалий таъсири ҳам етиб бормаяпти. Айниқса, уюлмаган ёшлар билан ишлаш масаласи эътибордан четда қолиб кетган.

“Камолот” томонидан ўтказилаётган кўпчилик тадбирларнинг, тарғибот материалларининг мазмуни ва сифати пастлиги, улар замон талабларига жавоб бермаслиги, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерактив усуллар қўлланмаётганини қайд этилди.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан “Камолот” ЁИХ раҳбарлари ва ходимларини турли ҳил бошқа ишларга сафарбар этиш, уларни муносиб муносабат кўрсатмаслик ва мазкур ёшлар ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилмаслиги, улар фаолиятининг самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлган.

Шулар баробарида, республиканинг кўплаб ҳудудларида 2017 йил ҳолатига келиб ёшларни ҳордиқ, ижод ва ўз-ўзларини ривожлантиришлари учун зарур бўлган ёшлар инфраструктуралари мавжуд бўлмаган. Кўпгина қишлоқ жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун замонавий инфратузилма тармоқлари деярли йўқ. Масалан, Бахмал, Мирзаобод, Ховос, Ўрта Чирчиқ туманларида ёшлар учун истироҳат боғлари, кинотеатрлар умуман мавжуд эмасди.

Мисол учун, Бухоро шаҳрида жойлашган Ибн Сино номидаги дам олиш ва истироҳат боғи Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 2016 йилнинг ноябрь ойигача реконструкция қилиниб, “Камолот” балансига ёшлар маркази сифатида ўтказилиши зарур эди. Лекин маблағ етишмаслиги тufайли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари тўхтаб қолган.

2005-2010 йиллар давомида минтақада ва республикада кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг натижалари ушбу тизимни давр талабаларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ этиш ва замонавий шаклда, қайта тизимлаштирилган ҳолда фаолият олиб бориши зарурлиги¹ маълум бўлиб қолган эди.

2.2. Ислоҳотлар даврида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки

XXI аср инсониятга шиддатли ва зиддиятли ўзгаришларни олиб келди. Инсоният иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, шу билан бирга, пандемия каби муаммолар ечимини излаш қаторида, янги мафкуравий ва молиявий рубару бўлмоқда. Мамлакатимизда дунёвий ва демократик жамият қуриш ва унинг ўзига хос қийинчиликлари мамлакат ёшларига бўлаётган турли мафкуравий таҳдидларнинг олдини олдиндан кўра билиш, уларга қарши таъсир тамойилларини белгилаш ва амалий саъй-ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқишни долзарб вазифалардан бири даражасига кўтаради. Чунки мафкуравий тазйиқ ва таҳдидлар жамиятлар ҳамда давлатлар бутунлиги, улар суверенитети, яхлитлигига қарши қаратилган ҳамда янги асрнинг асосий қарама-қаршилигини ўзида намоён этаётган ижтимоийсиёсий воқелиқдир. Мамлакатимизда кейинги беш йилда

¹ Eric M. McGlinchey. Searching for Kamalot: Political Patronage and Youth Politics in Uzbekistan EUROPE-ASIA STUDIES Vol. 61, No. 7, September 2009, 1137–1150. – p. 1137-1150.

амалга оширилаётган изчил ислохотлар, Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожига учун асосий пойдевор вазифасини ўтамоқда. Мамлакатимизнинг барча жабҳаларида ислохот-ларнинг амалга оширилаётганлиги, шунингдек, асосан, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, уларнинг илм олиши жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмаётганлиги бу, албатта, ислохотларнинг амалий аҳамият касб этишидан далолат беради.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш беришдан иборат бўлган давлат¹. Ёшлар доимо Ўзбекистон давлат сиёсатининг диққат марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, жамиятдаги долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, ёшларнинг баркамол ривожланиши ва таълим олиши учун шароитлар яратилмоқда.

Янги Ўзбекистон, айниқса, ёшлар учун кенг имконият эшигини очди. Тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида ёшларга оид давлат сиёсати ва уни амалга оширувчи институтлар фаолияти янгича мазмунда қайта шакллантирилди. Шу боис таълим-тарбия ва илм-фан соҳаси 2017–2021-йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди².

Ёшларга оид давлат сиёсати жаҳон ҳамжамияти ривожига, дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўзгариши хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда домий динамик ўзгариш ва такомиллашувда бўладиган жонли жараён бўлиб, бу борада изчил ўрганишлар ва амалий тадқиқотлар ўтказилиши ҳамда янги восита ва услубларни жорий этиб бориш муҳим зарурат сифатида баҳоланиши ниҳоятда тўғри тадбир сифатида баҳоланади.

Ёшлар ҳақиқий ижтимоий-сиёсий куч, ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи. Ҳаётга янги тенденциялар ва технологияларни олиб келади. Айниқса, дунёда глобаллашув,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. 17 август 2021 йил. [Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда \(president.uz\)](http://president.uz).

² ПФ-4947-сон 07.02.2017. [Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида \(lex.uz\)](http://lex.uz).

ахборот эркинлигини ҳукм сурайтган даврда уларнинг овози ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ. Ёшларга ўз салоҳиятини очиш, келажак авлодлар учун яхши ҳаёт учун дунё қуриш вазифаси юклатилган. Шулар баробарида, уларни ўз-ўзларини ривожлантиришлари ва порлоқ келажакни барпо этишда фаол иштирок этишлари учун шарт-шароит яратилиши муҳим омил ҳисобланади.

Ислоҳотлар даврида ёшларга оид давлат сиёсатида ўзига хос ривожланиш даври 2016 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун¹ни қабул қилиниши билан бошланди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ўзига хос мутлақо янги даврни бошлаб берди. Ўз навбатида, бу мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулияти ва ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Мазкур қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган. Қонун бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди. Замон талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган. Булар сирасига ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатлари киради. Шу асосда ёшларнинг очик ва сифатли таълим олиши таъминланади. Ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмаклашилади. Уларни ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратилади. Уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилади. Ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган ҳатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллабқувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни. [ЎРҚ-406-сон 14.09.2016. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида \(lex.uz\)](#).

шакллантириш, спортни, тадбиркорликни ривожлантириш доимо диққат марказида бўлади.¹

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия, муҳофаа ишлари бўйича органлар, нодавлат нотажорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари сингари ташкилотлар аниқроғи, унинг субъектлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ёшлар учун қўшимча кафолатлар, яъни бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Таълим муассасаларини битирганидан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва бошқа шу кабилар қамраб олинган.

Шунингдек, Қонунда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш кабилар орқали амалга ошириш мумкин бўлган истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари тартибга солинган. Қонунда мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан чора-тадбирларни кўришга алоҳида ўрин ажратилган.

Мазкур қонун нафақат ёшлар, ёш оила, балки ёш мутахассис, ёшлар тадбиркорлиги тушунчаларининг мазмунини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, комплекс ташкилий-ҳуқуқий ва институционал чоратадбирларни қабул қилишга йўналиш ва асос бўладиган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишларини белгилади. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат бошқарувини ушбу жараёнда иштирок

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни. [ЎРҚ-406-сон 14.09.2016. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида \(lex.uz\)](#).

этадиган ҳар бир субъект ваколатларини мустаҳкамлаган ҳолда такомиллаштирди. Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама рағбатлантирадиган қўшимча давлат кафолатларини кенгайтириш ва ўрнатишга, мамлакат иқтисодий ўсишининг локомотиви бўлган ёшлар ўртасидаги тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишга кенг йўл очиб берди.

Қонун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат ташкилотларининг, аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиради. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришда, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муқаррар иштирокининг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланди.

Қонун давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларга асос бўлди. Жумладан, Ўзбекистонда 2016-2021 йиллар мобайнида ёшлар сиёсатига доир жами 152 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди¹.

Ёшларга оид давлат сиёсати жамиятнинг барча жабҳаларида кенг миқёсда ижросини таъминлашга йўналтирилди. Унинг ижро механизмлари такомиллашди. Мазкур қонунда белгилаб берилган Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий лойиҳавий ва молиявий механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, ёшлар ташкилотларининг мақомини ошириб бориш, уларнинг ёшларимиз ҳаётида аҳамиятини ошириш борасида муҳим қадамлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташкил этилди. Ёшлар,

¹ 12та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27та фармони, 37та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 76 та қарори. [Ёшларга оид норматив ҳужжатлар рўйхати.pdf \(gov.uz\)](#). Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсати юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати. [Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати 2023 йил 1 ИЮЛЬ ҳолатига.pdf \(gov.uz\)](#).

маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан ёшлар сиёсатига доир қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари ижроси устидан тизимли парламент назоратини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Ўтган вақт давомида 8 та назорат тадбирлари ўтказилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 220 та сенатор сўровлари юборилди, 20 дан ортиқ халқаро ва маҳаллий форумлар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилди. Сайловчилар билан 3 мингдан ортиқ учрашувлар ташкил этилди, 7 мингга яқин фуқарорлар қабул қилинди ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашилди, ОАВда 1700 дан ортиқ чиқишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ёшлар билан бўлиб ўтган 127 та учрашувларда улар томонидан кўтарилган 836 та мурожатлар кўриб чиқилиб, ҳал этилишига кўмаклашилди.

Парламентнинг ёшлар масалалари билан яқиндан танишиши ва уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширган ишлари 2020 йилга келиб янада кенг тус олди. Фаол ёшларни жамият ва давлат аҳамиятига молик ижтимоий-иқтисодий жараёнларда яқиндан иштирок этишлари учун кенг имконият яратилди. Хусусан, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Сенати қошида 100 нафар ва Қонунчилик палатаси қошида 250 нафар фаол ва ташаббускор ёшларни бирлаштирган Ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилди¹.

Республиканинг барча ҳудудларидан Ёшлар парламентларига сайланган 350 нафар ёшлар вакиллари томонидан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт давомида Ёшлар парламентлари томонидан Олий Мажлис палаталарига киритилган 40 га яқин қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрланди. Республика миқёсида 25 та назорат-таҳлил тадбирлари амалга оширилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби тўғрисида”ги 119-IV-сонли қарори. 119-IV-сон 25.02.2020. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби тўғрисида (lex.uz). (муурожаат қилинган сана – 05.02.2024).

Қабул қилинган қонунларнинг мазмун моҳияти ва тарғиботи, мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати ва ислохотлар самарасига бағишланган 50 дан ортиқ тадбирлар, ўқув семинарлари ва конференциялар ташкил этилди. Марказий босма нашрларда 30 га яқин, телерадиоканалларда 100 га яқин чиқишлар қилинди

Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш, соҳа ходимларининг билим, кўникма ва малакасини ошириш мақсадида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди¹. 2018-2021 йиллар давомида ёшлар масалаларида 50 дан ортиқ тадқиқотлар ўтказилди ва таҳлилий материаллар тайёрланди.

Институт томонидан ташкил этилган 4 ойлик қайта тайёрлаш курсларида 365 нафар ёш ва истиқболли кадрлар тайёрланди. Уларнинг 45 фоизи юқори лавозимларга ўсишига эришилди. Бундан ташқари, 12 минг нафар ёш кадрлар қисқа муддатли малака ошириш курсларида қайта тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувидан сўнг ёшлар сиёсати соҳасига оид 18 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2 та қонуни қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида” ПФ-5106-сон Фармони² билан ёшлар масалаларига оид 70 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та қарори ва 1 та фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори ва 1 та фармойиши қабул қилиниши ёшлар сиёсати соҳасидаги ислохотларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга оширилишига замин яратмоқда. Мазкур фармон соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтаришга хизмат қилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3206-сонли қарори. [ПҚ-3206-сон 14.08.2017. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\)](#). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

² Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I қисм). – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2017. – Б – 59.

Хусусан, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасида вазифаларни ижросини жадаллаштириш зарурати вужудга келганини намоён этди.

Жойларда, истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмагани маълум бўлди.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди¹.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони. ПФ-5106-сон 05.07.2017. Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz).

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида нишонланмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ доирасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ёшлар сиёсатини самарали фаолият механизмини вужудга келтириш, мавжуд тизимни такомиллаштириш мақсадида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, чет элда ўқиётган ва меҳнат қилаётган ёшларимиз билан доимий алоқалар ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон Ассоциацияси ташкил этилди².

Хитой Халқ Республикаси, Москва шаҳри, Германия Федератив Республикасидаги Ўзбекистон элчихоналарида Ассоциациянинг ваколатхоналари очилди. АҚШда Ўзбек ёшлари ассоциацияси рўйхатдан ўтказилди. Туркия, Япония, Миср, Жанубий Кореяда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг вакиллари ва координаторлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ассоциация томонидан Россия Федерациясида 80 минг, Жанубий Кореяда 20 минг, Қозоғистон Республикасида 6 минг, Европа мамлакатларида 2 минг, Туркияда 2,5 минг, Хитой Халқ Республикасида 2 минг, умумий ҳисобда 110 минг нафардан ортиқ хориждаги ёшларимизга кўмак кўрсатилиб келинмоқда³.

Хорижда таълим олиб келган 120 нафар ёшларнинг мамлакатимизда иш билан таъминланишига кўмаклашилди. 2020 йил апрель-июнь ойларида Беларусь Республикасида 330 нафар, Латвия Республикасида 18 нафар, Россия Федерациясида 464 нафар, Туркияда 300 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ўзбекистонлик ёшларга озиқ-овқат ва шахсий гигиеник маҳсулотлар етказиб берилди. Мазкур тадбирларни амалга оширилишида фаол ва ташаббускорлар ёшлар асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 феврал.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 августдаги “Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 649-сон қарори. 649-сон 05.08.2019. Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

³ Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси. Siz bilishingiz kerak (wayu.uz). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

2022 йил давомида 83 нафар халқаро ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари вакиллари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокара ва учрашувлар ўтказилди. 7 та мамлакат (Туркманистон, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Сингапур ва Малайзия) билан ёшлар сиёсати соҳасида яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорлик ўрнатиш ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 5 та ҳужжат (меморандум ва келишувлар) имзоланди (Туркманистон, ЮНИСЕФ, ЮНФПА, Туркий давлатлар ташкилоти (Бухоро), Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар форуми Евроосиё минтақавий маркази). Давлат раҳбарининг ташаббуслари билан “Марказий Осиё ёшлар форуми, ШХТга аъзо мамлакатлари Ёшлар Кенгашининг 15-йиғилиши, ШХТ мамлакатлари ёшлари ўртасида энг яхши стартап лойиҳаси” танлови, Туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форуми ўтказилиб, Бухоро шаҳри биринчи туркий дунё ёшлар ташаббуслари пойтахти, 2022 йил туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди¹.

Пандемия даврида хорижий мамлакатда қолиб кетган 300 га яқин Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мамлакатимизга чартер рейслар орқали қайтишларига ёрдам кўрсатилди.

Амалга оширилган ушбу тадбирлар, республика ёшларини ватандошларга кўмак бериш мақсадида инсонийлик ғоялари остида умумий мақсадга эришиш йўлида бирлашуви билан бир қаторда умуминсоний қадрияларнинг амалдаги ифодасига гувоҳ бўлиш имкониятига эга бўлишди. Иккинчи томондан, ёш авлодга инсонлар бирлашган ҳолда йирик ташкилий ишларни амалга ошириш мумкинлигини амалда ўз тажрибаларида синаб кўришди.

Иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакат илм-фанининг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлилигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил этилди².

¹ Бухорода Туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форуми бошланди (uza.uz). Бухорода Туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форуми бўлиб ўтмоқда - Халқ сўзи (xs.uz).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4433-сонли Қарори. Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (uza.uz) (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

Ёшлар академиясининг “Гоялар генератори” платформаси орқали 640 нафар, “Стартаплар” платформаси орқали 485 нафар, “Бизнес вакиллари” платформаси орқали 250 нафар, “Бўлажак академиклар” платформаси орқали 425 нафар ёшларга ўз ташаббусларини амалга оширишда кўмаклашилди¹.

Умумий жамғармаси 2 млрд сўм бўлган “2020 йилга энг яхши 20 та стартап лойиҳалар” танлови натижаларига кўра энг истиқболли 20 та лойиҳа молиялаштирилди. “Technoways” технологик ривожланиш марафонида энг истиқболли деб топилган 30 та лойиҳа 570 млн сўмга молиялаштирилди².

Ҳар йили илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича “Scopus” халқаро илмий нашрлар маълумотлар базасида энг юқори Хирш индексига эга 40 ёшгача бўлган олимларга Ёшлар академияси томонидан 100 млн. сўм миқдоридан мукофот пуллари бериш амалиёти жорий этилди³.

Ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, уларнинг ташаббускорлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар орасида етишиб келаётган дахлдорлик ҳиссини амалда татбиқ этиш мақсадида ва бу ташаббускорлик ҳаракатларини меъёрий асосларини шакллантириш учун қатор ташкилий ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, волонтерлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Волонтерлик фаолияти тўғрисида” 2019 йил 2 декабрдаги Қонуни⁴ қабул қилинди.

2019 йил Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси ташкил этилди ҳамда ҳудудларда 14 та волонтерлик мактаблари ва 70 дан ортиқ волонтерлик гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

2020 йил ҳудудларда ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари фаолиятига ҳар куни ўртача 5 минг нафардан ортиқ волонтер ёшлар (шундан, 900 нафари қизлар) жалб этилди.

Хусусан, 870 нафар волонтерлар “Call-марказ”ларда аҳоли мурожаатларини қабул қилиш билан шуғулланди⁵, 4500 нафар волонтерлар хонадонларга маҳсулотлар етказиб беришга кўмаклашди. 7500 нафардан ортиқ ёшлар хайрия маҳсулотларини

¹ Ёшлар академияси — замонавий билимларга эга илғор ўғил-қизлар маскани (yuz.uz).

² “TechnoWays” технологик ривожланиш марафонининг 10 та лойиҳаси молиялаштирилди (yuz.uz).

³ Тўрт нафар ўзбек олимга 100 млн сўмдан мукофот пули берилди (kun.uz).

⁴ ЎРҚ-585-сон 02.12.2019. Волонтерлик фаолияти тўғрисида (lex.uz).

⁵ Волонтерлик ҳаракати жамиятда фаол фуқаролар авлодини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади (uza.uz).

қабул қилиб олиш ва мурожаат сонидан келиб чиқиб қадоқлашга, 2200 нафардан ортиқ ёшлар 500 га яқин бириктирилган автомашиналарда маҳсулотлар тўпламини марказларга мурожаат қилган хонадонларга етказиб беришга кўмаклашди¹.

2020 йилда 500 нафарга яқин фаол волонтерлар “Меҳр-саҳоват” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳар қандай ҳаракат ва ташаббусларни ривожлантириш учун унинг қонуний асослари яратилиши керак. Волонтерлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг барча соҳаларини унинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ижобий тенденцияларини ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада кенгайтириш мақсадида 2023 йил 18 августда “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, соҳадаги ваколатли давлат органи этиб – Ёшлар ишлари агентлиги белгиланди².

Мазкур қонунга кўра Агентлик зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

соҳада давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга ошириш;

қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

Ушбу ваколатлар волонтерликни ривожлантириш, имкониятларни кенгайтириш, волонтерларни рағбатлантириш, турли масалалар бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга оширишга хизмат қилади.

Ёшлар марказларида ташкил этилган «Волонтерлар мактаби»да 10,2 минг нафар ёш волонтер ўқитилди. Ушбу волонтерлар томонидан 50 мингдан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган ҳамда ёлғиз қариялари мавжуд оилаларга ижтимоий лойиҳалар орқали кўмаклашилди.

2020 йилда Ўзбекистон волонтерлар ассоциацияси ташкил қилинган. 2022 йил ҳолатига 61 минг нафар ёшни қамраб олган 99 та доимий фаолият юритадиган волонтерлик гуруҳлари фаолият кўрсатган³.

Ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини юритиш, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини

¹ [Ўзбекистонда 60 мингдан зиёд волонтер борлиги ҳақида биларминдигиз? \(xabar.uz\)](http://xabar.uz)

² [ЎРҚ-863-сон 18.08.2023. «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида \(lex.uz\)](http://lex.uz). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

³ [Волонтер ким? Бу фаолият давлат томонидан қандай қўллаб-қувватланади? \(yuz.uz\)](http://yuz.uz) (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти йўлга қўйилди¹.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи давлат ташкилоти ҳисобланган Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, “Ёшлар дафтари”га киритилган 591 минг 13 нафар ёшлардан 560 минг 385 нафарига (94 фоиз) амалий ёрдам кўрсатилиб, дафтардан чиқарилди².

2021 йилда “Ёшлар дафтари”даги 430 минг нафар ёшларга 300 млрд. сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди, жами 508 минг нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ишсиз ёшларни касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишларни олиб бориш мақсадида ўзига хос механизм вужудга келди. Ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар ва иш ўринлари яратиш, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида барча туман (шаҳар)ларда “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури амалга оширилди³.

2021 йилда Дастур доирасида 2018-2020 йиллар давомида 8705 та бизнес лойиҳага жами 1 трлн. 858 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди ва 42421 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Дастур доирасида биргина Фарғона вилоятида 647 та бизнес лойиҳага 210 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратиш орқали 2646 та янги иш ўринлари яратилди.

2022 йилда ёшларга замонавий касбларни эгаллаш учун янгича шарт-шароитлар яратила бошланди. Хусусан, “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида 3641 нафар ёшларга замонавий касбларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4768-сонли қарори. [ПҚ-4768-сон 30.06.2020. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида \(lex.uz\).](#)

² “Ёшлар дафтари” — кенг имкониятлар эшиги ([yuz.uz](#)). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармони. [ПФ-5466-сон 27.06.2018. «Yoshlar-kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида \(lex.uz\).](#)

эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш учун 5,2 млрд сўм миқдорда субсидия ажратилди¹.

Бундан ташқари, ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга масофавий ўқитиш мақсадида www.e-kasb.uz платформаси² фаолияти йўлга қўйилиб, ушбу платформада 29586 нафар ёшлар ва 137 та ўқув марказлари рўйхатдан ўтди ҳамда бугунги кунга қадар 10637 нафар ёшлар мазкур лойиҳани муваффақиятли тамомлади.

Самарқанд вилоятида эса 952 та бизнес лойиҳага 194 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратиш орқали 4653 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини кредитлаш тартиби йўлга қўйилди³.

2021 йилнинг 7 ойи давомида 104 мингдан ортиқ ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 трлн. 638 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. 2017-2021 йиллар давомида республикада 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар сони 500 мингдан ошди.

Ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда биноларни ижарага бериш, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап ғоялари ва лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш учун “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ҳамда савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этиш учун “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуриш йўлга қўйилди⁴.

Худудларда 20 та “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари ҳамда 244 та “Ёшлар меҳнат гузари” комплекслари фойдаланишга топширилиб, уларда жами 2589 та янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур комплексларда 147 та савдо дўкони, 95 та тикув цехи, 159 та аёллар ва эркаклар салони, 108 та новвойхона ва қандолат цехи, 67 та автосервис, 14 та умумий овқатланиш шаҳобчаси, 12 та

¹ Ёшларга хорижий тилларни ўрганиши учун 7,2 млн сўмгача субсидия берилди. Ёшларга хорижий тилларни ўрганиши учун 7,2 млн сўмгача субсидия берилди (kun.uz).

² [Kasb-hunarlar platformasi \(e-kasb.uz\)](http://Kasb-hunarlar-platformasi(e-kasb.uz)).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041-сонли қарори. ПҚ-5041 27.03.2021 Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги “«YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» Давлат Дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 962-сонли қарори. 962-сон 27.11.2018. «Yoshlar-kelajagimiz» Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

хунармандчилик устахонаси, 9 та ўқув маркази, 5 тадан “Book safe”, китоб дўкони, телефон тузатиш устахонаси, компьютер хизмати, фото студия, дорихона ва бошқалар ташкил этилди.

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижаларини рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида барча туман (шаҳар)ларда “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”ни ташкил этиш йўлга қўйилди.

Туман (шаҳар)ларда ташкил этилган 143 та “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”да 5130 мингта лойиҳа доирасида ёшлар учун янги иш ўринлари яратилмоқда¹.

2021 йилда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ажратилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама фаолиятини қўллаб-қувватлашга, муаммоларини ҳал этишга қаратилган мутлақо “Ёшлар дафтари” – янги тизим жорий этилди².

Ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида ер ажратиш амалиёти жорий этилди³. Бу эса ўз ўрнида янгича механизм бўлди.

2021 йилнинг январь ойида ўтказилган хатлов ва ўрганишлар натижасида “Ёшлар дафтари”га 591 минг 13 нафар ёшлар киритилиб, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг 94 фоизига амалий ёрдамлар кўрсатилди.

2021 йилда “1+1” дастури жорий этилиб, 93 минг 293 нафар ёшлар тадбиркор ва уста-хунармандларга бириктириш орқали ҳунар ва касб кўникмаларини ошишига эришилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5088-сонли қарори. ПҚ-5088-сон 21.04.2021. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

² Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 8 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 79-сон баёни (21.10.2020 й. 02-2997).

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 27 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 5-сонли баёни (02.02.2021 й. 02-РА 1-2272).

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди¹.

2023 йил бошидан “Ёшлар дафтари”га кириш учун 360436 та онлайн мурожаат келиб тушган. Шундан ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг 340440 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилиб, 243591 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 14187 нафар ёшларга 36,2 млрд сўмлик асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари ажратилиб, ўз ҳудудларида доимий иш билан таъминланди.

Маҳаллалардаги Ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш жадаллашди, ёрдам кўрсатиш яхшиланди. Етакчилар тавсияси асосида кўрсатиладиган ёрдам турлари 11 тадан 25 тага етказилди.

Етакчилар томонидан 14-30 ёшдаги 9,1 млн нафар “Ёшлар баланси” шакллантирилиб, уюлмаган, ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 306 минг 813 нафар йигит-қизлар “Ёшлар дафтари”га киритилди. Шундан, 271 минг нафарининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун жами 560 млрд сўм маблағ сарфланди².

Хусусан, 44997 нафар талабанинг контракт тўлови, ишсиз ёшларнинг 26 456 нафарига меҳнат қуроллари, 12600 нафарига муддатли ҳарий хизмат бадали, 11500 нафарига ҳайдовчилик курслари, 5093 нафарига касб-ҳунарга ўқиш ва 7281 нафар бемор ёшларга даволаниш каби ёшлар орасида талаб юқори бўлган йўналишлардаги харажатлар қоплаб берилди.

Замонавий касбларни эгаллашга ҳамда хорижий тилларни ўрганишга қизиқувчи 3024 нафар ёшларга 12,3 млрд сўм ажратилди. Улар “Веб-дастурлаш”, “Дизайн”, “Моделлинг”, “Веб иловалар яратувчиси” каби замонавий касбларга ўқитилди.

Ёшларнинг ҳайдовчилик курслари харажатлари учун 3,1 млрд сўм маблағ сарфланиб, 3379 нафар ёшларга ўз ҳудудида ҳайдовчилик фаолиятини йўлга қўйишига, шу орқали ўзини-ўзи банд қилишига кўмаклашилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сонли Қарори. 250-сон 28.04.2021. Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

² Ватанпарвар ва доимий изланиш йўлини танлаган ёшлар эртамикс эгалари (uza.uz).

Ўқувчи ёшларнинг илм-фан, маданият, санъат ва спорт бўйича тўғараклар харажатлари учун 3,2 млрд сўм ажратилди. Ўқув курсларида 4049 нафар ёшлар қатнашди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, биринчи марта паспорт олувчи 4 139 нафар ёшларга 1,1 млрд сўм миқдорда фуқаролик паспорти олиш бадали қоплаб берилди.

Иқтидори, салоҳияти юқори 1509 нафар ёшларга 1,5 млрд сўм ажратилиб, уларнинг маҳаллий ва халқаро даражадаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда иштироки таъминланди.

Уй-жойга эҳтиёжи бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 746 нафар ёш оилага 1,5 млрд сўм миқдорда 1 йиллик турар-жой ижара харажатлари қоплаб берилди.

Сифатли таълим учун замин яратиш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож 1 188 нафар ўқувчи ёшларга 100 млн сўмлик мактаб формаси ҳамда ўқув қуроллари ажратилди.

Касб-ҳунар эгаллашга иштиёқи юқори 1195 нафар ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш учун 807 млн сўм ажратилиб, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига эришилди.

Дехқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган 582 нафар ёшларга 807 млн сўмлик уруғлик ва кўчатлар хариди учун субсидия ажратилиб, ҳар бирининг 5-10 млн сўмгача соф даромад олишларига кўмаклашилди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида танлов ва тадбирларни маҳалла-сектор-туман-ҳудуд даражасида ташкил этиш учун 41,1 млрд сўм ажратилиб, лойиҳалар доирасида 5,5 млн нафар ёшлар қамраб олинди.

Туман, шаҳарлардаги кутубхоналарнинг китоб фондини бойитиш ва спорт майдончаларига янги замонавий жиҳозлар ажратиш учун 2,9 млрд сўм йўналтирилди. Ёшларнинг индивидуал муаммоларини ўрганиш натижасида аниқланган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 100 мингдан ортиқ ёшларга турли зарурий ёрдамлар кўрсатилди.

2023 йилда ҳар бир маҳаллада ёшларнинг баланси шакллантирилди, бу орқали 9 миллион нафар ёшлар 3 тоифага ажратилиб (396 минг - “оғир”, 4,8 млн - “ўрта”, 4,2 млн - “яхши”), улар билан индивидуал ишлаш тизими жорий этилди¹;

Давлат раҳбарининг 11 апрел кунги видеоселектор йиғилишларидан келиб чиқиб давлатнинг алоҳида кўмагига муҳтож

¹ Ёшлар билан ишлаш тизими бўйича ахборот берилди (president.uz).

“оғир” тоифадаги 396 минг нафар ёшлар 6755 нафар раҳбарлар (вазирлик, идора, ташкилот раҳбарлари, вилоят туман сектор раҳбарлари бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ҳарбий қисм командирлари)га бириктирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг 146 минги тоифадан чиқарилди, 249 минг нафар ёшлардан 176 мингта муаммолар аниқланиб, уларнинг 166 мингтаси (93 фоизи) ҳал этилди. “Оғир” тоифадаги жами ёшлардан 65225 нафарида ижтимоий-иқтисодий муаммолар аниқланмаган. Муддат талаб этадиган масалалар сони 12621 тани ташкил этмоқда.

Ўтган давр мобайнида “Оғир” тоифадаги ёшларнинг, 9876 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди, 13524 нафарига экин майдонлари ажратилди, 4881 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди, 5191 нафари касб-хунарга ўқитилмоқда, 9072 нафарига асбоб-ускуна ва меҳнат куроллари ажратилди, 2467 нафар ёшларга тўлов-контракт маблағлари тўлаб берилди, 2195 нафари илм-фан соҳалари бўйича турли тўғарақларда ўқитилмоқда, 23881 нафарига бир марталик моддий ёрдам берилди, 26084 нафарининг даволанишига кўмаклашилди, 2388 нафарига ногиронлар реабилитация техник анжомлари тақдим этилди, 850 нафарига уй таъмирида кўмаклашилган бўлса, 65730 нафар ёшларга бошқа турдаги зарурий ёрдамлар кўрсатилди¹.

2019 йилга келиб ёшларни интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Беш муҳим ташаббус” жорий этилди².

2019-2021 йиллар “Беш муҳим ташаббус” доирасида республикадаги жами 826 та маданият марказлари, 10008 та умумтаълим мактабларида ёшларни маданият ва санъатга жалб этишга қаратилган 41025 та тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди ва уларга 3762 та муסיқа анжомлари етказиб берилди. Ташкил этилган тўғарақларга 1 млн. 153 минг нафар ёшлар жалб қилинди.

Ҳудудларда 51651 та спорт иншоотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 149 мингдан ортиқ спорт тўғарақлари ташкил этилиб, уларда 2,7 млн.

¹ “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар қандай кўмак олади? (yuz.uz). 28 сентябр 2023 йил. (мурожаат қилинган сана – 9 февраль 2024 йил).

² Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни (23.03.2019 й. 6300-хх).

нафарга яқин ёшлар қамраб олинди. Мазкур масканларга умумий қиймати 25 млрд. сўмдан ортиқ спорт жиҳозлари ва инвентарлари етказиб берилди.

Худудларда 134 та рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 168 минг нафар ёшлар компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитилди¹.

Беш муҳим ташаббус дастлаб Тошкент вилоятининг Бўка, Қуйичирчиқ туманлари ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида тажриба сифатида жорий этилди². Шунингдек, 42 та туман ва шаҳарларнинг 168 та олис ва оғир аҳволдаги маҳаллаларда бу тажриба муваффақиятли амалга оширилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида “5 ташаббус лойиҳа офиси” фаолияти йўлга қўйилди.

Биринчи ташаббус – ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш бўйича:

Ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш йўналишида бахшичилик ва мақом мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Термизда Бахшичилик, Қўқонда Хунармандчилик, Гулистонда Бахшичилик³ халқаро фестиваллари ўтказилди.

Республикамиздаги барча туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғарак ташкил этилди. 6 та маданият маркази қайта таъмирланди.

“Мен нечун севаман Ўзбекистонни!” мавзусида ижодий ишлар танлови ташкил этилди. Танловда 1 млн 730 минг нафарга яқин ўқувчи ёшлар иштирок этди.

“Виртуал музей” лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳридаги 21 та музей vrmuseum.uz ва roundme.com платформалари учун энг замонавий ИТ технологияларидан фойдаланган ҳолда, сифат кўрсаткичининг янги стандарти – 12 К ўлчамида, 360 3D форматида тасвирга олинди ва жойлаштирилди.

Ёш дизайнерларга ўз салоҳиятларини намойиш этишларига кўмаклашиш мақсадида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро

¹ Арзикулов Ф.Ф., Солиджонов Д.З. Беш муҳим ташаббус – келажакка мустаҳкам пойдевор / Scientific Progress, Volume 2, 2021 – 1020-1026 бетлар.

² Саъдуллаев А. Жонажон Ўзбекистонимизни янада обод қилайлик! Жонажон Ўзбекистонимизни янада обод қилайлик! (uza.uz).

³ Дунё маданияти бир сахнада – Гулистондаги фестивал хақида (xabar.uz)

шаҳарларида “Uzbekistan Fashion Week” халқаро модалар намоёиши ўтказилди¹. БААнинг энг нуфузли бренди – ASHI (АШИ) студияси ўз коллекциясини юртимиз мода ихлосмандларига намоёиш этиб, икки давлатнинг дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Францияда бўлиб бўлиб ўтган 72-Канн Халқаро кинофестивали ҳамда Германияда бўлиб ўтган 69-Берлин Халқаро кинофестивали – Бериналега илк бора мамлакатимиз ёш киноижодкорлари юборилиб, унда мамлакатимиз кинотуриزمи салоҳияти, тарихий обидаларимиз, диққатга сазовор жойларимиз, халқаро “PROlogue” кинофестивалимиз тарғиб қилинди.

Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасидаги қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш бериш бўйича:

2019-2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди². Ушбу концепция асосида ёшларни спортга жалб этиш борасида тизимли чоратадбирлар амалга оширилди.

Олимпия ўйинлари, жаҳон ва осиё чемпионатлари ғолиби бўлган 204 нафар спортчи туман ва шаҳарларга бириктирилди. 15 та сунъий қопламали спорт майдончалари қурилиб, 9 таси қайта таъмирланди, 2 та мактабда янгидан спорт заллари барпо этилиб, 41 тасининг спорт заллари қайта таъмирланди.

Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсадида “Спорт карвони” лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 230 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда 7542 та умумтаълим мактабларига умумий қиймати 50 млрд сўмлик 96 турдаги спорт жиҳозлари, инвентарлари ва кийимлари етказиб берилди.

“Ёшлар куни” муносабати билан жойларда жами 32 минг нафар ёшлар иштирокида 14 та “Youth Day” номли 5 кмга оммавий югуриш марафонлари ўтказилди.

¹ ТОШКЕНТ, САМАРҚАНД ВА БУХОРОДА “ДЕКЛАРАЦИЯЛАР МУЛОҚОТИ” БЎЛИБ ЎТАДИ (uzbekistan.org.ua).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралда “2019 — 2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 118-сонли қарори. 118-сон 13.02.2019.2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz).

186 маротаба “Миллий ўйинлар” (арқон тортиш, кураш, тош кўтариш ва бошқа) спорт мусобақалари ташкил этилиб, уларда жами 16200 нафар ёшлар иштирок этди.

Аҳоли ва ёшлар орасида компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланишни ташкил этиш, айниқса ёшлар орасида бу борада кенг билим ва кўникмаларни ривожлантиришни мақсади кўзланган – Учинчи ташаббусни амалга ошириш доирасида соҳани ривожлантириш, иқтисодиётни рақамлаштириш, соҳаларда ахборотлашув ва рақамли технологияларни жорий этиш ва бунда ёшларни кенг иштирокини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилди.

Ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни жорий этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман шаҳарларида 50 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди¹. Мазкур ўқув марказларида 50 та янги иш ўринлари яратилиб, уларда 19 та махсус фан дастури ишлаб чиқилди.

Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон ва Фарғона вилоятларида ёшларнинг стартап лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган IT парклар қурилди.

Рақамли технологиялар ўқув марказларида қисқа ва узок муддатли ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, бугунги кунга қадар 5 минг нафардан ортиқ тингловчилар ўқув курсларини якунлаган.

Ёшларга компьютер технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш², уларнинг замонавий интеллектуал билимларини янада ошириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида янги “IT markaz” ташкил этилди.

Республика бўйича 19 та “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчалари замонавий компьютер жамланмалари билан таъминланиб, интернет ва “ZiyoNet” таълим тармоғига уланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 923-сонли қарори. 923-сон 21.11.2019. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида (lex.uz).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. ПФ-5349-сон 19.02.2018. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

Бугунги кунга қадар 3672 та халқ таълими, 1205 та мактабгача таълим ва 1469 та соғлиқни сақлаш муассасаларининг юқори тезликдаги интернет тармоғига уланиши таъминланди.

Шунингдек, 3433 та халқ таълими, 1836 та мактабгача таълим ва 1127 та соғлиқни сақлаш муассасаларига жами 4154 км оптик толали янги алоқа линиялари тортилди.

Ёшларнинг замонавий ахборот технологияларини ўрганиши, олган билимларини юртимизнинг барча ҳудудларидаги ёшларга етказиши ва бу орқали мамлакатимизда янги авлод технологиялари ривожига ҳисса қўшиш мақсадида “Digital Generation”, “Бир миллион дастурчилар” лойиҳалари ва “Google Dev Fest” дастурчилар фестивали ташкил этилди¹.

Тўртинчи ташаббус – аҳоли, айниқса, ёшлар маданиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича:

“Ёшлар кутубхонаси” рукни остида 59 та номдаги 590 минг дона бадий адабиётлар чоп этилиб, республикамиздаги барча таълим муассасалари кутубхоналарига тарқатилди.

“Ёш китобхон” республика танловининг саралаш босқичларида 2019 йилда 1 млн 200 мингдан ортиқ ёшлар фаол иштирок этиб, Республика босқичида ғолиб бўлган 3 нафар ёшларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси сифатида “Spark” автомашинаси берилди.

Шунингдек, Сирдарё вилоятида ёш оилаларни китобхонликка кенг жалб қилиш мақсадида “Энг яхши китобхон оила” танлови ўтказилиб, ғолибга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси сифатида “Spark” автомашинаси берилди. Ўтган давр давомида китобхонларга жами 9 та “Spark” автомашинаси совға сифатида тақдим этилган.

Ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялаш, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила” республика танловлари тизимли равишда йўлга қўйилди².

¹ Бўтабоев М. Мулайдинов Ф. Рақамли иқтисодиёт – тараққиёт мезони // Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази. “Минтақавий ривожланишнинг замонавий муаммолари: озиқ-овқат ҳавфсизлиги, бошқарувнинг марказлаштирилмаслиги, яшаш даражасининг ўсиши” илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2020. – 150-160 бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва

“Ёш китобхон” республика танлови ташкил этилиб, 2018-2021 йиллар давомида унинг иштирокчилари сони 2,5 млн. нафарни ташкил этди. 2021 йилдан бошлаб “Ёш китобхон оила” республика танлови йўлга қўйилиб, 4,5 мингта ёш оилалар қамраб олинди. Шунингдек, 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинди.

Худудларга “Маърифат карвони” лойиҳаси доирасида 4 млн. дан ортиқ китоблар ёшларга етказиб берилди. Мамлакат ёшлари орасида китобхонликни янада кенг ёйиш мақсадида тизимли ишларни амалда руёбга чиқариш мақсадида 2020 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 – 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 781-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида кенг миқёсда худудлар кесимида:

ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, нашриётлар ва ижодкорлар фаолиятига кўмаклашиш, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни қўллаб-қувватлаш;

миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, мутолаа маданиятини юксалтириш, республиканинг олис худудларида ва ёшга доир китобхонлик маданиятини ривожлантириш;

китоб савдосини ташкил этиш тартибларини соддалаштириш, янги нашр этилган китобларни етказиш ва ахборот манбаларини тарқатиш тизимини такомиллаштириш;

китоб етказиб берувчиларни замонавий ижтимоий эҳтиёжларга мослаштириш, инфратузилмани яхшилаш, ахборот-кутубхона марказларини чоп этиладиган босма нашрлар ва уларнинг электрон нусхалари билан тўлдириб бориш, электрон китоблар яратиш, китобларни рақамлаштириш ва электрон каталогларни тузиш ҳамда тизимли равишда янгилаб бориш;

аҳолининг китобхонлик даражаси ва китобга қизиқишини тизимли ўрганиб бориш, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва танловларни ташкил этиш, кутубхоначи кадрлар салоҳиятини ошириш;

тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарори.

хорижий асарларга онлайн буюртма бериш, уларни республика худудига олиб келиш ва тарқатиш тизимини ҳамда китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ишлари¹ амалга оширилмоқда.

Бешинчи ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича ёш қизларимизнинг касб кўникмаларини мустаҳкамлаши, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, уларни доимий иш билан банд қилиш мақсадида 75 та туманда 111 та тикув-трикотаж мажмуалари ташкил этилиб, 35 минг нафар қизлар ишга жойлаштирилди.

Хотин-қизлар учун жами 170 мингга яқин иш ўрни яратилди. Тижорат банклари, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ хотин-қизларга жами 4,9 триллион сўм кредитлар ажратилди².

2019-2021 йиллар давомида 43 минг 186 нафар хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилди. Шунингдек, хотин-қизлар учун жами 3364 та янги иш ўрни яратилиб, 3282 нафар хотин-қизларнинг бизнес лойиҳалари учун 68 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Кейинги йилларда давлатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, касб-хунарга ўргатиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

2022 йилда ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳалладан иқтидорли ёшларни саралаш, уларнинг истеъдодларини намойиш этишига шароит яратиш мақсадида 20 та танлов ва мусобақалардан иборат 5 босқичли (маҳалла-сектор-туман-вилоят-республика) “Беш ташаббус олимпиадаси” 2 мавсумда ўтказилиб, кўчалар кесимида жами 13 млн нафардан ортиқ ёшлар камраб олинди.

Маълумот учун: спорт мусобақаларида – 6,5 млн нафар, маданият ва санъат танловларида – 3,1 млн нафар, китобхонликда – 1,5 млн нафар, “Ай-Ти”да – 463 минг нафар, интеллектуал ўйинларда – 1,5 млн нафар.

¹ 781-сон 14.12.2020. 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz).

² 919-сон 20.11.2019. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

2022 йил давомида ёшлар сиёсатини амалга ошириш борасида катта ютуқлар қўлга киритилди¹. Хусусан, Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Жадидлар” рукни остида 8 та китоб 184 минг нусхада чоп этилиб, таълим муассасалари ва маҳаллаларга етказилди.

Ушбу олимпиада натижасида спорт бўйича 3 276 нафар, маданият ва санъат бўйича 1 132 нафар, интеллектуал ўйинлар бўйича 756 нафар, китобхонлик бўйича 328 нафар, “Ай-Ти” бўйича 392 нафар ёшлар маҳалладан селекция қилиниб, уларни хаваскорликдан профессионаликка олиб чиқиш мақсадида малакали мураббий ва тренерлар бириктирилди.

Спортни ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда спорт мусобақаларида ғолиб бўлган 552 нафар ёшлар яшайдиган маҳаллаларда минифутбол, воркаут, стритбол каби спорт мажмуалари барпо этилди ва 540 нафар ёшларга спорт разрядлари берилди.

Шунингдек, 109 минг нафар имконияти чекланган ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, шахмат-шашка, стол тенниси, енгил атлетика каби пара спорт турларидан иборат “Беш ташаббус паралимпиадаси” ташкил этилди ва 18 767 нафар ёшлар қамраб олинди.

Ёшларни чет тилларини ўрганишга қизиқтириш, уларнинг интилишларини рағбатлантириш мақсадида “Ибрат тиллар оромгоҳи”, “Ибрат мастер класс”, “Ибрат медиа маркази”, “IBRAT QUIZ”, лойиҳалари доирасида 30 мингдан ортиқ ёшлар тренинглари жалб этилди. “Викки стипендия” лойиҳаси доирасида 20 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этиб, Википедия платформасига 200 мингдан ортиқ ўзбек тилидаги мақолалар жойлаштирилди.

Интеллектуал ўйинларни ривожлантириш мақсадида 10 085 та умумтаълим мактабида (241 минг аъзо), 194 та Президент, ижод ва ихтисослаштирилган таълим муассасасида (17,3 минг аъзо), 560 та профессионал таълим муассасасида (6,7 минг аъзо), 65 та академик лицейда (1,2 минг аъзо), 159 та олий таълим муассасасида (9,5 минг аъзо), 5 600 та маҳаллада (67 минг аъзо) “Заковат” интеллектуал клубининг тўғарақлари ва уларнинг координаторлари фаолияти йўлга қўйилди.

¹ Жорий йилда 2 минг 199 нафар талаба-ёшларнинг 7,3 миллиард сўмлик шартнома маблағлари тўлаб берилди (uza.uz).

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги “Ёшлар оромгоҳи” ҳамда Жиззах вилояти Зомин туманидаги “Зомин оромгоҳи”да 450 нафар ўқувчи-ёшлар учун “Интеллектуал мактаб” мавсумий оромгоҳ лойиҳаси ташкил этилди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган “Мунозара” танловида 3 минг нафарга яқин ёшлар қамраб олинди.

Беш ташаббус олимпиадаси доирасида маҳаллалар ўртасида “Заковат” турнири ташкил этилди. Мазкур турнирнинг маҳалла босқичида 100 мингдан ортиқ, сектор босқичида 9 мингдан ортиқ, туман (шаҳар) босқичларида 832 та, ҳудудий босқичда 208 та, Республика босқичида 42 та жамоа ҳамда 700 мингдан ортиқ иштирокчилар жалб қилинди.

Талаба-ёшларга тезроқ ижара уйларини топишига кўмаклашиш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги uovor.uz электрон платформаси билан ҳамкорликда “Талабалар учун” лойиҳаси ишга туширилди. Республика бўйича барча ёшлар етакчиларига uovor.uz платформаси орқали махсус блок очилган бўлиб, ушбу блокка ёшлар етакчилари томонидан киритилган 1479 та хонадондан 1029 тасига 1524 нафар талаба жойлаштирилди.

Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш юзасидан кўрсатилаётган давлат хизмати орқали 2021 йил 1 майдан бугунга қадар жами 10299 нафар ёшга 18,1 млрд сўм миқдоридаги имтиҳон топшириш харажатлари компенсация (тўлаб берилди) қилинди.

“Бир нурунийга ўн нафар ёш” тамойили остида 128 мингдан зиёд тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ва ишсиз ёшлар фахрий нурунийларга бириктирилиб, маҳаллаларда 61 мингга яқин “Нуруний ва ёшлар”, “Икки авлод учрашуви” каби тадбирлар ўтказилди¹.

2024 йилги фармон ҳамда амалий тадбирлар режаси лойиҳаларига кўра, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада кучайтириш мақсадида 2024 йил 1 мартдан бошлаб хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, касб-хунарга ўқитиш ва ўзини ўзи

¹ Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги жорий архиви. [So'rovnomalar - Yoshlar ishlari agentligi \(gov.uz\).](http://So'rovnomalar - Yoshlar ishlari agentligi (gov.uz).)

банд қилиш вазифалари белгиланган¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги амалий чора-тадбирлар кўзда тутилган:

Биринчидан, хотин-қизлар бандлик дастурини тасдиқлаш ҳамда дастур доирасида хотин-қизларнинг кичик бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланган. Бунда хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини етарлича жорий қилиш, ишсиз хотин-қизларни касбга тайёрлаш ва уларнинг касб малакасини ошириш хотин-қизларнинг ишсизлик даражасини пасайишига олиб келувчи чора-тадбирларни белгилаб берадиган бандлик дастурини тасдиқлаш назарда тутилган. Ушбу бандлик дастурдан асосий мақсад хотин-қизларнинг кичик бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш кўзланган.

Бу орқали хотин-қизларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва уларни иқтисодий мустақилликка эришишларига, ўзини ўзи банд қилишларига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, оила бюджети даромадларини ошириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш орқали ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлган ишсизликни камаййтириш кўзланган.

Иккинчидан, ҳар бир ҳудудда хотин-қизлар ҳунармандчилик марказлари ва кластерларини ташкил қилиш кўрсатилган. Бунда хотин-қизлар ўзларининг яшаш шароити, муҳити ҳамда яшаётган ҳудудининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ҳунармандчиликни ўрганишади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида² 2021 йил мобайнида ҳар бир ҳудудда асосан хотин-қизлар фаолият юритадиган ҳунармандчилик турларига ихтисослашган кластерлар фаолияти тажриба сифатида жорий этилган эди. Ушбу кластерлар қатор ҳудудларда тажриба сифатида фаолият юритгани ҳамда самарали натижалар берганини кўришимиз мумкин. Уларнинг афзал жиҳати шундаки, кластерлар ҳунарманд

¹ Ҳакимова И. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими янги босқичга кўтарилади. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими янги босқичга кўтарилади (yuz.uz).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. ПҚ-5020-сон 05.03.2021. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

аёлларни хомашё билан таъминлайди ҳамда уларнинг қўл меҳнати билан яратган маҳсулотларини бозор нархида сотиб олади.

Ҳозирги кунда қўл меҳнати асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам талабгорлигини эътиборга оладиган бўлсак, хунармандчилик орқали хотин-қизлар уйдан чиқмаган ҳолда, ортиқча сарсонгарчиликларсиз барқарор даромадга эга бўлишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бир қаторда, аёлларимиз фарзандлари тарбияси билан шуғуллана оладилар ҳамда уларни ҳам ушбу фаолиятга жалб қилиб бўш вақтларини самарали ўтказишларига ёрдам беради.

Учинчидан, хорижий мамлакатларда оғир вазиятга тушиб қолаётган ўзбекистонлик аёлларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, хорижий дипломатик ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш ва сайёр қабуллар ташкил этиш ҳамда муаммоларни бартараф этиш вазифаси назарда тутилган. Бу вазифани амалга ошириш учун чет элда юрган хотин-қизлар меҳнат муҳожирлари географияси ва рўйхатларини аниқлаш, аёллар билан онлайн давра суҳбатларини ўтказиб, муаммоларини аниқлаш, уларга хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш каби амалий чора тадбирлар кўрсатилган.

Бу билан ҳозирги пайтда долзарб муаммолардан бири бўлган аёллар ноқонуний меҳнат миграцияси натижасида келиб чиқаётган оғир оқибатларни олдини олиш ҳамда бартараф этиш имконияти вужудга келади. Хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, уларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини хорижда ҳам қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат муҳофазасига олиш ушбу вазифанинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Тўртинчидан, аёлларни тазйиқ ҳамда зўравонликнинг турли шаклларида ҳамоялаш вазифаси ҳам кўзланган. Ушбу вазифани амалга оширишга доир чора-тадбирларда зўравонликка учраган хотин-қизларга тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда профессионал ёрдам кўрсатишнинг ягона тизимини ташкил қилиш регламентини тасдиқлаш ҳамда зўравонликдан азият чеккан аёлларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан бошпана ва реабилитация марказлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бу орқали зўравонликка учраб қийин аҳволга тушиб қолган аёлларга дастлабки тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ёрдам бериш мақсад қилинган. Зўравонлик оқибатида бошпанасиз қолган аёлларни реабилитация марказларига жойлаштириб, юзага келиши мумкин бўлган оғир оқибатларни олдини олиш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу аёлларни кейинчалик жамиятга қўшилиб, меҳнат фаолиятини олиб боришлари ҳамда осойишта турмуш тарзи кечириб, фарзандлари тарбисида фаол иштирок этишларига замин яратишга эътибор қаратилган.

Бешинчидан, хотин-қизларни меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунарларга ўқитиш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш вазифаси назарда тутилган. Ушбу вазифага эришиш учун 1.85 минг нафар хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда 2. 90 минг нафар хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитишга доир амалий чора-тадбирлар белгиланган.

Бугунги ривожланаётган даврда хотин-қизларни рақобатбардош касб-хунарларга ўқитиш малакали ва етук аёл кадрларни кўпайтириш имконини беради. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар салоҳиятидан янада кўпроқ фойдаланиш, истеъдодларини намоён этишига кўмаклашиш, касбий маҳоратларини ошириш давлатимиз ривожланишига, оилалар фаровонлигига хизмат қилади.

Олтинчидан, ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун “Қизлар академияси” платформаси ишга тушириш ва бу орқали ёш хотин-қизлар учун турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этиш белгиланган. Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланётган даврда ёш хотин-қизларимизни ҳам замонавий касбларга жалб қилиш давр талаби бўлмоқда. Ушбу платформа хотин-қизлар илм-фан, инновацион фаолиятнинг барча соҳаларида ўз билимларини ошириш, дунёқарашларини кенгайтиришлари, тажриба алмашишлари учун кенг имконият яратади.

Бугунги кунда билимларни янгилаб, касбий маҳоратларини ошириш, тажриба алмашиш ҳар бир соҳа мутахассислари учун энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Айнан шундай платформаларнинг ташкил этилиши ёш хотин-қизларимиз учун янги билимларни олишлари, шунингдек соҳаларига доир турли

танловларда иштирок этиб, қобилиятларини рўёбга чиқаришларига, нуфузли ташкилотларда стажировка ўташлари ва кейинчалик ишга жойлашишларига имкон беради.

Аёллар нафақат оила равнақи ҳамда фарзандлар тарбияси билан машғул она ва уй бекаси бўлиши, балки жамият ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга бўлишлари, турли соҳаларда юксак муваффақиятларга эришишлари мумкин.

Ёшлар ижтимоий фаолигини ошириш билан бир қаторда улар орасидан фаол бўлганларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими ҳам шакллантириб борилди. Буюк аجدодларимизга муносиб бўлган, мардлик ва жасорат, қатъиятлилик, ҳалоллик, ватанпарварлик каби фазилатларга эга авлодни тарбиялаш ҳамда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида юқори натижаларга эришиб келаётган билимли, ташаббускор, ишбилармон, шижоатли ва фидойи ёшларни рағбатлантириш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти¹ ва “Келажак бунёдкори” медали² таъсис этилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, доимий эътиборда бўлди. Сўнгги беш йилда юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли ва фидойи ёшларнинг 795 нафари давлат мукофотларига сазовор бўлди. Жумладан, 142 нафар ёшлар “Мард ўғлон” давлат мукофоти, 61 нафар ёшлар “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш йўналиши борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларни уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тизими йўлга қўйилди³.

Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида алоҳида дастур қабул қилинди. 2018-2020 йилларда 3460 та ёш оилаларга “Ёшлар уйлари” топширилиб, 156 млрд. сўм миқдоридаги бошланғич тўлов маблағлари 20 йил давомида фоизсиз қайтариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги “«Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3402-сонли қарори. [ПҚ-3402-сон 21.11.2017. «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\).](#)

² Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги ““Келажак бунёдкори” медалини таъсис этиш тўғрисида”ги 451-сонли Қонуни. [Ўзбекистон Республикасининг 28.12.2017 й. ЎРҚ-451-сон "Келажак бунёдкори" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Қонуни \(Қонунчилик палатаси томонидан 15.11.2017 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 20.12.2017 й. маъқулланган\) | BUXGALTER.UZ.](#)

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрдаги 209-сон қарори.

шарти билан тўлаб берилди.

2023 йилда Ижтимоий ҳимояга муҳтож 40 мингдан ортиқ ёшларга 107,4 млрд сўм миқдорда тўлов-шартнома харажатлари қоплаб берилиб, таълимни давом эттириш имконияти яратилди.

Даволанишга эҳтиёжи мавжуд 26519 нафар ёшларга хориж ва юртимиздаги шифохоналарда даволанишлари ва зарурий дори-дармонлари хариди учун 26,2 млрд сўм сарфланди.

Кам таъминланган, ногирон ва оғир ҳаётий вазиятдаги 18838 нафар ёшларга 22,8 млрд сўм миқдорда зарурий молиявий кўмак кўрсатилди ва қарийиб 19 минг нафар ёшларнинг ижтимоий аҳволи яхшиланишига эришилди¹.

Ёшлар ижтимоий фаоллиги аниқ устувор вазифа бўлса-да, ёшлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича сиёсат ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳали ҳам изчил ва ишончли маълумотлар асосида доимий такомиллаштириб бориш зарурати вужудга келмоқда. Бунга бир қанча омиллар таъсир ўтказмоқда. Хусусан, дунёда кечаётган турли ғоявий ўзгаришлар, ахборот таҳдидларининг мавжудлиги шулар жумласидан. Шу сабабдан ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда Ватанга садоқат ва мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш, бу борада стратегик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ёшлар ижтимоий фаоллигини тубдан ислоҳ қилиш ва уни ишлаб чиқиш, амалга ошириш самарадорлигини ошириш учун далиллар базасини яратиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи, Юксалиш Миллий ҳаракати ва ЮНИСЕФ ёшлар ўртасида умуммиллий тадқиқотларни олиб бордилар². Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ёшлар ҳаётининг муҳим соҳаларида дуч келадиган муаммолар ва истикболлар, ўз нуқтаи назари ва ўз овозлари ҳақида умумий маълумот беришдан иборат. Тадқиқот натижалари, айниқса, янги ташкил этилган ёшлар агентлиги фаолияти учун фойдали бўлди. Унинг мақсади ёшларни ривожлантириш бўйича маълумотларни мунтазам равишда тўплаш ва ёшларни ривожлантириш миллий индексини ишлаб чиқишдир.

Мамлакатимизда янги тараққиёт даврида ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини

¹ “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар қандай кўмак олади? (yuz.uz). 28 сентябр 2023 йил. (мурожаат қилинган сана – 9 февраль 2024 йил).

² Молодежь Узбекистана: вызовы и перспективы. Отчёт Представительство Детского Фонда ООН (ЮНИСЕФ) в Узбекистане 2020 г. – Ташкент, 2020. – 152 стр.

таъминлаш каби муҳим масалалар давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда 2021 йилдан бошлаб, ёшлар билан ишлашнинг янгича “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий қилинди. Ўтган қисқа давр ичида мазкур тизим орқали ёшларнинг кўплаб муаммолари ҳал қилинди, ушбу муаммоларни бевосита маҳалланинг ўзида ҳал қилиш учун 9400 та маҳалла фуқаролар йиғинларида “Ёшлар етакчиси” лавозими жорий қилинди.

2023 йилдан бошлаб, ёшлар билан ишлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар янада кенгайтирилиб, индивидуал ишлаш йўлга қўйилди.

2023 йилда Ўзбекистонда 9 млн.дан ортиқ 14-30 ёшдаги фуқаролар мавжуд бўлиб, уларнинг 4,4 млн.ни яхши ўқиётган, тадбиркорлигини йўлга қўйган, расмий секторда ишлайдиган, қобилияти бор, ижтимоий фаол бўлган ёшлар ташкил қилди. 4,6 млн. ёшлар эса, турмуш тақозоси билан расмий сектордан иш топа олмаган, лекин иқтисодий фаол ёшлардан иборат эди. Шунингдек, 396 минг нафар ёшлар “аҳволи оғир”, давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда кўмакка муҳтожлиги аниқланган.

2023 йил 11 апрель куни ёшлар билан ишлаш борасида бир қатор янги ташаббусларни илгари сурилди¹. Ёшлар билан ишлаш тизимини ташкил этишда индивидуал ёндашув, аниқ белгиланган чора-тадбирлар ва режаларнинг мавжудлиги уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда ижтимоийлашувида муҳим ўрин тутади.

Зеро, ушбу механизмларнинг амалда жорий этилганлиги ўсиб келаётган ёш авлоднинг индивидуал, психологик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини манзилли ҳал этиш имкони билан бир қаторда, энг асосийси мамлакат барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шарти ва кафолати ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, энди ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилиши белгиланди.

Охирги йилларда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллабқувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш тизими ҳисобланган “Ёшлар дафтари” кўмакка муҳтож ёшларнинг маиший ҳаётини яхшилаш орқали ижтимоий кайфиятини барқарорлаштириш ва келажакка ишончини ортишида муҳим ўрин тутди. Мазкур ислоҳот ва чораларнинг узвий давоми сифатида

¹ Ёшлар учун янги имкониятлар белгиланди. Ёшлар учун янги имкониятлар белгиланди (president.uz).

“Ёшлар дафтари” тизимини янада такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этди.

Жумладан, эндиликда жамғарма ёшларни кўпроқ касбга, тадбиркорликка ўргатиб, бандлигини таъминлашга хизмат қилшан ҳолда эндиликда, соҳада янги механизмлар жорий этиши белгиланжи. Бу борада қўйидаги устувор вазифалар белгиланди:

ёшларга касбга ўқиш, меҳнат куроли, уруғ-кўчатга субсидия каби турдош хизматлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имконияти яратилади.

Уруғ ва кўчат учун 2,5 миллион сўм ўша ҳудуддаги уруғ-кўчат хўжаликларидан сотиб олиш учун тўғридан-тўғри берилади.

“Ёшлар дафтари” билан ишлашда ёшларни анимация, дизайн, логистика оператори, гид каби замонавий касбларга ўқитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Бу тизим билан мактабларнинг 10-11-синф ўқувчилари ҳам камраб олинади.

Бундан буён “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағининг камида 40 фоизи айнан касб-ҳунарга ўқитишга йўналтирилади.

Жорий йилда замонавий касбларга ўқитиш учун, 100 миллиард сўм ажратилади ва камида 25 минг нафар ёшлар ўқитилади.

Бугунги кунда мамлакатда ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, мутасаддиларнинг мазкур масалага етарлича эътибор қаратмаётганлиги, сақланиб қолаётган ташкилий муаммолар сабабли жойларда ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришда қатор муаммолар сақланиб қолаётганлиги сабабли, 2022 йилда 11 та давлат олийгоҳининг 11 мингдан зиёд битирувчиларидан 6,5 минг нафари ишга жойлашмаган. 3 минг нафар грантда ўқиган талаба (жами грантларнинг 15 фоизи) ишга кирмаган. 143 минг нафар коллеж ва техникумларни битирган ёшларнинг 30 минг нафари иш топа олмаган. Бу вақтда 103 мингдан ортиқ ташкилотларда 254 минг бўш иш ўрни бўлиб, уларнинг 86 мингтаси давлат ташкилотларига, 168 мингтаси хусусий секторга тўғри келган¹.

Дунёда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий вазият ва ғоявий муҳит ёшлар билан ишлаш ҳаёт-мамот масаласи эканлигини намоён этмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда ёшларни баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизни

¹ Ёшлар учун янги имкониятлар белгиланди. Ёшлар учун янги имкониятлар белгиланди (president.uz).

бугунги таҳликали даврда турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, ёшларнинг фикрларини бировлар эгалламасдан туриб, уларга жамиятимиз ғамхўрлиги ва уларга ўз-ўзларини ривожлантиришлари учун жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари томонидан тўғри йўл кўрсатилса мақсадга мувофиқдир.

Миллий тарихимиз тажрибасида ёшлар тарбиясига энг муҳим вазифа сифатида қаралиши мисоллари кўп учрайди. Хусусан, ўтган аср бошларида маърифатпарвар жадидлар томонидан “Ҳар-бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”¹ шиори амалда ҳам умумжамият миқёсида устувор йўналиш сифатида қаралган эди. Дарҳақиқат, ёшлар билан ишлашда улар учун қизиқарли тарғибот шаклларида кенгроқ фойдаланиш, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий фаолиятни Интернет платформаси ёки ижтимоий тармоқлар орқали лойиҳалар ташкил этишга йўналтириш самарали эканлиги маълум бўлмоқда.

Ҳозирги кунда “Телеграм” тармоғидан 31 миллион аҳолимиз фойдаланмоқда. Бу эса, ўз навбатида ёшлар тарбиясига бевосита таъсир ўтказмоқда². Шу сабабдан, бугунги кунда мамлакатимизда миллий контентни яратиш ва унинг тарбиявий аҳамияти ошиб бормоқда.

Умуман олганда, бугунги глобаллашув шароитида турли геосиёсий зиддиятлар, қуроли тўқнашувлар, давлатлараро низолар кўпайиши баробарида, ахборот хуружлари ҳам кенг тус оляпти. У, ўз навбатида, борган сари замонамизнинг том маънодаги қудратли қуролига айланмоқда. Таъбир жоиз бўлса, уни ҳатто ядро қуролидан ҳам хатарли, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки инсон онги ва қалбини забт этиш, унга ўз ҳукмини ўтказиш, маънавиятидан, миллий урф-одат ва қадриятларидан жудо этишга йўналтириладиган ахборот хуружлари кўринмаслик хусусиятига эгадир. Шундай экан, унга қарши миллий ахборот иммунитетини шакллантириш, ахборот майдонида рақобатбардош миллий контент яратиш масаласи долзарб³ бўлиб бормоқда.

¹ Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. 2-нашри. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 36-37 бетлар.

² Қуранбоев Қ. Ёшларга оид давлат сиёсати: ёшлар билан индивидуал ишлаш тизимини ташкил этиш // “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to‘plami. – Toshkent – 2023. – 11-14 betlar.

³ Президент: Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак (president.uz). Ўзбекистон Президенти Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказди (president.uz).

Ёш авлод тарбияси давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида гавдаланди. Бу ҳолат айниқса, бгунги кунда мамлакатимизда меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёшлар кириб келаётганлиги, келгуси 10 йилда бу рақам бир миллионга етишлиги¹ сабабли янада аҳамият касб этмоқда.

Бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2022 йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўм кредит берилиб, 150 мингта лойиҳа ишга туширилган, 325 мингта иш ўрни яратилган. 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг ёшлар бандлиги таъминланган. 32 мингдан зиёд ёшларга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер олиб берилган.

Ислохотлар даврида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинган. Жумладан, 2022 йили 130 минг талабага 1 триллион 700 миллиард сўм таълим кредити берилди, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. 53 минг нафар эҳтиёжманд талабага контракт пуллари, 15 мингдан зиёд ёшларга ҳарбий хизмат ва 13 минг нафарига чет тиллари бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб берилди. 81 минг талабага уй-жой ижараси тўлови ажратилди. “Ёшлар дафтари” орқали 300 минг ёшларга қарийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Аммо, бу борада долзарб масалалар ҳали ҳам кўп. Бугунги кунда юртимизда 722 минг нафар расман ишсиз ёшлар бор².

Энг аввало, ишсиз, норасмий секторда банд бўлган ва чет элга ишлагани кетган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун, аввало, ишга қабул қилиш тизими бўйича бир қатор муаммолар мавжуд. Мазкур тизимни қайта кўриб чиқиш керак бўляпти. Мисол учун, ҳозирда 103 мингдан ортиқ ташкилотларда 254 минг бўш иш ўрни бор. Лекин, ўтган йили олий таълимни битирган 6 мингдан ортиқ, коллеж ва техникумни тамомлаган 30 минг нафар йигит-қиз иш топа олмаган.

Шу боис ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этмоқда. Бу эса ислохотларни маҳаллабай ташкил этиш бўйича вертикал бошқарув тизими яратиш заруриятини келтириб чиқаради.

¹ Саъдуллаев А. Ёшлар билан ишлашнинг янги механизмлари / “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to‘plami. – Toshkent – 2023. – 15-20 betlar.

² Саъдуллаев А. Ёшлар билан ишлашнинг янги механизмлари ... – 19 betl.

Натижада, маҳалладаги ёшлар билан ишлаш борасида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий-услубий база яратилиб амалиётга татбиқ этилмоқда.

2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ёшлар билан ишлаш тизимини янгича босқичга кўтариш ва улар билан ишлаш борасида бир қатор янги ташаббусларни илгари сурилди¹. Унга мувофиқ қизил ва сариқ тоифадаги ёшлар билан ишлашнинг янгича механизми таклиф этилди.

Соҳадаги ишларни янада аниқ ва манзилли ташкил этиш мақсадида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион нафар ўғил-қиз алоҳида эътиборга олинди. Бунда биринчи марта 25 та вазирлик ва идора маълумотлари ўзаро уйғунлашган электрон база шакллантирилиб, барча ёшларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқишлари ўрганилиб, “маҳалладан вазирликкача”² тизимида ишлаш чоралари белгилаб олинди.

Бунда, ҳар бир вазир, вазир ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, олийгоҳ ректорлари, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига бундай 50 нафардан эътиборга муҳтож ёшлар номма-ном бириктирилди.

“Ўрта” тоифадаги ёшлар билан ишлаш: “ўрта” тоифага кирган 4,6 миллион ёшларнинг аксариятини ишсизлар, норасмий секторда бандлар ва чет элга ишлагани кетганлар ташкил қилади; вилоят, туман ҳокимлари “ўрта” тоифадаги ёшларни ўз ҳудудларидаги масъул ташкилотларга бириктиради ҳамда бириктирилган масъулларнинг янгича ишлаш тизимини назорат қилиб боради.

Хусусан, сариқ тоифадаги ёшлар билан ишлашнинг асосий йўналиши сифатида: ишсиз ёшлар билан самарали ишлашни ташкил этиш, норасмий банд бўлган ва ишлаш имконияти йўқ ёшлар билан ишлаш, меҳнат қобилиятини йўқотган ва миграцияга кетган ёшлар билан ишлашнинг ташкилий масалалари белгилаб берилди.

Бунда ишсиз ёшлар, ишлаш имконияти йўқ ёшлар билан ишлаш, меҳнат қобилиятини йўқотган, миграцияга кетган ва қайтган ёшлар ўртасида самарали профилактик ишларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, уларни бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш орқали ижтимоий ҳаётга мослаштириш, соғлом-турмуш тарзида ҳаёт

¹ Н.Абдуазимова. Ёшлар парламенти ёшлар муаммолари ечими учун энг юқори ташкилотларга кириб бормоқда (uza.uz).

² Ёшларга оид давлат сиёсати ижроси кўриб чиқилди (president.uz). ПФ-158-сон 11.09.2023. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида (lex.uz).

кечиришига кўмаклашиш мақсадида масъул давлат органлари, ташкилотлар, таълим муассалари ҳамда жамоатчилик вакиллари томонидан профилактик ишларни ташкил этиш бўйича ҳаракатлар алгоритмини белгилаб беради.

Шунингдек, маҳаллаларда ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва барвақт олдини олишда профилактика инспекторлари, маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва бошқа мутассади ташкилотларнинг ходимлари учун ёшлар билан ишлаш борасида янгича ёндашувни яратиш, жамиятда ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича янгича ишлаш методикаси йўлга қўйилди.

Ишсиз ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳамда эҳтиёжлари ва кизиқишларини рўёбга чиқариш бўйича алоҳида ёндашув таклиф этилган. Бунда, аниқланган муаммо ва эҳтиёжлар “Ёшлар дафтари”га киритилади. Ишсиз ёшларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси шакллантирилади.

Биринчи босқичда ёшларнинг ишлаш имконияти мавжуд бўлган соҳаларни белгилаб олинади. Бунда:

худудда ёшларни банд этиш имкониятини берувчи соҳаларни аниқлаб олинади;

соҳалар бўйича ёшлар бандлигини таъминлаш борасида имкониятларни белгилаб олинади;

соҳалар бўйича ишсиз ёшларнинг маълумоти ва касбий кўникмалари бўйича тахминий тақсимотини шакллантирилади.

Иккинчи босқичда махсус малака талаб этувчи касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этилади:

махсус малака талаб этувчи касблар рўйхати шакллантирилади;

махсус малака талаб этувчи касбларга даъвогарлар рўйхати ишлаб чиқилади;

талаб асосида қисқа ўқув курсларини ташкил этилади.

Иккинчи босқичда ишсиз ёшларни бандлигини таъминлаш борасида қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва инфратузилмалар ўрганилади:

ўзини-ўзи банд қилган ёшлар билан уларнинг муаммолар ўрганилади;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган ёшлар билан ҳокимлик вакиллари ўртасида учрашувлар ташкил этилади;

ишсиз ёшларга банд бўлишлари учун зарур бўлган техник жиҳозлар ва моддий-молиявий кўмак шакллари белгилаб олинади.

Ишсиз ёшларни бандлигини таъминлаш йўналишлари куйидагилардан иборат:

хизмат кўрсатиш соҳасига;

қурилиш соҳасига;

коммунал соҳага;

қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар.

Ишсиз ёшларни бандлигини таъминлашнинг ташкилий жиҳатлари:

касб ҳунарга ўқитиш орқали;

янги иш ўринлари яратиш ва унга жойлаштириш орқали;

бўш иш ўринлари орқали;

субсидия бериш орқали;

кредит ажратиш орқали ва бошқалар¹.

Хусусан, “Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари” жамғармаси ва электрон платформаси ташкил қилиниши белгиланди. Жамғармага 100 миллион доллар йўналтирилиб, бу маблағлар иқтидорли ёшларнинг энг яхши ғоя, стартап ва лойиҳаларига қулай ва енгил шартларда, зарур бўлса фоизсиз ажратилади.

Хуллас, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратиш ва бандлигини таъминлаш давлатнинг муҳим сиёсатидан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида ишсиз ва меҳнат қобилиятини йўқотган ёшларни иқтисодий фаол қатламга қўшиш, миграцияга кетган ва қайтган ёшлар ўртасида самарали профилактик ишларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, уларни бандлигини таъминлаш, касбхунарга ўқитиш орқали ижтимоий ҳаётга мослаштириш, соғлом-турмуш тарзида ҳаёт кечиришига кўмаклашишга хизмат қилади.

Янги тараққиёт даврида ёшлар учун шароит яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш кенг камровли ислоҳотларнинг муҳим тармоғи сифатида гавдаланмоқда. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмунида масалаларига катта ўрин ажратилиши бунга исбот бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси lex.uz сайти контент таҳлили мустақиллик йилларида ёшлар билан боғлиқ масалаларда жами 137 та ҳужжат қабул қилинганини кўрсатмоқда. Ушбу ҳужжатларни қабул қилган органлар кесимида

¹ ПФ-158-сон 11.09.2023. «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида (lex.uz).

кўрадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентига тўғри келишини кўриш мумкин (87 ва 34 мос равишда). Қайд этиш керакки, таҳлил натижалари даврийлик жиҳатидан 1990 йил ва 2023 йилнинг 1 чораги оралиғида мазкур базага жойлаштирилган ҳужжатларни ўз ичига олади.

Ушбу хронологик даврга эътибор қаратадиган бўлсак, ёшлар манфаат ва эҳтиёжлари акс этган энг кўп қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари 2021 йилга тўғри келмоқда – 16% (жами ҳужжатлар сонига нисбатан). Кейинги ўринларда 2017 йил – 11,7%, 2018 йил – 9,5% ва 2022 йил – 8,7%ни ташкил этмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, ушбу йўналишда умумий ҳисобда энг кўп кўрсаткич 2016-2022 йилларга тўғри келмоқда – 90 та ҳужжат ёки кўрилаётган даврдаги жами ҳужжатларнинг 65,7% мазкур даврда қабул қилинган.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни кафолатлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир ижтимоий сиёсат олиб борилишига кенг эътибор берилмоқда. Бу йўналишда ёшлар жамият ва давлат эътиборида турган асосий ижтимоий қатламлардан биридир. Шу маънода, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб баркамол ёш авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз олдида турган вазифалардан бири бўлиб, бу давлат ва жамият тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бу борада шундай таъкидлаган эди: «Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттираемиз. Нафақат давом эттираемиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз»¹.

Дарҳақиқат, 2016-2022 йилларда мамлакатимизда ёшларга оид катта ишлар амалга оширилди, энг аввало, янги тараққиёт

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б. 14.

босқичларига мутаносиб келадиган ислохотларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий асослари яратилди. Жумладан:

а) замонавий тараққиёт ва шарт-шароитларга мос ҳуқуқий асос яратилди;

б) ёшлар масаласи том маънода давлат сиёсати даражасига кўтарилди;

в) ёшларнинг манфаат ва эҳтиёжларини рўёбга чиқаришда мақсадли ва манзилли ёндашув жорий қилинди (масалан, “Ёшлар дафтари”, хотин-қизларга имтиёзлар ва ҳ.к.);

г) ёшлар билан ишлашнинг вертикаль тизими такомиллаштирилди (маҳалладан тортиб республика даражасида).

Энг муҳими, яратилаётган бундай асос давр шиддати ва ўзгарувчан тенденцияларга нисбатан мослашувчан характерга эга эканидир. Айни вақтда, айрим долзарб масалалар юзасидан янгича ёндашув талаб қилинганда бу борада алоҳида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Бундан кўзланган мақсад муайян ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб бериш, уларнинг салбий таъсирини камайтиришдан иборат.

Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июнь куни қабул қилинган ПФ-6017-сон Фармони¹ни кўрсатиш мумкин.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги (Агентлик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Фармон билан Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурда, жумладан, Ўзбекистон ёшлари порталини ташкил этиш ва унда ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индекслари ҳамда ёшларга оид қонун ҳужжатлари базасини шакллантириш белгиланган. Дастурда назарда тутилган тадбирлар Агентлик

¹ Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6017-сон Фармони. [ПФ-6017-сон 30.06.2020. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\).](#)

томонидан тўғридан-тўғри ёки ННТларига ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидиялар тақсимлаш орқали молиялаштирилади. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланди. Шунингдек, Агентлик ҳудудлар кесимида ишсиз ёшлар рўйхатини шакллантиради ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган манзилли чора-тадбирларни амалга оширади.

Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган инсонлар ташкил этса-да, ёш депутатларнинг улуши умумий ҳисобда 2,6 фоизга ҳам етмайди. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан ошган, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 30 ёшгача бўлган депутатлар сони 9 нафарни ташкил қилади. Энг ёш сайланган депутат эса 26 ёшда бўлган.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, қатор давлатларда ёшларга оид давлат сиёсати мамлакатнинг истиқболдаги режалари бўйича аниқ стратегия ва дастурларга эга. Хусусан, АҚШда «Ёшлар учун келажак: Федерал ҳамкорлик ёшлар стратегияси», Финляндияда «Ёшлар миллий стратегияси», Германияда 2015 йилда қабул қилинган «Янги ёшлар стратегияси» шулар жумласидандир¹.

Маълумотларга кўра, амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 22,9 фоизини (106574та), яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 21,5 фоизини (71467та) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Шунингдек, 3,4 мингга яқин ёш фермер, 7,8 мингга яқин ёш хунарманд фаолият юритиб келади².

Муҳим ижобий ўзгаришлардан яна бири – мамлакатнинг ҳар бир маҳалласида ёшлар етакчиси лавозими жорий этилгандир. Мазкур қоида Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қайд этилган. Етакчи ўз ҳудудидаги ёшларни тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам

¹ Тургунова Н. Замоनावий ислохотлар шароитида ёшлар манфаатларининг акс этиши / “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to‘plami. – Toshkent – 2023. – 23-28 betlar.

² Тургунова Н. Замоनावий ислохотлар шароитида ёшлар манфаатларининг акс этиши ...

чораларини жалб қилишда ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади.

Бундан ташқари, фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган етакчилар «Янги Ўзбекистон ислохотчиси» кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

Сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг туб моҳиятан бир нечта йўналишда мамлакат ёшларига кенг имкониятлар ва муносиб шарт-шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилаётганлигини намоён этмоқда. Булар: таълим ва кўникмаларни ривожлантириш, бандлик ва тадбиркорлик, ижтимоий интеграция ва иштирок этиш, саломатлик ва фаровонлик¹.

Ёшлар жамоат ташкилотлари ва давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузуридаги ёшлар вакиллик тузилмалари ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ривожлантиришнинг энг самарали шакллари ҳисобланади, чунки улар сиёсий жараёнга таъсир кўрсатишга қодир.

Ёшлар жамоат ташкилотларига аъзолик ёш фуқароларни мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишга тайёрлашнинг самарали механизмларидан биридир. Жамоат ташкилотлари учун анъанавий функцияларни бажариш (манфаатларни ифодалаш, сиёсий иштирок этиш, фуқароларнинг ижтимоийлашуви ва бошқалар.) ёшлар сиёсати билан шуғулланиб, улар мамлакат, жамият ва давлат келажагини лойиҳалашнинг энг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади².

Маслаҳат хусусиятига қарамай, ёшлар ҳукумати сиёсий иштирок этиш шакли сифатида ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантиришнинг етарлича самарали механизми ҳисобланади, чунки минтақавий ҳокимият ижро этувчи органлари фаолиятида иштирок этиш сизга бошқарув тажрибасини, сайлов жараёнларида иштирок этиш тажрибасини тўплашга, барқарор тизимни шакллантиришга имкон беради. сиёсий имтиёزلардан фаол фуқаролик позициясини ривожлантириш, яъни давлат идоралари учун кадрлар захирасини тайёрлаш³.

¹ Нуруллоев Ш. Развитие молодежной политики: национальная практика Узбекистана / “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to‘plami. – Toshkent – 2023. – 29-32 betlar.

² Шемелин А.В. Молодежные и детские объединения в законодательстве // Молодежная политика. Информационный бюллетень. М., 1998. – № 174-175. – С. 46.

³ Гукова И. Н. Развитие общественно-политической активности молодежи на основе взаимодействия органов государственной власти и институтов гражданского общества. Диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук. – Орел-2016. – с. 179.

Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган ёшлар тузилмалари ёшларнинг муаммолари, қизиқишлари ва умидларини самарали шакллантириш ва давлат органларига етказиш имконини беради, бу еса муайян ижтимоий-иқтисодий натижаларга еришиш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик фаоллигини ошириш, шунингдек, ёш фуқароларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ёшлар вакиллик органларида ишлаш бўлажак мутахассисларни сифатли тайёрлаш механизмларидан бири бўлиб, ҳаётга реал тайёргарликни, доимий такомиллаштириш зарурлигини таъминлайди, мустақиллик ва фаолликни ривожлантиради, касбий мартаба самарали ривожланишига, фуқаролик позицияси ва шахсий фазилатларини шакллантиришга ёрдам беради. Ёшлар парламент тузилмаларида сиёсий фаол ёшлар парламент маданияти ва сиёсий фаолият асосларини ўрганадилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёш ва жадал ривожланаётган жамиятга эга мамлакатдир. 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 60 фоизини ташкил қилади. Бу мамлакат учун ўзига хос қимматбахо «демографик дивидент» ҳисобланади. Кейинги йигирма йил ичида бугунги ёшлар Ўзбекистон тарихидаги энг йирик ишчи кучи, мамлакатни истиқболдаги ривожланиш стратегиясини амалга оширувчи ҳал қилувчи қатламга айланади. Бугунги кунда ёшларнинг ривожланишига тўғри сармоялар киритилса, айнан улар Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқадиган авлод бўла олади.

Янги Ўзбекистон ёшлари жамиятни ўзгартиришнинг фаол иштирокчиси ва модернизация қилишнинг муҳим манбаи, шунингдек, иқтисодий ўсиш ва авлодлар фаровонлигини таъминлаш учун қимматли инсон ресурсидир.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси¹ ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси қабул қилинди. Шу асосда жуда кўп ишлар қилинди. Хусусан, Бош вазир раислигидаги ёшлар ишлари агентлиги ва идоралараро ёшлар кенгашлари иш бошлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича комиссия, олий Мажлис палаталарида ёшлар парламентлари тузилди. Ёшлар куни

¹ 23-сон 18.01.2021. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz).

ташкил этилиб, қисқа вақт ичида жамиятимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган форум ва фестиваллар ўтказилмоқда.

Беш муҳим ташаббус доирасида ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, энг муҳим вазифа – ёшлар бандлигини таъминлаш ва муносиб даромад олиш учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кенгайтириш ва иш билан таъминлашнинг янги механизмларини жорий этиш, талабалар, иш изловчилар ва бошланғич тадбиркорлар, шунингдек иш берувчи ташкилотлар учун янги имтиёзлар бериш бўйича ташаббуслари ижобий натижаларни қўлга киритилишига сабаб бўлди.

Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ёшлар ташкилотлари ёшлар сиёсати соҳасидаги дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Масалан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ёшлар сиёсати консецияси асосида касаба уюшма ташкилотлари қошида ёшлар билан ишлаш тузилмалари ташкил этилган.

Охирги йилларда юртимизда бир қатор спорт турлари бўйича чемпионлар етишиб чиқди. Шаҳару кишлоқларда қанчадан-қанча ўғил-қизлар уларга ҳавас қилиб ёки яқинларининг ундови билан спорт секцияларига ёзилапти. Эндиликда, республика миқёсида иқтидорли ёшлар билан манзилли ишлаш механизмлари жорий этилмоқда.

Республиканинг барча ҳудудларида IT-парклар ташкил қилинмоқда. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси эълон қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари соҳасидаги салоҳиятини ошириш ниҳоятда муҳим.

Истиқболда Ўзбекистонда кўплаб ёшлар бирлашмалари фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшлар сиёсати ва ёшларга шарт-шароитлар яратиш юзасидан бир қатор муҳим қонун, қарор ва фармонлардан иборат кенг ҳуқуқий платформа яратилди. Эндиликда, мазкур ҳуқуқий пойдевор негизида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иш юритиши бу борада албатта ижобий

натижаларни қўлга киритишимизга асос бўлишини таъкидлашимиз мумкин.

Ёшлар тафаккурида Ватанга дахлдорлик туйғуларини юксалтириш, садоқат тушунчаларини янада юксалтириш уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, эртанги кундан кўнгли тўқ, давлатига ишонадиган халқнинг иродасини букиб бўлмайди¹.

Ёшларга оид давлат сиёсатини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи сиёсий жараёнларда уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Айнан қонунчилик даражаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг самарадор ташкилий бошқарувчилик механизмлари шаклланиш имкониятларини белгилайди.

Ўзбекистоннинг ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги тажрибаси халқаро ҳамжамиятда қизиқиш уйғотмоқда ва дунёда кенг ўрганилмоқда. Хусусан, бу йил БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши ёшлар форуми ва Женевада бўлиб ўтган «Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари» халқаро семинарида кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, БМТнинг 2030 йилги ёшлар стратегиясини амалга оширишдаги глобал тараққиёт тўғрисидаги ҳисоботга кўра, Ўзбекистон 2020 йилда етакчи давлатлар қаторига кирди ва бу пандемиядан кейин ёшлар иштирокида жавоб бериш ва тикланиш соҳасидаги энг яхши кўрсаткичларни намойиш етди. ёшлар, шунингдек, ёшлар учун имкониятлар яратиш маданият ва архитектура соҳасидаги одамлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг 2030 йилги ёшлар стратегиясини жадал амалга оширишда етакчи сифатида белгиланган тезкор мамлакатлар ўнталигига кирди, унда ташкилот томонидан қўллаб-қувватланадиган бир қатор ёшлар ташаббуслари амалга оширилмоқда.

Ёшлар тараққиёти индексида Ўзбекистон 150 мамлакатдан 82-ўринни эгаллайди. Ушбу рейтинг дунё бўйлаб ёшларнинг ҳаёт сифатини уч ўлчов - «ёшлар эҳтиёжлари», «фаровонлик асослари» ва «имкониятлар» асосида ўлчайди ва иқтисодий кўрсаткичлардан қатъи назар, бугунги кунда ёш одамнинг ҳаёти қандай еканлиги ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

¹ Умарова Н. Ёшлар сиёсатини амалга оширишдаги асосий муаммолар. Эксперт фикри. 16 ноябрь, 2016 йил. <https://www.uzanalytics.com/jamiyat/8433/>.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар ҳуқуқларини янада юксалтириш ва ҳимоя қилиш борасидаги ташаббуслари кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенсияни қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. 22 давлатни бирлаштирган ёшлар ҳуқуқлари бўйича дўстлар гуруҳи ташкил этилди, уларнинг асосий вазифаси ёшлар сиёсати соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ёш авлод ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишга қаратилган саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборат.

Иккинчидан, давлатимиз раҳбарининг чақириғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Девонининг «ёшлар ва инсон ҳуқуқлари» маърузасида ўз аксини топган бўлиб, унда «ёшлар ҳуқуқларини амалга оширишга содиқликни янгилаш ва мустаҳкамлаш» ва «барча зарур чораларни кўриш» зарурлиги таъкидланган ёшлар ўз ҳуқуқларидан камситилмасдан баҳраманд бўлишларини таъминлаш.» Ёшлар ҳуқуқларини енг самарали тарғиб қилувчи чора-тадбирлар қаторида ОҲЧР ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро воситани қабул қилиш имкониятларини кўриб чиқишни қўллаб-қувватлади.

Учинчидан, 2020 йил август ойида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётини яхшилаш бўйича глобал ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнашнинг долзарб масалаларига бағишланган Самарқанд веб-форуми бўлиб ўтди. Форумда БМТ Бош Ассамблеясининг 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилган «Ёшлар 2020: Глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» Самарқанд резолюцияси қабул қилинди.

Тўртинчидан, Ислом ҳамкорлик Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси билан биргаликда «тинч демократик жамиятлар қуриш ва барқарор тараққиёт йўлида ёшлар ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти» мавзусидаги олтинчи йиллик seminar бўлиб ўтди. Семинар якунида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент Декларацияси қабул қилинди¹.

¹ Мирзо Ғ. Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари. Янги Ўзбекистон газетаси. № 219 (1008), 2023 йил 21 октябрь. – 4-5 бетлар.

Ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва самарали амалга ошириш нафақат ижро етувчи, балки давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) органларининг вазифасидир. Парламентлар ёшларни қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнига жалб этишга, уларни турли форматдаги парламент фаолиятига жалб этишга интиломда. Ёшлар парламент тузилмалари бугунги кунда барча даражаларда ишлайди. Халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий ёшлар парламентлари ташкил этилган ва фаолият кўрсатмоқда.

Парламентлараро Иттифоқ бутун дунёдаги ёшларни парламентлараро фаолиятга жалб қилиш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. 2013 йилда мазкур иттифоқ доирасида ёш парламентарийлар форуми ташкил этилди. Форумнинг мақсади бутун дунё бўйлаб парламент фаолиятида ёшларнинг иштирокини кенгайтиришга кўмаклашишдан иборат. Форумда 2021 йилда олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ёшлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси иштирок етди.

Парламентлараро Иттифоқ маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйлаб ёш парламентарийларнинг улуши тахминан 2,6 фоизни ташкил етади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан ошади ва мамлакат ПИ рейтингининг 20-поғонасида. Парламентларнинг 25 фоизида 30 ёшгача бўлган ёшлар вакили емас. Мамлакатларнинг 69 фоизида овоз бериш ҳуқуқининг ёш чегараси депутат етиб сайланиш учун енг кам ёшдан паст. Фақат 9 мамлакатда ёшлар учун квоталар, шу жумладан ажратилган ўриндиқлар ёки партия квоталари мавжуд.

Бугунги кунда ёшлар парламентаризми бутун дунё бўйлаб “юрибди” ва унинг қадамлари йилдан-йилга таъсирчан бўлиб бормоқда. Ёшлар парламент тузилмалари аллақачон сиёсий партияларнинг ёшлар бўлимлари каби анъанавий сиёсий иштирок шакли билан «рақобатлашмоқда», ундан кейин иккинчи ўринни егаллаб, ёшлар жамоат ташкилотлари ва ёшлар ҳаракати каби шакллардан олдинда.

2020 йилдан бошлаб олий Мажлис палаталари ҳузурида ёшлар парламентлари ташкил этилди. Бу йил Парламентлараро Иттифоқ ташаббуси доирасида «Биз парламентда ёшлар тарафдоримиз!» Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар парламентлари билан биргаликда мазкур иттифоқ Бош котиби иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида ҳам ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти тасдиқланди, унда БМТ шафелигида ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

2021 йил 12-13 август кунлари халқаро ёшлар кунига бағишланган «Ёшларни глобал ҳаракатларга жалб қилиш» ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди¹.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари идораси ва ОХЧРнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси, БМТнинг Ўзбекистондаги мамлакат жамоаси, ЕХХТ ва ЕХХТ билан ҳамкорликда ёшлар ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Ўзбекистонда лойиҳа координатори Ф.Ебертнинг ваколатхонаси ташкилотчилари бўлди.

Гибрид форматда (онлайн ва офлайн) ўтказилган анжуманда 500 дан ортиқ иштирокчилар, жумладан, халқаро ташкилотлар, минтақавий, халқаро нодавлат, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлардан ортиқ хорижий мамлакатлар), парламентлар ва давлат идоралари вакиллари иштирок етди ёшлар билан ишлаш (7 дан ортиқ мамлакат), таълим ва илмий-тадқиқот институтлари (5 мамлакат), ёшлар ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари (15 дан ортиқ мамлакат), Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган 20 дан ортиқ дипломатик ваколатхоналар вакиллари учун. Хорижий иштирокчиларнинг умумий сони 30 дан ортиқ мамлакатдан 150 кишидан ошади. 350 нафар Ўзбекистон фуқароси бор. Ёшлар 70 фоизни ташкил этди, шундан 40 фоизи қизлар эди.

Тадбир натижасида «Ёшларни глобал ҳаракатларга жалб қилиш» Тошкент ёшлар Декларацияси қабул қилинди. Мазкур декларацияда ёшларнинг заиф тоифаларига алоҳида эътибор бериш, ёшларни барча даражадаги қарорларни қабул қилишга фаолроқ жалб этиш бўйича келишувларга эришилди.

Ундан ташқари, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида миллий ёшлар стратегиясини ишлаб чиқиш, ёш авлодни иш билан таъминлаш бўйича миллий ҳаракатлар режасини қабул қилиш, ёшлар ўртасида рақамли

¹ Саидов А. «Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари (insonhuquqlari.uz). Фулом Мирзо суҳбатлашди. «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023 йил 21 октябрь кунги 219 (1008)-сони.

кўникмаларни ривожлантириш бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқиш долзарблиги таъкидланди. Ушбулар қаторида халқаро миқёсда ёшлар ҳуқуқларини мустақамлаш, уларни ривожланишлари учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди¹.

2024 йилда ёшлар сиёсатини такомиллаштириш ва ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида ишлар изчил давом эттирилди. Бугунги кунда бу борада ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идоралар тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича янгича ёндашув жорий этилади. Ёшлар етакчиси тавсияси билан бериладиган ёрдам турлари трансформация қилиниб, асосий эътибор уларни замонавий касб-хунарга ўргатишга қаратилади.

Болаларнинг кўникмалари, қизиқишлари ва истеъдодини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон болалар ташкилотини тузиш таклифи билдирилди. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш борасидаги илмий-тадқиқот ва таҳлилий ишларни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

“Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали хорижий тилларни ўрганаётган ёшларни 1 миллион нафарга, “Мутолаа” дастури орқали ёш китобхонларни 1,5 миллион нафарга етказиш чоралари кўрилади. Бунинг учун ҳудудларда кўшимча инфратузилма барпо этилиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун янада кенг шароитлар яратилиши юзасидан амалий ишлар амалга оширилмоқда².

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида янги авлод кадрларини тайёрлаш, иқтидорли ёшлар билан ишлаш янгича ғоявий-сиёсий асосда, ўзига хос самарали тизим асосида йўлга қўйилди. Бунда жамият ва давлат тузилиши, ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва маънавий соҳаларда давр талабларига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди ва бу борадаги ислохотлар тизимли равишда амалга оширилмоқда³.

¹ Саидов А. “Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари (insonhuquqlari.uz). Фулом Мирзо суҳбатлашди. «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023 йил 21 октябрь кунги 219 (1008)-сон. – 4-5 бетлар.

² Ёшлар билан ишлаш тизими бўйича ахборот берилди (president.uz).

³ Маткаримова, С. М. Молодежная политика в Республике Узбекистан (на основе лекции первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова) / С.М.Маткаримова, Омонбой Маткурбонов. — Текст: непосредственный // Исторические исследования : материалы V Междунар. науч. конф. (г. Самара, март 2017 г.). — Самара: ООО "Издательство АСГАРД", 2017. — С. 1-3. — URL: <https://moluch.ru/conf/hist/archive/242/11622/> (дата обращения: 02.01.2024).

III БОБ. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЁШЛАР ИЖТИМОЙИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИ

3.1. Сиёсий партиялар фаолиятининг ёшлар ижтимоий фаоллигига таъсири

Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларидан энг муҳими давлат ҳокимияти органларининг умумхалқ сайловлари асосида шакллантирилиши ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида бевосита, ёки ўзлари томонидан сайлаб қўйилган вакиллари орқали иштирок этиши ҳисобланади. Бунда энг аввало, жамият билан давлат ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтовчи ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган – сиёсий партиялар асосий рол ўйнайди.

Миллий давлатчиликни яратиш ва сиёсий тизимни модернизациялаш ўзбек халқининг ижтимоий-тарихий анъаналарига таянади. Шу билан бирга модернизация глобаллашаётган дунё, ижтимоий борлиқнинг ҳам талаби эканлигини унутиб бўлмайди. “Модернизация ўзгаришларни ботинан англаб етиш, объект, институт ривожланишининг мантиқий мазмунидан келиб чиқади. Фақат имманент шароит модернизация жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиши, ташқи даъватларни қўллаб-қувватлаши мумкин. Объект ривожининг ўзига хосликларидан келиб чиқмайдиган ислохотлардан эртами-кечми юз ўгиради. Шунинг учун модернизация жамиятнинг этносиёсий ва этномаданий анъаналарига таяниши лозим”¹.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар шуни кўрсатаптики, фақат кучли давлатгина жамиятда барқарорликни, қонунларнинг тўлиқ ишлашини, ижтимоий институтларнинг емирилиб кетмаслигини таъминлаши мумкин. Фуқаролик жамиятида давлат куч ишлатиш, тазйиқ ўтказиш, зўравонлик институтидан жамият ҳаётини рационал ташкил этувчи, фуқаролар уюшмаларининг ишлашини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи, кенг миқёсда маънавий тарбиявий фаолият олиб борувчи институтга айланади. Бу жараён фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда кенг ва фаол иштирок этиши орқали кечади. Бу шаклдаги давлат ва

¹ Хўжагелдиев А. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 137; Кодиров А. Политическая модернизация – фактор демократизации и обновления общества // Жамиятни демократлаштириш, янгилаш ва ислох қилиш муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 41.

жамият институтларини шакллантириш ва ривожлантириш мураккаб ва узоқ муддатли ислохотлар жараёни бўлиб, ушбу жараёнларда фуқароларни ягона мақсад ва муайян маслак нуқтаи назаридан бирлашиб ҳаракат қилишлари сиёсий партиялар фаолиятidir. Яъни, сиёсий партиялар фуқароларни ислохотларда мақсадни кўзлаган ҳолатда, жамият равнақи учун бирлашган ҳолдаги фаолиятини ташкил этадиган фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир.

Маълумки, замонавий жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлар муҳим ўрин тутди. Аҳолининг муайян қатламлари манфаатлари ифодаляйдиган сиёсий партиялар дастурларида жамоатчилик фикрини турли усуллар билан, айниқса, оммавий ахборот воситалари ёрдамида ўзларининг мақсадларига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. Сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг бошқа барча таркибий элементлари билан ҳамкорликда фаолият юргизиши ҳозирги замон сиёсий амалиётининг алоҳида усулларида биридир. Ана шундай усуллардан бири бу давлат ва сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатлардир. Бундай боғлиқлик фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамляди, жамиятни барқарорлаштиради, унинг олдида турган муҳим вазифаларни тўла бажариш имконини яратади, ижтимоий ҳаётда сиёсий популизм ва анархияга чек қўйилади. Сиёсий партияларни замонавий демократик жамиятнинг том маънода сиёсий мактабига айлантириш ҳозирги даврда Ҳаракатлар стратегияси¹да кўрсатилган устувор йўналишлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий жараён ва ўзгаришлар негизида субъектларнинг назарий, психологик, маънавий тайёргарлиги, воқеликни идрок этиш ва ўзгартиришга бўлган хоҳиш-иродалари ётади. Ушбу субъектив омиллар билим, қизиқиш ва модель тарзида кишилар онгида акс этади. Сиёсатшуносликда у “сиёсий кадриятлар”, “сиёсий-ҳуқуқий маданият”, “сиёсий онг” ёки “сиёсий дунёқараш” каби тушунчалар билан аталади².

Илмий таснифларга кўра, сиёсий партия – бу сиёсий амбицияга эга бўлган шахслар томонидан тузилган ва бошқариладиган ҳамда умумий мафкура асосида бирлашган тармоқдир (networks)³. Сиёсий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

² Сабиров Н. Сиёсий модернизация жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли / Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue – 2 № 3 (2021) – 147-152 бетлар.

³ Саидов С. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар. – 2018 йил 18 октябрь. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар - UzAnalytics Diamond L. “Is the Third Wave Over?” Journal of Democracy, 1996, № 3.

партиялар энг аввало, ўз электорати манфаатларидан, сиёсий мафкураси ва позициясидан келиб чиқиб, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларига етарлича таъсир ўтказишлари ҳамда ўзининг вакиллари орқали давлатнинг марказий ва маҳаллий ижроия органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда қатнашишлари лозим.

Сиёсий партия – бу қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи фуқароларнинг кўнгилли бирлашмасидир¹. Сиёсий партиялар турли танақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлан қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар².

Бошқа жамоат бирлашмаларидан фарқли ўлароқ, сиёсий партиялар сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб, демократияни яратишда муҳим рол ўйнайди. Бу, айниқса, сайлов кампанияларида яққол намоён бўлади. Сиёсий партиялар президент, Қонунчилик палатаси депутати ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати лавозимларига номзодларни таклиф қилмоқдалар ва халқ улар таклиф қилган номзодни қўллаб-қувватлайди деб тахмин қилинади³. Бу фуқаролик жамияти шароитида демократиянинг ҳақиқий кўрсаткичидир.

Ўзбекистон Республикасида демократик давлат ва фуқаролик жамиятини яратишда сиёсий партиялар муҳим рол ўйнайди. Мустақиллик даврида республикада кўппартиявийлик тизими ўрнатилди. “Кўппартиявийлик тизими ҳокимиятнинг бўлинган тармоқлари ўртасидаги муносабатларда конституциявий тартибга солувчиларнинг мавжудлиги ва инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, демократиянинг муҳим шарти сифатида шаклланди”⁴. Италия, Белгия ва Голландия каби мамлакатларнинг сиёсий ҳаёти кўппартиявийлик тизими билан ажралиб туради. Аксарият Ғарб мамлакатларида қўшма Штатлардан

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги қонуни. 1996 йил 26 декабрь, 337-И-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 60 модда.

³ Бердикулов С.Н. Роль политических партий в формировании гражданского общества в Узбекистане / Філософські науки. Scientific Journal «ScienceRise» №6/1(11)2015. – стр. 116-120.

⁴ Аствацатурова, М. А. Государственная стратегия в отношении партогенеза и партийного строительства: некоторые обобщения [Текст] / М. А. Аствацатурова, Л. Х. Дзахова // Человек. Сообщество. Управление. – 2007. – № 3. – С. 6.

фарқли ўлароқ, учдан ўнгача партияларга эга кўп партияли тизимлар мавжуд. Буларга Германия, Франция, Канада, Австрия ва Австралия ҳам киради. Икки асосий муҳолифат партияси учинчи томонни яратиш учун бирлашиши мумкинлиги сабабли, уларни ўзгартирилган икки партиявий тизим деб аташ мумкин.

Маълумки, барча ижтимоий муносабатлар қонун билан тартибга солинади. Ўзбекистонда сиёсий партиялар ҳам ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида иштирок этадилар. Сиёсий партияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» ги қонунлар ва «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни асосида ташкил этилади. Ушбу қонунлар мамлакатда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда бешта сиёсий партия расман руйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб нормоқда, булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси; “Адолат” Социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” Демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси.

Мазкур сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, туман ва шаҳар вакиллик органларида ўз депутатлик мандантларига эга бўлиб, улар ўз низом ва дастурларидан келиб чиқиб, электоратнинг воқеа ва ходисаларга оид позицияси ҳамда Конституция ва бошқа қонуности ҳужжатларга асосланган ҳолда фаолият олиб боради.

Истиклол йилларида фуқаролик жамиятини ривожланишининг муҳим омили, ижтимоий-сиёсий жараёнларда халқ ва давлат ўртасидаги боғловчи институт сифатида партиялар динамик тарзда ривожланиб борди. Уларнинг жамиятда тобора мавқеининг мустаҳкамланишига, фуқаролар ҳаётида катта аҳамият касб этиб боришига кенг қамровли ислохотлар баробарида сиёсий партиялар фаолиятини ҳам кафолатларининг ҳуқуқий – меъёрий асосларини яратилиб бориши ҳам ижобий таъсир ўтказиб келди.

2018 йилга келиб Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия расман Ўзбекистон Халқ демократик партияси; “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси руйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб борган.

Фаолият тарихи нуқтаи-назаридан, уларнинг биринчиси Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП) – 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ташкил қилинган биринчи сиёсий партия. Мазкур партияни собиқ коммунистик партиянинг меросхўри сифатида ҳам эътироф этилган. ЎзХДП 1991 йил 1 ноябрда расман руйхатга олинган. Расмий маълумотларга кўра 2018 йилда партиянинг аъзолари сони 425 минга бўлиб, жойларда партиянинг 11 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб борган¹. Партия уставида унинг асосий мақсади – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли катламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган². Партиянинг матбуот органи сифатида – “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари фаолият олиб борган.

Кейинги ўринда “Адолат” социал-демократик партияси – 1995 йил 18 февралда ташкил топган. 2018 йилда ушбу партия сафида 135 минг аъзоси бўлган. Республика ҳудудларида 3 минга яқин бошланғич партия ташкилотларига эга бўлиб, матбуот органи – “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси эди. Партия уставида белгиланган асосий мақсади – ҳуқуқий-демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш дея белгиланган³.

Фаолияти давомийлигига кўра кейинги ўринда “Миллий тикланиш” демократик партияси бўлиб, у – 2008 йил 20 июнда Миллий тикланиш ва Фидокорлар партияларининг бирлашуви асосида шаклланган. 2018 йилда партиянинг аъзолари сони 190 минга яқин бўлиб, партия уставига мувофиқ асосий мақсади –

¹ Саидов С. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар. [Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар - UzAnalytics](#).

² Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устави. [Устав | Ўзбекистон Халқ демократик партияси \(xdp.uz\)](#).

³ Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси устави (янги таҳрир). [Партия устави | "Адолат" СДП \(adolat.uz\)](#).

Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғурур, ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш эканлиги таъкидланган¹. Сиёсий партиянинг матбуот органи – “Миллий тикланиш” газетаси.

Кейингиси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) – 2003 йилнинг 15 ноябрида тузилган. Партия ўзининг асосий мақсади сифатида – тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш экани қайд этилган². ЎзЛиДеПнинг аъзолари сони 252 минг нафарни ташкил этган. Партия матбуот органи – “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси.

Келтирилган маълумотларга кўра 2018 йилда мавжуд партиялар фаолиятида самарадорлик натижаларини намоён этиш учун барча механизмлар мавжуд. Ҳар бир партиянинг матбуот органи бўлиб, улар республика миқёсида кенг жамоатчиликка етказилган.

Мазкур даврда партияларнинг умумий ҳисобда 1002000 мингдан ошиқ фаол аъзолари бўлиб, 20 миллионга яқин киши – яъни 59,5% меҳнатга лаёқатли аҳоли орасидан 0,05% и сиёсий партиялар фаолиятида фаол ҳисобланган. Бу эса ўз ўрнида сиёсий партияларнинг жамиятнинг ва айниқса, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида салмоқли ўринга эга бўлмаганлигидан, фуқаролар билан яқиндан муносабатлар кенг йўлга қўйилмаганлигидан далолат берарди.

2017 йилда таҳлиллар натижасида мамлакатда сиёсий партиялар фаолияти ва уларнинг том маънодаги фуқаролик жамияти институтига айланиши борасида бир қанча фундаментал муаммолар мавжудлиги маълум бўлди. Булар сирасига:

Биринчидан, амалдаги сиёсий партиялар ўз ҳаракати ва фаолияти жиҳатидан жамиятдан, электоратдан йироқлашган ҳолатда фаолият юритаётганлиги намоён бўлди. Сиёсий партиялар дастурларида индивидуаллик ва рақобатни кўзатилмаган. Мазкур партиялар расмий ҳукумат томонидан олиб борилаётган сиёсатга

¹ МТ | Partiya Nizomi va Dasturi.

² Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Устави. [Partiya ustavi | O'zLiDeP \(uzlidep.uz\)](#).

нисбатан муқобил дастур ва моделларни илгари суриш қобилиятини намоёниш этмаган. Шунинг таъкидлаш лозимки, ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олишлиги¹ республика олий раҳбарияти томонидан таъкидланди;

Иккинчидан, энг асосий муаммолардан яна бири бу ҳалигача сиёсий партияларнинг ижтимоий асоси – электорати тўлиқлигича шакллантирилмаганлиги эди. Шунингдек, амалда сиёсий партиялар билан, улар ўз электорати дея эълон қилган, ижтимоий гуруҳи ўртасида “қайта алоқа” тизими йўлга қўйилмаган. Ижтимоий ҳаётда сиёсий партиялар ва электорат ўртасида яқин алоқалар тизими кўзатилмаган;

Учинчидан, сиёсий партиялар ташкилотларида кадрлар муаммоси жуда долзарблиги сақланиб қолган, партия тизимида эскича фикрлайдиган партташкilotчилар фаолият олиб бормоқда эди, молиявий имкониятлар чекланганлиги, амалдаги бюрократик тизим ва бошқа факторлар сабабли ёш, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар сиёсий партиялар тизимида жалб этишда сўсткашликка сабаб бўлган²;

Мазкур ҳолатлар эса, аслида жамиятда демократияни мустаҳкамлашга қаратилган фуқаролик жамияти институти ҳисобланмиш – сиёсий партияларнинг халқ олдидаги имиджини тушишига сабаб бўлган. Эндиликда сиёсий партиялар фаолиятини жиддий ислоҳ этиш зарурати вужудга келганлигини намоён этди.

Бу борадаги ислоҳот мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадларига эришишдаги муҳим ва зарурий қадам сифатида баҳоланган. Зеро, тараққиётнинг бугунги босқичида жамият сиёсий тизимида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий идеосферасини шакллантиришда сиёсий партиялар фаолиятини тўғри ташкил этиш, фаолиятни мақсадли тўғри йўналтирилганлигини сифат жиҳатидан яхшилаш зарурияти тобора ортиб бормоқда.

Ўз ўрнида жамиятда кенг жамоатчилик томонидан сиёсий партияларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини кўтариш, ҳатто давлат ва жамият бошқарувида ҳал қилувчи кучга айлантириш борасидаги қандай ташаббуслар илгари сурилиши аҳоли ва фуқароларнинг

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 12.07.2017. <http://uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017>.

² Саидов С. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар - UzAnalytics.

ижтимоий-сиёсий дунёқарашини юксалиб бориши ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошганлигини намоён этмоқда.

Ундан ташқари, партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, хусусан “Ёшлар қанотлари” фаолиятини тубдан такомиллаштириш, ёшларнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириш борасида сиёсий партиялар олдида турган вазифалари устувор аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган “Ёшлар қанотлари”нинг фаолиятини етарли даражада эмаслиги, мамлакатимизда яшаётган 10 миллиондан ортиқ ёшлар ҳаётида қанчадан-қанча ечилмаган ижтимоий муаммолар борлигини 2017 йилда бўлиб ўтган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи натижаларида намоён бўлди¹.

Таҳлиллар натижасида сиёсий партияларнинг интернет сайтида ёшлар билан интерактив алоқа тизими давр талабига мос эмаслиги, бу эса уларнинг аҳолини ёшлар қатлами билан яқиндан ҳамкорлик қилиш имкониятини табиий равишда чеклаётганлиги, сиёсий партиялар аввало истиқболли ёш раҳбарларни тайёрлаш мактаби бўлишдек муҳим вазифаларни уддалай олишмаётганлигини намоён этди.

Дунё ҳамжамиятининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, мафкуравий манзарасининг изчил ўзгариши, янгидан-янги сиёсий воқеликлар вужудга келиши натижасида партиялар олдида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириш каби муҳим вазифаларни вужудга келтирди. “Агар, партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз”²лиги таъкиланди.

Халқаро тажрибада ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни давлат, жамият келажаги кафолати бўла оладиган авлод сифатида шакллантиришнинг бой тажрибаси мавжуд бўлиб, кўплаб ривожланган давлатларда бу тажриба ўз натижасини бераётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Тадқиқотчи М.Қирғизбоевнинг таъкидлашича, XX асрнинг бошларидаёқ Ғарний Европанинг қатор йирик давлатларида

¹ Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи (president.uz).

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси (president.uz).

(Бельгия, Австрия, Германия, Швеция ва бошқалар) социал-демократик партияларнинг ёшлар иттифоқлари тузилган. Кейинчалик улар Ёшларнинг социалистик интернационалига бирлаштирган. XX асрнинг биринчи ярмида эса барча сиёсий партиялар таркибида ёшлар ташкилотлари шаклланди.

Айтайлик, Германиядаги 80 та ёшлар ташкилоти мамлакатдаги йигит-қизларнинг тўртдан бирини ўз сафида бирлаштира олган. 1947 йилдан бошлаб эса Германия Эркин демократик партияси қошида Ёш немис демократлари ташкилоти иш бошлаган. Унинг 20 мингга яқин аъзоси бўлиб, ушбу ташкилот ёшлар ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, қолаверса, экологик ҳимоя масалалари билан шуғулланади.

Германия Социал-демократик партияси таркибидаги “Ёш социалистлар” ташкилоти 1920 йилда ташкил этилган бўлиб, айти пайтда 65000 нафар аъзога эга. Унинг расмий мақоми “Германия СДПдаги ишчи ҳамкор”, дея эълон қилинган.

Европа Ислоҳотлар партиясининг “Ёшлар қаноти” ҳам мустақкам ва барқарор ташкилотга айланган. У ҳатто парламент сайловларида ўз номзодларини илгари суради. 2014 йилда “Ёшлар қаноти”нинг 2 нафар номзоди Европарламент депутатлигига сайланган. Испания социалистик ишчи партияси «Ёшлар ташкилоти» эса 1903 йилдан буён фаолият юритмоқда. Унинг қуйи ташкилотлари Испаниянинг барча ҳудудларида иш олиб боради¹.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сиёсий партияларнинг «Ёшлар қанот»и асосан партияларга алоқаси бўлмаган, уюлмаган йигит-қизлар билан иш юритади. Асосий мақсад ёшлар ўртасида жиноятчиликни камайтириш, уларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш, наркотик ва экстремизм исканжасига тушиб қолмасликларига эришишдан иборат. Айти пайтда ушбу уюлма партия электорати сафини кенгайтиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшаётганини қайд этиш жоиз. Жамиятда консенсусга эришиш, унда барқарорликни сақлаш ҳам уюлманинг дастурий мақсадларига киради.

Ёшлар иттифоқи қурултойи мамлакатда ёшлар билан ишларни ташкил этиш ва олиб бориш юзасидан сиёсий партиялар учун қатор устувор вазифаларни белгилаб берган услубий тавсияларга бой бўлди. Айтиқса, чет эллардаги ёшлар билан ишлаш масаласида Олий

¹ Қирғизбоев М. Сиёсий партиялар ва ёшлар: лоқайдлик мавсуми ўтди. 22.06.2018. <https://iqtisodiygazeta.uz/2018/06/22/siesij-partijalar-va-eslar-lo%D2%9Bajdlik-mavsumi-%D1%9Etdi/?l=cir/>

Мажлис палаталари ҳам, сиёсий партиялар ҳам жиддий ишларни амалга оширмаган эди.

Умуман олганда, сиёсий партиялар уюшмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшларга умуман эътибор қаратмаяпти. Бу борада партиялар туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, янги тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиши бугунги кун талабидир.

Айниқса, сиёсий билимларни ошириш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришда аҳолининг энг фаол ва ташаббускор қатлами бўлган талаба ва ўқувчи ёшларни дунёқарашини юксалтиришда вакиллик органлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш зарурлиги, бунинг учун халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносига ёшларни эркин кириб чиқадиган муҳит ва шароит яратилганлиги баробарида бу борада ишларни янада ривожлантириш муҳимлиги белгиланди. Ёшлар қонун қабул қилиш жараёнлари билан яқиндан танишаётганлиги, депутатлар билан очиқ мулоқотлар амалга оширилаётганлиги ёш авлодда сиёсий тафаккур, баҳс маданияти шаклланишига хизмат қилди. Бу борада Германия, Дания, Финляндия каби ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланилди¹.

Бу фикрлар мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида сиёсий партиялар олдига ёшлар тарбияси, уларнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлаш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш каби улкан вазифалар қўйилаётганидан, бир сўз билан айтганда сиёсий маданият ва фуқаролик жамияти институтлари тараққиётида янги босқичда кўтарилганлигидан далолат беради.

Сиёсий партияларнинг ёшларга оид фаолияти ҳақида гап борганида Давлатимиз раҳбарининг “Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди “мудраб ётган” сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак”², – деган фикрларини эсга олиш ўринлидир.

Маълумки, партиялар ҳузуридаги ёшлар ташкилотлари асосан

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 12.07.2017. <http://uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017>.

ҳали сайлаш ҳуқуқига эга бўлмаган қатлам вакилларида шакллантирилади. Улар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлганидан кейин эса партиялар фаолиятида тўлақонли иштирок эта бошлайдилар. Бу бир томондан, партиявий кадрлар захирасини яратишга хизмат қилса, иккинчидан, партиялар фаолиятининг давомийлигини таъминлайди. Бундай узлуксизлик ва давомийлик ҳаётини мантиққа асосланади. Европадаги аксарият партиялар ана шундай узлуксизликка эришаётганлари учун ҳам ўз сиёсий мавқеини сақлаб, тобора юқори натижаларга эришмоқда.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг «Ёшлар қанот»и ёшлар ичига кириб боришда сўсткашликка кўзатилаётгани, ёшларнинг ҳаётини муаммолари билан жиддий шуғулланмаётгани кўзга ташланмоқда. Ҳаётини жиҳатдан қўллаб-қувватланган ва жамият келажигига дахлдорлик туйғулари шакллантирилмаган ёшларда жамият сиёсий тизимида идеосфераси салбий томонга қараб ўзгаришининг ҳолатлари кузатилди.

Шу ўринда, экстремистик ҳолатлар, «оммавий маданият» ҳуружларига қарши тизимли кураш, маҳаллалар, таълим масканларидаги ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, навқирон авлод вакилларига фаол фуқаролик ҳолатини сингдириш билан боғлиқ масалаларда “Ёшлар қанотлари”нинг сўстлигини қайд этиш жоиз. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илғор ҳамда самарали тажрибасини амалиётда қўллаш давр талабига айланмоқда.

3.2. Сиёсий партиялар қошида “Ёшлар қанотлари”нинг ташкил этилиши ва тадрижи

Инсоният ўз ривожини давомида изчил равишда энг мақбул ижтимоий-сиёсий тизимни яратиш юзасидан саъи-ҳаракатлари ҳам тараққий этиб борди. Яъни, инсоният учун энг муносиб шарт-шароитларни яратиш ва бунда инсон манфаатларини энг кўп қафолатловчи жамият ускуртмасини яратиш устидан тинимсиз ўзгаишлар амалга оширган ва амалга оширмоқда. Ушбу ўрганишлар ва ўзгаришлар натижасида бугунги кунда фуқаролик жамиятини барпо этиш ишлари амалга оширилади. Мазкур мақсадга амалга ошириш йўлидаги ҳатти-ҳаракатлар ислоҳотлар кўринишида намоён бўлиб келмоқда.

Мазкур ислохотлар жараёнида демократик институтлари фаолиятини такомиллаштириш, давр ва замон талаблари асосида ислох этиб бориш аксарият жамиятларда энг устувор вазифалар каторида баҳоланмоқда. Айнан, шу жараёнларда сиёсий партияларнинг мақоми муҳим аҳамият касб этади. Зеро, сиёсий партиялар давлат ва фуқаролар ўртасида нафақат боғловчи, балки ўз фаолиятининг энг самарали натижаси сифатида мустаҳкам фуқаролик ва инсонийлик позициясига эга бўлган ва муайян – тегишли ижтимоий тузум ривожига хизмат қилувчи шахсларни шаклланишида эканлигини амалда исботлади.

Шу нуқтаи назардан, сиёсий партияларнинг тўлақонли фаолияти истиқлолга эришиб, мустақил тараққиёт йўлидан изчил одимлаётган Ўзбекистон учун муҳим демократик омилдир. Ушбу жараёнларнинг кульминацион нуқтаси сифатида сиёсий партияларнинг ёш авлод билан амалга ошираётган ишларида намоён бўлади.

Сиёсий партия ва фуқаролик ўзига хослигини шакллантириш сиёсий партия фуқароларга мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятларини тақдим этиш орқали фуқаролик ўзига хослигини ривожлантиришга ёрдам беради. Партияга аъзолик фуқароларга сиёсий жараённинг фаол иштирокчиси бўлиш, ўз фикрларини билдириш ва ўз ғоялари учун курашиш имкониятини беради. Бу фуқаролик бурчини ва жамият олдидаги масъулиятни шакллантиришга ёрдам беради, шунингдек, фуқароларга ўзларини катта ва муҳим жамоанинг бир қисми сифатида ҳис қилишларига имкон беради.

Сиёсий партиялар анъанавий шаклда ўз фаолият билан фуқаролик ўзига хослигини шакллантиришда иштирок этиб, қуйидаги ўзига хос функциялар ижросини таъминлайди:

1. Фуқароларни жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этишга сафарбар этиш
2. Фуқароларнинг фикр ва ғояларини ифода этиш имкониятини яратиш
3. Сайловларда иштирок этиш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш
4. Умумий қадриятлар ва мафқурани шакллантириш
5. Ҳукумат устидан назоратни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда сиёсий партиянинг ролини ифодалайди¹.

¹ Политическая партия как составная часть гражданского общества. <https://nikavtocentr.ru/politiceskaya-partiya-kak-sostavnaya-cast-grazdanskogo-obshhestva>.

Сиёсий партия “фуқаролик мактаби” ролини ҳам ўйнайди. Бу ерда фуқаролар ва айниқса, ёшлар ижтимоий-сиёсий тадбирларда иштирок этиш тажрибасини тўплашлари, етакчилик қобилиятларини ривожлантиришлари, жамоада ишлашни ўрганишлари ва биргаликда қарор қабул қилишлари мумкин. Бу фуқароларга сиёсий ҳаётнинг онгли иштирокчилари бўлишга ва жамият ривожига ҳисса қўшишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, сиёсий партия фуқаролик жамиятининг ажралмас қисмидир. Бу фуқароларни сафарбар қилиш, уларга сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятларини бериш, умумий қадриятлар ва мафқурани шакллантириш, шунингдек, ҳокимиятнинг нотўғри ҳаракатларини ҳимоя қилиш ва уларга қарши туриш орқали фуқаролик ўзига хослигини шакллантиришга ёрдам беради.

Мавзуни тадқиқ этганда, адабиётлар таснифида, энг аввало таянч манба сифатида республика раҳбарияти томонидан қабул қилинган ва ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб берган қонун, қонуности ҳужжатларга¹ энг катта эътибор қаратишимиз керак бўлади. Чунки, яратилаётган бу кўппартиявийлик тизими ва унинг жамиятни ривожлантириш, ёшларни изчил жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида соғлом нуқтаи назардан интеграциялашувига кўмаклашиши истиқлолга эришган Ўзбекистон учун янги жараён эди. Бу борада кўплаб тажрибаларни ўзлаштириш, ушбу тажрибаларни миллий призмадан ўтказган ҳолда амалиётга татбиқ этиш зарур эди.

Бироқ, таъкидлаш жоизки мазкур муаммо узоқ йиллар давомида нафақат ғарб олимлари, ҳатто халқаро ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлган илмий муаммо² ҳисобланиб бу борада йирик тадқиқотлар амалга оширилган³. Ушбу тадқиқотлар натижаси

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни. [ЎРҚ-406-сон 14.09.2016. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида \(lex.uz\)](#); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 207-сонли қарори. [207-сон 31.05.1996. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида \(lex.uz\)](#); Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 26 декабрь, 337-1-сон.

² Inglehart, R. (1971). The silent revolution in Europe: Intergenerational change in post-industrial societies. *American Political Science Review*, 65(4), 991–1017; Giddens, A. (1991). *Modernity and self-identity: Self and society in the late modern age*. Stanford: Stanford university press; Beck, U. (1992). From industrial society to the risk society: Questions of survival, social structure and ecological enlightenment. *Theory, culture & society*, 9(1), 97–123; Bean, C., & Papadakis, E. (1994). Polarized priorities or flexible alternatives? Dimensionality in Inglehart’s materialism–postmaterialism scale. *International Journal of Public Opinion Research*, 6(3), 264–288; Verba, S., Schlozman, K. L., & Brady, H. E. (1995). *Voice and equality: Civic voluntarism in American politics*. Cambridge, MA: Harvard University Press;

³ Коммюнике Европейской комиссии к Совету, Европейскому парламенту, Европейскому комитету по экономической и социальной политике и Комитету регионов «Поддержка полноценного участия молодых людей в сфере образования занятости и обществе». Брюссель. 2007. 5 сент. СОМ (2007) 498. Цит. по: Сборник

сифатида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигида кўрсаткичларни белгилаш, унга қарши усул ва воситаларни жорий этувчи махсус аклий марказлари фаолияти йўлга қўйилганлигини диққатга сазовордир. Мазкур тадқиқотларда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш илғор механизмларини доимий равишда ривожлантириб бориш зарурийлиги ўқтирилади¹.

Ўзбекистонда бу борада тадқиқотлар бир нечта фанлар иштирокида амалга оширилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларида ушбу тадқиқотларда ёшлар ижтимоий фаоллиги ва унда фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, сиёсий партиялар иштирокининг илмий ва назарий жиҳатлари², мазкур ҳолатларнинг етакчи тажрибалар билан таққосламалари ва уларнинг илмий таснифи³ ҳамда илмий тавсиялар тақдим этиш билан характерланган. Тараққиётнинг кейинги, модернизация даври⁴даги тадқиқотларда бу борада амалга оширилаётган ислохотларда вужудга келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари⁵ муҳокама қилинган. Янги Ўзбекистонда, изчил ислохотлар даврида мазкур муаммога бағишланган тадқиқотларда яратилган тизимнинг самарасиз ишлаётган жиҳатларини аниқлаш, унинг ўрнига янги тизимларни жорий этиш⁶, айрим ижтимоий-сиёсий институлар тизимларини такомиллаштириш⁷ масалалари муҳокама қилинмоқда. Ундан ташқари, дунёда кечаётган ғоявий-мафкуравий тенденциялар⁸

документов европейской молодежной политики / под ред. А.В. Соколова. М., 2007. Кризис в сфере занятости молодёжи: Время действовать. Международное бюро труда. Женева, 2012. Электронный доступ [ILO101-TRAITEXT-2012-11-0176-Ru \(ilo.org\)](https://ilo.org/public/eng/mediatext/2012-11-0176-Ru); A/RES/50/81 13 March 1996. Всемирная программа действий для молодёжи до 2000 года и на последующий период. [A RES 50 81-RU.pdf](https://www.un.org/ru/press/docs/1996/19960319.res5081.shtml); [Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций — Декларации — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы \(un.org\)](https://www.un.org/ru/press/docs/1996/19960319.res5081.shtml); [Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций — Декларации — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы \(un.org\)](https://www.un.org/ru/press/docs/1996/19960319.res5081.shtml).

¹ Karimov Islam A (1993) Building the future; Uzbekistan - its own Model for Transition to Market Economy. Tashkent: Government Printing Office Tashkent.

² Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устави. [Устав | Ўзбекистон Халқ демократик партияси \(xdp.uz\)](https://www.uzdip.uz/);

³ Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.). Тарих фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 17 б

⁴ Сабиров Н. Сиёсий модернизация жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли / Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue – 2 № 3 (2021) – 147-152 бетлар.

⁵ Умарова Н. Ёшлар сиёсатини амалга оширишдаги асосий муаммолар. Эксперт фикри. 16 ноябрь, 2016 йил. <https://www.uzanalytics.com/jamiyat/8433/>

⁶ Саидов С. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар - UzAnalytics.

⁷ Убайдуллаева Б. Ўзбекларнинг ёш авлод тарбияси борасидаги аънаналари ва замонавийлик. – Тошкент, 2010; Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги жорий архиви. [So'rovnomalari - Yoshlar ishlari agentligi \(gov.uz\)](https://www.uzanalitik.gov.uz/).

⁸ Ўзбекистон электрон ОАВларидаги мақолаларнинг “Ёшлар интернет-макон кўзгусида” мавзусидаги контент таҳлили. Ёшлар интернет-макон кўзгусида - IF ([ijtimoiyfigr.uz](https://www.uzanalitik.gov.uz/));

ёш авлод, шу жумладан, Ўзбекистон ёшлари дунёқарашига таъсири¹, уларда янги ижтимоий-маънавий кадриятлар тизимларини шаклланишига² сабаб бўлаётганлиги оқибатида ижтимоий фаолликни шакллантирувчи мавжуд тизимларнинг самарасизлиги³, ушбу тизимларнинг давр воқелиги нуқтаи-назаридан такомиллаштирилиши ва фаолият механизмларини янгилаб боришлик зарурлиги асосланади⁴.

Бироқ шунга қарамасдан, ёшлар ижтимоий фаолигини оширилишида сиёсий партияларнинг иштироки ва муҳим роли илмий муаммоси доимий ўзгарувчан кўрсаткичларга эгадир. Шу нуқтаи назардан, бу борада тадқиқотлар амалга ошириш ҳар бир давр ва бугунги кун талабидир.

Фуқаролик жамияти асослари шаклланаётган мамлакатимизда бугунги кунда ёшларимизнинг фаоллигини ошириш, уларда миллат, халқ ва жамият олдидаги бурч ва масъулият ҳиссини тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим тизими, ёшлар онги ва дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилувчи ижтимоий-сиёсий институтлар, шу жумладан фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Истиқлол йилларида фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда умуминсоний кадриятлар устуворлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу ислоҳотларни амалга ошириш умумжаҳон инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя этувчи халқаро меъёрий ҳужжатлар ва нормалар эътироф этилмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар умумжаҳон миқёсида ривожланиш тенденцияларига мос равишда кечаётганлиги эътиборга лойиқ омилдир.

Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, сиёсий партиялар одамларнинг ўзини ўзи англаши ва объектив масъулият ҳиссини ҳис қилиш қобилиятининг ўсиши билан бир вақтда шаклланимоқда⁵.

¹ Холмирзаев Н.Н. Ижтимоий фаоллик ва унинг даражалари / Scientific progress, Volume 2 | Issue 1 | 2021. – 1545-1548 бетлар;

² Салихов Э. Этапы становления и развития институтов гражданского общества в Узбекистане. [Этапы становления и развития институтов гражданского общества в Узбекистане — Turkish Forum \(turkishnews.com\)](http://turkishnews.com). (мурожаат қилинган сана – 22.09.2023).

³ Саъдуллаев А. Ёшлар билан ишлашнинг янги механизмлари / “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to‘plami. – Toshkent – 2023. – 15-20 betlar.

⁴ Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойи (president.uz);

⁵ Rayimov A.A., Karimova G.Y. Social aspects of the formation of social activity in youth / Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (2), pp.29-32, 30 Aug, 2021 <http://www.supportscience.uz/index.php/ojss/>

Бугунги кунда Ўзбекистонда бешта сиёсий партиялар фаолият юритиб, уларнинг барчасининг фаолият дастурларида ёшлар сиёсатини ижросини фаол амалга оширишда иштирок этиш, ёш авлодни етук ва баркамол бўлиб вояга етишиши учун шарт-шароитларни яратиш масалалари акс эттирилган.

Бироқ, шунга қарамасдан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳам ёшлар муаммоларини чуқур ва обдон ўрганишлари, хорижий тажриба ва миллий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда ташкилий жиҳатдан фаол, ғоявий таъсирчан “Ёшлар қанотлари”га эга бўлишлари лозимлигини бугунги ислохотлар талаб этмоқда. Шу билан бирга, ҳар бир партия ўз кадрлар захирасини ёшлар ҳисобига тўлдириб бориши, уларнинг куч ва имкониятларини аниқ мақсадларга йўналтира олиши долзарб вазифалардан биридир. Айниқса, экстремистик оқимларга мойил ёшлар ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш, навқирон авлод вакиллари йўлантираётган ҳаётий муаммоларни мажлислар залида эмас, амалда ҳал этиш, уларнинг хоҳиш-истакларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириш “Ёшлар қанот”ининг доимий эътиборида бўлиши лозим. Мавжуд тажрибаларга асосланиб ёшларга суянмаган, Ватан тараққиёти учун уларни сафарбар этолмаган партия ҳам «мудроқ» организм сифатида четга чиқиб қолиши муқаррарлигини кўрсатмоқда.

Ёшларнинг мақсадли лойиҳаларини амалга ошириш сиёсий партиялар фаолиятининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Жамоат бирлашмалари ва ёшлар ташкилотлари сиёсий партияларнинг кадрлар базаси ҳисобланади. Ёшлар уюшмаларининг бундай мақсади табиийдир, чунки ҳар қандай жамиятнинг келажагини, шу жумладан сиёсий келажагини айнан ёшлар белгилайди. Келажакдаги ижтимоийликни шакллантиришда ёшларнинг ижтимоий роли, сиёсий партияларнинг ва сиёсий элитанинг кадрлар базаси сифатида унга бўлган қизиқиши аниқ бўлган воқелиқдир.

Бироқ, давлат билан бир қаторда сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашуви ва янги кадрлар элитасини шакллантириш субъектлари ҳисобланади. Партияларни шакллантириш ва партия тузишда иштирок этиши ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашуви даражасининг муҳим кўрсаткичидир. Бу ҳолатнинг фаол босқичда бўлиши янада муҳимроқ, чунки ёшларнинг аксарияти аниқ сиёсий позицияга эга эмас ва сиёсий партиялар фаолиятига ишонмайди.

Ёшлар жуда мослашувчан гуруҳ, аммо шу билан бирга улар ҳар доим ҳам ўзларининг ижтимоий-инновацион ресурсларини англамайдилар. Ёшларнинг аксарияти минтақавий жамиятларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларида иштирок этмайди. Бу, бир томондан, объектив шароитлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, айниқса, ўзбек жамиятининг сиёсий демократик транзити шароитида салбий ҳодиса сифатида баҳоланади. Ушбу транзит нафақат ўрта ёшдаги одамларнинг, балки ёшларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий жараёнларда онгли равишда иштирок этишини ўз ичига олади.

Ёшларнинг сиёсий маданияти, уларнинг муваффақиятли фаолияти фуқаролар томонидан конституциявий бурчини бажарилишининг калитидир. Шунингдек, сиёсий маданиятнинг маълум даражаси ёшларга нафақат конституциявий бурчларини бажаришга, балки конституциявий ҳуқуқларидан муваффақиятли фойдаланишга имкон беради. Сиёсий социализация ёшларга Ўзбекистон сиёсий воқелиги янгиликларига муносиб жавоб бериш ва ишончли баҳолаш имконини беради, хусусан: ҳокимиятлар бўлиниши; қонун устуворлиги; кўппартиявийлик тизими. Бу, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини – жамоат ташкилотлари, жамоат палаталари, жамоат кенгашларини шакллантириш, инсон ҳуқуқлари бўйича институти фаолиятини ташкил этиш ва бошқалар. Сиёсий маданият ёшларнинг маъмурий ислохотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ислоҳ қилиш каби муҳим ва кўп жиҳатдан ўзбек жамиятидаги жараёнлар динамикасини белгилашга йўналтириши учун зарурдир.

Жамият сиёсий тизимида ёшлар идеосфераси ўзгаришида сиёсий партияларнинг мавфуқуравий фаолиятида қуйидаги умумий жиҳатлар намоён бўлади:

- эркин бозор иқтисодиётига асосланган очик, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш;

- эл-юрт тинчлиги, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

- ёшларнинг онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган турли хил ғоявий таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш;

- миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналаримизни эъзозлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан қараш, ватанпарвар, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- ёшларимизда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.

- “Ёшлар қаноти” “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш” тамойилига ҳамда миллий анъаналарга ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларни фаол иштирок этишга чақиради;

- барча бўғинлардаги партия органларига сайланиш, ҳокимият вакиллик органларига номзодини кўрсатиш, партия йиғилишларида муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириш, таклифлар киритиш, дастурий мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида бевосита ёшларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш;

- ёшлар орасида яратувчанлик ғояларини шакллантириш;

- турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик, тотувлик ва ўзаро бирдамликка интилиш ва хоказолар.

Умуман олганда, ёшларнинг сиёсат ҳақидаги тасаввурлари ва иштирок шакллари ўзгариб бормоқда. Сиёсий иштирок тобора кўпроқ индивидуал ҳаракатлар доираси призмаси орқали кўриб чиқилмоқда. Бунинг натижасида “расмий ташкилотлар шахслар устидан ўз таъсирини йўқотмоқда ва унинг ўрнини гуруҳ алоқалари, кенг кўламли мобил ижтимоий тармоқлар эгалламоқда”¹ Ушбу тармоқлар сиёсий иштирокнинг муқобил шакллари асосини шакллантиради. Ёш фуқаролар орасида горизонтал иштирок этиш шакллари афзалликлари жозибали деб баҳоланмоқда². Дарҳақиқат, сиёсий партия каби юқоридан пастга тушадиган ташкилотнинг кенг дастурини фаол равишда тарғиб қилишдан кўра, тенгдошлар тавсиясига кўра онлайн жараёнларда иштирок этишга чорловлар нисбатан натижадордир.

Ана шундай шароитда, ижтимоий-маънавий ва сиёсий ҳаётдаги

¹ Bennett W. L., Segerberg A. The logic of connective action: Digital media and the personalization of contentious politics //Information, communication & society. – 2012. – Т. 15. – №. 5. – С. 739-768 (748).

² Sloam, J., Henn, M. (2019). Rejuvenating Politics: Young Political Participation in a Changing World. In: Youthquake 2017. Palgrave Studies in Young People and Politics. Palgrave Studies in Young People and Politics. – Palgrave Macmillan, 2018. – pp. 17-42(24-25).

сўнгги ўзгаришлар ва янгиликларни¹, вужудга келадиган янги кадрларни² илгари олган ҳолда соҳада ислохотларни амалга ошириш давр талаби бўлмоқда.

2017-2021 йиллар давомида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил этилиб, ҳудудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «беш муҳим ташаббус»ни жорий этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда ташкил этиладиган янги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртликлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, замонавий ИТ-парклар, маданият муассасалари ва спорт иншоотлари, мутлақо янги намунадаги таълим масканлари – «Президент мактаблари», «Темурбеклар мактаби», «Ижод мактаблари» бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда 2020 йил декабрь ойида ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари форумида³ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида қайд этилган ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш⁴ билан боғлиқ

¹ Sloan, J., Henn, M. (2019). Rejuvenating Politics: Young Political Participation in a Changing World ...

² Council of Europe, Competences for Democratic Culture: Living Together as Equals in Culturally Diverse Democratic Societies (Strasbourg, Council of Europe Publishing, 2016). <http://www.coe.int/en/web/education/competences-for-democratic-culture>. (мурожаат қилинган сана – 23.03.2024).

³ Мирзиёев Ш. Ёшлар – бебаҳо хазинамиз, куч-қудратимиз ва буюк келажгимиз тимсоли // Янги Ўзбекистон. - № 252 (252), 2020 йил 26 декабрь, шанба. [a9ed8427429fd7b85200e72ea19bc056.pdf](https://www.president.uz/media/2020/12/26/252-252) (yuz.uz).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ([president.uz](https://www.president.uz)).

вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтерлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш йўналишида:

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш, волонтерлик гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириб боришнинг ягона тизимини шакллантириш;

ёшлар жамоат ташкилоти, сиёсий партияларининг ёшлар қанотлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли дастурларни амалга ошириш;

ёшларнинг сиёсий онгини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш;

волонтерлик фаолияти институционал тузилмаларини яратиш, волонтерликнинг барча йўналишларини ёшлар ўртасида оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтерлик ҳаракатларини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий қилиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш¹га қарор қилади.

Концепция амалга оширилиши натижасида иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда рақобатбардош, замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш авлод шакллантирилади.

Сиёсий партияларнинг ишини сифат жиҳатидан янгилаш, уларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини кўтариш, ҳатто давлат ва жамият бошқарувида ҳал қилувчи кучга айлантириш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, хусусан “Ёшлар қанотлари” фаолиятини тубдан такомиллаштириш, ёшларнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириш борасида сиёсий партиялар диққат марказидаги муҳим масалага айланди.

Бугунги кунда ёшларга нима кераклигини тушуниш билан уларни мамлакат сиёсий ҳаётига жалб этишда улар мавжуд имкониятлар ва улардан фойдаланган ҳолда эришиш мумкин бўлган натижаларни намоён этиш, ёш авлодга ўз устида ишлаш ва ривожланиш қанчалик муҳимлигини аниқлаш керак.

Ёшлар унутилмаганига ва уларнинг фаровонлиги мамлакат тараққиётининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлигига ишонганларида, улар сиёсат ва ҳукумат ҳақидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори.

фикрларини ўзгартира оладилар, барча ваъдаларни мавҳум популистик баёнотлар сифатида қабул қилишни тўхтатадилар, ўз кучлари ва қобилиятларига ишонадилар. жамиятда бирор нарсани ўзгартиришга интилиш орқали у муқаррар равишда сиёсатга киради. Шунга кўра, социологик тадқиқотлар ва уларни ҳисобга оладиган лойиҳалар ва ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ишлар ёрдамида ёшларнинг устун қадрият йўналишларини кузатиб бориш, шунингдек, сиёсий ҳаракатлар дастурларига ёшлар манфаатларига мос келадиган вазифаларни киритиш зарур.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг ёшлар қатлами билан иш олиб бориши, ёш авлод вакиллари билан мулоқотининг ўзига хос тадрижий ривожланиш тажрибаси мавжуд. Бу борада, партиялар фаолиятининг таҳлили оддийликдан замонавийлашувга қадар бўлган босқичларда фаолият олиб борилганлигини намоён этади.

1998 йилдан бошлаб сиёсий партиялар тизимида ҳам ёшлар билан ишлаш структуралари яратила бошланди. 1999 йил «Фидокорлар» миллий демократик партияси мустақиллик йиллари тарихида биринчи бор сиёсий партиянинг «Ёшлар қаноти»га асос солди. Мустақил ўзбекистон тарихида илк ташкил этилган (1991 йил 1 ноябрь) сиёсий партия - Ўзбекистон Халқ демократик партияси таркибида «Ёш раҳбарлар клуби» ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда мамлакатда мавжуд сиёсий партияларнинг ҳар бири таркибидаги ана шундай ёшлар қанотлари ёшларни сиёсий жараёнларга тайёрлаш ва тарбиялаш ишлари билан шуғулланмоқда¹.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра умумий аъзолари сони 368214 та, улардан 107433 тасини (29%) ёшлар ташкил этган бўлса, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 430291 тага етиб, унинг 35,2%ини, яъни 151462 нафарини ёшлар ташкил этган. Кўриниб турганидек, «Истиқбол» ёшлар қаноти таркибида ёшлар салмоғи 44209 тага (6,2%) ўсган ҳамда партиядаги ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича сектор фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг (1995 йил 15 январда ташкил топган) 2010 йил ҳолатига кўра аъзолари сони 82973 тани ташкил қилиб, улардан 37326 тасини, яъни 45%ини ёшлар ташкил этган. 2014 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра унинг аъзолари сони 102000тага етган. Ёш фаоллар, жамиятнинг бўлажак сиёсий

¹ Jiyanmuratova Gulnoz. Dynamics of socio-political activity of youth in Uzbekistan under conditions of civil society. International Journal of Social Studies. 2020, vol. 3, issue 1, pp. 15-25.

етакчиларини тарбиялашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, «Ёш адолатчилар» ёшлар қаноти тadbирлари ташкилий тузилмалари фаоллари таркибида жамоатчилик асосида 200 дан ортиқ йигит-қизлар фаолият олиб бормоқда¹.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (1995 йил 3 июнда ташкил топган) 2010 йил ҳолатига кўра 108390 нафар аъзога эга бўлиб, ундан 50052, яъни 40%ини ёшлар ташкил этган бўлса, 2018 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 208038 та аъзога эга бўлиб, ундан 53,5%ини, яъни 111300 нафарини ёшлар ташкил этган. Бу партиянинг «Ёшлар қаноти» сафига (2009 йилда ташкил топган) 2018 йилга қадар 61248 нафар ёшларни жалб этилганини кўрсатади².

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясида ҳам «Ёшлар қаноти» 2004 йилда ташкил топган. Партия аъзолари сони 2010 йил ҳолатига кўра 170609 тани ташкил этган бўлса, 2018 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра 544654 тага етди, улардан 192000 таси, яъни 35%ини ёшлар ташкил этади. Унинг тизимида 11594 та БПТ бўлиб, улардан 3222 тасида ёшлар раҳбарлик қилади, яъни ҳар тўртинчи ёш партияда раҳбар лавозимда ишлайди. Шунингдек, 150та ёшлар клублари мавжуд бўлиб, улар томонидан ўтказилган «Сенинг тенгдошинг», «ёшлар ва сиёсат», «ёшлар ва қонунчилик», «янги авлод раҳбари», «ёш етакчиларнинг ёзги мактаби», «ёш етакчиларнинг қишки мактаби», «Истиқлол фидойилари», «Агар мен депутат бўлсам» каби лойиҳа ва акциялар ҳаётга тadbиқ этилган. Партия бугунги кунда ОТМ билан ҳамкорликдаги «янги авлод кадрлари» лойиҳасини амалга оширмоқда³, 2018 йил 26 ноябрь ҳолатига кўра лойиҳа доирасида 21 та олий таълим муассасасида партия фаолиятига оид 49 та тақдимот ўтказилди, 658 нафар талаба партиянинг кадрлар захирасига олиниб, уларнинг 37 нафари ҳудудий партия ташкилотларида амалиёт ўтган⁴.

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий мавқеини белгилашда бирмунча аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Улардан асосийси ёшларга доир давлат сиёсати ҳисобланади, чунки айнан шу сиёсат асосида ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва муаммолари масалалари комплекс равишда ўз ечимини

¹ Саифназаров И. Баркамол авлодни тарбиялашда сиёсий партияларнинг роли // Баркамол авлодни шакллантириш – маънавий тараққиёт омили. – Тошкент: NISHON-NOSHIR, 2010. - 9 бет.

² Жиянмуратова Г.Ш. Ўзбекистонда фуқарлик жамияти шароитида ёшлар ижтимоий –сиёсий фаоллиги динамикаси. / Ижтимоий тадқиқотлар журнали. 3-жилд, 1-сон. 2020 йил. – Тошкент. – 18-28 бетлар.

³ Ижтимоий тадқиқотлар журнали / Журнал социальных исследований / Journal of Social Studies ¹¹ / 2020 – стр. 15-25.

⁴ [Янгиликлар | O'zLiDeP \(uzlidep.uz\).](http://uzlidep.uz)

топади.

Ўзбекистон аҳолисининг деярли чорак қисми 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўғил-қизлардир. Бу жуда катта электорат. Уларнинг танлови ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Сиёсий партиялар, айнан, ёшларнинг ушбу қатлами билан мақсадли ишлашни ташкил этмоқдалар. Хусусан, ЎзЛиДеП тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатлари, бозор механизмларига ўтиш, иқтисодий барқарор ўсиш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, солиқ тизимини соддалаштиришни қўллаб-қувватлайди.

2021 йилда партия сафида миллиондан ортиқ аъзо бўлиб, уларнинг 502 минг нафари 18 ёшдан 35 ёшгача ёшлар бўлган. 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловларидан сўнг партия аъзолари сони ёшлар ҳисобидан деярли 240 мингга ёки чоракка кўпайган.

ЎзЛиДеПнинг “Ёшлар қаноти” бўлажак сиёсатчилар учун ўзига хос мактабдир. Биз ўғил ва қизларнинг салоҳиятини оширишга кўмаклашамиз. Уларнинг дунёқараши, ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлиги, интеллектуал қобилияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган учрашув, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этмоқда. Ёшларга маълумот бериш учун ижтимоий тармоқлар имкониятидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилган. Масалан, ЎзЛиДеП – бу ўз TikTok саҳифасини яратган биринчи партия.

Партиянинг ёш лидерларидан ҳокимиятнинг вакиллик органларига 127 киши сайланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига – 7 киши, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига – 11 киши. Туман ва шаҳар миқёсида партиядан 109 нафар ёш депутат иштирок этмоқда. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентиغا ЎзЛиДеПнинг 74 нафар фаоллари сайланган.

“Ёшлар қаноти” вакиллари партиянинг 2021 йилдаги сайловолди дастурини тузишда иштирок этишлари орқали тажриба оширган. Хусусан, унда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳақиқий етакчиларни етиштириш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси маданиятини ривожлантириш, Ватанга муҳаббатга қаратилган бандлар киритилиши мазкур ёшларнинг жамият ривожига жараёнларида бевосита иштирокини намоён этади.

ЎзЛиДеП ёшлари “тенгдошлар тенгдоши” тамойили бўйича

“ёшлар қаноти” кенг ёшлар аудиторияси учун сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, сайлов қонунчилигидаги янгиликларни тушунтириш мақсадида онлайн форматдаги доимий равишда семинарлар ташкил этиб келмоқда. Партия ишини замонавий ахборот воситалари ёрдами ташкил этишга қаратилган фаолиятда ёшлар ҳал қилувчи роль уйнамоқда.

Ахборот ва Интернет асрида ёлғонни ҳақиқатдан, манипуляцияни танқиддан ажрата билиш муҳим. Биз ёшлар ўртасида медиа саводхонликни ривожлантириш, уларни таълим ва иш учун замонавий технологиялардан фойдаланишга ундашга ҳаракат қиламиз, масалан, электрон тижорат ва дастурлаш. Ёшлар ўз дунёқарашларини кенгайтириб, китоб ўқиш ва замонавий касбларни ўзлаштириб, ҳаётда ўз ўрнини, муносиб даромад манбаини топа олади, шунингдек, турли даражадаги сиёсий жараёнларда иштирок этади.

Миллий тикланиш партияси сафида 30 ёшгача бўлган ёшлар деярли 170 минг кишини ташкил қилади. Сўнгги икки йил ичида уларнинг сони 15 фоизга ошди.

Ҳозирги ёшлар олдинги авлоддан фарқ қилади. Ёшлар – йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллиги ва ташаббускорлиги ошганини кўрамыз. Агар олдинги сайловларда ёшларни сайлов кампаниясига жалб қилишнинг асосий ташаббускорлари сиёсий партиялар бўлса, бугун “ёшлар қаноти” фаолларининг ўзлари президент сайловларига фаол қизиқиш билдиришмоқда.

Партиянинг “ёшлар қаноти” кўнгиллилари “Кўмак” ташвиқот гуруҳига қўшилишди, унинг асосий мақсади ёшларни партиёга “тенгдош” тамойили асосида жалб қилишдир. Шундай қилиб, мамлакатимизда ёшлар ойлиги деб эълон қилинган июнь ойида бутун мамлакат бўйлаб танловлар, акциялар ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Миллий тикланиш партияси кўмагида 764 нафар ёшларга ўз бизнесини ривожлантириш учун кредитлар ажратилди, 4,5 мингдан ортиқ йигит-қизларга бепул юридик маслаҳат берилди.

“Хизмат беминнат” лойиҳаси доирасида, фақат шу йилнинг 7 ойи мобайнида “ёшлар дафтарчаси”га кирган ўғил ва қиз болалар учун 818 та қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди. Энг яхши фан ўқитувчилари, кўнгиллилар, халқаро фан олимпиадалари ғолиблари 3,3 мингдан зиёд ёшларнинг билимларини

“мустаҳкамлаш” мақсадида бепул дарслар ўтишди. Натижада улардан 144 нафари олий ўқув муассасаларига кира олди.

Фаоллар ёшлар сафини кенгайтириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун “Депутат билан юзма-юз”, “Сардорларнинг онлайн мактаби”, “Ватандошлар билан мулоқот” кани лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ёшлар вазирлар, ҳокимлар, муассасалар ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, турли соҳаларда муваффақият қозонган хориждаги ватандошлар билан мулоқот қилиш имкониятига эга. Шундай қилиб, нолалар онлайн кўприклар орқали Канада, АҚШ, Германия, Япония, Сингапур, Туркия ва Финляндиядаги ватандошлари билан фикр алмашдилар.

Бошқа сиёсий партиялар қаторида “Адолат” социал демократик партияси сафларида ҳам кўп сонли ёшлар фаолият юритиб, улар жамиятдаги ислохотлар жараёнларида иштирок этмоқдалар. Ҳозирги вақтда “Адолат” СДП 500 мингдан ортиқ аъзоларининг 187 мингга яқини (37 %) 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг деярли ярми қизлар. 2019-2021 йиллар оралиғида партиянинг ёш аъзолари сони 26 мингга кўпайди¹.

Партиянинг “Ёшлар қаноти” асосан ёшлар билан ишлашга, уларни сиёсий жараёнларга жалн қилишга қаратилган. Улар ёшлар манфаатларини акс эттирувчи оммавий йиғинлар, акция, тадбирлар уюштирмоқда.

“Ёшлар қаноти” Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун бир қатор “Биз бахтли оиламиз”, “Уйда қолиб, ота-боболарим ҳаёти билан танишаман”, “Энг яхши ҳунарманд”, “Энг яхши видео” онлайн танловлар ташкил этган.

Амалий жиҳатдан эришилган натижалар ҳақида сўз юритилганда партиянинг “ёшлар қаноти”нинг 43 аъзоси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган. 2021 йилги президентлик сайловлари арафасида “ёшлар қаноти” аъзолари аҳоли орасида, айниқса ёшлар орасида номзодни тарғиб этишда фаол бўлган.

2021 йил ҳолатига кўра Халқ демократик партиясида 2021 йил ҳолатига 500 мингдан ортиқ аъзолари бўлиб, уларнинг 247 мингдан ортиғи 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этган.

“Ёшлар қаноти” партиянинг мақсад ва вазифаларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун

¹ [“Ёшлар қанотлари” сайлов пайтида партияларга ёрдам берадими? \(plov.press\). \(мурожаат қилинган сана – 27.03.2024\).](https://plov.press)

турли лойиҳаларни амалга оширади. Масалан, ёшларни иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш ва уларнинг тўлиқ дам олишини таъминлашга қаратилган “Ёшларга кўмак” лойиҳаси доирасида 2021 йилда 56 та туманда бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилган. Уларда 200 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этган. Хусусан, “ёшлар дафтарчаси”га киритилган 36 минг ёшларнинг муаммолари ҳал этилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 24 минг ишсиз йигит-қиз иш билан таъминланган, 57 минг ёшлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

2019-2021 йилларда Халқ демократик партияси “Депутат ва ёшлар” лойиҳаси доирасида 202 та туманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг учрашувлари ва кўчма қабуллари ташкил этилган.

Партия ҳузурида Ёш сиёсатчилар ва етакчилар клуби ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари партия билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Хусусан, “Ёшлар қаноти”нинг 49 вакили парламент кўйи палатасида Ёшлар парламентиغا, 14 нафари Сенатда Ёшлар парламентиغا сайланган.

Нисбатан ёш бўлган Экологик партияда ҳам ёшлар билан ишлаш тизимли ривожланмоқда. Партиянинг “Ёшлар қаноти” мамлакатнинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлари, шу жумладан Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида яшовчи ногирон ёшларга ёрдам бериш учун ижтимоий платформа яратилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини кучайтириш механизмларини ишлаб чиқилган ҳолда даражадаги экологлар билан ҳамкорликда, атроф-муҳитга етказилган зарар учун жазони кучайтириш, эко-фаолларни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича халқаро тажрибани жорий қилишни ўз ичига олган экологик муаммолар харитасини тузиш ишлари олиб борилмоқда.

2021 йилда партия сафида 450 мингдан ортиқ аъзолар бўлиб, уларнинг 220 минг нафари ёшлардан иборат бўлган. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари таркибига партиянинг “ёшлар қаноти”нинг 37 вакили кирган. Яна 28 киши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳузуридаги ёшлар парламентиغا жалб қилинган¹.

Келтирилган қатор омиллар қаторида ёш авлодни ижтимоий-

¹ [“Ёшлар қанотлари” сайлов пайтида партияларга ёрдам берадими? \(plov.press\)](https://plov.press). (мурожаат қилинган сана – 27.03.2024).

сиёсий жараёнларда фаоллиги айниқса, минтақавий ва глобал муаммоларни сабабларини аниқлаш, оқибатларини бартараф этиш бўйича фаолиятда кўзатилмоқда¹. Бунда айнан, инсонпарварлик, умуминсоний кадриятларни қўллаб-қувватлашга мойиллик ҳолатлари кўпроқ кўзатилмоқда². Шу жиҳат, аҳолининг мазкур қатлами билан иш олиб боришда ушбу кадриятларга урғу беришни самарадорлигини намоён этмоқда.

Сиёсий партиялар ёш сайловчиларни жалб қилиш учун уларга замонавий алоқа каналлари кераклиги давр талабига айланди. Улар аста-секин ижтимоий тармоқлардаги иштирокини кўчайтиришмоқда, лекин сайловчиларнинг сиёсий ресурсларга жалб этилиши ҳали ҳам етарли даражада эмас. Масалан, виртуал маконда энг фаол бўлган ЎзЛиДеП партияси Телеграм каналида 75 мингга яқин обуначига эга, яъни ёш партия аъзолари сонининг 15 фоизини ташкил қилади. Худди шу нарса бошқа сиёсий партияларга ҳам тааллуқлидир, уларнинг қаторида ижтимоий тармоқларнинг фаол фойдаланувчилари бўлган юз минглаб ёшлар бор ва фақат бир неча ўн минги, ҳатто ундан ҳам ками ижтимоий тармоқлардаги партиялар фаолиятини кузатиб норадилар³.

Бундан ташқари, обуначилар сиёсий партиялар аъзолари ёки тарафдорлари бўлмаслиги мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга асосан рақамли маркетинг воситаларининг сўст жорий этилиши, сиёсий партияларнинг матбуот хизматлари учун нисбатан янги мутахассислар: рақамли сотувчилар, дизайнерлар, копирайтерлар, аккаунт менежерлари, видеомейкерлар йўклиги сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сиёсий партиялар ҳозирги кунга келиб жамиятда ёшлар электорал маданиятини шакллантириш ва юксалтириш борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Бу ишларнинг самараси, албатта, уларнинг бўлажак сайловларда ўз тарафдорларининг сонини ошиши истикболини ҳам белгилаб беради. ўз навбатида, ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўз манфаатларини сиёсий партиялар доирасида ифода этиб, ўз

¹ Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD), Global Competency for an Inclusive World (Paris, 2016). <https://www.oecd.org/education/Global-competency-for-an-inclusive-world.pdf>. (мурожаат қилинган сана – 27.03.2024).

² Организация Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры (ЮНЕСКО), Воспитание глобальной гражданственности: темы и цели обучения (Париж, 2015). <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002329/232993r.pdf>. (мурожаат қилинган сана – 27.03.2024).

³ “Ёшлар қанотлари” сайлов пайтида партияларга ёрдам берадими? (plov.press). (мурожаат қилинган сана – 27.03.2024).

келажакларини ўзларининг қўллари билан барпо этадилар. Бу ўзида сиёсий ҳамда электорал жараёнларда ёшлар маданиятининг такомиллашуви даражасини намоён этади.

Дунё ҳамжамияти ўзига хос тараққиёт босқичини бошдан кечираётган бир даврда ёш авлоднинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан кекса авлод вакилларига қараганда камроқ фойдаланиши фуқаролик ва сиёсий иштироки инкирози сифатида баҳоланмоқда. Бу ҳолатлар сўнгги ўн йилликларда аксарият ҳолатларда кузатилмоқда. Айрим тадқиқотчилар бунинг натижасида демократиянинг келажаги таҳдид остидалигини ҳам таъкидламоқдалар. Бироқ, ушбу ҳолатлар ёш авлоднинг кўникмаларига боғлиқ бўлган ҳолат эканлигини таъкидлаганлар ҳам бор¹.

Ундан ташқари, бу ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги сўстлиги кўпроқ ғарб жамиятлари учун хос деб баҳолайдилар. Зеро, ғарб жамиятларида демографик вазият шуни тақозо этса, шарқ ва бошқа минтакаларда демографик вазият ўзгачадир².

Умумий ҳолатда ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда энг самарали йўл сифатида таълим тизимини ислоҳ этиш, сифатли таълимни амалга жорий этиш деб баҳоланмоқда³.

Ёшлар ижтимоий фаоллиги формал фаолият билан бир қаторда ноформал ижтимоий турмушни ҳам ўз ичига олади. Айнан, шу жиҳатлар сифатли таълим ва тарбия орқали сингдирилиши амалда исботланган. Шу нуқтаи назардан, сиёсий партиялар томонидан ёш авлод билан иш олиб боришда инновацион ва янгича ёндашувлар талаб этилмоқда. Бу эса ўз ўрнида ушбу фуқаролик жамияти институлари олдида такомиллашув ва ривожланишни тақозо этади.

Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда таълим ва тарбия тизимидан бошланиши, кейинги босқичларда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини аниқланган вазифалар ижросини самарали ижросини таъминлаш юзасидан фаолиятини такомиллаштириш вазифалари вужудга келишини инобатга олган ҳолда бу борада яхлит, бир мақсадга эришишда ҳар бир ижтимоий-сиёсий институларнинг ўз вазифаларини мукамал адо этишга йўналтирилган тизимни шакллантириш зарурлигини намоён

¹ Sloam J., Henn M. (2019). Rejuvenating Politics: Young Political Participation in a Changing World. In: Youthquake 2017. – Palgrave Macmillan, 2018 – pp 17–42.

² Barrett, M., & Pachi, D. (2019). Youth Civic and Political Engagement (1st ed.). Routledge. <https://doi.org/10.4324/9780429025570>. (мурожаат қилинган сана – 23.03.2024).

³ Данные получены в ходе масштабных сравнительных исследований в рамках международных проектов CIVED и ICCS, проведенных Международной Ассоциацией по оценке учебных достижений (IEA). <http://www.terpconnect.umd.edu/~jtpurta/> and <http://www.iea.nl/iccs> (на англ. яз.).

этнода. Бу эса, ушбу давлат ва нодавлат ташкилотлар ва муассалар фаолиятини интеграциялашувини тақозо этади.

Бугунги кунда глобал жараёнлар ёшларнинг фуқаролик ва ижтимоий фаоллигини ошириш механизмлари фаолиятида кескин ўзгаришларга дуч келмоқда. Гарчи миллий тажрибаларда глобал тенденцияларга муттасил мослашувчанлик ҳолатлари кўзатилмасада, олиб борилган тадқиқотлар натижалари ушбу ўзгаришларнинг ижобий оқибатлари кўпроқ эканлигига асос беради.

IV БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

4.1. Маҳалла институти трансформацияси ва унинг ёшларни қўллаб-қувватлашдаги самарали амалиёти

Ўзбекистонда «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига» ўтиш давридаги мураккаб ислоҳотлар даврида ўзини ўзи бошқариш органлари ёки «маҳалла»деб аталадиган анъанавий ижтимоий институтнинг Ўзбекистон учун тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Давлат ва фуқаролар ўртасидаги кўприк, жамиятда демократик қадриятлар ўтказувчиси, «ижтимоий капитал» деб аталувчи, ижтимоий шериклик ва ижтимоий шерикликнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлган маҳаллалар мавжудлигида анъанавийлик замонавийликка мос келади.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб демократик ислоҳотлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахборот, маънавий ва ҳаётнинг бошқа соҳаларини либераллаштириш йўлидан борди. Аста-секин ислоҳотлар амалга оширилгач, ҳам миқёси, ҳам ижтимоий аҳамияти билан «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига» ўтиш тамойилини амалга ошириш зарурати тобора долзарб бўлиб борди. Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг яратилган ташкилий-ҳуқуқий асосларини, кўплаб жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги бевосита ва фаол иштирокини таҳлил қилиш мамлакат, асосан, Ўзбекистон кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлидан қайтмас ва изчил ҳаракат қилаётганини намоён этди. Шунини таъкидлаш жоизки, модернизация ва унинг белгилари остида ўтган бу йўл бир нечта ўзига хос хусусиятларга эга, бу уни фақат Ўзбекистон учун хос бўлган ноёб «ўзбек модели» сифатида ажратиш имконини беради¹.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан маҳаллалар жамиятда демократик тараққиётнинг қуйи бўғиндаги ҳаракатлантирувчи асосий тузилмаси сифатида доимо ислоҳотларнинг диққат марказида бўлди. Демократик ислоҳотларнинг яхлит тизимида маҳалла институти ҳам ижро, ҳам халқ вакиллик органларининг бошланғич

¹ Karimov Islam A (1993) Building the future; Uzbekistan - its own Model for Transition to Market Economy. Tashkent: Government Printing Office Tashkent.

бўғини сифатида кўп тармоқли ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва иқтисодий функцияларни ўзида мужассам этган уникал тузилма сифатида фаолият юритиб келди.

Ўзида кўплаб функционал вазифаларни бирлаштирган ушбу институт ўз фаолияти давомида ёшларни кўллаб-қувватлаш ва уларни ривожланиб боришлари нуқтаи-назаридан кўплаб ижобий тенденцияларни намоён этди. Қолаверса, мазкур шаклда фуқаролик жамияти институти фаолияти дунё ҳамжамияти томонидан кўп мартаба эътироф этилган ва амалиётда ўз ижобий натижаларини намоён этган тажриба сифатида¹ ҳам намоён бўлади. Хусусан, маҳалла институти – бу анъанавийликни «замонавийлик», тарихий ва маданий кадриятларни демократлаштириш соҳасидаги халқаро тажриба билан муваффақиятли уйғунлаштиришдир. Яхши кўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, муҳтожларга ғамхўрлик қилиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўзбек халқининг ажралмас қисми бўлган жамият ва инсон ҳаётининг жамоавий табиати олдидаги бурч ва масъулиятни чуқур англаш каби анъана ва тамойиллар, фуқаролик жамиятининг пайдо бўлиши учун қулай замин бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон учун анъанавий бўлган ва айни пайтда фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган «маҳалла» лар ёки маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Маҳалла анъанавийликнинг ифодаси ва намоён бўлиши сифатида демократик жамият учун ижтимоий назорат, ўзини ўзи бошқариш, онгли ва баркамол шахсни тарбиялаш, хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш каби муҳим вазифаларни бажаради. Бундан ташқари, маҳалла «ижтимоий капитал»² деб аталадиган инсон ресурсларининг асосий манбаи бўлиб, жамиятда юқори даражадаги ишонч ва мулоқотнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Бу эса Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратади³.

Бизнинг фикримизча, маҳалланинг изчиллиги ва функционаллиги, унинг чинакам «миллий» характери ва кўлами, ўзини ўзи бошқариш хусусияти ва тузилиши, ижтимоий кадрият ва анъаналари маҳалланинг фуқаролик жамияти институтлари

¹ Pekkanen R (2006) Japan's dual civil society: members without advocates, Stanford, California: Stanford University Press. – P. 6.

² Putnam Robert D (1995) Bowling Alone: America's declining social capital // Journal of Democracy. – January, – Vol. 6, No. 1. – p. 6578.

³ Muminov A (2017) Makhalla as the center and the conductor of socio-political development in Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (48): 103-107.

тизимдаги алоҳида мавқеи ва нуфузи ҳақида фикр юритиш имконини беради. Ушбу тамоил 2017 йил феврал ойида қабул қилинган ва долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги Қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор халқаро амалиёт таҳлили, шунингдек, жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида яққол ўз ифодасини топди¹. Ушбу стратегия Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини ўз ичига олиб, улардан бири давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шунингдек, маҳалланинг жамиятдаги аҳамияти ошириш ва фаолияти самарадорлигини оширишни ўз ичига оладиган янгича бошқарув тизимини яратишга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишни назарда тутди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш нуқтаи назаридан маҳалла фаолиятини таҳлил қилиш муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Маҳалла азалдан бизгача етиб келган фуқаролик жамиятининг ноёб институтларидан биридир. Тарихан у халқ таълими сифатида фаолият юритган, унинг субъектлари яшаш жойи, урф-одатлари, анъаналари, алоқа шакллари, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва оилавий муносабатлар билан ўзаро боғланган.

Янги Ўзбекистонда маҳалла «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» асосий тамойилини амалга оширишда, аҳолининг заиф қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашда энг муҳим воситага айланиб, янги мавқега эга бўлди. Бозор иқтисодиётини шакллантиришга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотлар даврида мазкур институт инсон манфаатларини ҳимояловчи ва таъминловчи муҳим ижтимоий институт сифатида гавдаланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Маҳалла фаолияти учун Конституция ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустаҳкам Қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, фуқароларнинг ички бошқаруви фуқароларнинг манфаатлари, ривожланишнинг тарихий хусусиятлари, шунингдек, мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-

¹ ПФ-4947-сон 07.02.2017. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (lex.uz).

одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилиш бўйича мустақил фаолияти сифатида Конституция билан кафолатланди¹. Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистонда жамиятнинг муайян соҳасидаги маҳалла фаолияти ва иштирокини тартибга солувчи 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Биргина ўтган беш йил давомида Ўзбекистон Республикасининг «маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида» ги ва «фуқаролар йиғинлари раислари ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» ги қонунлари, шунингдек, маҳаллалар ва уларнинг ижтимоий тузилмалари фаолиятига оид 20 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 4 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонида маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органларининг ролини ошириш, фуқароларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи бирлашмага аъзо бўлиш ҳуқуқларини амалга ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланди. уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича тизимли ўзгаришлар амалга оширилди².

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида 10 мингга яқин маҳаллий ҳокимият органлари (маҳалла) мавжуд. Ҳар бир маҳалла ўртача 3 мингга яқин кишини қамраб олади. Улар илгари маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига кирадиган 30 га яқин функцияларни бажарадилар.

Хусусан, маҳалла ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни муваффақиятли олиб бормоқда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга беқиёс ҳисса қўшмоқда, ҳудудларни ободонлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий инфратузилмани яратиш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ замонавий муаммоларни ҳал этмоқда. Бундан ташқари, маҳалла йирик давлат дастурларини амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги

¹ (1994) CONSTITUTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1993, No. 1, art.4, 1994, No. 1, art. 5; Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2003, No. 3-4, art. 27; Bulletin of Chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 4, art. 162; 2008, No. 12, art. 637, 2011, No. 4, art. 100; No. 12/1, art. 343; 2014, No. 4, art. 85.

² ПФ-4944-сон 03.02.2017. Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

кунда ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни фуқароларнинг маҳаллий ҳокимият органлари иштирокисиз ҳал қилишни тасаввур қилиш ҳам қийин.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг асосий мақсади фуқаролар йиғинларига маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, шунингдек, уларни янада кенгайтиришга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборат фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат назорати органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимидаги вазифалари, жамиятда барқарорлик ва юксак маънавий муҳитини таъминлаш мақсадида миллий ва маънавий кадриятларни тарғиб қилиш, уларни ривожлантириш тўғрисида кенг жамоатчилик хабардорлигини амалга ошириш.

Ижтимоий шерикликда иштирок этишда маҳалланинг ўрни катта. Демократик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар учун универсал тушунча бўлиб, у Ўзбекистон шароитида ўзига хос хусусиятларга эга. Бир томондан, ижтимоий шерикликни “давлат–фуқаролик жамияти” муносабатлари призмаси орқали кўриб чиқсак, бу институтлар чигал ва ўзаро боғлиқлиги аён бўлади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистонда улар алоҳида мавжуд эмас, балки миллий мақсад ва вазифаларга эришиш, шунингдек, миллий ғояни амалга ошириш учун биргаликда ишлайди. Бундан ташқари, ушбу ҳамкорлик давлатнинг асосий ислохотчи сифатидаги роли катта бўлиб, мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва институтларнинг самарали ишлаши учун ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ва шарт-шароитларни яратади. Бошқа томондан, маҳалланинг Ўзбекистондаги ижтимоий шерикликдаги иштироки унга ўзига хос хусусият беради, у фуқароларнинг бирламчи манфаатларининг асосий дирижёрига айланиши ва ушбу манфаатларни амалга оширишга қаратилган самарали давлат ҳокимиятига айланиши мумкин.

Маҳалла ижтимоий шерик сифатида давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар тизимида алоҳида мавқега эга, чунки у ушбу жамият нима эканлигига, яъни шахс ва унинг муҳим манфаатларига яқинроқдир. Шундай қилиб, маҳалла нафақат жамоат манфаатларининг вакили, балки ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш, жамият томонидан ўзига

юкланган турли ва қарама-қарши функцияларни бажариш, давлат органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали ушбу манфаатларни амалга оширувчи органдир. Бу нафақат маҳалланинг давлат муассасалари тузилмасидаги ўзига хос хусусиятларини, балки унинг ўзига хослигини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, маҳалла тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш марказига айланиб, мамлакатнинг ўрта синфини шакллантириш ва мустаҳкамлашга, ижтимоий шерикликни икки партиядан уч партиявий муносабатлар тизимига, шу жумладан, давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти, кучли ўрта синфга эга хусусий сектор. Мамлакатда нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг, унинг ривожланиши ва фаровонлигининг асосига айланишни мақсад қилган ҳақиқий мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш ва ривожлантириш зарур шарт бўлиб, шаклланаётган фуқаролик жамиятининг таянчи бўлиб хизмат қилади.

Тарихан маҳалла ўзбек жамиятида ижтимоийлашув институти сифатида катта мақомга эга бўлган¹, мингйилликлар давомида ижтимоий ҳаётда ҳам маънавий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий аҳамиятга эга бўлган фуқаролик институти ҳисобланади. Маҳалла институтининг энг муҳим жиҳатларидан бири бу тарбиявий функциясидир. Ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий жипс ҳаётини муҳит ҳукм сўрган маҳаллаларда ёш авлодга катта авлоднинг тарбиявий таъсири катта бўлиб, бу таъсир воситаси маҳалла институтининг минг йилликларга тақалувчи тарихи давомида шаклланган².

Ўтган аср 90-йиллари янги мингйиллик дастлабки ўн йиллигида маҳалла институтининг давлат хизматларидан фойдаланиш, ижтимоий жараёнларда иштирок этиш ҳамда маданий муносабатларни йўлга қўйишдаги улкан имкониятларидан тўла фойдаланилган деб таъкидлай олмаймиз³. Бу жиҳат маҳалла институтининг фаолият мезонларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларда ҳам мустаҳкамланмаган эди.

Биринчи Президент И.А.Каримов маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг асоси деб билди ва уни ҳар томонлама ривожлантириш

¹ Юнусова М.П. Маҳалла институтининг генезиси ва ривожланиш босқичлари. [Маҳалла институтининг генезиси ва ривожланиш босқичлари \(uza.uz\)](http://uza.uz).

² Турманов С. Роль маҳалли в социальных взаимоотношениях / Strategik kuch. Halqaro ilmiy jurnal. - №1, 2022. - 18-26 бетлар.

³ Юнусова М.П. Маҳалла институтининг генезиси ва ривожланиш босқичлари. [Маҳалла институтининг генезиси ва ривожланиш босқичлари \(uza.uz\)](http://uza.uz).

чора-тадбирларини амалга оширган.

Мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида собиқ иттифок даврида маҳаллий аҳоли менталитетидан келиб чиқиб маҳалла институтига бироз расмий тус берилган ҳолатдан ушбу тизимни халқ турмуши ва жамиятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий бўғини айлантиришга йўналтирилган қарор 1993 йилда қабул қилинди¹. Мазкур қарорда «Оила-мактаб-маҳалла» дастурини амалиётда жорий этиш, туман ва шаҳарлардаги қишлоқ, мавзе, маҳаллаларда маданий маърифий ишларни янада жонлантириш, ёшлар ўртасида миллий истиқлол мафкурасига асосланган дўстлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, жонкуярлик туйғуларини шакллантириш, маҳалла ва мавзеларда аҳоли саломатлигини, экологик муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтириш ишларини ривожлантириш, «Ўзбекистон – ватаним, маҳаллам – уйим» шиори остида осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ишларида маъмурий органлар амалий ёрдам бериш, фуқаролар ўртасида байналминал дўстликни янада мустаҳкамлаш каби вазифалар белгиланди.

Мазкур вазифаларни амалга оширилиши жараёнида маҳаллалар ёш авлодни замонавий демократик руҳда, жаҳон ҳамжамиятида устувор эзгу ғоялар ва инсонийлик тушунчаларини сингдириш орқали баркамол авлодни тарбиялаш ишларида фаол бўлди.

Ёшлар тарбиясида кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йилдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги фармон муҳим аҳамият касб этди².

Маҳалла институтининг ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш бўйича фаолияти давомли равишда ривожлантириб борилди. Бу борада давлат дастурлари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2003 йил – «Обод маҳалла йили» дастури³га мувофиқ ёш оилалар тадбиркорлиги кенг миқёсда қўллаб-қувватланди. Тижорат банкларининг кредитлари ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига рўзғор хўжалигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги “Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 583-сонли қарори. 583-сон 01.12.1993. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-1990-сонли Фармони. ПФ-1990-сон 23.04.1998. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz)

юритишда кам таъминланган ёш оилаларга ссуда ажратиш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадига 900 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Бунда “Маҳалла” жамғармаси ва “Камолот” ёшларнинг ижтимоий ҳаракати тавсиялари муҳим аҳамият касб этди¹.

Ундан ташқари, «Обод маҳалла йили» дастури²га мувофиқ маҳаллаларда ёшлар спортини ривожлантириш ва бунинг учун кенг миқёсда спорт иншоотларини тиклаш ва реконструкция қилиш ҳамда ёшларга эркин фойдаланиш имкониятини яратиш ишлари амалга оширилди. Кенг миқёсда ёшлар спорт мусобақалари ўтказилди. Бу ишларни амалга оширишда “Маҳалла” жамғармаси ва “Камолот” ёшларнинг ижтимоий ҳаракати фаол ижро функциясини амалга оширди².

Ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этишда маҳаллаларнинг фаолиятини кучайтириш мақсадида маҳаллаларда санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг ижодий учрашувлари, «Маҳалла - мўъжаз Ватан», «Ватанпарварлик туйғуси», «Бола тарбиясида маҳалланинг ўрни ва масъулияти» мавзусида телекўрсатувлар ташкил этилди, маҳаллаларда гиёҳвандликнинг зарари, ёшларнинг экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида учрашув ва суҳбатлар ўтказилди, мамлакатимизда амалга оширилаётган миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенглик сиёсатининг маъно-мазмунини очиб бериш мақсадида суҳбатлар, «XXI аср маҳалласи», «Мен ўз маҳаллам учун нима қилишим мумкин» мавзусида олий ўқув юртлари талабалари орасида минтақавий телемулоқотлар, «Маҳалламиз болалари» республика телемусобақаси, ўқувчилар орасида «Маҳалла тарихи ва унинг замонавий қиёфаси» мавзусида ижодий ишлар танлови ўтказилди, «Она Ватанни қўриқлаш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир» мавзусида тадбирлар, маҳаллаларда чақириқ ёшидагиларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатиб қўйиш ва хизматдан бўшатилган ҳарбий хизматчилар билан учрашувлар ташкил этилди. Ушбу кенг миқёсли тадбирларни амалга оширишда республика «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси,

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги 70-сонли қарори. 42-банд. 70-сон 07.02.2003. «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида (lex.uz).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги 70-сонли қарори. 69-74-банд. 70-сон 07.02.2003. «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида (lex.uz).

«Маънавият ва маърифат» маркази, «Ўзтелерадио» компанияси, ЎЗА, «Камолот» ёшларнинг ижтимоий ҳаракати, «Тасвирий ойина» уюшмаси, «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика байналмилал миллий маданият маркази ва бошқа мутасадди ташкилотлар фаоллик кўрсатишди¹. Ушбу дастур ижроми давомида кенг жамоатчилик ҳамкорлиги намоён бўлди деб таъкидлаш мумкин.

Маҳалла институтини ёшларни тарбиялаш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш борасида ишлар амалга оширилса-да, бу борада тизимли ва самарали механизм яратилишига эришилмади деб таъкидлаш мумкин. Хусусан, 2018 йилда амалга оширилган ўрганишлар натижасида соҳада қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, маҳалла институтларини замонавий жамият тараққиётида содир бўлаётган ўзгаришларга мослашувчанлиги сўстлиги намоён бўлди. Демократик жамият барпо этилишида жамият ҳаёти тарнсформациялашиб борса-да, маҳалла бу жараёнда орқада қолаётганлиги кўзга ташланади. Мазкур ҳолат бир томондан маҳаллаларни ўзгараётган, яъни ривожланаётган жамиятга ҳамоханг бўлмай қолаётганлигини, иккинчи томондан ислохотларни қўйи инстанцияларда – жамиятнинг қўйи институтлари фаолиятида акс этмаётганлигини намоён этди².

Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқарув – маҳаллалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга эътибор қаратилди. Бу институтнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бўғини сифатида шакллантириш, унинг учун зарур моддий ва молиявий шарт-шароитлар яратилди. 2018 йилга келиб республикада маҳаллалар сони 10 минга яқинни ташкил этган³.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалла фуқаролар йиғинларини Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг том маънодаги таянчи бўлишига тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – бу уларнинг ташкилий функцияларининг самарали йўлга қўйилмаганидир.

Шундай қилиб, маҳаллани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантириш жараёнида фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимизда кучли ўрта

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги 70-сонли қарори. 89-102-банд. 70-сон 07.02.2003. «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида (lex.uz).

² Саидов С. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожининг баъзи мезонлари. 2018 йил 16 сентябрь. <https://www.uzanalytics.com/jamiyat/2946/>.

³ Саидов С. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожининг баъзи мезонлари

синф эгаларини янада ривожлантириш ва маҳалла институтини мустаҳкамлаш бўйича бир вақтнинг ўзида туб муаммолар ҳал этилмоқда.

Кўриниб турибдики, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, уни шахс ва жамият манфаатларини рўёбга чиқариш марказига айлантириш, кичик ва оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаолиятида ижтимоий шериклик жиҳатларини мустаҳкамлаш муҳим омил бўлиши керак демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мулкдорлар синфининг роли ва аҳамиятини ошириш, пировардида Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омили.

Маҳалла институтининг ёшларни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги тизимли фаолиятини ташкил этиш бўйича том маънодаги ислохотлар жадал ислохотлар амалга оширилиш жараёнида Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2020 йили 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарори қабул қилиниб, унда аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нурунийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш асосий устувор вазифа сифатида¹ белгиланиши билан бошланди деб таъкидлаш ўринлидир.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши ва унинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида маҳалла институтини фаолиятида самарадорлик ошишига, тизимлашувига эришилди. Ўтган қисқа даврда маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ҳар бир оила билан манзилли ишлайдиган, нотинч оилалардаги аҳволни олдиндан ўрганиб, муаммони бартараф этиш, кам таъминланган, ишсиз, уй-жойга муҳтож ва ногиронлиги бор аёлларга манзилга кўмак бериш, ишсиз хотин-қизларга ҳунар ўргатиш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4740335>.

Маҳалланинг ёшлар ижтимоий фаолигини оширишдаги ролини ошириш бўйича ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони билан мантиқан давом эттирилди. Ушбу фармон билан маҳалла институтининг ёшлар маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уларнинг онгига сингдириш ҳамда юксак маънавиятли ва садоқатли қилиб вояга етишларида кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаолигини ошириш каби вазифалари белгиланди¹. Бу меъёрий ҳужжатлар асосида ёш авлодни шаклланишида маҳалла институтининг аҳамияти янада ошди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг техник ва кадрлар салҳиятини яратиш соҳани ривожлантиришдаги энг устувор вазифалардан бирига айланди. Бу жараён янги ташкил этилган Вазирликнинг операцион эҳтиёжларини қондириш, яъни унинг офисларини жиҳозлаш, рақамли инфратузилмани яратиш ва аҳолининг турли гуруҳлари, масалан, ногиронлар, гендерга асосланган зўравонликни бошидан кечирганлар, уйсиз одамлар ва бошқалар билан самарали фаолият олиб бришини таъминлаш мақсадида биноларнинг инклюзивлигини оширишга кўмак бериш орқали амалга оширилади. Халқаро илғор тажриба ва маҳаллий шароитни яхши тушунишга асосланган ижтимоий ҳимоя қилишнинг замонавий ёндашувлари бўйича вазирлик ходимларининг салоҳиятини ошириш ҳамда уларни ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурати вужудга келди².

Маҳалла институтининг ёшлар тарбиясидаги ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи жамиятнинг муҳим бўғини сифатида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони. ПФ-5938-сон 18.02.2020. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)

² Ўзбекистонда COVID-19 вирусининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари: маҳалла вакилларининг қарашлари. 2020 йил май-июнь ойларида ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича давлат сиёсати соҳасидаги хулосалар ва тавсиялар. – 8-9 бетлар.

шаклланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ва ваколатлар кенг замин яратди.

Ушбу қарорда ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсад қилиб белгиланди¹.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори²га кўра, юртимиздаги 9 минг 348 та маҳаллада жорий этилган ёшлар етакчилари орқали ҳудуддалардаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва унга ечим топиш имкони пайдо бўлди.

Янги тизимни ривожлантириш асосида Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда 18 та вазирлик ва идоралар раҳбар ходимлари иштирокида маҳаллаларда 42 мингга яқин ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдамчиси, мактаб директорлари, маҳалла раиси, профилактика инспектори ва сектор раҳбарлари билан очиқ мулоқотлар ўтказилди. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва яқдил ҳаракати йўлга қўйилди. Натижада, жами 7 миллион 446 минг 730 нафар ёшни қамраб олган “Ёшлар баланси” тўлиқ шакллантирилди.

Маҳаллаларда 7-30 ёшдаги 14 миллион ёшнинг бўш вақтини кўчама-кўча мазмунли ташкил этиш, 630 минг нафар ёш билан “Ёшлар дафтари” тизими орқали ишлаш, ёшлар инфратузилмаларини ташкил этиш бўйича маҳаллалар кўрсаткичларини яхшилаш учун 3 та асосий йўналишда “Ёшлар дастури” ишлаб чиқилиб, ижроси йўлга қўйилди.

Хусусан, шу кунга қадар 131 минг 510 нафар ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинди. Уларнинг 32 минг 350 нафари касб-ҳунарга ўқитилиб, уларнинг иш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори. [ПҚ-92-сон 19.01.2022. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\)](#).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори. [ПҚ-92-сон 19.01.2022. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\)](#).

бошлашлари учун субсидия ажратилди ва контракт тўлови тўлаб берилди. 61 мингдан зиёд ёшларга ер майдонлари ажратилди.

Биргина Сурхондарё вилоятида 13 минг 302 нафар ишсиз ёшга экин майдони ажратилиб, Шеробод туманида “Ёшлар анорчилик кластери” йўлга қўйилган ва 200 нафар ёш ўз иш билан таъминланган.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида ўтган йили 2 гектар майдонда ташкил этилган “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси”га ёшларнинг таклифларидан келиб чиқиб, 3,5 гектар қўшимча ер майдони ажратилди. Худудда 25 та лойиҳага 7,2 миллиард сўм йўналтирилиб, 120 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган.

Ёшлар етакчиларининг муҳим вазифаларидан бири, бу – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўлиб, айти кунларда “Беш ташаббус олимпиадаси” ўз мусобақаларини бошлади. Китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турлари бўйича ўтказилаётган мазкур фестиваль доирасида маҳалладаги кўчалар ва кўп қаватли уйлар кесимида (ҳар бир хонадондан камида бир нафар ёш) яқка иштирокчи ва жамоаларнинг электрон рўйхати шакллантирилди. Мазкур олимпиадага республика бўйича 8 миллионга яқин ёшларни қамраб олди.

Мазкур тадбирлар учун зарур харажатларнинг 4 миллиард сўм Ёшлар ишлари агентлиги, 11 миллиарддан ортиқ “Ёшлар дафтари” жамғармаси, 3 миллиарддан ортиқ ҳокимлик ва сектор раҳбарлари томонидан молиялаштирилмоқда.

Маҳаллалардаги имконияти чекланган ёшлар ҳам етакчилар эътиборида. Улар ўртасида паралимпия спорт турларини оммалаштиришнинг “маҳаллабай” тизими татбиқ этилиб, 8 та спорт туридан мусобақалар дастури тайёрланди.

Шу билан бирга, тарбияси оғир ёшлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. “Бир нурунийга 10 нафар ёш” лойиҳаси доирасида вилоятларда 146 минг 106 нафар тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ёшлар 29 минг 565 нафар фахрий нурунийларга бириктирилди. Маҳаллаларда 23 минг 170 нафар кўнгиллилардан иборат “Қалқон” ёшлар гуруҳлари ташкил қилинди.

Ҳарбий қисмларда “Очиқ эшиклар куни” ўтказилиб тарбияси оғир ёшлар билан индивидуал тартибда ишланди. Ҳарбий хизматчиларнинг маҳаллаларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган “Жасорат дарслари” режаси ишлаб

чиқилиб, камондан ўқ отиш бўйича 322 та, от спорти бўйича 110 та тадбирлар намунали ташкил қилинмоқда¹.

Маҳалла тизимидаги ислохотларнинг энг муҳим жиҳати – эндиликда барча соҳалар бўйича масалалар шу йўналишлар мутахассислари томонидан кўриб чиқилмоқда. Масалан, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини яратиш бўйича ҳоким ёрдамчиси шуғулланса, ёшлар муаммоси билан ёшлар етакчилари ишляпти. Хотин-қизлар масалалари эса, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли томонидан ўрганилмоқда. Маҳалла раиси мана шу мутахассислар фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда.

Амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, вертикал тизимни яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишда салмоқли натижалар қўлга киритила бошланди.

Ушбу ўзгаришлар баробарида ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулдаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, унинг асосий вазифалари белгиланди. Эндиликда ёшлар етакчиси ўзига бириктирилган маҳаллаларда маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, маънавият ва китобхонлик тарғиботи, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш каби вазифаларга ҳам масъуллиги белгиланди.

Бир қатор ёрдам турлари етакчининг тавсияси асосида берилмоқда. Ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий филиаллари масъуллари томонидан ёшларга оид Президентимизнинг фармон ва қарорлари, шунингдек, ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни жойларда ёшлар билан учрашувлар, семинар-тренинглар ташкил этиш орқали етказмоқда.

¹ Ёшлар муаммоларини маҳаллада ҳал этиш қандай натижа бермоқда? (uza.uz).

Шунингдек, икки йиллик меҳнат фаолияти натижаларига кўра, етакчиларнинг лавозимини ошириш юзасидан вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Агентлик томонидан таклиф киритилиши белгиланди.

2020 йилда ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришда маҳалла институтларининг аҳамияти янада ошиб кетди. Ҳукумат томонидан аҳолига кўрсатилаётган моддий ёрдамларни ўз вақтида, адолатли тақсимлаш, аҳолига зарур кўрсатмаларни етказиш ва уларнинг ўрнатилган чекловларга амал қилишини таъминлашда ҳам маҳаллалар муҳим рол ўйнади.

Бу даврда маҳалла институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида соҳага оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди. Маҳаллаларда катор институционал ўзгаришлар ҳам амалга оширилди. Ушбу ислохотлар давомида маҳалла институтининг ёшлар тарбияси ва уларнинг ўз-ўзини ривожлантиришни ташкил этиш борасидаги ишларини амалга оширишдаги аҳамиятини оширди. Хусусан,

– оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди¹;

– «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ташкил этилди²;

– «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим³ жорий этилди;

– маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик бўйича 3 нафар маҳалла раисининг ўринбосари лавозими жорий этилди⁴;

– ёшлар ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маҳалла раисининг 2 нафар маслаҳатчиси лавозимлари киритилди⁵;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарори. [ПҚ-4602-сон 18.02.2020. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида \(lex.uz\)](#).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 367-сонли қарори. [367.pdf \(norma.uz\)](#).

³ Исмаилов З. Маҳалла институти: сўнгги йилларда нималар ўзгарди? ([kun.uz](#)).

– маҳаллаларда оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий кўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиялар, «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари, «Бувижонлар мактаби» кенгашлари ва «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмаси ташкил этилди.

Шунингдек, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим доирасида:

– маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган «Ҳаракатлар формуласи» ишлаб чиқилди ва жорий этилди;

– профилактика инспекторларининг маҳалла аҳолисига ойма-ой ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилди;

– профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари, хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича инспектор лавозимлари жорий этилди;

– ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланди;

– 8233 та маҳаллада Жамоатчилик назорати масканлари ташкил этилди;

– маҳалла фаоллари томонидан ажрим ёқасига келиб қолган 21 мингдан ортиқ оилалар яраштирилди;

– маҳаллаларда жиноятлар сони камайишига эришилди. Жумладан, 2016 йилда жиноят содир этилмаган маҳаллалар сони 9,5 фоизни (853 та) ташкил этган бўлса, 2019 йилда 33,7 фоизни (3 074 та) ташкил қилди. 2020 йилнинг 5 ойи давомида 69,9 фоиз (6 393) маҳаллаларда жиноят содир этилмади.

Маҳалларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам қатор ишлар қилинди, жумладан:

– 730 та маҳалла идораси янгидан қурилди, 2 343 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди;

– 4 178 та маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил этилди;

– 102 та туман ва шаҳар марказида «Маҳалла маркази» мажмуалари барпо этилди;

– 2 078 та маҳалла мебель жиҳозлари, 1 249 таси компьютер, 2 965 таси телефон алоқаси билан таъминланди, 1 293 таси интернет тармоғига уланди;

– фуқаролар йиғинларига Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ресурсларидан онлайн фойдаланиш имконияти яратилди;

– маҳаллаларда 1 300 дан ортиқ ижодий тўғарақлар фаолияти

йўлга қўйилди.

Тизимда меҳнат қилаётган ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ҳам белгиланган.

Хусусан, маҳалла институти ходимларининг ойлик маошлари 3 бараварга оширилди, «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони таъсис этилиб, бугунгача 632 нафар фаоллар мазкур нишон билан тақдирланди. 22 март куни эса «Маҳалла ходимлари куни» сифатида белгиланди.

Маҳаллаларга берилаётган эътибор, тизимга оид конун ва конуности ҳужжатлари уларнинг масъулиятини оширади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозир аксарият маҳаллаларда ҳар қачонгидан кўра самарали фаолият олиб бориш учун барча зарур шароитлар яратилди. Бироқ, мазкур ислохотлар кўп асрлик маҳалла институти фаолиятини моҳиятини акс эттирувчи кўплаб ижтимоий нормаларни бугунги кунда ҳуқуқий базаси яратилган ҳолда мустаҳкам нормативлар шаклига трансформация бўлишига олиб келди. Бунинг натижасида мазкур институт замонавий нуқтаи-назарда фуқаролик жамиятининг ўзига хос мустаҳкам кучли ижтимоий негизга эга бўлган ва шу билан бир қаторда сиёсийлашган институти мақомига эга бўлди.

Сўнгги йиллардаги ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги хабарлар ва жамоатчилик муносабати натижасида маҳалла институтининг фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлган салоҳиятли кадрлар етишмовчилиги кенг тарқалганлиги ҳақида тасаввуурни уйғотди.

Шунингдек, моддий аҳволи оғир бўлган 30 ёшдан ошмаган бемор фуқароларга мамлакатда ёки хорижий давлатда даволаниш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун 50 бараваридан ошмаган миқдорда (ҳозирда 15 000 000 сўм) субсидия ажратилмоқда¹.

Шу ўринда юқоридаги қарорда белгиланган айрим бандлар маҳаллий ҳокимликлар томонидан тўлиқ бажарилмаганини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, 2022 йил 1 мартга қадар етакчилар учун қулай шароитга эга бўлган хизмат хоналарини ажратиш ва уларни моддий-техник жиҳозлар (мебель, компьютер тўплами, алоқа, интернет ва бошқалар) билан таъминланди. Бироқ, тизимда самарадорликни таъминлаш бўйича яна бир қатор муаммолар мавжудлиги сақланиб қолди.

Маҳалла тизимини тўла такомиллаштириш ва қатор вазифалар баробарида ёшлар фаоллигини ошириш юзасидан ишларни

¹ Абдукаримова М. Маҳаллада ёшлар билан қандай ишлаш лозим? (uza.uz).

такомиллаштириш мақсадида 2023 йил 26 сентябрдаги режага мувофиқ маҳалла еттилиги фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу «Еттилик» таркибига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори киритилиб, уларнинг олдида камбағалликка қарши курашиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирларини ташкил этиш вазифалари юклатилди¹. Бу борада фаолиятни самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур маҳалла еттилиги вакиллари касбий-малакавий қобилиятларини юксалтириш бўйича махсус ўқувлар ташкил этилди².

Ушбу тизимни фаолиятини марказлашган ҳолода ташкил этиш мақсадида 2023 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сонли қарори³ қабул қилинди.

Давлат раҳбарининг топшириғи билан маҳаллаларда “еттилик”га қўйидаги асосий вазифалар юклатилди:

маҳалла раиси – эҳтиёжманд оилаларга уй-жойини яхшилашга кўмаклашиш;

ҳоким ёрдамчиси – ишсизларга иш топишга кўмаклашиш;

ёшлар етакчиси – ёшларни спорт, муסיқа ва тўғаракларга жалб этиш;

хотин-қизлар фаоли – аёлларни тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчиликка жалб қилиш;

Профилактика инспектори - Маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш;

солиқ ходими – маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик

¹ Маҳалла тизимини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди (president.uz)

² “Маҳалла еттилиги” ходимларининг касбий билим ва кўникмалари янада ривожлантирилади. “Маҳалла еттилиги” ходимларининг касбий билим ва кўникмалари янада ривожлантирилади (uza.uz).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сонли қарори. ПФ-209-сон 21.12.2023. Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш;

ижтимоий ходим – ёлғиз кекса, ногирон ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш каби аниқ вазифалар билан шуғулланиш¹.

Мазкур тизим вазифалар қамрови нуқтаи-назаридан бугунги кундаги маҳаллаларда мавжуд муаммоларни жойларда ҳал этиш учун зарур бўлган ўзига хос самарали механизмни жорий этилишига, ҳақиқий демократик тамойиллар асосида ислоҳотларни амалга ошириш имкониятини янада яхшиланишига сабаб бўлди. Шу билан бир қаторда, маҳалла институтини ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожланишлари учун жойларда қўлай муҳитни вужудга келтирди.

Янги тараққиёт давридаги ислоҳотлар натижасида маҳаллалар ўзига муҳим ва аҳоли ва айниқса ёшлар ижтимоий ҳаётида катта ролга эга институт мақомига кўтарилди. Хусусан, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилди². Яратилаётган тизим асосида “мактаб – ота-она – маҳалла” занжири асосида электрон мулоқот платформасини ишга тушириш, ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиб, уларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш ва ижобий томонидан фойдаланиш бўйича ота-оналар ва ўқувчиларга содда тилда қўлланмалар яратиш бўйича ишлар олиб борила бошланди.

Шунингдек, мактабга мослашиш ва китобни севишга ўргатиш, яхши хулқли бўлиш, атрофидагилар билан мулоқот қилишни ўрганиш ва билим олишга кучли иштиёқни шакллантириш, касб танлаш, жамиятга мослашиш, катта ҳаётга қадам қўйишда фарзандларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш бўйича илмий асосланган йўриқномалар жорий этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Замон талабалари ва фуқаролик жамияти ривожининг бугунги тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тизимда яна бир қатор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сонли қарори. [ПФ-209-сон 21.12.2023. Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида \(lex.uz\).](#)

² [ПФ-209-сон 21.12.2023. Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида \(lex.uz\).](#)

устувор вазифаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Хусусан:

Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда “хуқуқбузарликка қарши иммунитет” яратиш бўйича тизим барпо этиш;

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва касбга йўналтириш, тарбияси ва ўқишида муаммо бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари ва маҳалла фаоллари билан бирга ишлаб, муаммоларни ечишга қаратилган аниқ чораларни кўриш;

Маҳалла раислари ҳар ой мактабларда ота-оналар билан учрашиб, маҳалла ва мактабдаги муҳитни муҳокамаларини ташкил этиш;

Мактабларда таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчилар, фахрийлар, жамиятда обрўга эга инсонлар билан учрашувларни кўпайтириш¹ лозимлиги белгиланди.

Болалар тарбиясини яхшилашга, ота-оналар дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган миллий контентни маҳалла ва таълим муассасаларига етказиб туриш топширилди.

4.2. Оммавий ахборот воситаларининг ёшларнинг ижтимоий фаоллигига объектив таъсири

Тараққиётнинг янги даврида жамиятда кечаётган трансформацион жараёнлар мавжуд институционал ва ижтимоий тизимлар фаолиятига жиддий таъсир ўтказмоқда. Ахборот коммуникациялари, компьютер технологияларининг жадал ривожланиши фуқаролик жамияти ахборотлашувини сифат жиҳатдан юксалишига олиб келди. Бундай воқелик тараққиётдаги янги босқич – глобаллашув ва ахборотлашган жамият шаклланиши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий, иқтисодий йўналишдаги муаммолар моҳияти ва мазмунини англаш заруриятини вужудга келтирди.

Интернет ва оммавий ахборот коммуникациялари ёшларнинг ислохотлардаги фаоллигига кўрсатадиган объектив таъсири ҳамда жамиятдаги трансформацион ўзгаришларда коммуникатив технологиялар тараққиёти оммавий коммуникацияларнинг ёшлар аудиториясига таъсири кенгайиб бормоқда. Зеро, бугунги кунда глобал тармоқ ва унинг воситачилигида шаклланиб, такомиллашиб

¹ Ижтимоий соҳалардаги вазифалар муҳокама қилинди. Ижтимоий соҳалардаги вазифалар муҳокама қилинди (president.uz).

бораётган замонавий интернет оммавий ахборот воситалари анъанавий матбуот турларини истеъмол бозоридан чиқариб бориши давомида инсон онги, дунёқарашига кучли таъсир ўтказмоқда. Ушбу таъсир натижаси ўлароқ инсонларнинг кадриятлари ҳам ўзгариб боришига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу нуқтаи назардан, замонавий оммавий ахборот воситаларини ёшларга таъсири муаммосини тадқиқ этиш ва бугунги кундаги ахборот оқимининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, мазкур жараённинг ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланиш, салбий жиҳатларидан муҳофазаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашни илмий асослаш зарурати тобора ортмоқда. Айниқса, бу борада, ҳар қандай жамиятнинг келажак ресурси бўлган ёшларни бу жараёнларда тўғри ривожланиши юзасидан амалий таклифларни шакллантириш долзарбдир.

Глобал компьютер тармоғининг жадал ривожланиши, унинг аудиторияси тобора кенгайиб бормоқда. Бу тенденция дунё миқёсида кўзатилиб, 1995 йилда жаҳонда интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион бўлган бўлса, 2005 йилга келиб улар сони 1 миллиарддан ошди ва ушбу кўрсаткичлар кейинги йилларда давомида жадал ошишда давом этмоқда. Глобал интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони 2010 йилда 1 млрд. 966 млн. кишини ташкил этган бўлса. Бугунга келиб, интернет 5,4 млрд. кишининг шахслараро муносабатлардаги инновацион ахборот воситаси бўлиб, турли ижтимоий гуруҳлар, жамоатчилик вакиллари муносабатлари, ўзаро алоқасида анъанавий алоқа воситаларини ортда қолдирмоқда¹. Бундай жадал ўсиш натижасида глобал интернет инсон фаолиятида универсал ижтимоий коммуникация ролини бажармоқда².

Жаҳон интернет тармоғи шиддат билан ўсиб бораётган фойдаланувчилари орқали дунё ҳамжамиятини қамраб бориш давомида унинг маълумотлар манбаларининг ҳилма-хиллиги ҳамда ҳилма-хил манбаларнинг маълумотларини ишончилиги, манбаларнинг мақсадлари нуқтаи-назаридан буткул бир-биридан фарқ қилувчи субъектлардан иборат бўлиб бормоқда. Хусусан, глобал тармоқда ахборот тақдим этувчилар сифатида профессионал мутахассислардан ташқари, турли соҳа вакиллари, турли соҳалар

¹ Статистика пользователей Интернета в мире и населения за 2023 год. <https://www.internetworldstats.com/stats.htm> (дата обращения: 14.05.2023).

² Зборовский Г.Е., Шуклина Е.А. Образование как ресурс информационного общества// Социол. исслед. 2005. №7. - Б 107.

экспертлари, малакали бўлмаган ҳисобланмаган коммуникаторлар, махсус маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам фаол иштирок этиши ахборотлар ҳаққоний ва объективлигига бўлган талабларга кўп ҳолатларда амал қилинмаслигига гувоҳ бўламиз.

Ахборот инсоннинг дунёни билиш, тажрибага эга бўлишдаги асосий воситасидир. Мутахассислар фикрича “Инсон ўзини ўраб олган оламни ўз ҳис-туйғу органлари орқали қабул қилиб олади. Ахборот – одамнинг ташқи дунёга мослашуви жараёнида ундан олган маъноларнинг ифодасидир. Ҳақиқий ҳаёт – ҳақиқий ахборот олиш билан боғлиқдир”¹.

Таъқидлаш жоизки, бугунги кунда дунё ОАВларида тарқатилаётган ахборотларнинг 8% ҳолис бўлса, 92% манипуляцияга қаратилгандир². Бу ўз навбатида, замонавий ахборот оқимида фойдалилик омилидан кўра кўпроқ муайян даража таҳдидлиликни намоён этади.

Ахборот ҳамда унинг асосини ташкил этувчи сўз ҳукмронлик ўрнатган бугунги жамиятда инсон онги ва руҳияти манипуляциянинг асосий қурбонларига айланмоқда. “Манипуляция деганда, аксарият ҳолларда, яширин тарзда олиб бориладиган ва табиийки, ўз “қурбонлари”га зиён келтирадиган руҳий таъсир тушунилади”³.

Айтиш жоизки, ХХІ аср авлоди катталарнинг йўл-йўриқлари, панд-насиҳатлари, эртақлар, жамоатчилик тарбиясидан кўра оммавий ахборот воситалари орқали оламни англамоқдалар. Бу ҳақида “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: халқаро андозалар ва миллий қонунчилик”да “Оммавий ахборот воситалари тўлалигича ҳамда қисман телевидение ва киномотографияда порнография, гиёҳвандлик ва зўравонлик билан боғлиқ материалларни кўрсатишни камайтириши, зўравонлик ва эксплуатацияни салбий тасвирланишини, шунингдек, болалар, аёллар ва шахсий муносабатларнинг кадр-қимматини ҳақоратлайдиган шаклда кўрсатишни чегаралаши, айниқса, эҳтиёт бўлиши ва тенг ҳуқуқлилик принципларида тарғиб этганлиги учун рағбатлантириш лозим”⁴, деб келтирилган.

Бошқа тадқиқотчилар “Бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки оммавий ахборот воситалари

¹ Убайдуллаева Б. Ўзбекларнинг ёш авлод тарбияси борасидаги анъаналари ва замонавийлик. – Тошкент, 2010

² Қуроноф М. Эзгу ғоялар рўёби. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б. 104.

³ Қаршибоева В. Томошабинлар жамияти: ТВ ва реал ҳаёт ўртасидаги чегара // Тарбия. – 2010. – 5/33. – Б. 14.

⁴ Матқаримова Г., Мўминов А., Тиллабаев М., Ҳамдамова Ф. Бола ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЖИДУ, 2010. – Б. 289-290.

орқали шаклланади”¹, каби фикрларни илгари суради. Телевидение орқали зўравонликни томоша қилиш агрессивликнинг кучайишига, томошабинларнинг зўравонликка нисбатан сезгирлик меъёрининг ортишига, уларнинг ижтимоий борлиқ ҳақидаги нотўғри қарашларининг шаклланишига сабаб бўлади².

Мазкур ҳилма-хил контентларни шакллантирувчилар аудиториясининг кенглиги, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланилган ҳолда маълумотлар алмашинуви жараёнида тил тўсиқларини осон ечим топиши, қолаверса, маълумотларни қўлга киритишдаги қулайликлар глобал тармоқнинг нафақат маълумот тарқатиш, балки илм манбаи, инсонлар дунёқарашини юксалтиришнинг ўзига хос замонавий воситасига ҳам айланиб улгурди. Айнан шу жараёнда глобал ахборот тармоқлари бир қатор қулайликлар яратиши билан бир қаторда, ўзига хос ғоявий таҳдид манбаи, ёт ғоялар тарғиботи воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўз-ўзидан глобал тармоқ ва замонавий ижтимоий тармоқларни кенг жамоатчилик орасида ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирлар манбаига айланишига имкон яратмоқда.

Умумий ҳолатда интернет тармоғидаги расмий ва норасмий сайтлар маълумотлари базаси жамоатчилик вакиллари фикри намоён этиши ҳамда катта ҳажмдаги интернет аудиториядаги ижтимоий фикр шаклланишига муайян даражада таъсир ўтказади.

XXI аср бошидаги геосиёсий қарама-қаршилиқлар доираси кенгайганлиги тасдиқлайдики, интернет тармоғида ахборот таҳдидлари тобора кенг миқёс касб этиб бормоқда³. Шунинг учун ҳам интернет тармоғи ҳозирги жамият учун ахборот хавфсизлигига раҳна солаётган восита, минбар, салбий омил сифатида қабул қилинишини асосли деб баҳолаш мумкин.

Хусусан, интернет бугунги ёшларнинг асосий маълумот ва ахборот манбасига айланмоқда. Бу омил ахборотнинг ёшлар дунёқарашини, ҳаётий нуқтаи назари, фуқаролик позициясининг шаклланишида муҳим омилга айланмоқда. Ахборотнинг мазкур, шахс шаклланишига таъсири омилни тадқиқ этиш ва ўрганиш бугунги фаннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, жамиятдаги ўзгаришларда коммуникатив

¹ Моль А. Социодинамика культуры: Пер. с фр. / Предисл. Б. В. Бирюкова. Изд. 3-е. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. – 416 с.

² Рахимова К., Абдуллаева А. Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси. – Фарғона, 2006. – Б. 39.

³ Бурханов Х.М. Интернет коммуникацияларининг жамоатчилик фикрига ва психологиясига таъсири / Yangi O‘zbekistonda pedagogika fanini innovatsion rivojlantirish istiqbollari: nazariya va amaliyot. – 6. 321.

технологиялар тараққиёти, оммавий коммуникацияларнинг аудиторияга таъсири муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам расмий ва норасмий коммуникацияларнинг жамият янги тараққиёт босқичидаги ўрни, инсон фаолиятига таъсири жараёнлари, вужудга келган янги ахборот ва коммуникацион технологияларининг потенциали, информацион технологиялар ва интернет коммуникацияларнинг яқин келажакда ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги ўрнини ўрганиш ва илмий тадқиқ этишнинг долзарблигини ошириб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим рол ўйнамоқда. Электрон оммавий ахборот воситаларининг шакли, истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизмат турлари, фойдаланувчилар учун қулайлик даражасини доимий равишда ўзгарувчанлик хусусиятлари улар фаолиятини тизимли ўрганишда ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Бироқ, бугунги кунга қадар бир қатор тадқиқотларда ОАВ ни, айниқса, замонавий-интернет ОАВни, тизимли равишда жамоатчилик фикрини шаклланишида муҳим аҳамиятга эгаллиги ва жамоатчилик фикрини муайян даражада бошқарилишида муҳим роль уйнашини ҳамда замонавий ОАВларнинг омма дунёқарашини йўналтиришдаги аҳамиятини илмий асослаганлар¹.

Бугунги кунга келиб, табиийки, ОАВ – бу кенг мулоқот² шакли бўлиб, унинг усул ва воситалари изчил такомиллашиб бормоқда. Замонавий-интернет оммавий ахборот воситалари ўз ривожидинамикасига кўра тараққиёт билан ҳамохангдир. Замонавий ОАВнинг инсон ҳаёти, дунёқарашини, ҳаракатига таъсири кенглиги оммавий коммуникациялар социологиясини тадқиқ этиш, ушбу жараённинг умумлаштирилган суратини намоён этиш, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ролини тавсифлаш масалаларини илмий жиҳатдан доимий тадқиқ этиш, унинг тараққиётини янги тенденцияларини намоён этиш долзарб илмий муаммолар қаторидан жой олган ва ушбу масалалар юзасидан тадқиқотлар амалга оширилмоқда³.

Бу борада қатор тадқиқотлар амалга оширилган ва уларнинг натижаларида ҳам замонавий ахборот воситаларининг ёшлар дунёқарашига таъсири омили намоён бўлмоқда. Хусусан, 2021 йилда

¹ Саати Т. Принятие решений: Метод анализа иерархий. М., 1993. – С. 23,131, 278.

² Корконосенко С.Г. Основы журналистики: учебник. М., 2001. – С. 287.

³ Абдуазимов О.У. Систематический подход к «Модели 4Т теории прессы» // Актуальные вопросы науки: материалы междунар. науч.-практ. конф. М., 2013. С. 89–95.

Ўтказилган тадқиқот натижаларида ҳам шу каби ҳолат кўзга ташланади. Ёшларга берилган “Ўзингиз учун керакли маълумотни қаердан оласиз?” деб савол берилганда, 47% “Интернет сайтларидан” деб жавоб берган. Шу билан бирга, сўралганларнинг 23% “Дўст-дугоналар, танишлардан”, 12% “Телевизордан”, 5% “Шу мавзуга доир китобларга, кутубхонадан”, 5% “Ўқитувчимдан”, 3% “Ота-онамдан” деб жавоб беришган. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Ижтимоий тармоқларга аъзолар сони ҳам ёшлар ҳисобига кундан кунга ошиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, ёшларни интернет орқали кириб келаётган таҳдидлардан ҳимоя қилиш, яъни уларда тегишли иммунитетни шакллантириш долзарб масала бўлиб қолмоқда¹.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда электрон ОАВ ва ахборот тарқатишнинг бошқа воситаларини жамият ривожининг бугунги босқичида аҳоли ва кенг оммага маълумотларни етказиш, тақдим этилаётган ахборот воситасида уларнинг дунёқарашига муайян таъсир ўтказиш воситалари орасида етакчи ўринда эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Дунё тараққиёт тенденцияларига ҳамоханг ривожланиш, жамиятда том маънода демократия тамойилларини ҳукмронлигини таъминлаш, демократик институтлар фаолиятини янада ривожлантириш, аҳоли турмушини янада яхшилаш, одамларни рози қилиш, бир сўз билан айтганда “ижтимоий давлат” концепциясини амалда жорий этишни² асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланиши Ўзбекистонда ҳам электрон оммавий ахборот воситаларини расмий аҳамият касб этишига ҳамда ҳозирда жамоатчилик фикрини шаклланиши ҳамда жамоатчиликка ҳаққоний маълумотларни етказилишида етакчилик аҳамияти ошиб бормоқда.

Дунё ҳамжамиятида замонавий оммавий ахборот воситаларининг тараққий этиши баробарида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашуви шароитида илмий техник тараққиёт бевосита глобал компьютер тизими, глобал интернет тармоғидаги миллий сегмент сайтлари жадал ривожига замин яратди. Ушбу жараён, ўз навбатида, ижтимоий тизим, унинг турли соҳаларидаги чуқур ислоҳотлар, инновацион мазмундаги

¹ Расулова З.А. Ёш авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни / Замонавий таълим / Современное образование 2021, 6 (103). – 11-17 бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>. 20.12.2022.

Ўзгаришлар моҳиятан амалиётда замонавий ОАВ шакллари аҳоли турмушида катта ўрин эгаллашни англатади. Қолаверса, кўплаб жамиятларда, шу жумладан, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожининг ҳозирги даврида коммуникация соҳаси муҳим инқилобий ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда, инсон фаолиятида кибер интернетнинг ахборот воситаси сифатидаги ижтимоий аҳамияти ошиб бормоқда. Ушбу жараёнда интернет олами коммуникацияси компьютерлаштирилиши асосий, етакчи ўринни эгалламоқда. Глобаллашув даврида глобал интернет тармоғининг такомиллашган ахборот алмашув воситаси сифатидаги расмий ва норасмий коммуникатив ахборот тизимидаги ўрни ҳам, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

2022 йил якуни ҳолатига Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 31 млндан ошди. Улардан 29,5 млн нафари мобил интернет орқали тармоққа уланади. Шунингдек, халқаро интернет-каналга уланиш тезлиги сўнгги икки йилда 2,6 бараварга ошиб, 3200 Гбит/с га етгани қайд этилди. Республика бўйича мобил алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобил интернет қамрови 98 фоизга етказилган². Мазкур кўрсаткичлар мамлакат аҳолисининг аксарият қисмида замонавий оммавий воситалари маълумотларидан фойдаланиш имкониятига эгаллиги ва унинг баробарида бевосита аҳолини манипулятив, ҳилма-хил мазмундаги кенг миқёсдаги ахборот таъсирида бўлишлиги имкониятини вужудга келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар жараёнида жамиятда ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, медиа-бозорда улар учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор тизимли ишлар амалга оширилди³. Бу

¹ Бурханов Х.М. Интернет коммуникацияларининг жамоатчилик фикрига ва психологиясига таъсири / Yangi O'zbekistonda pedagogika fanini innovatsion rivojlantirish istiqbollari: nazariya va amaliyot. – б. 321.

² Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 31 миллиондан ошди. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/15/internet-users/>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш

борада ишларни халқаро даражада ташкил этил ва ривожлантириш ҳам эътибор марказида бўлди¹. Яъники, замонавий ОАВ ларнинг инсон ҳаётида қанчалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб борар экан, ушбу жиҳат бу борада давлат сиёсатининг ҳам такомиллашиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, маълумотлар очиқлиги борасида амалга оширилган ишлар натижасида аҳоли, айниқса, ёшлар орасида расмий ахборот билан яқиндан танишиш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Хусусан, 2020 йилда ўзбек миллий ахборот сегментида ўтказилган ўрганишлар натижасида Telegram ижтимоий тармоғининг фойдаланувчилари орасида энг тез маълумот манбаи бўлиб хизмат қилаётганлиги ва ушбу тармоқдан кенг миқёсда фойдаланиш 2015 йилдан сўнг оммалашганлигин кўришимиз мумкин.

Сўз ва ахборот эркинлиги шароитида² расмий ва норасмий электрон ахборот манбаларини ахборот истеъмолчилари орасида оммалашувига сабаб бўлди. Тадқиқотлар Ўзбекистон аҳолиси орасида асосан Kun.uz, daryo.uz ва qalamfir.uz каби электрон веб-сайтларнинг оммавийлиги намоён этмоқда. Ушбу электрон веб-сайтларнинг кенг оммалашуви ва катта аудиторияга эга эканлигини бир қанча омиллар:

биринчидан, kun.uz ва daryo.uz бошқа электрон нашрларга нисбатан фаолиятини эртароқ, яъни 2015 йилдан бошлаганлиги ва ўша даврдан бошлаб етарли даражада фойдаланувчилар аудиториясига эга эканлиги;

иккинчидан, уларда хабар ва янгиликлар туркумининг кенглиги ва оммабоплиги;

учинчидан, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳамда инсонлар турмуш тарзи билан боғлиқ таҳлилий ва танқидий материалларнинг кенг ёритилганлиги;

тўртинчидан, ҳафталик, ойлик янгилик ва хабарларнинг қисқача тафсилотларининг берилиши;

бешинчидан, тақдим этилаётган хабарларнинг замонавий

тўғрисида”ги ПҚ-4151-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/418885>.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тўғрисида НИЗОМ. <https://aoka.uz/uzb/category/9>. (мурожаат қилинган сана 1505.2023).

² Сўз ва матбуот эркинлиги – Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши. 3 декабр 2020. <https://yuz.uz/news/soz-va-matbuot-erkinligi--ozbekiston-siyosatining-ustuvor-yonalishi>.

форматда етказилиши эканлигини сабаб бўлган¹.

Баъзи ҳолатларда янгилик ва хабарларнинг тезкорлиги, танқидий ва муаммоли вазиятларни етказиш бўйича хорижий электрон оммавий ахборот воситалари, хусусан Озодлик, bbcuzbek.com айнан Ўзбекистондаги юқорида номлари зикр этилган веб-сайтлар маълумотларидан фойдаланиши ва уларнинг рейтинги омма орасида юқори эканлигидан далолат беради.

Замонавий интернет оммавий ахборот воситаларининг кенг фойдаланувчилар орасида оммалашувига уларда чоп этилаётган ёки тақдим этилаётган маълумотларнинг фойдаланувчиларга нозир бўлишлиги жиҳатига ҳам боғлиқдир. Зеро, чекланмаган ахборотни қўлга киритиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи ўзига манзур бўлган ахборотни тақдим этувчи манбаларга кўпроқ мурожаат қилади. Ушбу масалани миллий сегментдаги ҳолатини ўрганиш мақсадида 2023 йилда энг оммабоп интернет ОАВлар маълумотларида ўрганишлар амалга оширилди.

Ўрганишларда мазкур воситаларда аҳолини фаол қатлами бўлган ёшлар ва уларнинг ҳаётий мақсадларини ифодалашга, улар учун зарур бўлган фойдали масалаларга, ёшларнинг ижтимоий ва ҳаётий муаммоларига бағишланган контентларнинг мавжудлиги ушбу қатламни миллий сегментга мурожаат қилишларига сабаб бўлади.

Ушбу нуқтаи-назардан миллий сегментни ўрганиш тадқиқоти объекти сифатида Миллий доменнинг фойдаланувчилар ўртасида машҳур бўлган “President.uz”, “Xs.uz”, “Uza.uz”, “Yuz.uz”, “Kun.uz”, “Gazeta.uz”, “Podrobno.uz” ва “Daryo.uz” каби интернет-нашрлари кирди. Мазкур ОАВлардаги ахборот материалларининг катта қисмида Янги Ўзбекистон ёшлари ҳаётидаги асосий воқеалар ёритиб келинганлиги ҳолати ҳам тадқиқ этилган.

Электрон оммавий ахборот воситаларининг медиа базасини ўрганиш доирасида ўтказилган контент-таҳлил мамлакатимизда ёш авлодни ёшларга оид сиёсатни амалга оширишга кенг жалб этишга қаратилган комплекс тизимли ишлар олиб борилаётганини намоён этган.

Тадқиқот натижаларининг далолат беришича, кўрсатилган давр учун танланган интернет-нашрларнинг контент-таҳлили давомида 298 та мақола, жумладан, 231 та ахборот мазмунидаги ва 67 та

¹ Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти жорий архиви маълумотлари.

тахлилий мақола эълон қилинган¹.

Интернет маконидаги ахборот-тахлилий материаллар шуни кўрсатадики, таснифлагичнинг 11 йўналиши бўйича энг кўп мақолалар фан ва ёшлар таълими (26,4%), ёшлар ва сиёсат (22,9%), ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (11%) ва хизматда ўсиш, ишга жойлашиш ва миграция (9,1%) билан боғлиқ².

Таснифлагич йўналишлари бўйича ёшлар мавзусида энг кўп чоп этилган ахборот материаллари сони қиёсий таҳлилининг кўрсатишича, таснифлагичнинг йўналиши бўйича «Жамият» соҳасига мақолаларнинг энг кўп сони тўғри келади: «Ёшлар, сиёсат ва давлат органлари» (23,5%); «Ёшлар, фан ва таълим» (21,0%); «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш» (16%); «Ёшлар ва девиация» (14,8%); «Хизматда ўсиш, ишга жойлашиш ва ёшлар ўртасидаги миграция» (11,1%), бу кўрсатилган соҳада ёшлар масалаларидаги асосий ўринларни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

«Сиёсат» соҳасидаги мақолаларнинг асосий қисми (55,9%) сиёсат ва давлат органлари билан боғлиқ таснифлагич йўналишига тўғри келса-да, «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш» йўналишидаги мақолалар сони ҳам муҳим кўрсаткичларни кўрсатади (19%).

Оммавий ахборот воситаларида ёшлар ва ёш олимларнинг таълим олишига бағишланган ахборот материаллари асосан таснифлагичнинг бир йўналиши – «Ёшлар, фан ва таълим» (86,4%) йўналишидан ортда қолмоқда. Мақолаларнинг унча катта бўлмаган қисми таснифлагичнинг қуйидаги йўналишларига тўғри келади: «Ёшлар, сиёсат ва давлат ҳокимияти органлари» (5,1%), «Хизматда ўсиш, ишга жойлашиш ва ёшлар ўртасида миграция» (5,1%) ва «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш» (3,4%)³.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турганидек, замонавий интернет нашрларда ёшлар учун зарурий бўлган ижтимоий турмуш-тарз, уларни ўз-ўзини ривожлаништиришлари, давлат ва нодавлат органлари томонидан ёшлар камолоти учун яратилаётган шарт-шароитлар, улар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатланиши борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумотлар берилиб борилаётганлиги ўз-ўзидан ёшлар ҳаётида мазкур ахборот

¹ Ўзбекистон электрон ОАВларидаги мақолаларнинг «Ёшлар интернет-макон кўзгусида» мавзусидаги контент таҳлили. [Ёшлар интернет-макон кўзгусида - IF \(ijtimoiyfiqr.uz\)](http://ijtimoiyfiqr.uz).

² Ўзбекистон электрон ОАВларидаги мақолаларнинг «Ёшлар интернет-макон кўзгусида» мавзусидаги контент таҳлили. [Ёшлар интернет-макон кўзгусида - IF \(ijtimoiyfiqr.uz\)](http://ijtimoiyfiqr.uz).

³ Ўзбекистон электрон ОАВларидаги мақолаларнинг «Ёшлар интернет-макон кўзгусида» мавзусидаги контент таҳлили. [Ёшлар интернет-макон кўзгусида - IF \(ijtimoiyfiqr.uz\)](http://ijtimoiyfiqr.uz).

манбаларини аҳамияти ва таъсирини ошириб боради.

Бошқа томондан, глобал тармоқда ахборотни истеъмолчига етказишдаги тил тусифини бартараф этиб борилиши натижасида нафақат миллий сегмент балки хорижий контентлар билан ҳам яқиндан танишиш имконининг қулайлашуви, турли маданият ва дунёқарашлар билан танишув имконини ҳам вужудга келтирмоқда. Ушбу ҳолатлар ўз ўрнида ахборотлар ҳилма-хиллиги муҳитини яратиш баробарида, турлича ғояларнинг ҳам сингиб бориши мумкинлиги истисно этмайди.

Бироқ, дунёнинг геосиёсий манзараси шиддат билан ўзгараётган даврда¹ айнан шу соҳада миллий сегментнинг ўрни ва аҳамиятини юқори бўлишлиги муҳим ҳолатдир. Зеро, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга миллийлик ва анъанавийлигимиздан йироқлашмаган, дунё ҳамжамияти тараққиёти тенденциялари ўз аксини топган маълумотларни тақдим этиш ва шу орқали таҳлилсиз ва зарарли ёт ғоялар таъсиридан муҳофазалаш борасида натижали тадбир амалга оширилган бўлади.

2010 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда мобил алоқа воситаларидан ижтимоий, иқтисодий зарурият учун фойдаланиш муттасил ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг 29 миллионга яқини мобиль қурилмалардан фойдаланади². Жамиятда мобил алоқа воситалари ривожланиб бориши натижасида глобал интернет сайтларининг мобил версиялари кўпаймоқда ва ижтимоий тармоқлар мессенжер кўринишига ўтмоқда. Шунингдек, 2010 – 2020 йиллар даврида мобил мессенжерлар яратилиши ёшларни хорижий ижтимоий тармоқларга қизиқишини оширган. Юқоридаги фикрлар истиқболда миллий сегмент сайтларнинг мобил саҳифалари ривожланиб боришидан далолат бермоқда. Шунинг натижасида, Ўзбекистон миллий сегментидаги сайтларга фойдаланувчиларнинг 72,4 фоизи айнан мобил дастурлар орқали кирган³.

Бу борада «Telegram» мессенжери, «Odnoklassniki» ижтимоий тармоғи ва «Facebook» ижтимоий тармоғига аъзо бўлган фойдаланувчилар кун сайин кўпаймоқда, улар аҳолини ахборотлар мажмуига жалб этишнинг замонавий усулларига эга. Хусусан, улар хизматидан фойдаланувчилар аудиториясининг кенглиги ва жадал

¹ Усмонов Н. Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик форуми. / Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик форуми - Халқ сўзи (xs.uz). 13 Июль 2023.

² Ўзбекистонда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони маълум қилинди. <https://kun.uz/news/2022/01/10/ozbekistonda-internet-xizmatidan-foйда lanuv chilar-soni-malum-qilindi>. 2022 йил.

³ Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони маълум қилинди. <https://kun.uz/news/2022/01/11/ozbekiston-ning-doimiy-aholisi-soni-malum-qilindi>.

ишлашининг юқорилиги аҳолини жалб этмоқда.

Жумладан, бугунги кунда ўзбекистонлик ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини 98% хорижий, 2% маҳаллий ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Бу борада хорижий ижтимоий тармоқлар юқори кўрсаткичларга эга¹. Таъкидлаш лозимки, «Odnoklassniki» ижтимоий тармоғи, «facebook» кўплаб ўзбекистонлик аъзоларига эга. Ушбу контент таҳлилларга кўра, фойдаланувчиларни миллий ижтимоий тармоқларга жалб этишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам миллий ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар сони кам.


Замонавий ахборот воситаларининг ривожланиши, маълумотлар хилма-хиллигини шиддат билан ўсиб бориши миллий ахборот воситалари олдида ривожланиш тенденцияларига мос равишда ривожланиб боришдек муҳим вазифани вужудга келтиради. Айниқса, бу борада миллий замонавий ОАВларни хорижий замонавий ОАВ лар билан рақобатлашуви табиий бўлиб қолмоқда.

Миллий медиаландшафтга плюрализмнинг интеграциялашаётганлигини ҳам ОАВ сони ва турининг ошаётганида, ҳам медиа ташкилотлар ва хизматларнинг ўсишида кўришимиз мумкин. Масалан, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2021 йилда мамлакатда фаолият юритган ОАВ сони 2016 йилдагига нисбатан 379 тага ортган. Қуйидаги инфо-графикада (расм-1)эса 1991, 2016 ва 2021 йилларда ОАВ сонининг ортиб бориши кўрсатилган.

Ўзбекистонда сўнгги беш йилда ўсиш кўрсаткичлари бўйича анъанавий ОАВга нисбатан интернет нашрлари пешқадам. Агар 2016 йилда 395 та интернет нашри фаолият кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга 638 тани ташкил этади. Бундан ташқари, турли давлат ташкилотларида 584та матбуот хизматларининг ташкил этилганлиги мамлакатда давлат ҳокимият идораларининг очиклигини таъминлаш борасида қилиниётган ислохотларни кўрсатади².

¹ Бурханов Х.М. Глобллашув шароитида миллий сайтларнинг ривожланиш даври ва муаммолари / Actual problems of the history of Uzbekistan / Актуальные проблемы истории Узбекистана. – С. 735-744. Период и проблемы развития национальных сайтов в условиях глобализации | Актуальные проблемы истории Узбекистана (inlibrary.uz). извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/history-of-uzbekistan/article/view/16567>.

² Отамуродова М. Сўз эркинлиги: янги ёндашувларнинг миллий медиаландшафтга интеграциялашуви. [3RR7nw5pjKOcloAKnF5IJazC9uBhUIJP.pdf \(uza.uz\)](https://uz.uz/3RR7nw5pjKOcloAKnF5IJazC9uBhUIJP.pdf).



Расм-1. 1991, 2016 ва 2021 йилларда Ўзбекистонда ОАВ сонининг ортиб бориши

Жамиятни тобора рақамлашув сари илдамлаб бориши, глобал тармоқнинг инсонлар ҳаёти жабҳаларига кириб бориши, зарур маълумот манбаи сифатида илдамлаб кетиши ўз ўрнида ахборот эркинлиги ва шаффофлиги, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини қонунан кафолатланишини¹, бу борада такомиллашувни тақозо этди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат ҳокимиятини демократлаштириш, халқ ва ОАВ билан тўғридан-тўғри, шаффоф мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг фуқаролик ва жамоатчилик фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Бугунги кунда ҳар қандай жамият ва давлат аҳамиятига молик масалани миллий ва глобал даражада жамоатчилик томонидан очиқ муҳокама этилиши, аҳоли томонидан интернет орқали ўз фикрларини эркин билдириши² амалдаги ҳолатни ифода этади.

Давлат ташкилотларини фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилиниши, жамоатчилик томонидан тегишлилиги бўйича давлат органлари фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан танқидий фикрларни билдирилиши, давлат ташкилотлари матбуот хизматлари томонидан бу каби ҳолатларда тушунтириш беришлари одатий ҳолатдир. Шу ўринда, барча давлат идораларида ахборот хизматининг ташкил этилиши³, ташкилотлар очиқлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023. [30.04.2023. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси \(lex.uz\)](http://lex.uz).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони. ПФ-158-сон 11.09.2023. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида (lex.uz).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда

таъминланиши аҳоли ва кенг жамоатчиликни ислоҳотларни амалга оширилишида иштирокини фаоллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Янги тараққиёт давридаги кенг қамровли ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида том маънода демократик институтлар фаолиятини ривожланиши кўзатилмоқда. Мазкур институтлар фаолиятининг жадаллашуви, шу баробарда, сўз эркинлиги, ахборот очиқлиги ва халқ билан мулоқот тобора кундалик воқеъликка айланиб бориши баробарида аҳоли орасида фаоллик, даҳлдорлик ва ташаббускорлик ҳаракати ва тушунчаларини юксалишини сабабчиси бўлмоқда.

Айниқса, маълумотлар очиқлиги ва электрон оммавий ахборот воситаларининг кенг тарзда фаолияти аҳоли, хусусан, ёшларимизни жамиятда кечаётган ислоҳотлар, ислоҳотларни амалга оширилиши натижасида ёшларни жамиятда ўз ўрниларини топишлари учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида тезкор ахборотга эга бўлиш ва ушбу имкониятлардан самарали фойдаланишлари расмий ва норасмий электрон оммавий ахборот воситаларининг бугунги кунда жамият ҳаётини фаоллашуви учун қанчалик ижобий аҳамият касб этаётганлигини намоён этади.

Вужудга келган кенг ахборот маконидан мақсадли ва манфаатли фойдаланиш йўлга қўйиш, инсон камоли ва уни жамиятга интенсив интеграцияга тускинлик қилувчи маълумотлардан сақланиш мақсадида ўниб-усиб келаётган авлодни ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, ахборотни манбаига қараб таснифлаш кўникмаларини шакллантириш масаласи ҳам долзарблиги ошиб бормоқда. Айнан, шу нуқтаи назардан, бугунги ёш авлодни саводхонлигини ошириш давр талабидир.

Тадқиқотлар натижалари ёшларга замонавий ахборот воситалари – интернетнинг ва интернет оммавий ахборот воситалари, ва айниқса, ижтимоий тармоқларнинг таъсири катталиги намоён этмоқда. Ижтимоий тармоқлар инсонлар ҳаётига чуқур кириб бориб, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, кўпчилик ёшлар вакиллари учун реал ҳаётдан кўра Интернетда мулоқот қилиш қулайроқ. Бу шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини топишида салбий из қолдиради, уни янада чеклайди.

Ижтимоий тармоқларнинг ҳамма учун қулайлиги, тезда ахборот алмашиш мумкинлиги, ижтимоий тармоқлар орқали ўз дунёқарашини намоён қилишнинг энг қулай усули сифатида фойдаланувчи ёшлар орасида унинг жуда машҳурлиги туфайли таъсири жуда юқори экани. Ҳозирги замон ёшларининг ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиши, киберсоциаллашув таҳдидини келтириб чиқармоқда.

Мазкур ҳолатлар, ўз ўрнида ортқа қайтмас жараён бўлиб, бу ўз ўрнида ушбу вазиятларга мослашувчанлик асосида ривожланишни тақозо этмоқда.

4.3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёш хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги ўрни

Ўзбекистонда янги тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг демократик ислоҳотларда фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асос яратилди. Ислоҳотларнинг барча жабҳаларида уларнинг фаол иштирокининг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий имониятлари шакллантирилди. Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, оила, оналик ва болалик манфаатлари муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган¹. Шунинг учун ҳам қизларнинг мактабгача таълим муассасалари, ўрта мактаб, касб-ҳунар билим юртлари, олий ўқув юртларида таълим олишига алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги яратувчилик, тарбиявий, маънавий-маърифий ишлардаги фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи жамоат бирлашмалари таркибидаги фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики, “Аёл қадр, инсон қадр улуғланган юртда тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака албатта барқарор бўлади”². Ана шу устуворлик мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларда ҳал қилувчи йўналиш сифатида доимо олий раҳбарият эътиборида бўлиб қолмоқда.

2022 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015. – 46-модда. – Б. 7. <https://constitution.uz/uz>. (мурожаат қилинган сана 13.05.2022).

² Мирзиёев Ш.М. Муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2021 йил 7 март, №48 (7828). – Б. 1-2. <https://xs.uz/uz/site/newspaper?page=31>. (мурожаат қилинган сана 13.05.2022).

кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли қарори қабул қилиниши ислохотларда хотин-қизларнинг роли муҳим ўрин эгаллашидан дарак беради¹. Ушбу мақсадни таъминлаш учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолияти йўлга қўйилди ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолияти жонлантирилди. Хусусан, мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли ҳамда “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сонли фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириб бориш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича ишлар истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакат раҳбарияти эътиборида бўлган. Хусусан, 1991 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси тузилган. Ушбу нодавлат ташкилотининг асосий вазифалари мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами билан боғлиқ эди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси таркибига ҳаммаси бўлиб 1 та республика – Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмиталари, 38 шаҳар, 170 туман жамоалари ва турар жойларда ташкил этилган хотин-қизлар қўмиталари кирган.

Мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишида фаол қатнашишлари соҳасидаги умуммиллий сиёсатни амалга ошириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли қарори. 2022 йил 25 апрель. <https://lex.uz/uz/pdfs/5980203> (мурожаат қилинган сана 05.05.2022).

бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилишга эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ва жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раисларига ҳоким ўринбосари мақоми берилди¹.

Шунингдек, хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор бериш муҳим вазифага айланди. Бозор иқтисодиёти шароитида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш масалаларига ислоҳотлар жараёнида алоҳида эътибор берилди.

Янги тараққиёт босқичида кекса аёлларга доимий равишда ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилди. 2016 йил 1 январидан бошлаб қаровга муҳтож ногирон ва ёлғиз кексаларга ҳар куни, яъни ҳафтада етти кун хизмат кўрсатиш жорий этилди². Ўзбекистонда аёллар 54 ёшга тўлганида ва иш стажи камида 20 йил бўлганида пенсия олиш ҳуқуқига эга. Мамлакатимизда 1999 йилнинг “Аёллар йили” деб эълон қилиниши мунособати билан аёлларнинг пенсияга чиқиш ёши бир йилга камайтирилди. Статистик маълумотларга қараганда 2014 йилда 2840,5 минг пенсионер ҳисобга олинган, шундан 1698,2 минг нафари аёллардан иборат. Ёшга кўра пенсия оладиган аёллар 67,1 фоизни ташкил этади³. Фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида хотин-қизларга миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи ғояларнинг хотин-қизлар онгига таъсирини камайтириш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этишга

¹ Усмонова Н. Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш – доимий эътиборда. https://uza.uz/uz/posts/hotin-qizlar-himoyasi-doimiy-etiborda_270809. (мурожаат қилинган сана 05.05.2022).

² Содикова Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2016. – Б. 52.

³ Аёллар ва эркаклар. Статистик тўплам 2014. – Тошкент, 2014. – Б. 196.

уринишларга қарши қаратилган ишларни самарали ташкил қилиш ҳам хотин-қизлар ташкилотининг амалий ишларида муҳим ўрин эгаллайди.

Жамиятни рақамлаштириш даврида хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорлик, бу ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнларида, жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтириш ҳам муҳим масаллар қаторига киритилди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари такомиллашуви даврида, ислохотларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг шахсий қизиқишларини ҳимоя қилиш, турли-туман маънавий ва маданий талабларини қондириш, аёлларга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам бериш, оилани, оналик ва болаликни, халқлар ўртасидаги дўстликни ва ўзаро ҳамкорликни муҳофаза қилиш, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун аёлларнинг халқаро демократик ҳаракатида аёлларнинг иштирокини таъминлашга эътибор қаратилди.

Шунинг учун ҳам, ушбу стратегик мақсадни амалга ошириш учун 2004 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони қабул қилинди¹. Ушбу ҳужжатда республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш лозимлиги асосий вазифа сифатида эътироф этилди.

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш давомида хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг чуқурлашиши жараёнида хотин-қизларни янги иш ўринлари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Тошкент, “Адолат”, 2004 й., 21-сон, 251-модда.

шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, ушбу мақсадга йўналтирилган тизимли равишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жамият тараққиётининг янги босқичида, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамият касб этадиган, яъни хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга, уларни иш ўринлари ва имтиёзли кредитлар билан таъминлашга эътибор қаратилиши натижасида аёллар орасида хунармандчилик турлари ривожланишига эришилди. Ушбу мақсадда мамлакатимизда касаначилик фаолиятининг йўлга қўйилиши туфайли хотин-қизларга мос хунарлар қайта тикланди. Жумладан, уйда фарзанд тарбияси билан банд бўлган опа-сингилларимизнинг каштачилик, зардўзлик, тикувчилик каби хунарлар билан шуғулланишига имконият яратилди. Жумладан, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан 2022 йилнинг январь-апрель ойларида 8 294 нафар хотин-қизларнинг тадбиркорликнинг турли йўналишдаги лойиҳаларини молиялаштириш бўйича 191,9 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 8 475 нафар аёлларнинг бандлиги таъминланди¹.

Ўзбекистон Хотин-қизлар давлат кўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан юртимиздаги барча маҳаллаларда ёшлар ўртасида балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, ёшларга оиланинг муқаддаслиги, психологик муносабатлар ҳақида кенг тушунча бериш йўлга қўйилган. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари раҳбарлигида оила шифокорлари, худуддаги мактаб, коллеж ва лицейлар педагог ва психологлари, катта ҳаёт тажрибасига ҳамда ёшлар билан ишлаш маҳоратига эга онахонлар ёшлар тарбиясида яқиндан ёрдам бермоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий соҳаларда ўз иқтидорларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мамлакатимизда гендер сиёсатини амалиётга жорий этиш учун муайян ишлар амалга оширилди. Натижада, 2015 йилга келиб “Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар

¹ «Микрокредитбанк» тўрт ойда хотин-қизларнинг тадбиркорлиги учун қанча имтиёзли кредит ажратди? <https://xabar.uz/iqtisodiyot/mikrokreditbank-tort-oyda-xotin-qizlar>. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

ташкил этгани, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида юзлаб опа-сингилларимиз фаол иш олиб бораётганини қайд этиш ўринлидир”¹. Шунингдек, 2018 йил ҳолатига кўра давлат ҳокимияти органларида фаолият юритаётган хотин-қизлар 321 нафарни, Қорақлпоғистон Республикаси Жуқорғи кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман/шаҳар кенгашларида депутат хотин-қизлар 1516 нафарни, тармоқлар бўйича раҳбарлик лавозимидаги хотин-қизлар 30414 нафарни, фахрий унвонлар, орден, медаллар ва давлат мукофотлари билан тақдирланган аёллар 2466 нафарни ташкил этган². 2021 йил ҳолатига кўра мамлакатимизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этиб, бошқарув тизимида уларнинг улуши 33 фоизга етган. Бу борадаги салоҳиятни янада ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани қайд этилган³. Мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини изчил кенгайтириб бориш мақсадида давлат ташкилотлари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда⁴.

2019 йилда бўлиб ўтган сайловлар натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини, Сенат аъзоларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 31 фоизи ҳам жонкуяр, фаол аёллардир. Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-поғонага кўтарилди⁵.

Хотин-қизларнинг мамлакатамизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган 13 нафар аёл Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, 212 нафар иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ деб топилди, ҳамда 100 га яқин хотин-қиз мумтоз кўшиқчилик, академик ижро, эстрада, опера, балет, чолғу ижрочиси, анъанавий ижрочилик,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги.// Халқ сўзи, 2015 йил 7 март.

² Ўзбекистон бошқарув тизимида аёллар улуши 33 фоизга етди. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-boshqaruv-tizimida-ayollar-ulushi-33-foizga-etdi>. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

³ Ўзбекистон бошқарув тизимида аёллар улуши 33 фоизга етди. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-boshqaruv-tizimida-ayollar-ulushi-33-foizga-etdi>. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

⁴ Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йиғилишида нутқ сўзлайди. <https://president.uz/uz/lists/view/4178>. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

⁵ Нарбаева Т. Ўзбекистонлик хотин-қизлар илм, маърифатга йўғрилган ислохотлар, эзгу ишлар йўлида она Ватан равнакига муносиб ҳисса қўшмоқда. 18 Март 2020 йил. <https://strategy.uz/index.php?news=879>. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

рақс йўналишларида “Ниҳол” мукофоти билан тақдирланган¹. Демократик ислохотлар чуқурлашувида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2015 йилда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 110 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 44 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келган. Санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 530 дан зиёд ўқувчи ва талабаларимиз ғолибликка эришган ва уларнинг 240 нафарга яқини қиз болалар бўлган. 2013-2015 йилларда 1 минг 850 дан зиёд истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозониб, уларнинг 620 нафарга яқини қизлар улушига тўғри келади².

Мамлакатимизда фаол хотин-қизлар “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлган.

2017 йил 7 февралда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонда ҳам “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш”³ устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси қошида хотин-қизларнинг қизиқишларига мос равишда ижодий уюшмалар тузилган. Жумладан, “Олима” аёллар уюшмаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, “Сен ёлғиз эмассан”, “Аёл ва саломатлик”, “Илм-фан ва аёл”, “Ижодкор аёллар”, “Ҳуқуқшунос аёллар”, “Фахрий аёллар” уюшмалари⁴ фаолият кўрсатмоқда.

2016 йилдан бошлаб Ҳаракатлар стратегияси асосида

¹ Саидов И. Хотин-қизлар ҳаётида ҳуқуқнинг ўрни: оила ва ҳуқуқий маданият. <http://www.adolatnashr.uz> 8.03.2015.

² Каримов И.А. Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги.// Халқ сўзи, 2015 йил 7 март.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони.

⁴ Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси қошидаги уюшмалар. <https://wcu.uz/uz/associations>. (мурожаат қилинган сана 05.05.2022).

мамлакатимизда аёллар ва уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги нуфузини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2018 йилда 75784 нафар, 2019 йилда 41500 нафар, 2020 йилда 80000 нафар, 2021 йилда 900000 нафар хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди ҳамда масъул идоралар томонидан муаммолари ижобий ҳал этилди.

Мазкур даврда хотин-қизларни уй-жойга эга бўлишларига ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Бу мақсадларда биргина 2021 йилда имтиёзли кредитлар асосида уй-жойлар учун 18 минг аёлларга 400 млрд. сўм маблағ ҳамда тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун 126 мингга яқин хотин-қизларга 2 трлн. сўм маблағлар йўналтирилган¹. 2018 йилда 24660 нафардан ортиғига 21 млрд 540 млн сўмга яқин моддий ёрдам берилиши², 2020 йилдан бошлаб, “Аёллар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилиши³ хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиб, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошироқда.

Хотин-қизларни иш билан банд қилиш, янги иш жойи таъминлаш муаммоси ҳам доимо давлат ташкилотларининг диққат марказида. 2018 йилда 18 мингга яқин, 2019 йилда 170 минга яқин, 2020 йилда 32 минг нафар хотин-қизлар бандлигига эришилди ҳамда 2021 йилда 320 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди ва янги касбларга ўргатилди. 2019 йилда 21500 нафар қизлар қисқа муддатли касб-хунар курсларида ўқитилди ва бу ишлар ҳар йили мунтазам амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу мақсадда, 2021 йилда олий таълимда қизлар улуши 2021 йилда 45,4 фоизни ташкил этди⁴. 2021 йилда 2 мингдан ортиқ қизларга давлат гранти асосида таҳсил олиш имконияти берилди ва 2

¹ Мирзиёев Ш.М. Муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2021 йил 7 март, №48 (7828). – Б. 1-2. <https://xs.uz/uz/site/newspaper?page=31>. (мурожаат қилинган сана 13.05.2022).

² Мирзиёев Ш.М. С безграничной любовью, уважением и почтением к светочу жизни – женщинам. Выступление Президента Республики Узбекистан на торжественной церемонии, посвященной международному женскому дню. 8 март 2019 йил <https://president.uz/uz/lists/view/2417>. (мурожаат қилинган сана 13.05.2022).

³ Хотин-қизлар учун улкан имкониятлар белгиланди. <https://xs.uz/uzkr/post/khotin-qizlar-uchun-ulkan-imkoniyatlar-belgilandi>. 01 март 2022 йил. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

⁴ Number of female students in higher education organizations. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>. (мурожаат қилинган сана 14.05.2022).

мингдан зиёд талаба қизлар таълими молиялаштирилди¹.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида йил сайин давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан тобора кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қизлар орасида илм-фан, реал секторнинг устувор йўналишларида фаолият юритиш, замонавий техник ва технологик жараёнларни англаш ва ҳаётда қўллаш имкониятлари яратилди². Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур доирасида, асосан хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилади. Пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида жойларда университетнинг техникумлари ҳам очилади. 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, таълим контрактларини тўлаш учун қизларга 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилинади. Бунинг учун, жорий йилда банкларга 1 триллион 800 миллиард сўм, келгуси беш йилда 8 триллион сўм маблағ ажратилади. Магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади. Шунингдек, эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетдан тўланиши белгиланди.

Рақамли жамият шароитида олима аёллар улушини сезиларли ошириш учун докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади. Мономарказлар ва олий ўқув юртлари қошида ташкил этиладиган Малакани баҳолаш марказларида аёлларни талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқитиш белгиланди.

2022-2024 йиллар учун “Тадбиркор аёллар” дастури қабул қилиниши белгиланди. Унинг ижросига жами 8 триллион сўм йўналтирилади. Аёллар учун тадбиркорлик курслари ташкил этилади, имтиёзли кредитлар берилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида хотин-қизлар фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган жамоат ташкилотларининг ривожланиши учун барча имкониятлар вужудга келди. Хотин-қизларни ўз қаторига бирлаштирган жамоат ташкилотлари, аёлларнинг демократик ислоҳотлардаги иштирокини таъминловчи муҳим восита ва омиллардан ҳисобланади. Хотин-

¹ Хотин-қизлар учун улкан имкониятлар белгиланди. <https://xs.uz/uzkr/post/khotin-qizlar-uchun-ulkan-imkoniyatlar-belgilandi>. 01 март 2022 йил. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

² Эргашев Ш.Ш., Зиё А.Х., Кодиров Н.Н. Исторические особенности развития информационных ресурсов Республики Узбекистан (на примере 2000-2019 гг.). / «Вопросы истории» № 1(1), 2022. – С. 223-230.

қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга мўлжалланган тадбирлар натижасида қизлар ўзларининг фуқоралик жамиятида муносиб ўринларини топмоқда, ўтказилаётган оммавий тадбирлар, спорт мусобоқалари, турли танловларда, фан олимпиадаларида бевосита иштироки билан интеллектуал, жисмоний, меҳнатсеварлик, гўзалик имкониятларини намоён қилмоқда. Хотин-қизларнинг ислохотларда фаол иштироки туфайли ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги поғоналарига эришилди, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамланди. Хотин-қизлар Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун олиб борилаётган кенг қамровли ишга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқдалар.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ишлаб чиқилган уч босқичли дастурга асосан уларнинг ҳуқуқий базаси мустакамланиб, хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотлари сафи юқори малакали кадрлар билан тўлдирилди. Иккинчи босқичда, кадрлар тизимида кечаётган жараёнлардан хабардор этилиб, уларга хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва мақсадлари ҳақида кенг тушунчалар берилди. Ниҳоят, сўнгги босқичда барча тармоқ ва соҳалардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Гарчи республикада хотин-қизлар фаоллигини, уларни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини ошириб бориш борасида кенг миқёсда амалий ишлар амалга оширилса-да бу борада ҳам қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, ёш қизларимиз, қолаверса, аёлларимиз орасида етарли билимларга эга бўлмаслик асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан давлат ташкилотлари томонидан жамиятнинг янги тараққиёт босқичида қизлар таълимига катта эътибор қаратилиши, уларга қатор имтиёзлар тақдим этилиши натижасида яқин келажакда, аниқроғи, 3-4 йилда бу борада дастлабки ижобий натижалар кузатилиши кутилмоқда.

Жамиятнинг рақамлашуви яқин келажакда хотин-қизлар томонидан замонавий технологияларни, янгича иш юритиш услубларини ўзлаштиришларини талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, бу борада тизимли ишларни амалга ошириш талаб этилади. Хусусан, маънавий-маърифий ишлар, янги иш ўринларини яратиш, хотин-

қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Бундай тизимли вазифани амалга ошириш учун хотин-қизларга давлат ташкилотлари ёрдами муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида қайд этиш лозимки, жамиятда шаклланган ва ислоҳотлар давомида муҳим аҳамият касб этадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ҳам муҳимдир.

ХУЛОСА

Собиқ Иттифоқ парчаланиши ва Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлиги қадам қўйиши даврида мамлакатимиз мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга эга бўлган жамиятда эркин ва демократик тамойиллар асосида фуқаролик жамиятини барпо этишни режалаштирилди. Мазкур стратегия асосида босқичма-босқич мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий меъёрий асослари, институтлари шакллантирилди. Ушбу ислохотлар баробарида энг муҳим омил бўлган фуқаролар ва жамият аъзоларининг дунёқарашини янги демократик фуқаролик жамияти қонун қоидалари асосида юксалтиришга эришиб борилди.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида ислохотларнинг амалга оширилиши ва уларнинг амалий ҳаётимиздаги реал ифодаланиши натижасида аҳоли дунёқарашини янги эркинлик, тенг ҳуқуқлилиқ, сўз эркинлиги, шахс манаатларини ҳимояси кафолатлари каби улғувор ғояларнинг мустаҳкам ўрин эгаллашига гувоҳ бўлдик. Айниқса, бу жараён ёш авлод тафаккурида яққол ўз ифодасини топмоқда. Бу эса ўз ўрнида ўзининг мустаҳкам фуқаролик позициясига, мустақил тафаккурга, юрт равнақи ва жамият ривожини ҳамда мамлакатда кечаётган ходисалар дахлдорлик ҳиссига эга бўлган янги авлод шаклланиши билан давлат ва жамиятнинг мустаҳкам пойдевори яратилди, келгуси тараққиётининг кафолати вужудга келтирилди деб таъкидлай оламиз. Зеро, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлатнинг ёшларга оид сиёсати аниқ шакллантирилган. Ушбу сиёсатнинг туб моҳиятида кўп миллатли юртимизни таянчи ва келажагининг кафолати сифатида етишиб келаётган ёш авлод тан олинган уларнинг ўз-ўзини ривожлантириши, жамиятда ўз ўрнини топиш учун шарт-шароитларни яратилиши, келгусида тараққиёт ва ривожланиш суратларини ўз меъёрида ва янгидан-янги давр талабларига мослаштирган ҳолда давом эттира оладиган етук авлод вакиллари сифатида тарбиялаш энг муҳим ва долзарб вазифа сифатида белгиланган эди.

Келтирилган омиллар асосида, мустақил Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви тенденциялари, инсониятнинг глобал тараққиётнинг суръатлари таъсирида ўзгаришлар билан изчил ривожланиб бораётган ғоявий ва мафкуравий манзарасига мослашувчанлик ҳамда шиддатли тараққиёт одимлари вужудга

келтирган янги ижтимоий-маънавий, иқтисодий-сиёсий чақириқларга мослашувчанликни намоён этган ҳолда жамиятда ислохотлар амалга оширилиб борилди. Амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти доимий равишда такомиллаштирилиш баробарида, уларнинг ёш авлодни етук ва замонавий билимларни эгаллаган ижтимоий фаол шахс сифатидаги шаклланишидаги иштирокининг ҳуқуқий ва институционал асослари доимий такомиллашиб борди. Бугунги кунга келиб, мавжуд барча фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ёш авлод тарбияси, улар манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар кўп қисми ташкил этмоқда.

Ушбу ислохотлар ва уларнинг натижасида содир бўлаётган ижтимоий-маънавий ҳаётдаги туб ўзгаришлар моҳиятан ёшларга оид давлат сиёсатининг амалда ижросини ўзида намоён этади. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини шаклланиш ва амалга ошириш жараёнини икки босқичга бўлган ҳолда тадқиқ этиш мумкин. Мазкур хронологик даврлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунлари детерминанд қилиб олинади. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг мустақил фаолият тури сифатида вужудга келиши, унинг меъёрий-ҳуқуқий ташкилий асосларининг шаклланиши ва ёшларга оид давлат сиёсати субъектларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши биринчи босқичнинг ўзига хосхусусиятлари ҳисобланади. Иккинчи босқичини эса ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ таърифланиши, устувор йўналишлар ва тамойилларнинг белгиланиши ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ва нодавлат ташкилотларнинг қатъий белгиланиши, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари ва технологияларининг замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиши кабилар билан тавсифлаш мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уни изчил ва доимий такомиллаштирган шаклда амалиётга татбиқ этиб борилиши натижасида янгича фикр юритувчи, замонавий касбларни эгаллаган янги авлодни шаклланишига замин яратиди ва амалда бунинг натижаларини ёшларимизнинг халқаро миқёсда эришаётган ютуқлари, янги авлод мутахассисларини юртимизда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларида кўрмоқдамиз.

Айниқса, Ўзбекистон аҳолисининг 60%дан ортиғини ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ёшларга оид давлат сиёсати жамият ҳаётининг катта қисмини ташкил этиши маълум бўлади. Яъни, таъкидлаш жоизки, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш баробарида юртимиз ёшлари учун кенг миқёсда бинолар, иншоотлар, ёшлар учун таълим ва тарбия берувчи ташкилот ва муассасалар ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда ижтимоий соҳа изчил ривожлантирилмоқда.

Ёшлар сиёсатини изчил амалга оширилиши жараёнида бугунги кунда кўп миллатли халқимизнинг узок асрлик миллий қадриятлари, буюк тарихий тажрибаси, бой маънавий меросини тикланиши баробарида ушбу умуминсоний ва улуг қадриятларни янгича замонавий шаклларда ёшлар орасида оммалашуви бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, бугунги кунга келиб юртимизда хайрли ишларни амалга оширилаётган турли ҳил қволонтёрлик ҳаракатларида бб мингдан ошиқ ёшларимизнинг ихтиёрий равишда иштирок этишлари бунг исбот бўла олади.

Бироқ, кенг миқёсда ишлар амалга оширилиб келинаётган, ёшларнинг замон талаблари асосида юксак малака ва мутахассисликларни эгаллашлари, уларнинг бугунги кун жамиятида ўзининг муносиб ўрнини топишлари учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратилишига қарамасдан бу соҳада қатор муаммолар мавжуд ва уларни бартараф этиш учун кенг миқёсда ислохотларни янада давом эттириш муҳимдир. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Биринчиси, бугунги кунда Ўзбекистонда “демографик дивидент” каби ноёб ижобий ходиса содир бўлаётганлиги бир томондан бу борада ишларни кўламини доимий ошиб боишига сабаб бўлайтган бўлса, иккинчи томондан ушбу ноёб ҳолат ёшлар тарбияси ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ишларни янада масъулият ва сифат амалга оширишга ундамоқда. Иккинчиси, ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнида дунёнинг изчил ва шиддат билан ўзгариб бораётганлиги шароитида усул ва воситаларнинг тез-тез ўзгариши ва такомиллашувини ҳамда соҳада мутахассислар малакасига бўлган талабларни баробарига ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз ўрнида бу борада ишларни тезкорлик ва сифат билан амалга оширилишида ўзига хос жиддий тусиқ бўлиб қолмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кўплаб ишлар амалга оширилишига қарамасдан жойларда ёшларнинг ижтимоий-

иктисодий фаоллигини ошириш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, шу жумладан ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш учун зарур инфратузилманинг мавжуд эмаслиги, йигит-қизларнинг соғлом турмуш тарзига риоя этиш, спорт билан шуғулланиш, китоб ўқиш ва ижод қилишларига тўсқинлик қилувчи айрим тизимли муаммолар сақланиб қолаётганини қайд этиш лозим.

Дарҳақиқат, ҳозирда барча соҳаларда ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда Ўзбекистонда ижтимоий фикр анча фаоллашган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан сиёсий-ҳуқуқий қарорларда ёшлар манфаатларининг акс этиши ва унинг стратегик йўналишлари бевосита 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларда ёшлар манфаат ва эҳтиёжлари ўз аксини топган. Яъни, бу ислохотларни ўзида акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёшларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ барча йўналишларни қамраб олган.

Лекин, шунга қарамасдан, ёшлар омили нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё миқёсидаги жиддий ва стратегик масала эканлигини инсониятнинг яқин ўтмиш тарихи исботлаб берди. Шу нуқтаи назардан, ёшлар сиёсати масаласи бутун дунёдаги жамиятларда уствор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу борада, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридан туриб ёшлар масалаларига бир неча маротаба жахон ҳамжамияти эътиборини тортиши ҳам бунга исбот бўлади.

Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширилишига муҳим амалий таъсир ўтказувчи фуқаролик жамияти интитутини сиёсий партиялар ҳисобланади. Чунки, сиёсий партиялар ўз фаолиятида бевосита ёшлар тарбияси ва уларнинг зарурий фазилатларга эга бўлган мутахассис ва шахс сифатида шаклланишига таъсир ўтказиш баробарида жамиятнинг ҳуқуқий ва институционал ривожланишида ҳам бевосита иштироки ва ўтказиши мумкин бўлган таъсири орқали ислохотлар амалга оширилишида фаол иштирок этади.

Ўзбекистонда мавжуд барча партияларнинг низомлари ва ҳаракат дастурларида ёшлар омилига бўлган муҳим эътибор кўзатилади. Айниқса, ёшлар қатламини партия сафини янги фаол аъзолар билан тўлдиришнинг энг асосий манби сифатида кўришлари

натижасида уларнинг фаолиятида ёшлар мавзуси доимий эътиборда. Шу билан бирга, жамиятимизда ёшларнинг аҳамиятини ва келажакдаги ҳал қилувчи ролини тўлиқ англаган ҳолда партиялар ўз вакиллари ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги фракциялари орқали ёшларга оид муҳим ислохотларни амалга оширилишида ҳайрихоҳлик қилмоқдалар ва фаоллик кўрсатмоқдалар. Таъкидлаш мумкинки, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширилишидаги ислохотларни руёбга чиқарилишида сиёсий партиялар катализаторлик вазифасини ўтамоқдалар.

Ўтган аср 90-йиллари давомида Ўзбекистонда янги давлатчилик асослари яратилиши баробарида, фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий ва институционал асосларини шакллантирилган бўлса, янги аср бошига келиб яратилган мазкур ижтимоий-сиёсий институтлар жаҳон тараққиёти тенденцияларига мос равишда такомиллашуви содир бўлди. Хусусан, шу 20 йиллик давомида Ўзбекистонда миллий, тарихий-маданий мероснинг тикланиши, кўп миллатли халқнинг ўзини англаши жараёнлари билан бир қаторда дунё ҳамжамиятига, глобаллашув жараёнларида изчил интеграциялашув, турли ҳил ёт ғоялар ва ахборот хуружлари каби жиддий геосиёсий, геомафкуравий ўзгаришларга мослашиб тараққиёт йўлида давом эттиришдек муҳим вазифалар вужудга келди. Бу воқеликлар ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш жраёнида пўхта уйланган мазмун ва моҳиятни амалиётда жорий этишни, изчил чораларни кўришни тақозо этди.

Шу изчил кечган ислохотлар давомида бир қатор фуқаролик жамияти институтлари институционал нуқтаи-назардан такомиллаштириб борилди. Бундай фуқаролик жамияти институтлари сифатида аҳоли турмуши ва анъаналарида бир неча минг йиллик қадриятларга эга бўлган маҳалла институти, шиддат билан трансформация бўлиб бораётган оммавий ахборот воситаларини санаб ўтиш мумкин. Хусусан, келтирилган маълумотлардан маҳалла институтини истиқлол йилларида бир неча босқичда ислох этиб борилишини гувоҳи бўламиз. Бироқ, маҳалла институтини реал ислох этилиши, ислох этилганда жаҳон тажрибасининг энг ижобий тажрибаларини қўллаган ҳолда ривожлантирилиши 2017 йилдан бошланди. Бугунги кунда маҳалла институти алоҳида яҳлит тизим сифатида ривожлантирилмоқда.

Ундан ташқари, глобал ривожланиш суръатларига мос равишда ва демократик жамият ва фуқаролик жамиятининг муҳим омили

бўлган оммавий ахборот воситалари жадал трансформацион жараёнларни бошдан кечирди. Бу борада, халқаро даражадаги ривожланиш ва соҳада коммуникацион технологияларнинг изчил қўлланиши каби янгиликлар бу борада аввало ҳуқуқий пойдеворни такомиллаштириш, кейин соҳа мутахассисларини давр талаблари бўйича тайёрлаш ҳамда кенг оммага муносиб контентга эга маълумотларни тақдим этиш бўйича кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилди ва бугунги кунда бу соҳада тўхтовсиз ривожланиш ва ўзгаришлар давом этмоқда.

Умумий ҳолатда, аҳолисининг 60% дан ортиғини етишиб келаётган янги авлод вакиллари ташкил этган жамиятимизда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш ва бунда фуқаролик жамияти институтларини иштирокини ошириб бориш борасида истиқлол йилларида, ва айниқса, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида кенг миқёсда ва тезкор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўз ўрнида давлат ва жамоатчилик томонидан тезкорлик ва ташаббускорликни талаб этмоқда. Халқаро миқёсда инсон ҳуқуқлари, сўз ва матбуот эркинликлари, ёшлар авлодга яратилаётган шарт-шароитларнинг яратилиши бўйича юқори эътирофларга эришишимиз бу борада салмоқли ижобий натижаларни қўлга киритилаётганлигини далолатидир. Мазкур соҳаларнинг изчил трансформацияси билан бир қаторда аҳоли, фуқаролар ва умуман инсонлар онги ва тафаккурида ғоявий юксалиш содир бўлаётганлигини ишонч билан таъкидлашимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Расмий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015. – 46-модда. – Б. 7. <https://constitution.uz/uz>. (муружаат қилинган сана 13.05.2022).

2. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ЎРҚ-88-сон Конституциявий Қонуни. ЎРҚ-88-сон 11.04.2007. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида (lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ЎРҚ-76-сонли Қонуни. ЎРҚ-76-сон 03.01.2007. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида (lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-194-сонли Қонуни. ЎРҚ-194-сон 25.12.2008. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (lex.uz).

5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-376-сонли Қонуни. ЎРҚ-376-сон 25.09.2014. Ижтимоий шериклик тўғрисида (lex.uz).

6. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни. ЎРҚ-406-сон 14.09.2016. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида (lex.uz).

7. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни. ЎРҚ-406-сон 14.09.2016. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида (lex.uz).

8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги

“«Келажак бунёдкори» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги 451-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг 28.12.2017 й. ЎРҚ-451-сон «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 15.11.2017 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 20.12.2017 й. маъқулланган) | BUXGALTER.UZ.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сонли Қонуни. ЎРҚ-474-сон 12.04.2018. Жамоатчилик назорати тўғрисида (lex.uz).

10. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда “Касаба уюшмалари туғрисида”ги ЎРҚ-588-сонли Қонуни. ЎРҚ-588-сон 06.12.2019. Касаба уюшмалари тўғрисида (lex.uz).

11. ЎРҚ-350-сон 22.04.2013. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (lex.uz). 609-П-сон 29.04.2004. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида (lex.uz).

12. ЎРҚ-363-сон 27.12.2013. Экологик назорат тўғрисида (lex.uz).

13. ЎРҚ-369-сон 05.05.2014. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида (lex.uz).

14. ЎРҚ-376-сон 25.09.2014. Ижтимоий шериклик тўғрисида (lex.uz).

15. ЎРҚ-585-сон 02.12.2019. Волонтёрлик фаолияти тўғрисида (lex.uz).

16. ЎРҚ-863-сон 18.08.2023. «Волонтёрлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (lex.uz). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 367-сонли қарори. 367.pdf (norma.uz).

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сонли Қарори. 250-сон 28.04.2021. Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги “Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида “ги 583-сонли қарори. 583-сон 01.12.1993. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида “ги 207-сонли қарори. 207-сон 31.05.1996. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz).

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги “Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида” ги 240-сонли қарори. 240-сон 30.05.2001. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида (lex.uz).

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида”ги 70-сонли қарори. 42-банд. 70-сон 07.02.2003. »Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида (lex.uz).

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида”ги 70-сонли қарори. 89-102-банд. 70-сон 07.02.2003. »Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида (lex.uz).

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрдаги 209-сон қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги “«YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» Давлат Дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 962-сонли қарори. 962-сон 27.11.2018. «Yoshlar-kelajagimiz» Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралда “2019–2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 118-сонли қарори. 118-сон

13.02.2019. 2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz).

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 923-сонли қарори. 923-сон 21.11.2019. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида (lex.uz).

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 августдаги “Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 649-сон қарори. 649-сон 05.08.2019. Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 60 модда.

31. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Тошкент, “Адолат”, 2004 й., 21-сон, 251-модда.

32. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 3 июлдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги кўшма қарори. 842-I-сон. 842-I-сон 03.07.2008. Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

33. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби тўғрисида”ги 119-IV-сонли қарори. 119-IV-сон 25.02.2020. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби тўғрисида (lex.uz). (мурожаат қилинган сана – 05.02.2024).

34. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни (23.03.2019 й. 6300-хх).

35. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 8 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 79-сон баёни (21.10.2020 й. 02-2997).

36. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 27 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 5-сонли баёни (02.02.2021 й. 02-РА 1-2272).

37. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. 17 август 2021 йил. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда (president.uz).

38. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.

39. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (president.uz).

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>. 20.12.2022.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли қарори. 2022 йил 25 апрель. <https://lex.uz/uz/pdfs/5980203> (мурожаат қилинган сана 05.05.2022).

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги фармони. 2007 йил 18 май. Ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 16-18.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар

иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 6 июль.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февраль қарори. // Халқ сўзи, 2011, 10 февраль.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПҚ-4366-сонли Қарори. 27.06.2019 й

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида”ги ПФ-1425-сонли Фармони. ПФ-1425-сон 17.04.1996. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида (lex.uz).

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-1990-сонли Фармони. ПФ-1990-сон 23.04.1998. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz)

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 ноябрдаги “Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3680-сонли Фармони. ПФ-3680-сон 16.11.2005. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида (lex.uz).

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июндаги “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли Қарори. ПҚ-107-сон 23.06.2005. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрдаги “«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-486-сонли қарори. (Мазкур қарор ПФ-6075-сонли Фармонига асосан ўз кучини йўқотган). ПҚ-486-сон

10.10.2006. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини кўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида (lex.uz).

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли Қарори. ПҚ-2691-сон 22.12.2016. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида (lex.uz).

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 феврал.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3206-сонли қарори. ПҚ-3206-сон 14.08.2017. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги “«Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3402-сонли қарори. ПҚ-3402-сон 21.11.2017. «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони. ПФ-5106-сон 05.07.2017. Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz).

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони.

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарори.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. ПФ-5349-сон 19.02.2018. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги” «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармони. ПФ-5466-сон 27.06.2018. »Yoshlar-kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида (lex.uz).

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4151-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/418885>.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4433-сонли Қарори. Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (uza.uz) (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони. ПФ-5938-сон 18.02.2020. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18

февралдаги “�збекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4740335>.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарори. ПҚ-4602-сон 18.02.2020. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида (lex.uz).

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4768-сонли қарори. ПҚ-4768-сон 30.06.2020. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида (lex.uz).

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5088-сонли қарори. ПҚ-5088-сон 21.04.2021. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5012-сонли қарори. ПҚ-5012-сон 03.03.2021. Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz)

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли Фармони.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. ПҚ-

5020-сон 05.03.2021. Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041-сонли қарори. ПҚ-5041 27.03.2021 Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори. ПҚ-92-сон 19.01.2022. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори. ПҚ-92-сон 19.01.2022. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “«Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. ПФ-158-сон 11.09.2023. «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида (lex.uz).

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сонли қарори. ПФ-209-сон 21.12.2023. Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сонли қарори. ПФ-209-сон 21.12.2023. Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи

бўгин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz).

77. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси жорий архиви маълумотлари. 2000-2008 йил ҳисоботлари.

78. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6017-сон Фармони. ПФ-6017-сон 30.06.2020. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

79. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги қонуни. 1996 йил 26 декабрь, 337-I-сон.

80. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 758-I-сон. 758-I-сон 14.04.1999. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (lex.uz).

81. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” ги қонуни 617-II-сонли Қонуни. 617-II-сон 30.04.2004. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида (lex.uz).

82. Постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по оказанию содействия развитию институтов гражданского общества в Узбекистане”, от 23.06.2005 г. № ПП-107. ПП-107-сон 23.06.2005. О мерах по оказанию содействия развитию институтов гражданского общества в Узбекистане (lex.uz).

83. Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолати тўғрисидаги Қонун. 2000 йил 25 май. 69-II-сон 25.05.2000. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (lex.uz).

84. ПФ-461-сон 28.08.1992. Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида (lex.uz).

85. 3568-сон 04.12.1992. Ўзбекистон ёшлар ишлари бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида (lex.uz).

86. 207-сон 31.05.1996. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz).

87. ПФ-1987-сон 09.04.1998. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

88. ПФ-3154-сон 24.10.2002. Ўзбекистон Болалар спортини

ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида (lex.uz).

89. ПФ-3481-сон 29.08.2004. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

90. 45-сон 14.03.2006. Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида (lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 14.03.2006.

91. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.02.2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2124-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.02.2014 й. ПҚ-2124-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори | BUXGALTER.UZ. (мурожаат қилинган сана 11.01.2024 йил).

92. ПФ-4944-сон 03.02.2017. Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

93. ПФ-4947-сон 07.02.2017. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (lex.uz).

94. ПФ-4947-сон 07.02.2017. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (lex.uz).

95. ПФ-5106-сон 05.07.2017. Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида (lex.uz)

96. 919-сон 20.11.2019. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

97. 781-сон 14.12.2020. 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz).

98. 23-сон 18.01.2021. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz).

99. ПФ-6181-сон 04.03.2021. 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz).

100. ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида (lex.uz).

101. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023. 30.04.2023. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (lex.uz).

102. ПФ-158-сон 11.09.2023. »Ўзбекистон – 2030« стратегияси тўғрисида (lex.uz).

103. ПФ-209-сон 21.12.2023. Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чоратadbирлар тўғрисида (lex.uz).

104. Таълим тўғрисидаги қонун. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 67-80.

Адабиётлар:

105. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-китоб. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 504-бет.

106. Мирзиёев Ш. Президент: Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак (president.uz).

107. Мирзиёев Ш.М. Конституция – Эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.-Т.: Ўзбекистон, 2018. 7-бет.

108. Мирзиёев Ш.М. Муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2021 йил 7 март, №48 (7828). – Б. 1-2.

109. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 12.07.2017. <http://uza.uz/oz/politics /parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017>. (мурожаат қилинган сана – 17.03.2024).

110. Мирзиёев Ш.М. С безграничной любовью, уважением и почтением к светочу жизни – женщинам. Выступление Президента Республики Узбекистан на торжественной церемонии, посвященной международному женскому дню. 8 март 2019 йил <https://president.uz/uz/lists/view/2417>. (мурожаат қилинган сана 13.05.2022).

111. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 14.
112. Brysk, A. (1995) 'Hearts and Minds: Bringing Symbolic Politics Back In'. *Polity*. Vol. 27, No. 4 (Summer, 1995). – The University of Chicago Press, - pp. 559-585 (27 pages).
113. Ergashev U., Khakimov A. Environmental problems in the works of eastern thinkers / *Ekonomika i sotsium*, 2020 - elibrary.ru №-8. – стр. 30-32. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44059778>.
114. Eric M. McGlinchey. Searching for Kamalot: Political Patronage and Youth Politics in Uzbekistan *EUROPE-ASIA STUDIES* Vol. 61, No. 7, September 2009, 1137–1150. – p. 1137-1150.
115. European Commission (2006). The demographic future of Europe – from challenge to opportunity. Commission Communication. 12.10.2006. COM (2006) 571 (Brussels).
116. Hakkı Çamur. Gençlerin aktif katılımçılığının önündeki engeller ve sivil toplum örgütlerinin rolü / (PDF) Barriers to Young People's Active Participation and Role of Civil Society Institutions ([researchgate.net](https://www.researchgate.net)). (мурожаат қилинган сана – 25 январь 2024 йил).
117. Jiyanmuratova Gulnoz. Dynamics of socio-political activity of youth in Uzbekistan under conditions of civil society. *International Journal of Social Studies*. 2020, vol. 3, issue 1, pp. 15-25.
118. Karimov Islam A (1993) Building the future; Uzbekistan - its own Model for Transition to Market Economy. Tashkent: Government Printing Office Tashkent.
119. Khajieva, I., Khujaniyazova, G., Kenjaeva, K., & Jumaniyozov, F. (2020). Foreign language competence formation of the future teacher of vocational education in the information and educational environment. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2). – PP. 360–365.
120. Muminov A (2017) Makhalla as the center and the conductor of socio-political development in Uzbekistan. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 04 (48): 103-107.
121. Pekkanen R (2006) Japan's dual civil society: members without advocates, Stanford, California: Stanford University Press. – P. 6.
122. Putnam Robert D (1995) Bowling Alone: America's declining social capital // *Journal of Democracy*. – January. – Vol. 6, No. 1. – p. 6578.
123. Абдуазимов О.У. Систематический подход к «Модели 4Т теории прессы» // *Актуальные вопросы науки: мат-лы междунар.*

науч.-практ. конф. М., 2013. С. 89–95.

124. Абдуазимова Н. Ёшлар парламенти ёшлар муаммолари ечими учун энг юқори ташкилотларга кириб бормоқда (uza.uz).

125. Абдукаримова М. Маҳаллада ёшлар билан қандай ишлаш лозим? (uza.uz).

126. Абдурахманова Н.Г. Инсон капиталига сармоя Янги Ўзбекистон тараққиёти кафолати. Инсон капиталига сармоя Янги Ўзбекистон тараққиёти кафолати - Review.uz. (мурожаат қилинган сана – 13.01.2024).

127. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. 2-нашри. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 36-37 бетлар.

128. Аёллар ва эркаклар. Статистик тўплам 2014. – Тошкент, 2014. – Б. 196.

129. Алимова Д. Жадидчилик феномени. – Тошкент: Akademnashr, 2022. – 7 бет.

130. Анализ финансовых показателей сектора произведен на основе данных 2016 года на основе ежегодных отчетов Государственному комитету по статистике.

131. Аналитический доклад. «Состояние «третьего сектора» в Узбекистане: реалии и перспективы развития». Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества. – Ташкент: 2018. – стр. 34-36.

132. Арзикулов Ф.Ф., Солиджонов Д.З. Беш муҳим ташаббус – келажакка мустаҳкам пойдевор / Scientific Progress, Volume 2, 2021 – 1020-1026 бетлар.

133. Аствацатурова М.А. Государственная стратегия в отношении партогенеза и партийного строительства: некоторые обобщения [Текст] / М. А. Аствацатурова, Л. Х. Дзахова // Человек. Сообщество. Управление. – 2007. – № 3. – С. 6.

134. Б.Шодмонов Б. Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари / FarDU.Imiy xabarlar- 2020/No1. – 90-97 бетлар.

135. Бекмуродов А., Гафуров У., Мустафақулов Ш., Катгаев Н. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. – Тошкент: Гафур Гулом, 2010. – Б. 26.

136. Бердикулов С.Н. Роль политических партий в формирование гражданского общества в Узбекистане / Філософські науки. Scientific Journal «ScienceRise» №6/1(11)2015. – стр. 116-120.

137. Бурханов Х.М. Глобллашув шароитида миллий сайтларнинг ривожланиш даври ва муаммолари / Actual problems of the history of Uzbekistan / Актуальные проблемы истории Узбекистана. – С. 735-744. <https://inlibrary.uz/index.php/history-of-uzbekistan/article/view/16567>.

138. Бурханов Х.М. Интернет коммуникацияларининг жамоатчилик фикрига ва психологиясига таъсири / Yangi O‘zbekistonda pedagogika fanini innovatsion rivojlantirish istiqbollari: nazariya va amaliyot. – б. 321.

139. Бўтабоев М., Мулайдинов Ф. Рақамли иқтисодиёт – тараққиёт мезони // Тошкент Давлат иқтисодиёт университети хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази. “Минтақавий ривожланишнинг замонавий муаммолари: озиқ-овқат хавфсизлиги, бошқарувнинг марказлаштирилмаслиги, яшаш даражасининг ўсиши” илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2020. – 150-160 бетлар.

140. Буторов А.С., Адлов Р.А. Особенности государственной молодежной политики в России и США на современном этапе. Сравнительный анализ. – Вестник РУДН. Серия: Государственное и муниципальное управление. 2021. Т. 8. № 2. С. 186–199.

141. Гукова И. Н. Развитие общественно-политической активности молодежи на основе взаимодействия органов государственной власти и институтов гражданского общества. Диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук. – Орел-2016. – с. 179.

142. Жиянмуратова Г.Ш. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шароитида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги динамикаси. / Ижтимоий тадқиқотлар журнали. 3-жилд, 1-сон. 2020 йил. – Тошкент. – 18-28 бетлар.

143. Жуманиязов Б.О. Ўзбекистонда мустақиллик даврида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. – Нукус, 2022. – Б. 18-19.

144. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 486.

145. Зборовский Г.Е., Шуклина Е.А. Образование как ресурс информационного общества// Социол. исслед. 2005. №7. - Б 107.

146. Ижтимоий тадқиқотлар журнали / Журнал социальных исследований / Journal of Social Studies 1 / 2020 – стр. 15-25.

147. Исмаилов З. Маҳалла институти: сўнги йилларда нималар ўзгарди? (kun.uz).

148. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 80-94.

149. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 74–75.

150. Каримов И.А. Ватанамизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.159.

151. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар. 10-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.228.

152. Каримов И.А. Камолот- ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

153. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

154. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 163.

155. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Асарлар, 7-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.134.

156. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи. // Халқ сўзи, 2011, 1 сентябрь.

157. Каримов И.А. Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги.// Халқ сўзи, 2015 йил 7 март.

158. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 4.

159. Коммюнике Европейской комиссии к Совету, Европейскому парламенту, Европейскому комитету по экономической и

социальной политике и Комитету регионов «Поддержка полноценного участия молодых людей в сфере образования занятости и обществе». Брюссель. 2007. 5 сент. СОМ (2007) 498. Цит. по: Сборник документов европейской молодежной политики / под ред. А.В. Соколова. М., 2007.

160. Корконосенко С.Г. Основы журналистики: учебник. М., 2001. – С. 287.

161. Кодиров А. Политическая модернизация – фактор демократизации и обновлении общества // Жамиятни демократлаштириш, янгилаш ва ислох қилиш муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 41.

162. Краткий обзор гражданского общества. Узбекистан. Постоянное представительство АБР в Узбекистане. Инвентарный номер публикации: ARM114079, Ноябрь 2011 года. краткий обзор гражданского общества: узбекистан (adb.org). (мурожаат қилинган сана – 22.09.2023).

163. Кризис в сфере занятости молодёжи: Время действовать. Международное бюро труда. Женева, 2012. Электронный доступ ILC101-TRAITEXT-2012-11-0176-Ru (ilo.org) (дата обращения 10.02.2024), с. 1.

164. Қаршибоева В. Томошабинлар жамияти: ТВ ва реал ҳаёт ўртасидаги чегара // Тарбия. – 2010. – 5/33. – Б. 14.

165. Қирғизбоев М. Сиёсий партиялар ва ёшлар: лоқайдлик мавсуми ўтди. 22.06.2018. <https://iqtisodiygazeta.uz/2018/06/22/siesij-partijalar-va-eslar-lo%D2%9Bajdlik-mavsumi-%D1%9Etdi/?l=cir/>

166. Қуранбоев Қ. Ёшларга оид давлат сиёсати: ёшлар билан индивидуал ишлаш тизимини ташкил этиш // “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to‘plami. – Toshkent – 2023. – 11-14 betlar.

167. Қурононов М. Эзгу ғоялар рўёби. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б. 104.

168. Луқмонов В. Соғлом келажагимизнинг муҳим омили // Qashqadaryo, 2009, 20 yanvar.

169. Маткаримова Г., Мўминов А., Тиллабаев М., Хамдамова Ф. Бола ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЖИДУ, 2010. – Б. 289-290.

170. Маткаримова, С. М. Молодежная политика в Республике Узбекистан (на основе лекции первого Президента Республики

Узбекистан Ислама Каримова) / С.М.Маткаримова, Омонбой Маткурбонов. – Текст: непосредственный // Исторические исследования : материалы V Междунар. науч. конф. (г. Самара, март 2017 г.). – Самара: ООО «Издательство АСГАРД», 2017. – С. 1-3. – URL: <https://moluch.ru/conf/hist/archive/242/11622/> (дата обращения: 02.01.2024).

171. Махмудова А.Н., Вафаева Дж.Б. Особенности формирования гражданского общества в Узбекистане / «Science and Education» Scientific Journal / Impact Factor 3.848 (SJIF) January 2023 / Volume 4 Issue 1. – стр. 766-776.

172. Машарипов Б. ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари: халқчил сиёсатга ҳамоҳанг саъй-ҳаракатлар. ННТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ (ngo.uz). 26 январь 2022 йил.

173. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Нашрга тайёрловчилар: О.Салимов, Қ.Қуронбоев, М.Бекмуродов, Л.Тангриев. – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2019. – 160 бет.

174. Мирзо Ғ. Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари. Янги Ўзбекистон газетаси. № 219 (1008), 2023 йил 21 октябрь. – 4-5 бетлар.

175. Молодежь Узбекистана: вызовы и перспективы. Отчёт Представительство Детского Фонда ООН (ЮНИСЕФ) в Узбекистане 2020 г. – Ташкент, 2020. – 152 стр.

176. Моль А. Социодинамика культуры: Пер. с фр. / Предисл. Б. В. Бирюкова. Изд. 3-е. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. – 416 с.

177. Мужчины и женщины Узбекистана. Статистический сборник. – Ташкент, 2007. – Б. 105.

178. Нарбаева Т. Ўзбекистонлик хотин-қизлар илм, маърифатга йўғрилган ислоҳотлар, эзгу ишлар йўлида она Ватан равнақиға муносиб ҳисса қўшмоқда. 18 Март 2020 йил. <https://strategy.uz/index.php?news=879>. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

179. Новейшая история Узбекистана. Учебник для вузов Ташкент: Адабиёт учқунлари, 2018. – С. 126.

180. Носиров Р.А., Темирова С.В. Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши / Uzbek Scholar Journal Volume- 12, Jan., 2023 www.uzbekscholar.com. – 57-65 бетлар.

181. Нуруллоев Ш. Развитие молодежной политики: национальная практика Узбекистана / “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga

oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to’plami. – Toshkent – 2023. – 29-32 betlar.

182. Отамуродова М. Сўз эркинлиги: янги ёндашувларнинг миллий медиаландшафтга интеграциялашуви. 3RR7nw5pjKOcloAKnF5IJazC9uBhUIJP.pdf (uza.uz).

183. Расулова З.А. Ёш авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни / Замоनावий таълим / Современное образование 2021, 6 (103). – 11-17 бетлар.

184. Рахимова К., Абдуллаева А. Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси. – Фарғона, 2006. – Б. 39.

185. Саати Т. Принятие решений: Метод анализа иерархий. М., 1993. – С. 23,131, 278.

186. Сабиров Н. Сиёсий модернизация жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли / Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue – 2 № 3 (2021) – 147-152 бетлар.

187. Сабирова Л. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва уларнинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни (1991-2005 йиллар). Т.ф.н....дисс. – Т.: 2010. – Б. 54.

188. Саидов А. “Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари (insonhuquqlari.uz). Фулом Мирзо суҳбатлашди. «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023 йил 21 октябрь кунги 219 (1008)-сони. – 4-5 бетлар.

189. Саидов И. Хотин-қизлар ҳаётида ҳуқуқнинг ўрни: оила ва ҳуқуқий маданият. <http://www.adolatnashr.uz> 8.03.2015.

190. Саидов С. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар. – 2018 йил 18 октябрь. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар - UzAnalytics Diamond L. “Is the Third Wave Over?” Journal of Democracy, 1996, № 3.

191. Саидов С. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими: ҳолати ва муаммолар - UzAnalytics.

192. Саифназаров И. Баркамол авлодни тарбиялашда сиёсий партияларнинг роли // Баркамол авлодни шакллантириш – маънавий тараққиёт омили. – Тошкент: NISHON-NOSHIR, 2010. - 9 бет.

193. Салихов Э. Этапы становления и развития институтов гражданского общества в Узбекистане. Этапы становления и

развития институтов гражданского общества в Узбекистане – [Turkish Forum \(turkishnews.com\)](http://TurkishForum.turkishnews.com). (мурожаат қилинган сана – 22.09.2023).

194. Саъдуллаев А. Ёшлар билан ишлашнинг янги механизмлари / “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to‘plami. – Toshkent – 2023. – 15-20 betlar.

195. Саъдуллаев А. Жонажон Ўзбекистонимизни янада обод қилайлик! Жонажон Ўзбекистонимизни янада обод қилайлик! (uza.uz).

196. Содикова Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2016. – Б. 52.

197. Соколов А.В. Современные институты молодежной политики в Европе: история становления и развития. / ВЕСТНИК МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ. 2009. № 1 (23). – стр. 84-99.

198. Стратегия государственной молодежной политики в Российской Федерации / Министерство образования и науки Российской Федерации. М., 2006.

199. Субҳонов Н. Келажак олдидаги масъулият: статистик таҳлил ва маълумотлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 23.

200. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Устави. Партия устави | O‘zLiDeP (uzlidep.uz).

201. Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.). Тарих фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 17 б.

202. Тургунова Н. Замонавий ислохотлар шароитида ёшлар манфаатларининг акс этиши / “Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Maqolalar to‘plami. – Toshkent – 2023. – 23-28 betlar.

203. Турманов С. Роль маҳалли в социальных взаимоотношениях / Strategik kuch. Halqaro ilmiy jurnal. - №1, 2022. – 18-26 бетлар.

204. Убайдуллаева Б. Ўзбекларнинг ёш авлод тарбияси борасидаги анъаналари ва замонавийлик. – Тошкент, 2010

205. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси устави (янги таҳрир). Партия устави | «Адолат» СДП (adolat.uz).

206. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV

курултойи (president.uz).

207. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I қисм). – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2017. – Б – 59.

208. Ўзбекистон ННТМА таъсис конференцияси материаллари. 2005 йилнинг 10 июни. ННТМАнинг ташкилий тузилмаси ва вазифалари // “Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси” нинг жорий архиви. – Б. 3;

209. Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йиғилишида нутқ сўзлайди. <https://president.uz/uz/lists/view/4178>. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

210. Ўзбекистон Республикаси “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг жорий архиви (ЎЗР “Камолот” ЁИХ ЖА). “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б. 1.

211. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот // Тошкент ҳақиқати, 2008, 19 июль.

212. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг жорий архиви. 1991-2008 йил маълумотлари. <http://www.stat.uz>

213. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги жорий архиви. [So'rovnomalar - Yoshlar ishlari agentligi \(gov.uz\)](http://so'rovnomalar-yoshlar-ishlari-agentligi.gov.uz).

214. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти жорий архиви маълумотлари.

215. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎЗР МДА). М-13- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 10- варақ.

216. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жорий архиви. 2008 йил ҳисоботлари. – Б. 53.

217. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасининг 1993-2008 йил ҳисоботлари.

218. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устави. [Устав | Ўзбекистон Халқ демократик партияси \(xdp.uz\)](http://ustav.xdp.uz).

219. Ўзбекистон электрон ОАВларидаги мақолаларнинг “Ёшлар интернет-макон кўзгусида” мавзусидаги контент таҳлили. [Ёшлар интернет-макон кўзгусида - IF \(ijtimoiyfikr.uz\)](http://ijtimoiyfikr.uz).

220. [Ўзбекистонда 60 мингдан зиёд волонтер борлиги хақида билармидингиз? \(xabar.uz\)](http://xabar.uz)

221. Ўзбекистонда COVID-19 вирусининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари: маҳалла вакилларининг қарашлари. 2020 йил май-июнь ойларида ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича давлат сиёсати соҳасидаги хулосалар ва тавсиялар. – 8-9 бетлар.

222. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 93.

223. ЎзР “Камолот” ЁИХ ЖА. “Камолот” ЁИХнинг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. – Б.3.

224. ЎзР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 22- varaқ.

225. ЎзР МДА. М-13- фонд, 1- рўйхат, 3- йиғма жилд, 20- varaқ.

226. ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 53- varaқ.

227. ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 64 - varaқ.

228. ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 65 - varaқ.

229. ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 69- varaқ.

230. ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 70 - varaқ.

231. ЎзР МДА. М-26- фонд, 1-рўйхат, 25- йиғма жилд, 71 – varaқ.пм

232. ЎзР МДА. М-66- фонд, 1-рўйхат, 87- йиғма жилд, 107- varaқ.

233. ЎзР МДА. М-7- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 33- varaқ.

234. ЎзР МДА. М-7- фонд, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 43- varaқ.

235. ЎзР МДА. Р-94- фонд, 7-рўйхат, 7002- йиғма жилд, 75- varaқ.

236. Умарова Н. Ёшлар сиёсатини амалга оширишдаги асосий муаммолар. Эксперт фикри. 16 ноябрь, 2016 йил. <https://www.uzanalytics.com/jamiyat/8433/>.

237. Усмонов Н. Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик форуми. / Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик форуми - Халқ сўзи (xs.uz). 13 Июль 2023.

238. Усмонова Н. Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш – доимий эътиборда. https://uza.uz/uz/posts/hotin-qizlar-himoyasi-doimiy-etiborda_270809. (мурожаат қилинган сана 05.05.2022).

239. Ҳакимова И. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими янги босқичга кўтарилади. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими янги босқичга кўтарилади (yuz.uz).

240. Холмирзаев Н.Н. Ижтимоий фаоллик ва унинг даражалари / Scientific progress, Volume 2 | Issue 1 | 2021. – 1545-1548 бетлар

241. Хотамов Ғ. XXI аср: истиқболимиз тимсоллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 188.

242. Хўжагелдиев А. Қорақалпоғистон Республикаси сиёсий институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 137.

243. Шемелин А.В. Молодежные и детские объединения в законодательстве // Молодежная политика. Информационный бюллетень. М., 1998. – № 174-175. – С. 46.

244. Шодмонов А. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши. – Тошкент: –Ўзбекистон, 2011. – 80-бет. (41-44-бетлар).

245. Эргашев Ш.Ш., Зиё А.Х., Қодиров Н.Н. Исторические особенности развития информационных ресурсов Республики Узбекистан (на примере 2000-2019 гг.). / «Вопросы истории» № 1(1), 2022. – С. 223-230.

246. Юнусова М.П. Маҳалла институтининг генезиси ва ривожланиш босқичлари. Маҳалла институтининг генезиси ва ривожланиш босқичлари (uza.uz).

247. Якубов М., Курбонов Э. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари / Tafakkur manzili, 2022 yil sentabr. – 92-98 betlar.

248. Янгиликлар | O'zLiDeP (uzlidep.uz).

Интернет манбалари:

249. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи (president.uz).

250. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси (president.uz).

251. Президент: Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак (president.uz). Ўзбекистон Президенти Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказди (president.uz).

252. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тўғрисида НИЗОМ. <https://aoka.uz/uzb/category/9>. (мурожаат қилинган сана 1505.2023)

253. “TechnoWays” технологик ривожланиш марафонининг 10 та лойиҳаси молиялаштирилди (yuz.uz).

254. “Ёшлар дафтари” – кенг имкониятлар эшиги (yuz.uz).

(муурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

255. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар қандай кўмак олади? (yuz.uz). 28 сентябр 2023 йил. (муурожаат қилинган сана – 9 февраль 2024 йил).

256. “Ёшлар қанотлари” сайлов пайтида партияларга ёрдам берадими? (plov.press)

257. “Камолот” ЁИХ 2014-йил сарҳисоб – 2015-йил истиқболли режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди - Darakchi.

258. “Камолот” ЁИХ 2014-йил сарҳисоб – 2015-йил истиқболли режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди - Darakchi.

259. “Маҳалла еттилиги” ходимларининг касбий билим ва кўникмалари янада ривожлантирилади. “Маҳалла еттилиги” ходимларининг касбий билим ва кўникмалари янада ривожлантирилади (uza.uz).

260. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.02.1991 йилдаги 223-ХII-сон. 223-ХII-сон 15.02.1991. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида (lex.uz).

261. “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун 1991 йил, 20 ноябрь. // Халқ сўзи, 1992, 8 январ.

262. «Микрокредитбанк» тўрт ойда хотин-қизларнинг тадбиркорлиги учун қанча имтиёзли кредит ажратди? https://xabar.uz/iqtisodiyot/mikrokreditbank-tort-oyda-xotin-qizlar.

(муурожаат қилинган сана 10.05.2022).

263. 108-сон 26.02.2021. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

264. 12та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27та фармони, 37та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 76 та қарори. Ёшларга оид норматив ҳужжатлар рўйхати.pdf (gov.uz). Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсати юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати 2023 йил 1 ИЮЛЬ ҳолатига.pdf (gov.uz).

265. 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ (president.uz).

266. A/RES/50/81 13 March 1996. Всемирная программа действий для молодежи до 2000 года и на последующий период. A_RES_50_81-RU.pdf. (муурожаат қилинган сана – 16.01.2024).

267. Kasb-hunarlar platformasi (e-kasb.uz).

268. MT | Partiya Nizomi va Dasturi.
269. Number of female students in higher education organizations.
<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>. (мурожаат қилинган сана 14.05.2022).
270. Бугунжаҳон нодавлат нотижорат ташкилотлари куни муносабати билан ННТлар тақдирланди (ngo.uz). (мурожаат қилинган сана – 10.03.2024).
271. Бухорода Туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форуми бошланди (uza.uz). Бухорода Туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форуми бўлиб ўтмоқда - Халқ сўзи (xs.uz).
272. Ватанпарвар ва доимий изланиш йўлини танлаган ёшлар эртамик эгалари (uza.uz).
273. Волонтёр ким? Бу фаолият давлат томонидан қандай қўллаб-қувватланади? (yuz.uz) (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).
274. Волонтёрлик ҳаракати жамиятда фаол фуқаролар авлодини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади (uza.uz).
275. Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций – Декларации – Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы (un.org).
276. Дунё маданияти бир сахнада – Гулистондаги фестивал ҳақида (xabar.uz)
277. Ёшлар академияси – замонавий билимларга эга илғор ўғил-қизлар маскани (yuz.uz).
278. Ёшлар билан ишлаш тизими бўйича ахборот берилди (president.uz).
279. Ёшлар йили давлат дастури. 2008 йил 29 февраль.
280. Ёшлар муаммоларини маҳаллада ҳал этиш қандай натижа бермоқда? (uza.uz).
281. Ёшлар учун янги имкониятлар белгиланди. Ёшлар учун янги имкониятлар белгиланди (president.uz).
282. Ёшларга оид давлат сиёсати ижроси кўриб чиқилди (president.uz). ПФ-158-сон 11.09.2023. «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида (lex.uz).
283. Ёшларга хорижий тилларни ўрганиши учун 7,2 млн сўмгача субсидия берилади (kun.uz).
284. Жорий йилда 2 минг 199 нафар талаба-ёшларнинг 7,3 миллиард сўмлик шартнома маблағлари тўлаб берилди (uza.uz).
285. Ижтимоий соҳалардаги вазифалар муҳокама қилинди.

Ижтимоий соҳалардаги вазифалар муҳокама қилинди (president.uz).

286. Количество ННО в Узбекистане постоянно увеличивается.//https://kultura.uz/view_2_r_11122.html.

287. Маҳалла тизимини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди (president.uz)

288. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси қошидаги уюшмалар. <https://wcu.uz/uz/associations>. (мурожаат қилинган сана 05.05.2022).

289. Статистика пользователей Интернета в мире и населения за 2023 год. <https://www.internetworldstats.com/stats.htm> (дата обращения: 14.05.2023).

290. Сўз ва матбуот эркинлиги – Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши. 3 декабр 2020. <https://yuz.uz/news/soz-va-matbuot-erkinligi--ozbekiston-siyosatining-ustuvor-yonalishi>.

291. ТОШКЕНТ, САМАРҚАНД ВА БУХОРОДА “ДЕКЛАРАЦИЯЛАР МУЛОҚОТИ” БЎЛИБ ЎТАДИ (uzbekistan.org.ua).

292. Тўрт нафар ўзбек олимига 100 млн сўмдан мукофот пули берилди (kun.uz).

293. Ўзбекистон бошқарув тизимида аёллар улуши 33 фоизга етди. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-boshqaruv-tizimida-ayollar-ulushi-33-foizga-etdi>. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

294. Ўзбекистон ёшлари умумжахон ассоциацияси. Siz bilishingiz kerak (wayu.uz). (мурожаат қилинган сана – 28.01.2024).

295. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ҳақида қисқача маълумот (ngo.uz).

296. Ўзбекистонда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони маълум қилинди. <https://kun.uz/news/2022/01/10/ozbekistonda-internet-xizmatidan-foydalanuvchilar-soni-malum-qilindi>. 2022 йил.

297. Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 31 миллиондан ошди. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/15/internet-users/>.

298. Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони маълум қилинди. <https://kun.uz/news/2022/01/11/ozbekiston-ning-doimiy-aholisi-soni-malum-qilindi>.

299. Усиление кадров социального сектора в Узбекистане (unicef.org). (мурожаат қилинган сана 13.01.2024).

300. Хотин-қизлар учун улкан имкониятлар белгиланди. <https://xs.uz/uzkr/post/khotin-qizlar-uchun-ulkan-imkoniyatlar-belgilandi>. 01 март 2022 йил. (мурожаат қилинган сана 10.05.2022).

Н.Н.ҚОДИРОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ**

МОНОГРАФИЯ

Муҳаррир: М.Талипова
Мусахҳиҳ И.Турсунова
Саҳифаловчи Г.Ибрагимова

Нашриёт лиц. АІ №276 25.02.2024
Босишга рухсат этилди 28.06.2024. Бичими 60x84 1/16
Офсет қоғози. Офсет усулда. Times гарнитураси.
Шартли босма табоғи 000. Нашр ҳисоб табоғи 000.
Адади 100 нусхада. Буюртма № 28-04.

«DIMAL» ОК нашриёти
100071, Тошкент шаҳри, Хувайдо кўчаси, 2А уй

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди
100071, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 6-уй